

1930.2
4
P-36



Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ

СИСТЕМ ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари

Узб. 2
4
P-36

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети


Шавкат РАҲМАТУЛЛАЕВ

СИСТЕМ ТИЛШУНОСЛИК АСОСЛАРИ

Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари
(Магистрантлар учун ўқув қўлланмаси)

28905

17/1



Тошкент
"Университет"
2007

Ўқув қўлланмасида тил қурилиши яхлит тизим сифатида тасвирланган бўлиб, "Кириш", "Биринчи қисм", "Иккинчи қисм"дан иборат. Биринчи қисмда тил қурилишининг асосий бирликлари – товуш, лексема, морфема, лексемашакл, бирикма, гапшакл, фразама хақида маълумот берилди. Иккинчи қисмда эса тил қурилишининг асосий бирликлари орасидаги таркиб топтирувчилик муносабати, аранжировка, синтагматик, ассоциатив ва парадигматик муносабатлар, луғавий бирликларда боғлашув (валентлик), синтактик алоқанинг турлари, синтактик трансформация, синтактик бўлакнинг ифода материали ва синтактик таҳлил каби масалалар баён қилинди.

Қўлланма университет ўзбек филологияси факультети магистратура босқичининг тил гуруҳи талабалари учун ёзилди. Қўлланмадан аспирантлар, изланувчилар, илмий ходимлар ҳам фойдаланади.

Масъул муҳаррир – Ҳамидулла Дадабоев – ЎзМУ умумий тилшунослик кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар – Равшанхўжа Расулов – ПУ умумий тилшунослик кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор.

– Зулхумор Холманова – ЎзМУ умумий тилшунослик кафедрасининг доценти, филология фанлари номзоди.

Тилшунослик тилни ўрганувчи ва ўргатувчи фан соҳаси сифатида узок тарихга эга. Жамият тараққий этиши билан фан ҳам, шу жумладан тилшунослик ҳам тараққий этади, тилнинг моҳиятини, унинг ўзига хос белгилхусусиятларини англаш чуқурлашиб боради, ҳар хил ёндашувлар натижасида тилни тавсиф этишнинг турли йўналишлари юзага келади.

XX асрнинг I ярмида шаклланиб, систем тилшунослик, структур тилшунослик, систем-структур тилшунослик деб аталаётган соҳа – тилшуносликнинг структурализм деб номланган оқими таркибига кирадиган бир йўналиш. Асли бу йўналишни систем тилшунослик деб эмас, балки тилшуносликнинг тил қурилишини бир бутун система (тузум), бир бутун қурилиш (структура) сифатида талқин қиладиган йўналиши деб номлаш тўғрироқ.

Тилшуносликда бундай йўналишнинг юзага келиши Швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр фаолиятига боғланади (1857–1913). Ҳаётлигида етарли қадрланмаган бу олим вафотидан кейин юксак ақл-идрок соҳиби сифатида баҳоланди. Дунёдан жуда ёш (55 ёшида) ўтган бу олимга умрининг охириги йилларида Женева университетида кафедрани бошқариш насиб этган; худди шу йилларда у "Умумий лингвистика курси"ни йил оша уч марта, ҳар гал назарий фикрларини аниқлаштириб, терминларини ҳам тартибга сола бориб ўқиган. Афсуски, у лекциялари матнини ўз қўли билан ёзиб қолдирмаган. Унинг лекцияларини тинглашга биринчи гал олти талаба, иккинчи гал ўн бир талаба, учинчи гал ўн икки талаба ёзилган-у, шулардан бир қисми бошдан охир қатнашган экан. Фердинанд де Соссюр лекцияларини ўзлари тингламаган шогирдлари – Шарль Балли ва Антуан Сеше Ф. де Соссюр лекцияларини тинглаганларнинг конспектларини тўплаб, уларни маълум даражада таҳрир қилиб, ҳатто айрим фикрларни ўзгартириб, қўшиб Ф. де Соссюр номи билан китоб ҳолатида нашр эттирган. Адабиётларда афсус билан таъкидланишича Ф. де Соссюр учинчи гал ўқиган лекцияларининг энг тўлиқ матни – Э.Константин конспектлари китоб чиққанидан кейин топилган.

Юқорида айтилган сабабларга кўра "Курс общей лингвистики" асари¹ тўлиқ маънода оригинал манба деб қаралмайди. Ф. де Соссюр таълимотини чуқурроқ ўрганувчи бу "Курс..."дан кейин бошқа бир манбани – Ф. де Соссюр номи билан чоп этилган "Заметки по общей лингвистики" китобини² ҳам албатта мутолаа қилиши зарур. Бу китобга узук-юлуқ бўлса ҳам Ф. де Соссюрнинг ўз дастхатлари жамланган.

Ф. де Соссюрнинг "Курс..."и француз тилида икки марта (1916-, 1922-йилларда) нашр қилинган, 1928- йилда япон тилига, 1931- йилда немис тилига, 1933- йилда рус тилига, кейин бошқа тилларга таржима қилинган. "Курс..."нинг 1933- йилдаги А.М.Сухотин таржимаси қирқ йилдан ортиқ вақт хизмат қилганидан кейин 1977- йилда А.А.Холодович томонидан янгидан

¹ Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики // Труды по языкознанию. "Прогресс", -М.: 1977, 34 – 269.

² Фердинанд де Соссюр. Заметки по общей лингвистики. "Прогресс", -М.: 1990.

таржима килиниб, олдинги таржимадаги айрим камчиликлар бартараф қилинган ҳолда чоп этилган.

Ф. де Соссюр таълимоти тил ҳодисаларини систем-структур йўсинда тадқиқ этадиган йўналиш сифатида аллақачон маълум бўлган-у, лекин кўпчилик миллий тилшуносликларга, шу жумладан ўзбек тилшунослигига ҳам татбиқ қилинмаган. Ф. де Соссюр таълимотининг айрим жиҳатларини ўзбек тилшунослигига татбиқ этиш XX асрнинг 90- йилларида проф. Ҳамид Неъматов ташаббуси билан бошланди. Проф. Ҳамид Неъматов ўзига шогирдларини шерик қилиб, хатто уларнинг номи билан қуйидаги қўлланмаларни чоп эттирди: 1) Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ, "Ўқитувчи", -Т.: 1993; 2) Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, "Ўқитувчи", -Т.: 1995; 3) Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Курбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. I қисм: Лисоний синтактик қолиплар. Валентлик, "Университет", -Т.:1999; 4) Курбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (Содда гап синтаксиси учун материаллар), -Т.: 2002; Курбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, -Т.: 2004.

Ўзбек тилшуносларини тил қурилишини систем-структур йўналишда кенг тадқиқ этишга чақириб таҳсинга лойиқ. Лекин ўзбек тилшунослигининг олдинги тараққиёт босқичини тилни эмпирик ўрганиш даври, тил ҳодисаларини инвентаризациялаш даври бўлган деб баҳолаш тўғри бўлмади. Аввало, эмпиризм, инвентаризация – ҳар қандай тилшунослик босиб ўтадиган зарурий босқич. Иккинчидан, ўзбек тилшунослигининг олдинги тараққиёт босқичида тилни систем-структур йўсинда ўрганиш бўлмаган деб камситиш адолатдан эмас. Масалан, Айюб Ғуломнинг ўзбек тилшунослиги фани энди шаклланаётган босқичда яратилган "Ўзбек тилида аниқловчилар" монографиясини (ЎзФАН нашриёти, -Т.: 1941) эмпиризм, инвентаризация йўсинида ёзилган дейиш мутлақо мумкин эмас. Ўша йилларда бундай монография бирорта туркий тил бўйича яратилмаган эди. Умуман, ўзбек тили қурилишига система сифатида ёндашиб, айна вақтда ўзбек тилининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёзилган асарлар анчагина. Фақат бу асарларда Ф. де Соссюр номи тилга олинмаган.

Собик Иттифокда республикаларнинг миллий тилшуносликлари асосан рус тилшунослигига суянган ҳолда шаклланди, тараққий этди; лекин буни нуқсон деб баҳолаш тўғри эмас; фақат ноўрин тақлидчиликка берилиб кетиш, айрим фикрларни кўр-кўрона қабул қилиш каби салбий ҳолларни қоралаш лозим. Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги тараққиёт босқичида ҳам юқорида таъкидланган салбий ҳолатлар рўй бериб турибди.


Қуйида тил назариясининг айрим масалалари ҳозирги кунда Ф. де Соссюр таълимотидан, рус ва ғарб тилшунослигидан олиб ўзбек тилшунослигига татбиқ қилинаётган, шунингдек мустақил равишда олға сурилаётган айрим фикр-мулоҳазаларга боғлаб туриб баён қилинди.

БИРИНЧИ ҚИСМ


ТИЛ ҚУРИЛИШИНИНГ АСОСИЙ БИРЛИКЛАРИ

Тил: лисон ва нутк

Ф. де Соссюр таълимотидаги энг муҳим жихатлардан бири – Langage, Langue, Parole ҳодисаларини (тушунчаларини, терминларини) изчил фарқлаш. Рус тилига Langage "речевая деятельность" деб, Langue "язык" деб, Parole "речь" деб таржима қилиниб, қуйидаги чизма билан акс эттирилган:¹



Бу чизма ўзбек тилида илк бор Н.А.Баскаков, А.С.Содиқов, А.А.Абдуазизовлар ёзган "Умумий тилшунослик" дарслигида Ф. де Соссюр таълимотининг тадқиқотчиси Н.А.Слюсарева мақоласига хавола билан қуйидагича акс эттирилган:²



Бу чизманинг русча чизмага нисбатан ижобий томони шуки, Ф. де Соссюр терминлари уларнинг ўзбекча муқобили билан биргаликда келтирилган.

Кўринадики, ўзбек ўқувчиси Ф. де Соссюрнинг ушбу фикри билан 1979-йилда-ёқ таништирилган, лекин бу фикрга етарли эътибор бермай келинган.

Н.А.Слюсарева Ф. де Соссюр ўзи ишлатган французча Langage, Langue, Parole терминларига бошқа тилларда муқобил топиш қийин бўлишини сезганлигини айтади.³ Жумладан, рус тилида *язык* ва *речь* сўзларининг ушбу уч терминдан иккитасига муқобил экани (Langue – тил, Parole – нутк), Langage термини рус тилшунослигида эҳтиётсизлик билан *речевая деятельность* деб номлаб юборилгани, асли *языковая деятельность* деб номлаш тўғрироқ бўлишини алоҳида таъкидлайди.⁴ Унда Ф. де Соссюр учлиги қуйидагича тус олади:

¹ Фердинанд де Соссюр Курс общей лингвистики. 131.

² Баскаков Н. А., Содиқов А. С., Абдуазизов А. А. Умумий тилшунослик "Ўқитувчи", -Т.: 1979, 16.

³ Слюсарева Н. А. О заметках Ф. де Соссюра по общему языкознанию // Фердинанд де Соссюр. Заметки по общему языкознанию, "Прогресс", -М.: 1990. 25.

⁴ Слюсарева Н. А. Юкоридаги манба, 26.

Тил фаолияти (Langage) $\left\{ \begin{array}{l} \text{Тил (Langue)} \\ \text{Нутк (Parole)} \end{array} \right.$

Умумлаштирувчи тушунчани *нутқ фаолияти* деб номласак, *нутқ* хусусий тушунчаси билан дуч келади: "нутқ" "нутқ фаолияти"нинг натижасида юзага келади; "нутқ фаолияти" деганда "тил" камраб олинмайди. В.И.Кодухов асаридаги чизмада¹ "нутқ" билан "нутқ фаолияти" хатто тенг тушунчалар сифатида, "нутқ (нутқ фаолияти)" тарзида акс эттирилган. Асли булар тенг тушунчалар эмас, албатта: "нутқ" "нутқ фаолияти"нинг натижаси, шунга кўра "нутқ фаолияти" "нутқ"дан олдин жой олиши лозим.

Умумлаштирувчи тушунчани *тил фаолияти* деб номласак, *тил* хусусий тушунчаси билан дуч келади: асли "тил фаолияти" "тил"дан фойдаланиш жараёнига тенг; демак, "тил" тушунчаси "тил фаолияти" тушунчасидан кенг, шунга кўра ундан олдин жой олиши лозим.

Хамид Неъматов "Тил ва нутқ" номли ўқув қўлланмасида нутқ фаолиятини уч қисмдан: а) тил, б) сўзлаш қобилияти (тилдан фойдаланиш кўникмаси ва малакаси), в) нутқдан иборат деган фикрга қўшилади.² Буни чизмада қуйидагича акс эттириш мумкин:

Н у т қ ф а о л и я т и		
Тил	Сўзлаш қобилияти (тилдан фойдаланиш кўникмаси ва малакаси)	Нутқ

Ф. де Соссюр учлигига "сўзлаш қобилияти (тилдан фойдаланиш кўникмаси ва малакаси)"нинг киритилгани ўринли эмас. Ф. де Соссюр "нутқ фаолияти"дан ("тил фаолияти"дан) кўра кенгрок тушунчани англатадиган "тил қобилияти" тушунчаси ҳақида ҳам гапирган,³ лекин учлигида бу тушунчадан фойдаланмаган, чунки "тил қобилияти" ("сўзлаш қобилияти") "тил" билан "нутқ" ораллигида жойлашадиган тушунча эмас.

Икки йил кейин нашр қилинган "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" номли қўлланмасида нутқ фаолиятининг "тил – норма (меъёр) – нутқ"ка ажратилиши маъқулланган.⁴ Буни чизмада қуйидагича акс эттириш мумкин:

Н у т қ ф а о л и я т и		
Тил	Норма (меъёр)	Нутқ

Бу таснифнинг муаллифи акад. Л.В.Щерба "тилшуносликнинг ўрганиш предмети" ҳақида гапириб, уни "тил-структура (система) – тил-норма – тил-

¹ Кодухов В. И. Общее языкознание. "Высшая школа", -М.: 1974, 119.

² Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ, "Ўқитувчи", -Т.: 1993, 8.

³ Фердинанд де Соссюр. Юкорида тилга олинган манба, 49.

⁴ Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, "Ўқитувчи", -Т.: 1995, 7.

"нутқ фаолияти" деб таъкидлаган.¹ Буни чизмада куйидагича акс эттириш мумкин:

Тилшуносликнинг ўрганиш предмети		
Тил-структура (система)	Тил-норма	Тил-нутқ фаолияти

Ф. де Соссюр учлигига Л.В.Щерба учлигидаги "тил-норма" қисмини киритиш натижасида бу ходисаларга Ф. де Соссюр берган талқин кескин ўзгариб кетган: "нутқ фаолияти" иккига эмас, учга ажратилган. Ф. де Соссюр "тил" ва "нутқ"ни "нутқ фаолияти"нинг икки кўриниши сифатида қарайди. Хамид Неъматов "нутқ фаолияти"ни умумлаштирувчи тушунча сифатида саклаган; Л.В.Щерба эса "нутқ фаолияти"ни ўзи тавсия қилган учликнинг охириги бўғини сифатида қарайди, демак, Ф. де Соссюр нуктайи назаридаги "нутқ"қа тўғри келади. Кўринадики, "нутқ фаолияти"ни икки хил – кенг ва тор тушуниш мавжуд. Тор тушуниш тўғрироқ, акс ҳолда "нутқ фаолияти"ни "тил"дан юқори кўйиш, "тил"дан кенг деб қараш воқе бўлади. Ваҳоланки "нутқ фаолияти" "тил"дан кейин жой оладиган босқич сифатида баҳолангани тўғри.²

Л.В.Щерба нуктайи назарининг эътиборга лойиқ томони шуки, "тил"ни умумий тушунча сифатида олиб, "структура (система)", "норма", "нутқ фаолияти"ни "тил"нинг уч жиҳати сифатида талқин қилади. Демак, ижтимоий ходисанинг номи сифатида *тил* терминининг ўзини саклайди. Шу асосда куйидагича чизма тузиш мумкин:

Т и л		
Структура (система)	Норма	Нутқ фаолияти

Демак, т и л деганда ижтимоий ходисани бир бутун ҳолда, н у т қ деганда эса ана шу ижтимоий ходисанинг маълум бир ҳолатини тушуниш тўғри. "Нутқ"ни "тил"дан эмас, балки тилнинг нутқ ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳолатидан фарқлаш лозим. Тилнинг ана шундай ҳолатини ўзбек тилшунослигида л и с о н деб номладик. *Лисон*- лексемаси арабча бўлиб, асли 'тил', 'фикрлаш қуроли' маъносини англатади.³ Бу лексемага куйидагича мазмунни бирқитиб тилшунослик термини сифатида фойдаландик:

Лисон – миянинг тил хотираси қисмида тил ходисалари ва улардан фойдаланиш қонун-қоидалари ҳақидаги маълумот тамғаланган рамзлар мажмуаси.

"Норма" дейилганда тил ходисаларидан фойдаланиш қонун-қоидалари тушунилади, демак, "норма" – лисоннинг таркибий қисми; лисондан нутққа лисондаги маълумотлардан фойдаланиш жараёни орқали ўтилади. Буни чизмада куйидагича акс эттириш мумкин:

¹ Қаранг: К о д у х о в В. И. Общее языкознание, -М.: 1974. 121.

² К о д у х о в В. И. Юкоридаги манба. 119.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I, 432.

Т и л		
Лисон	Лисондаги маълумотлардан фойдаланиш жараёни	Нутк

Ҳамид Неъматов "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" қўлланмасида дастлаб тил, нутқ, меъёр (норма) ҳақида қисқа изоҳ бериб, кейин бу изоҳларнинг қисмларини кенг шарҳлаган.¹ Асли тилга (шунингдек меъёрга) берилган изоҳ ва шарҳлар тўлалигича лисонга доир. "Тил"га ва "нутқ"қа қуйидагича изоҳ берилган:

"Тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндиси сифатида қаралади.

Нутқ тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиш, вокеланиш шакли бўлиб, у бевосита кузатишда берилган, моддий (табiiй, физик) шаклга эгадир".²

Тил (асли лисон) билан нутқнинг фарқланишидаги бирламчи, бош мезон деб "бевосита кузатишда берилмаганлик – бевосита кузатишда берилганлик" белгиси таъкидланган.³ Агар "бевосита кузатишда берилмаганлик" нутққа, аниқроғи – ички нутққа ҳам хос эканлигини ҳисобга олсак, бу белги тилгагина хос белги эмаслиги аён бўлади: Ички нутқда (внутреннее проговаривание⁴) ҳам лисонда мавжуд тил ҳодисаларидан ва уларни ишлатиш қонун-қоидаларидан фойдаланилади, фақат товуш қобиғига мурожаат қилинмайди. Худди шундай жараён сўзловчининг ташқи (товушда ифодаланган) нутқини тингловчи қабул қилаётганида ҳам воқе бўлади: Тингловчи, сўзловчининг ташқи нутқини ички нутқ сифатида қайтаради. Бундай ички нутқ ҳам бевосита кузатишда берилмаган бўлади. Қўринадики, тил (асли лисон) билан нутқнинг фарқланишида бирламчи, бош мезон деб таъкидланган бу белги амалда жузъий фарқловчи белги бўлиб чиқади.

Асли тил (лисон) учун бу белгидан кўра "жамият аъзоларининг онгида мавжуд"лик белгисини асосий деб қараш тўғрроқ, чунки "бевосита кузатишда берилмаганлик" – ана шу белгининг оқибати. "Жамият аъзоларининг онгида мавжуд" ифодаси таркибида *жамият*- лексемаси ўринли ишлатилмаган: "шу тилда сўзлашувчи кишиларнинг" дейиш аниқроқ. Бу ифода таркибида *онг*- лексемаси ҳам ўринли ишлатилмаган. Қуйироқда таъкидланган "бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар" (Асли "маълумот" дейиш тўғри) онгда эмас, балки миянинг тил хотираси қисмида мавжуд бўлади. Шунингдек ".. бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги тасаввурлар йиғиндиси" деган ифода ҳам тузатиш ва тўлдиришга муҳтож: 1) "бирликлар" дейиш мавҳум ва старли эмас: "тил

¹ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Юқорида таъкидланган манба, 7-27.

² Юқоридаги манба, 7.

³ Юқоридаги манба, 10.

⁴ Русский язык. Энциклопедия. - М.: 1979, 255.

ходисалари", аниқроғи – "ўзига хос белги-хусусиятларга, кийматга эга тил ходисалари" дейиш лозим; 2) "уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар" демай, "ўзаро маълум муносабатлар ҳосил этувчи тил ходисалари" дейиш маъқул ва б.

Нутққа берилган изоҳда "Нутқ тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиши, воқеланиши" дейилган, асли "лисондан фойдаланиш жараёнининг ҳосиласи" дейиш тўғрироқ. Ички нутқ "бевосита кузатишда берилмаган" бўлиши нутқ ҳам "моддий (физик)" шаклга эга бўлавермаслигини кўрсатади (*табиий* сифатловчиси ҳам ўринли ишлатилмаган); демак, бу белгини таъкидлаш фақат сўзловчининг ташқи нутқига нисбатан ўринли.

Хуллас, т и л – кишиларга фикрлашув, фикрлаш қуроли бўлиб хизмат қиладиган мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг икки ҳолати – лисон ҳолати ва нутқ ҳолати фарқланади. *Лисон* – миянинг тил хотираси қисмида мавжуд, ўзига хос белги-хусусиятларга, кийматга эга, ўзаро маълум муносабатлар ҳосил этувчи тил ходисаларидан ва бу тил ходисаларини ишлатиш қоидаларидан иборат бўлиб, булар миянинг тил хотираси қисмидаги рамзларда тамғаланган бўлади. Нутқ – лисонда мавжуд ана шу рамзлар мажмуасидаги маълумотлардан фойдаланиш жараёнининг ҳосиласи.


В.И.Кодухов асаридаги чизмада тил билан нутқ зид ходисалар (*антиномия*) сифатида эмас, балки иккинчиси биринчиси асосида юзага келадиган ходисалар сифатида тўғри кўрсатилганини алоҳида таъкидлаш лозим: "тил"дан "нутқ"қа стрелка тортилган.¹ Кўринадики, тил ва нутқ оппозицияси (зидланиши) ҳақида гапириш ноўрин. Шунингдек тил билан нутқ дихотомияси ҳақида эмас, балки лисон билан нутқ муносабати ҳақида гапириш ўринли, чунки тил билан нутқ бир бутуннинг икки теш кийматли бўлаклари эмас.

Зотийлик (субстанционаллик) назариясига кўра нутқда фақат лисонда бор имкониятлар намоён бўлади. Халқ мақоли билан айтсак, *Қозонда бори чўмичга чиқади*. Бу – тўғри. Лекин чўмичга чиқиши учун қозонга ниманидир солиш керак-ку. Қозонда (лисонда) "нимадир" нутқ воситасида пайдо бўлади. Чақалок тайёр тил билан (лисон билан) туғилмайди, унинг миясидаги тил хотираси қисми топ-ғоза бўлади. Бола тилни нутқи орқали эгаллайди, лисон унда нутқ орқали юзага келади ва бу лисон кишининг ўлимигача нутқи орқали узлуксиз бойиб туради. Агар биз чизмада фақат лисондан нутққа стрелка тортсак, лисонни зотий деб илоҳийлаштирсак, нутқни камситган, воқеликни бир томонлама баҳолаган бўламиз.

Хуллас, тил ходисалари аввал нутқда юзага келади, кейин улардан мақбуллари лисонда рамз сифатида муҳрланади, ўз навбатида ана шу рамзлардаги маълумотдан фойдаланиб нутқ тузилади. Тилнинг лисон ва нутқ ҳолати зидланиш муносабатида эмас: лисон – имконият, нутқ – ана шу имкониятнинг намоёйиши; лисон – асос, нутқ – ҳосила; айни вақтда лисоннинг бойиб бориши учун нутқ асос; бундай муносабатни оппозиция деб талқин қилиш мумкин эмас.

¹ Кодухов В. И. Юқорида таъкидланган манба, 119.

Юқорида айтилган барча фикр-мулоҳазалар асосида чизмани куйидагича тузиш мумкин:



Тил – лисон – нутқ ўзаро фарқлангани каби *тил бирликлари* – *лисоний бирликлар* – *нутқий бирликлар* ҳам ўзаро фарқланади. Тилга ижтимоий ходиса сифатида мансуб бирликларга *тил бирликлари* дейилади. Лисонга мансуб, яъни миядаги тил хотираси қисмида мавжуд бирликларга *лисоний бирликлар* дейилади. Лисоний бирликларнинг нутқда қатнашадиган ҳолатига *нутқий бирликлар* дейилади. Ҳар бир кишининг миясидаги тил хотираси қисмида лисоний бирликларнинг рамзларидан ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборат маълумот мавжуд бўлиб, киши ўз эҳтиёжига мос ҳолда бу бойликдан фойдаланиб нутқ ҳосил қилади.

Тил бирликларининг адабиётлардаги талқини

Тил бирликлари адабиётларда турлича талқин қилинади. Бу хусусдаги фикрлар тараққиёти асосан куйидагича:

1. 1953- йилда чоп этилган "Рус тили грамматикаси"да ушбу масалага алоҳида эътибор берилган, "Асосий тил бирликлари" сарлавҳаси остида куйидаги ходисалар тубандаги тартибда қисқача изохланган: гап, бирикма, сўз, морфема, бўғин, нутқ товуши ёки фонема.¹ Ушбу академграмматиканинг 1952- йилги нашрида² "Нутқ куйидагиларга бўлинади" дейилиб, юқорида тилга олинган ходисалардан ташқари, гап билан бирикма оралигида синтагма ҳам келтирилган эди, 1953- йил нашрида бу ходиса ҳақида фикр юритилмаган, бир йил оралигида авторларнинг фикри ўзгарган.

Бундан қатъи назар, авторлар нутқдан лисонга томон бориш, бутунни қисмларга ажратиш, яъни анализ йўлини танлаган.

2. А.А.Реформатский "элементы структуры языка" деб тўрт ходисани кўрсатади: 1) нутқ товуши (аниқроғи: фонема), 2) сўз ўзаги (умуман: морфема), 3) сўз, 4) гап³. Олим ўз фикрини ноёб бир мисол билан асослайди: нутқ товушини (фонемани) *(i)* тарзида, шу товушнинг ўзи билан ифодаланган сўз ўзагини (морфемани) *i-* тарзида, сўзни *i* тарзида, гапни эса *l* тарзида ёзиб кўрсатади. Шундан кейин "Больше в языке ничего не бывает и не может быть" деган қатъий фикрни айтади.⁴ Демак, А.А.Реформатский,

¹ Грамматика русского языка. Л. Изд. АН. -М.:1953, 9–12 (Ушбу қисмининг авторлари - Л.В.Щерба ва В.В.Виноградов).

² Грамматика русского языка. I. Изд. АН. -М.: 1952, 8.

³ Реформатский А.А. Введение в языковедение. "Просвещение". -М.: 1967, 28.

⁴ Юқоридаги асар, 29.

"А.А.Реформатский-53"дан фарқли ҳолда, бирикма ва бўғинни тил қурилишининг элементлари деб қарамайди. Олим бирикма ва бўғинни тил элементлари сифатида инкор этмайди: Асарининг 189- – 192- бетларида бўғинни, 325- – 330- бетларида синтагма термини билан атаган ҳолда бирикмани тасвирлаган; лекин бирикмани ва бўғинни тил элементлари тарихига киритмаган. Афсуски, бундай ёндашишнинг сабаблари айтилмаган. Бўғин тил қурилишининг элементи деб қаралмаслигини англаш қийин эмас: Моҳияти жиҳатидан бўғин нутқ товушининг ўзи, ундан алоҳида, фарқли моҳиятга эга эмас. Тўғри, бўғин нутқ товуши билан миқдоран тенг келиши ҳам келмаслиги ҳам мумкин (А.А.Реформатский мисолида бўғин билан нутқ товуши тенг келиб турибди: (i) айни вақтда бўғин ҳам); олим ишлаган элемент терминининг ўзида биринчи бўғин бир товуш билан, иккинчи бўғин икки товуш билан, учинчи бўғин тўрт товуш билан ифодаланган. Бўғин таркибидан неча товуш бўлишидан қатъи назар, улар моҳият жиҳатидан нутқ товушилигича қолади.

Айтилганлар асосида бўғин диққат-эътиборга лойиқ ҳодиса эмас деган ҳулоса чиқармаслик керак. Чунки тиллар (тил оилалари) ўзаро лексемаларнинг, лексемашаклларнинг бўғин тузилишига кўра фарқли белги-хусусиятларга эга. Масалан, туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида, лексеманинг бошланишида (демак, бўғин бошида) икки овоздор, овозли ёки шовқин товуш кетма-кет келмайди; кўп бўғинли лексемаларнинг, лексемашаклларнинг бўғинларга ажратилишида ҳам ўзига хос жиҳатлар мавжуд ва ҳоказо. А.А.Реформатскийнинг нуқтاي назари буларни рад этмайди, фақат бўғин тил қурилишининг элементи статусига эга эмаслигини назарда тутилади.

Бирикмани (синтагмани) тил қурилишининг элементи сифатида қарамаганига А.А.Реформатский танлаган мисол сабаб бўлган деб тушуниш мумкин.

А.А.Реформатский бундай "галати" мисолни тил қурилишининг элементлари орасидаги фарқ миқдорий эмас, балки сифатий эканини очиқ-ойдин намоён этиш учун танлаганини таъкидлайди.¹ Олим ўзи келтирган мисол асосида тил қурилиши элементлари орасидаги миқдорий фарқни инкор этганига қўшилиб бўлмайди. Саналган тўрт ҳодисанинг (i), i-, i, I шаклида ёзиб кўрсатилишида-ёқ улар ўзаро миқдорий фарқларга эга эканлиги тасдиқланиб турибди: i- каби ёзиш билан бу элемент қисмга тенглиги, қандайдир қисм қўшилиши, i каби ёзиш билан бу элемент i-элементига ниманидир қўшиш билан ҳосил бўлиши, бутунга тенглиги таъкидланган. Демак, бу ерда қисм ва бутун муносабати, бошқача айтсак, миқдорий фарқ мавжуд. Хуллас, тил қурилишининг элементлари деб саналган тўрт ҳодиса орасида фарқланиш айни вақтда ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан мавжудлигини тан олиш лозим.

Юқорида тилга олинган икки адабиётни қиёсласак, биринчи манбада нутқдан лисонга борилганини, анализ усули билан иш тутилганини, иккинчи

¹ Реформатский А.А. Юқоридаги асар, 29.

манбада лисондан нутққа борилганини, синтез усулига асосланилганини кўрамиз. Ҳар икки усул ўз ўрнида тўғри, лекин нутқ фаолияти синтезга асосланади, шунга кўра иккинчи манбада танланган усулни бу ўринда устун қўйиш мумкин.

3. Юқорида тасвирланган ҳар икки адабиётда ҳодисалар бирин-кетин саналади ҳолос. Анализга ёки синтезга асосланишдан қатъи назар, ҳодисаларни санаш билан чекланиш етарли эмас. А.И.Смирницкийнинг ёндашуви юқоридаги икки ёндашувдан кескин фарқланади. А.И.Смирницкий асаридида тил ҳодисалари маълум белги-хусусиятларига қараб гуруҳланади. Бу ерда дастлаб товуш (нутқ товуши) бошқа ҳодисалардан ажратилади ва "тилнинг қурилиш бирлиги, тўғрироғи – тил бирликларининг қурилиш бирлиги" деб баҳоланади.¹ Нутқ товуши, фонема тил бирлиги бўла олмаслиги, чунки улар ўзича маъно билдирмаслиги, фақат тил бирликлари учун моддий қобик бўлиб хизмат қилиши таъкидланади.²

Тил бирлиги бўлиш учун эса бундай бирлик, биринчидан, товуш қобигига эга бўлиши ва маълум маънони билдириши, иккинчидан, маълум маъно маълум товуш қобигига тилда (тил хотирасида) биркитилган бўлиши, нутққа тилдан тайёр ҳолда олиб ишлатилиши лозим дейилади.³ Ана шундай бирликлар сифатида А.И.Смирницкий "тилнинг лексик бирликлари" номи билан сўзни ("отдельное слово") ва бундай сўз таркибига қирувчи морфемаларни кўрсатади.⁴ Булардан ташқари, нутққа тузилмай, балки тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган фразеологик бирлик, таркибли термин каби мураккаб қурилишли бирликларни ҳам тил бирликлари қаторига қўйиш лозимлигини айтади.⁵

Сўзларнинг эркин бирикмалари, шу жумладан гаплар тил бирлиги бўла олмаслигини, чунки булар бевосита нутқнинг ўзида юзага келишини алоҳида таъкидлайди.⁶

Сўзни мисол сифатида келтириб, таркибли бирликларда, товуш қобигига эга бирликлардан ташқари, уларни тузиш формулалари ҳам мавжуд бўлиб, бундай формулалар ҳам тил бирлиги деб қаралишини айтади.⁷

Хуллас, А.И.Смирницкий асаридида тил ҳодисалари бирин-кетин саналмай, қуйидагича таснифланган: 1) тил бирликларининг қурилиш бирлиги: нутқ товуши; 2) тил бирликлари: а) сўз, б) айрим морфемалар, в) фразеологик бирлик, таркибли термин, г) формулалар; 3) тил бирликлари бўла олмайдиган ҳодисалар (Нимагадир "нутқ бирлиги" терминини ишлатмаган): сўзларнинг эркин бирикмалари (шу жумладан гап). Демак, А.И.Смирницкий тил қурилишига тузум (система) сифатида ёндашган, тил ҳодисаларини ўзаро алоқада, боғланишда олиб баҳолаган, шу асосда чуқур илмий тасниф яратган.

¹ Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. -М: 1956,14.

² Юқоридаги асар, 13.

³ Юқоридаги асар, 13.

⁴ Юқоридаги асар, 16.

⁵ Юқоридаги асар, 16.

⁶ Юқоридаги асар, 14.

⁷ Юқоридаги асар, 19.

4. В.И.Кодуховнинг фикрича тил бирликларини бажарадиган вазифасига кўра уч турга: номинатив, коммуникатив, қурилиш бирликларига ажратилиш мумкин.

Автор тилнинг асосий номинатив бирлиги деб сўзни келтиради, қавслар ичида бу бирликни лексема деб ҳам номлайди; асарининг 184- бетида эса сўз термини билан лексема термини тенг келавермаслигини, в, бы сўз-у, лекин лексема эмаслигини айтади, лексема термини билан номинатив бирлик тасвирланишини таъкидлайди. Худди шу йилда нашр қилинган "Русский язык. Энциклопедия" китобига ёзган мақоласида, сўздан (лексемадан) ташқари, таркибли номинатив бирликлар ҳам мавжудлигини айтиб, фразеологизм, таркибли термин, таркибли номларни (наименование) ҳам тилга олади ва ҳар бирига мисол келтиради.²

Тилнинг коммуникатив бирлиги деб гапни, унинг синтактик намунасини ("синтаксический образец") айтади.³ "Русский язык" китобидаги мақоласида бу бирликни *gap* термини билан атаб, "гапнинг синтактик намунаси" изоҳини бундай беради эмас, учинчи тур деб ажратган бирликлари – қурилиш бирликлари (структурные единицы) қаторида гап модели деб келтиради.⁴

Тилнинг қурилиш бирликлари деб фонема, морфема, сўз формалари (формы слов), бирикма формалари (формы словосочетаний) ҳодисаларини санайди.⁵ "Русский язык" китобидаги мақоласида нимагадир сўз формасини тушуриб қолдирган, "сўз яшаш моделини" қўшган, "формы словосочетаний" туғрига "модели словосочетаний и предложений"ни берган.⁶ Бир йил аввалда шу қадар кўп ўзгартишларнинг киритилиши авторнинг тил бирликлари ҳақидаги қарашлари ҳали муқимлашмаганидан дарак беради.

Умуман, тил бирликларини бундай уч турга ажратишнинг асослари туғри эмас: номинатив ва коммуникатив бирликлар деб ажратишнинг асоси аниқ айтилмаган; маълумки, бундай номлаш асосида тушунча англатиш ва фикр ифодалаш ётади; демак, номинатив бирлик предикативлик белгисини олиб, коммуникатив бирликка айланиши мумкин. Бунинг устига учинчи тур бирликлар қаторида гап моделининг таъкидланиши "коммуникатив бирлик" деб ажратишни пучайтириб қўяди.

Қурилиш бирликлари деб фонема ва морфеманинг кўрсатилиши туғри; лекин қурилиш бирлиги бўлиш лексемага ҳам хос экани шубҳасиз; буни олимнинг "модели словообразования" деб ажратган бирлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Асли қурилиш бирлиги бўлиб фонема, лексема, морфема хизмат қилади; Моделларни суперсегмент бирликлар сифатида қурилиш бирликлари деб қараш асосли эмас: булар – "тузиш моделлари" холос.

Хуллас, В.И.Кодухов тил бирликларини бир бутун тузум сифатида баҳолашга ҳаракат қилган, лекин таснифлаши ва ҳодисаларни санаши асосли эмас.

² Кодухов В.И. Введение в языкознание. -М: 1979, 105.

³ Русский язык. Энциклопедия. -М: 1979, 80.

⁴ Кодухов В.И. Введение..., 105.

⁵ Русский язык..., 80.

⁶ Кодухов В.И. Введение..., 105.

⁷ Русский язык..., 80.

5. В.М.Солнцев ўзининг "Лингвистический энциклопедический словарь"га ёзган мақоласида ("Советская энциклопедия". -М: 1990, 149, 150) тил бирликларини тил қурилишининг турли вазифа ва маънога эга элементлари деб таърифлаш билан бошлайди. Тил бирликлари материал бирликлар, нисбий-материал ("относительно-материальные") бирликлар ва маъно бирликлари ("единицы значения") деб ўчга гуруҳланишини айтади.

Материал бирликлар доимий товуш қобиғига эга бўлиши таъкидланиб, "фонема, морфема, сўз, гап ва бошқалар" деб саналади. Қўринадики, "материал бирлик" термини "сегмент бирлик" термини ўрнига ишлатилган. Фонема, морфема сегмент ("материал") бирлик экани шубҳасиз, лексин сўз ва гап материал бирликлар сифатида ноаниқ изоҳланган. Булар "нисбий-материал бирликлар" қаторида ҳам тилга олиниб, ўзгарувчан товуш қобиғига эга бўлиши айтилади, бунда сўз, бирикма, гап тузиш модели кўзда тутилиши таъкидланади.

Аввало, тил ҳодисаларини бундай икки хил санашда мутаносиблик йўқ; бирикма фақат иккинчи тур бирликлар қаторида келтирилади. Иккинчидан, айна бир тил ҳодисасининг икки ҳолати бошқа-бошқа, алоҳида тил бирлиги – материал бирлик ва нисбий-материал бирлик деб қаралган, бир тил бирлиги сунбий равишда икки тил бирлигига парчаланган.

Асли нисбий-материал бирлик деб таъкидланган тил ҳодисаларига ўзгарувчан товуш қобиғи хос дейиш нотўғри: булар тузиш моделлари сифатида ўз товуш қобиғига эга эмас, шунинг учун ҳам улар суперсегмент бирликлар дейилади.

Материал бирлик сифатида фонема ва морфема қаторига лексемани ҳам қўйиш лозим; ана шу материал бирликлардан фойдаланиб маълум моделлар асосида ҳосил қилинадиган бирликларни иккиламчи, тузма бирликлар деб баҳолаш тўғри. Барча тил бирликларига лисон ва нутқ дихотомиясига кўра ёндашувда сўз, бирикма, гап бирликларининг лисоний бирлик ва нутқий бирлик ҳолати фарқланади, нутқий ҳолатида булар лексема, морфема билан тўлдирилиб, материал (товуш қобиғи олган) бирлик ҳолатига эга бўлади.

Хуллас, материал бирлик деб лексема ва морфема таъкидланиши лозим; сўз ва гап лексема ва морфема асосида тузиладиган бирликлар сифатида материал бирликлар қаторига киритилмаслиги керак, лисон ва нутқ муносабати асосида бошқача баҳоланиши тўғри.

Алоҳида, учинчи тур сифатида "маъно бирликлари"нинг ажратилгани ўзини оқламайди: маъно (идеал) томони материал бирликларнинг мазмун жиҳатига тенглиги ва бундай тил бирликларидан ташқарида мавжуд бўла олмаслигини В.М.Солнцевнинг ўзи ҳам махсус таъкидлайди. Маъно бирлигининг "масалан, сема" деб таъкидланиши ҳам ноўрин, чунки тил бирлигининг мазмун жиҳати кўпчилик олимлар томонидан семема термини билан номланади, **сема** эса семема таркибидаги маъно узвининг номи сифатида ишлатилади.

Материал бирликлар бир жиҳатли ("односторонние") ва икки жиҳатли ("двусторонние") деб ажратилади; биринчи гуруҳга фонема ва бўғин киритилади. Қўринадики, В.М.Солнцев тил товушини тил бирликлари

бирлиги киритмайди, бирламчи тил бирлиги деб фонемани тушунади. Алоҳида алоҳида тил бирлиги деб келтириши тилшуносликда тан олинган эмас. Бўғин ўз мавқеига эга алоҳида тил бирлиги эмас, балки яқка ёки фонемаларга тенг, сегмент тил бирлигининг талаффуз хусусиятига кўра таркибий қисми.

Айрим ишларда икки жиҳатли тил бирликлари ифода жиҳатининг ўзини келтириб олиб, тил бирлиги деб баҳолашнинг мавжудлигини, бунинг учун махсус терминлар ҳам яратилганини: морфеманинг товуш қобиғи "сонема" деб сўзнинг товуш қобиғи эса "номема" деб номланганини таъкидлайди; айбунинчи бундай ёндашувга ўз муносабатини очик билдирмайди.

Икки жиҳатли тил бирлигининг ифода жиҳатини алоҳида термин билан аташ мумкин, лекин тил бирлигининг узвий қисмини – ифода жиҳатини мураккаб тил бирлиги даражасига кўтариш ўзини оқламайди. Тўғри, тил таркибида тил бирлигининг ифода жиҳати ўз қонун-қоидаси асосида, мазмун жиҳати эса ўз қонун-қоидаси асосида ўзгаради, демак, булар нисбий мураккабликка эга; лекин, барибир, ушбу икки жиҳат биргаликда тил бирлигига тенг бўлишини унутмаслик керак.

Материал бирликларга вариант-инвариантлик хос эканини, айтиб бериш тил бирлиги турли вариантларда – реал талаффуз бирликлари сифатида мавжуд бўлишини, тил бирликларига хос инвариант-вариант ҳолати махсус терминлар билан номланишини айтиди: тил бирликлари инвариант сифатида *лексема*, *морфема*, *лексема* каби терминлар билан, вариантлар сифатида эса *фон*, *аллофон*, *морф*, *алломорф* каби терминлар билан номланишини таъкидлайди; биринчи қатор терминлар "эмик терминлар қатори", иккинчи қатор терминлар эса "этик терминлар қатори" дейилишини ҳам айтиб ўтади. Шу асосда "эмик тил бирликлари", "этик тил бирликлари" деган тушунчани ҳам келтиргани тўғри эмас, чунки шу ернинг ўзида-ёқ эмик ва этик бирликлар тил қурилишининг айтиб бериш босқичига мансуб бўлишини махсус таъкидлайди. Демак, эмик ва этик тил бирликлари йўқ, айтиб бериш тил бирлигининг эмик ва этик ҳолати ҳақида гапириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкиллаш лозимки, мавҳум моҳият деб қаралувчи инвариант тушунчаси ортиқча: вариант борми, демак, инвариант ҳам бор деган мавҳум фикрлаш маҳсули ҳолос.

Асли тил бирлиги сифатида фонема бир кўринишли бўлиши ҳам мумкин, лекин амалда фонема кўп вариантли бўлади, шу вариантлардан бири дастлабги, бош вариант сифатида, қолганлари эса иккиламчи вариант сифатида қаралади, ҳар икки тур вариантлар биргаликда фонемани гавдалантиради. Демак, тил хотирасида фонема одатда вариантлар мажмуи сифатида рамзий ифодага эга, булардан ташқари қандайдир мавҳум инвариант деган рамз йўқ. Шунга кўра фонема деганда унинг аллофонлари (аллофонемалари) тушунилади, аллофонемалар тил хотирасида рамз сифатида мавжуд бўлади; ана шу рамзлар асосида юзага келадиган талаффуз бирлиги фон деб юритилади, демак, аллофонема тил бирлигининг лисоний ҳолатига тенг бўлса, фон нутқий ҳолатига тенг бўлади; аллофонема ва фон бошқа-бошқа бирлик эмас, балки айтиб бериш бирликнинг икки ҳолати ҳолос;

инвариант – тил қурилишига, тил қурилишининг босқичларига, тил бирликларига нисбатан фикция, мавҳум фикрлаш маҳсули.

Мақолада нисбий-материал бирликлар яна бир марта махсус таъкидланиб, булар тузиш намуналари, моделлар сифатида мавжуд бўлиши, шундай моделлар асосида сўз, бирикма, гап тузилиши айтилади. Қўринадики, сўз тузилувчи бирлик деб қаралади; лекин, афсуски, мақоланинг бошланғич қисмида сўз, ҳатто гап ҳам, материал бирликлар қаторига ноўрин киритиб қўйилган; асли материал бирлик сифатида сўзни эмас, лексемани келтириш лозим эди.

Тилшуносликнинг айрим окимларида тил бирлигининг таркибини ички, кичик қисмларга ажратиш, фонеманинг белгиларини фонеманинг қисми сифатида талқин этиш мавжудлиги айтилади; афсуски, бу масалага автор ўз муносабатини очик билдирмайди. Фонеманинг артикуляцион-акустик белгисини фонеманинг қисми сифатида талқин этиш ўзини оқламайди.

Мақоланинг шу ерида бошқа бир ҳодиса – тил бирлигининг мазмун жиҳатини маъно узвларига парчалаб ўрганиш – компонент таҳлил усули ҳам эслатиб ўтилади. Тил бирлигининг мазмун жиҳатини маъно узвларига парчалаб ўрганиш тилшунослик эришган энг мақбул таҳлил усулларидан бири экани фанда узил-кесил тан олинди.

Тил бирликлари нутқ занжирида турлича бирлашиб нутқ бирликларини ҳосил этиши, лекин фонема ва морфема нутқ бирлиги бўла олмаслиги, сўз эса тил бирлиги ҳам, нутқ бирлиги ҳам бўла олиши, бирикма ва гап нутқ бирликлари бўлиши (чунки улар нутқда ҳосил қилиниши) айтилади. Бу ердаги баён тил бирликларига лисоний бирлик ва нутқий бирлик сифатида баҳо беришдан орқага чекинишни, ҳодисаларни фақат тил бирлиги ёки нутқ бирлиги деб баҳолашга қайтишни акс эттиради.

Хуллас, тил бирликларига турли вақтларда турли тилшунослар билдирган ҳар хил нуқтайи назарлар ҳолисона бирма-бир баён қилинган бу салмоқли мақоланинг ўзига яраша ютуқлари бор, шунингдек у айрим камчиликлардан ҳам холи эмас.

6. Ўзбек тилида ёзилган асарларда тил бирликларини баён қилиш камдан кам учрайди. Тил ва нутқ зидланиши асосида тил бирликларини ва нутқ бирликларини гуруҳлаш ва уларни бирма-бир изоҳлаш Ҳамид Неъматов билан Одил Бозоров ёзган "Тил ва нутқ" номли рисолада ўз аксини топди.¹ Бу асарда "коррелят нисбий мустақил бирликлар" изоҳи билан тил бирликлари ва нутқ бирликлари қуйидагича тартибланган:

Тил бирликлари	Нутқ бирликлари
фонема	товуш, фон (харф) бўгин
морфема	аффикс (қўшимча), морф
лексема	сўз (лекс)
конструкция (модель)	сўз форма; сўз бирикмаси; гап; микротекст; макротекст

¹ Неъматов Ҳ., Бозоров О. "Тил ва нутқ. Ўқитувчи" –Т.: 1993. 8.

Жадвалда фонема тил бирлиги (мавҳум бирлик) деб, товуш эса унинг корреляти сифатида нутқ бирлиги деб кўрсатилган. Аслида фонемага коррелят деб авторлар тилга олган фонни айтиш тўғри: Фонеманинг булардан бири бўлувчи ҳолатига фон дейилади. Фон ёнида кавсларга олиб кўрсатилиши ноўрин: харфни ҳеч қим нутқ бирлиги деб кўрсатиш, харф нутқ бирлиги бўлмиш фонни ёзувда ифодалаш воситаси эмас.

Нутқ бирликлари қаторида саналган бўғинга тил бирликлари қаторида ёшқ. демак, бўғинни бу жадвалга киритиш ўринли бўлмаган. Фонетик бирликларни қамраб олишни мақсад қилган бўлса, ушбу урғунни ҳам таъкидлаш лозим эди. Бунга урғунинг носегмент бирлик килиши келиши килган деб ўйласак, масалан, бошқа носегмент бирликлар (биринчи гап) таъкидланган. Хуллас, бўғин фонетик бирлик эканига шубҳа бўлган экан мохиятига кўра уни тил қурилишининг нутқий бирликлари қаторига китириб бўлмайди.

Фонемани тил бирликлари қаторига киритиш тўғри, лекин товушни фонеманинг нутқий корреляти деб кўрсатиш маъқул эмас. Фонемага ҳос деб саналган "унглик, торлик, лабланмаганлик", "ундошлилик, шовқинлилик, шовқинлилик, портловчилик, лабда ҳосил бўлишлик" каби белгилар тил товушига ҳос.¹ Демак, бирламчи тил бирлиги деб асли тил товушларининг кўрсатилиши тўғри, фонема эса тил товушига (артикуляцион-акустик таъкиддан ташқари) вазифа жиҳатидан (функционал жиҳатдан) ёндашувни акс эттиради. Тил бирликларини ўзаро фарқлаб берувчи тил товушларига (товуш тилига) фонема дейилади. Демак, "тил товуши" – бирламчи тушунча, "фонема" – "тил товуши"га нисбатан иккиламчи тушунча; шунга кўра товушни фонеманинг корреляти деб баҳолаш тўғри эмас. Хуллас, тил товушдан бошланади; фонемадан эмас; тил товуши бошқа тил ходисалари учун моддий асос бўлиб хизмат қилади. Тил товуши туб сегмент тил бирликларининг ифода жиҳати вазифасини бажаришига кўра фонемага тенг бўлади.

Жадвал асосида морфемага коррелят деб фақат морфни тан олиш мумкин; аффикс (кўшимча) эса морфеманинг турларидан бири. Демак, бу ерда ҳам тил бирлиги – нутқ бирлиги муносабати нотўғри кўрсатилган.

Жадвалдаги "лексема"га "лекс" коррелят. Лекс нимагадир қавсларга олиб ёзилибди, натижада "лекс" гўё "сўз"нинг бошқача номи деб тушунтириш воқе бўлган. "Сўз"ни "лексема"нинг корреляти дейиш тўғри эмас: Лексема билан сўз бу ерда ишлатилган маъносида ўзаро қисм билан бутун муносабатини акс эттиради. Демак, лексеманинг нутқий корреляти деб лекснинг ўзини таъкидлаш тўғри.

Навбатдаги тил бирлиги "конструкция (модель)" деб номланган ва унинг нутқий корреляти деб сўзформа, сўз бирикмаси, гап, микротекст, макротекст саналган.

Микротекст, макротекст гапларнинг турлича бирлашмасидан иборат,

¹ Нешматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. 12, 8.

28905¹⁷

O'zbek filologiyas
fakul'teti
KUTUBXONASI

демак, булар гапдан фаркли ходисалар эмас, шунга кўра уларни тил бирликларининг нутқий коррелятлари қаторида таъкидлашга ўрин йўқ.

Сўзформа, сўз бирикмаси, гап нутқ бирликлари деб тўғри саналган, лекин буларнинг тил бирликлари коррелятини "конструкция (модель)" дейиш етарли эмас. Чунки, масалан, сўзформа модели сўз бирикмаси моделидан кескин фарк қилади. Демак, тил бирлиги сифагида сўзформа моделини, бирикма моделини, гап моделини алоҳида-алоҳида таъкидлаш лозим ва бошқалар.

Шу рисоладан икки йил кейин нашр қилинган қўлланмасида Х.Неъматов тил бирликлари билан нутқ бирликларининг моҳиятини диалектиканинг умумийлик ва хусусийлик категорияси асосида кенг шарҳлайди, "тилнинг қурилиш (структур) бирлиги" деб фонема, морфема, қолип (конструкция, қурилма, модель) тушунилишини, айрим тадқиқотларда булар қаторига луғавий қатлам бирлиги – лексеманинг ҳам киритилаётганини таъкидлайди, булар ҳақида тушунтириш беради.¹ Ушбу қўлланмада тилнинг ўзига хос асосий бирликлари яна бир марта эслатилиб, нутқнинг ўзига хос асосий бирликлари мавжудлиги айтилади ва ҳеч қандай изоҳсиз қуйидаги ходисалар саналади: товуш (ҳарф) – бўгин – сўз – сўз бирикмаси – гап – қўшма гап – матн.² Афсуски, бу қўлланмада тил бирликларининг (шунингдек нутқ бирликларининг ҳам) моҳияти етарли очилмаган, ҳар бирининг тил қурилишидаги ўрни ва ўзаро муносабати ҳақида гапирилмаган; натижада ўзаро боғлиқ бир бутун қурилишни (структурани) ҳосил этиши ойдинлашмай қолган.

Х.Неъматов қўлланмасида фонема «тил моддий томонининг (субстанциянинг) энг кичик бирлиги бўлиб, алоқа қуроли учун аҳамиятли бўлган фарқловчи фонологик белгиларнинг барқарор йиғиндисидир» деб таърифланади.³ Бу таърифдаги мантикий зиддият очик кўриниб турибди: Таърифнинг биринчи қисмига кўра фонема «тил моддий томонининг энг кичик бирлиги», иккинчи қисмига кўра фонема «фарқловчи фонологик белгилар йиғиндиси». Тилшуносликда тил моддий томонининг энг кичик бирлиги деб тил товуши кўрсатилади, ушбу параграфда эса «товуш» тушунчасидан воз кечилган; лекин «тил моддий томони» дейиш барибир «тилнинг товуш томони» дейиш билан тенг. Демак, фонемага бериладиган таърифда «товуш» тушунчаси албатта қатнашуви лозим. Фонемани таърифлашда «товуш» тушунчасидан воз кечиш тил товушини тил қурилишининг бирлиги деб қарамаслик оқибатида воқе бўлади.

«Алоқа қуроли учун» бирикмашакли «тилнинг» сўзи ўрнига ишлатилган бўлса, фонема тил учун аҳамиятли бўлган фонологик белгиларнинг барқарор йиғиндиси бўлиб чиқади. Кўринадики, субстанциядан (фонемадан) унинг белгилари ажратиб олиниб, шу белгилар йиғиндисининг ўзи фонема деб тақдим этилади. Охир оқибатда фонология фонемалар ҳақидаги фан тармоғи эмас, балки фонологик белгиларни (фонологик оппозицияларнинг ўзини)

¹ Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, 12.

² Юқоридаги манба, 30.

³ Юқоридаги манба, 12.

фонеманинг ўз ички моҳияти билан аниқлашга шу қадар берилиб кетганки, арифметик йўл билан ундошлар «бир юз йигирмата оппозиция билан ўзини ҳисоблаб чиқилган, булардан олтмиш тўққизтаси аниқланган, қолганлари ҳали маълум эмас» дейишгача бориб етилган.¹ Бундай аниқлашдан фонеманинг моҳиятини англаш учун қандай натижа бер деган ҳақли савол туғилади. В.И.Кодухов Ф. де Соссюрнинг тилшунослик муносабатларга ва фарқловчи белгиларга керагидан ортиқ баҳо қилиб қўрилганини ҳақли равишда биртомонламалик деб, салбий ҳолат деб таърифлади.²

Хуллас, тил ҳодисасининг ўз ички моҳиятини ўрганиш ўрнига уларни ўзаро эса қўйиб аниқланадиган белгиларни асосга олиш натижасида фонеманинг маънавий асосига эришиб беришга эришилди. Фонемани туб сегмент тил бирликларининг ифода жиҳати бўлиб кўрсатилган ва шу орқали уларни ўзаро фарқлашга хизмат қиладиган тил бирлиги деб тушунишни ва тушунтиришни тўғри деб биламиз.

XIX асрнинг II ярмигача тил бирликларининг (лексеманинг, морфеманинг) материал (моддий) томони деб тил товушлари таъкидланган, бунда тил товушларининг артикуляцион-акустик белгилари ва ижтимоий маънаси бир бутун ҳолда тушунилган. Демак, тил бирликларининг ифода жиҳати бўлиб келиш ва шу орқали уларни ўзаро фарқлашга хизмат қилиш тил товушига хос деб қаралган.

Тилшунослар тил товуши барча ҳолларда ўз айнанлигини саклашга алоҳида эътибор бериб, тил товушларининг сифатий ва маънавий белгиларида содир бўладиган ўзгаришларни ўрганиб, товуш ўзгариши бир тил бирлиги сақлангани ҳолда ҳам юз беришини аниқлаб, бундай товуш ўзгаришларининг моҳиятини изоҳлаш йўлларини излаган. Фонема тушунчаси ва термини асли ана шундай товуш ҳодисаларини тушунтириш ва баҳолаш учун юзага келган.

Тил товуши асосида юзага келган фонема тушунчаси кейинчалик тил товушидан ажратилди, фонема тил бирлиги, тил товуши эса нутқ бирлиги деган талкин пайдо бўлди. Натижада тил ҳодисаларига тўғри ёндашиш ўрнини тескари изоҳ эгаллади: Тил товуши эмас, фонема бирламчи тил бирлиги деб қараладиган бўлди. Бундай нуктани назар тил товушини конкрет, талаффуз бирлиги деб, фонемани мавҳум бирлик деб қараш натижасида юзага келди.

Тилнинг икки ҳолатини — лисон ва нутқни фарқлаш тил бирликларида ҳам шундай икки ҳолатни фарқлашни тақозо қилади. Шу жиҳатдан тил товушига ҳам лисоний бирлик ва нутқий бирлик сифатида баҳо бериш керак. Тил товуши лисоний бирлик сифатида мавҳум бирлик бўлиб, миядаги тил хотираси қисмида ўзига хос рамз сифатида мавжуд: ана шу рамзда тил товушининг артикуляцион белги-хусусиятлари ҳақида маълумот мавжуд.

¹ Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Ўқитувчи, -Т.: 1990, 16.

² Абдуазизов А. А. Системавий фонологиянинг баъзи масалалари // ЎзМУ хабарлари, 2001, № 3, 10.

³ Кодухов В. И. Общее языкознание, -М.: 1974, 16.

Бирор тил товушини талаффуз қилиш зарурияти туғилса, миядаги тил хотираси қисмига йўналтирилган «кўрсатма» (импульс) асосида у ердаги маълумотга биноан товуш ҳосил қилиш аъзолари ҳаракатга келиб, талаб қилинаётган товушни айтиш учун зарур ҳолатни эғаллайди ва ўпқадан зарб билан чиқарилган ҳаво оқими ана шу ҳолатга биноан товуш сифатида шаклланади. Ана шундай жараённинг натижасида юзага келган талаффуз бирлиги нутқий бирлик бўлади. Демак, абстракт (мавхум) ва конкрет (аниқ) ҳолатда бўлиш асли тил товушига хос.

Кўринадики, фонемани бирламчи, тил товушини иккиламчи, фонемани мавхум бирлик, тил товушини аниқ бирлик (нутқий бирлик) дейиш, тил қурилишига хос бирлик сифатида фонемани кўрсатиб, тил товушини нутққа хос бирлик дейиш товуш билан фонема орасидаги муносабатни бузиб тушунтириш бўлади.

Фонологиянинг ўрганиш объектини белгилаш ҳам мунозарали деб қаралиши лозим. Фонетикада тил товушларининг артикуляцион-акустик (физик) белги-хусусиятлари ўрганилса, фонологияда ижтимоий вазифаси (тил бирликларига ифода жиҳати бўлиб келиши) ўрганилади. Фонология билимининг кейинги тараққиёт босқичида тил товушини фонема сифатида ўрганиш ўрнини товушларни артикуляцион белгилари асосида сўзлар таркибида «зид» қўйиш билан шуғулланиш эғаллади. Натижада фонема тил товушининг ўзи эмас, балки тил товушининг маънони фарқлашга хизмат қилувчи белгиси дейиладиган бўлди.

Аввало, фонема маъно фарқламайди, маъноли бирликларнинг – тил бирликларининг ифода жиҳатини фарқлайди: маъно фонемага эмас, ифода жиҳати фонема билан фарқланадиган тил бирлигига хос.

Иккинчидан, фарқловчи фонологик белгиларни (фонологик оппозицияларни) аниқлашга ўта даражада берилиб кетиш фонема «ижтимоий қийматга эга тил бирлиги» тушунчасини «фонологик қийматга эга оппозициялар йиғиндиси» деган тушунча билан алмаштиришга олиб келди.

А.А.Абдуазизов ўринли таъкидлаганидек, айрим тил товушларини қарама-қарши қўйиш мумкин бўлган икки сўз (жуфтлик) тилда бўлмаслиги ҳам мумкин.¹ Бундан қатъи назар, тил бирлигининг ўзини эмас, балки унга хос маълум бир белгини бошқа бир тил бирлигидаги белгига зидлаб аниқланган оппозицияларнинг ўзини фонема дейиш фонемани муаллак тушунтириш бўлади. Охир оқибат фонологик қийматга эга оппозицияларни мавхум тарзда ўзаро зидлашга ўтилиб, арифметик ҳисоблаш йўли билан фонологик оппозициялар миқдорини санаб чиқишгача борилади. Шундай йўл билан аниқланган ёки ҳали аниқланмаган оппозициялар билан фонеманинг моҳиятини очиб бўлмайди.

Хуллас, фонология (Асли *фонемика* деб номлаш тўғрирок) – фонемаларни ўрганувчи соҳа; ҳар бир тил, ўзига хос товушлар тизимига эга бўлиш билан бирга, ўзига хос фонемалар тизимига ҳам эга; тил товуши – бирламчи, фонема – иккиламчи.

¹ Баскаков Н. А., Содиқов А. С., Абдуазизов А. А. Умумий тилшунослик. -Т.: 1976, 24.

Фонемалар дастлаб товуш таркиби бир товушига кўра фаркланадиган қиёслаб белгиланар эди. Масалан, *бош-* ва *беш-* лексемалари иккинчи товуши билан, *бош-* ва *тош-* лексемалари *тош-* товуши билан, *бош-* ва *бол-* лексемалари охиридаги товуши билан фарқланади. Агар ифода жихати уч товушли лексемаларни фақат бир товуш билан қиёслаб, бошқа товушларини қиёсламасак (масалан, *бош* – *тош* – *бол* билан чеклансак), бу сўзлар таркибидаги фаркли икки товушни-ни фонема деб таъкидлаш воқе бўлади: Нотўғри тушунишнинг олдини олиш учун бундай уч товушли лексемалар таркибидаги ҳар бир товушни бошқа ҳар бир товуш билан қиёслаб кўрсатиш зарур.

Фонема дастлаб юқоридагича қиёслаш йўли билан ажратилган. Қиёслаб эса қиёсланаётган товушларнинг белги-хусусиятлари ҳисобга олинмай, улар учун умумий белгилар назардан соқит қилинса, фақат фаркланувчи белги ҳисобга олинадиган бўлди, қиёсланаётган *тош* товуш фақат шу фаркли белгисига кўра фонема дейиладиган, фақат шу фарқловчи белги фонологик (фонематик) қийматга эга дейиладиган бўлди.

Фонемани ҳар гал тил товушига хос хусусиятлардан бири асосида белгиланган етарли эмаслиги аниқ, чунки бир товушнинг фаркли белгиси асосда зидланувчи жуфт лексемаларнинг маълум қисмида бир белги, қолган қисмида эса бошқа белги фарқловчи белги бўлиши мумкин. Масалан, *тол-* – *тол-* жуфтлигида *т* ва *с* товушлари «портловчи-сирғалувчи»лик белгиси билан фаркланади, «тил олди»лик, «овозсиз»лик белгиси бу товушлар учун *туғри*; шунга кўра бу жуфтликда фонологик қийматга эга деб ана шу фаркли белги олинади ва шу асосида *т* ва *с* товушлари фонема дейилади.

Худди шундай белги асосида фаркланиш д-з товушларига ҳам хос бўлади. *дол-* – *зол-* жуфтлигида намоён бўлади. Кўринадики, фақат «портловчи-сирғалувчи»лик белгисининг ўзи *т*, *с*, *д*, *з* товушларини алоҳида-алоҳида фонема дейиш учун етарли эмас, бу товушларнинг бошқа белгиси намоён бўладиган жуфтликни ҳам аниқлаш, ҳисобга олиш лозим. Масалан, *тол-* – *дол-* жуфтлигида «овозли-овозсиз»лик – фарқловчи белги, бошқа белгилар бир хил. Демак, бу оппозицияда *т* фонемасининг иккинчи белгиси – «овозсиз»лиги фарқловчи белги бўлади: *тол-* – *чол-* жуфтлигида эса *т* фонемасининг яна бир белгиси – «сода таркибли»лик намоён бўлади, бу белги коришиқ *ч* фонемасига зидлаш асосида аниқланади ва бошқалар.

Ҳар гал турли жуфтликларда намоён бўладиган бу зидланувчи белгилар – *т* фонемасининг табиатига хос белгилар: Бу фонема тил бирлигининг ифода жихати бўлиш вазифасини шу белгиларининг барчаси катнашган ҳолда бажаради.

Тилдаги барча фонемаларни тил товушларига хос белги-хусусиятлар асосида бир-бирига қарама-қарши қўйиб фонологик оппозицияларни аниқлаш, айниқса бундай оппозицияларнинг микдорини олдиндан ҳисоблаб чиқиш «оппозиция оппозиция учун» қабилдаги амалга айланттирилган, шу йўлдан бориб жуда мураккаб фонологик оппозициялар таснифи ҳам ишлаб

чикилган.¹ (Фонема ва аллофонемалар ҳақида “Сегмент тил бирликларида фонетик-фонологик муносабатлар” сарлавҳаси остида гапирилади).

Асосий тил бирликларининг умумий таснифи

Тил қурилишининг асосий бирликлари адабиётларда турлича баён қилингани, турлича саналгани билан танишдик. Ҳодисаларни санаш уларнинг моҳияти ҳақида етарли маълумот бермайди; таснифлаш орқалигина айрим жиҳатларини англаш мумкин.

Асосий тил бирликларини таснифлашдаги энг кенг қўламли белгилар – уларнинг бир ёки икки жиҳатли эканлиги бўлиб, шу нуқтайи назардан иккига гуруҳланади:

I. Бир жиҳатли – фақат ифода жиҳатига тенг бирликлар: *товуш, фонема*.

II. Икки жиҳатли – ифода жиҳати билан мазмун жиҳатининг бир бутунлигига тенг бирликлар. Булар ўз навбатида сегмент бирликлар ва носегмент бирликлар деб иккига гуруҳланади:

A. Сегмент тил бирликлари – ўзига биркитилган товуш ифода жиҳатига эга бирликлар.

B. Носегмент тил бирликлари – ўзига муқим биркитилган товуш ифода жиҳати йўқ бирликлар.

Сегмент тил бирликлари икки турли:

1. Номинатив ва сигнификатив вазифаларни бажарадиган бирликлар – луғавий бирликлар: *лексема* ва *фразама*.

2. Фақат сигнификатив вазифа бажарадиган бирлик: *морфема*.


Носегмент тил бирликлари тузма тил бирликлари бўлиб, мианинг тил хотираси қисмида тамғаланган формулага тенг бўлади. Булар – асли синтактик бирликлар; улар орасида номинатив вазифа бажарадиган бирлик – **биризма** ажралиб туради. Бошқа синтактик бирликлар яна иккига гуруҳланади.

1) Нопредикатив бирликлар: *тусловчисиз лексемашакл, тусловчисиз бирикмашакл*;

2) Предикатив бирликлар: *туловчили лексемашакл, туловчили бирикмашакл*. Булар – потенциал предикатив бирликлар. Том маънодаги предикатив бирлик деб *гапшаклга* айтилади.

Юқоридаги таснифни чизмада қуйидагича акс эттириш мумкин:

¹ Юқоридаги манба. 41 – 55.



ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Тилнинг бир жиҳатли бирликлари (товуш, фонема)

Бирламчи туб сегмент тил бирликларига (Булар ўз ўрнида баён қилинади) ифода жиҳати – қурилиш ашёси бўлиб хизмат қиладиган бирликларга бир жиҳатли тил бирликлари дейилади. Бундай вазифани тил товушлари ва уларга асосланадиган фонемалар бажаради.

Инсон тили асосини товуш ташкил қилади: Тилда бор ҳодисалар асосан товушларда намоён бўлади. Тил товуши туб сегмент тил бирликларининг ифода жиҳати – қурилиш ашёси дейилади.

Тил товушининг лисоний бирлик ва нутқий бирлик ҳолатини фарқлаш лозим. Тил товуши лисоний бирлик ҳолатида миядаги тил хотираси қисмида маълум бир рамз сифатида акс этади. Ана шу рамзда тил товушига хос белгилар хусуситлар ҳақида маълумот бўлади. Масалан, у товуши ҳақида "овоздан иборат", "оғиз бўшлиғи тор ҳолатда", "товуш ҳосил бўлиш оралиғи тил сатҳининг орқа қисмида", "лаблар актив қатнашади" каби маълумот бор. Инсон фаолиятини, шу жумладан тил фаолиятини ҳам бошқарадиган мия марказидан у товушини айтиш ҳақида "кўрсатма" (импульс) берилса, шу товушнинг рамзида мужассамлашган маълумотга биноан товуш ҳосил қилиш аъзолари ҳаракатга келиб, кўрсатмага биноан маълум ҳолат эгаллайди ва ўпкадан зарб билан чиқаётган ҳаво маълум нутқ товуши сифатида, нутқий бирлик сифатида намоён бўлади.

Тил хотирасида шу тилдаги барча тил товушларининг рамзи бўлади, бу рамзлар шу тилдаги товушларнинг артикуляцион базасини (нутқ аъзоларини товуш ҳосил қилишга жалб этиш кўникмалари йиғиндисини) ташкил қилади. Бошқа тилга мансуб тил бирлиги сифатида учрайдиган бегона товушнинг нотўғри талаффуз қилиниши бундай товуш учун тил хотираси қисмида махсус рамзнинг йўқлиги билан изоҳланади; Бундай товуш учун тил хотирасида рамз пайдо бўлса, шундан кейин бу товушни тўғри талаффуз қилишга эришилади. Масалан, ўзбек тилига туркий тил сифатида сирғалувчи ж товуши хос бўлмаган, эроний тил эгалари билан узоқ муддат бирга яшаш, доимий мулоқотда бўлиш натижасида бу товуш аждр-, мужда-, гижда- каби тил бирликлари таркибида ўзбек тилига қабул қилинган, натижада бу товуш учун тил хотираси қисмида алоҳида рамз пайдо бўлган.

Товушлар тил хотирасида ўзича эмас, балки тил бирликларига бириктирилган ҳолда мавжуд бўлади. Тил бирлиги икки жиҳатнинг: ифода жиҳатининг (план выражения) ва мазмун жиҳатининг (план содержания) бир бутунлигидан иборат. Тил товуши ана шундай тил бирлигининг ифода жиҳати бўлиб хизмат қилади. Масалан, ўзбек тилидаги қўл- тил бирлигининг ифода жиҳати бўлиб к, ў, л товушларининг шундай тартибда жойлашган тизмаси хизмат қилади.

Ифода жиҳатининг ўзи ҳали тил бирлиги эмас, у тил бирлигининг факат бир жиҳати. Тил бирлиги бўлиш учун маълум ифода жиҳатига маълум бир

норматив жихати биркитилиши ва бу биркитилиш тил хотирасида рамз сифатида акс этиши лозим. Юкорида келтирилган қ, ў, л (қўл) товушлари вазифасига "гавданинг елкадан ажралиб, бармоқ учигача давом этадиган қисми" мазмуни биркитилганидан кейин қўл- товушлари тизмаси тил хотирасига айланади.

Демак, тил товуши тил бирликларининг фақат ифода жихати бўлиб ҳизмат қилади, унга мазмун жихати хос эмас.

Тил товушига уч хил: артикуляцияси, акустикаси ва вазифасига кўра баҳо берилади. Товушнинг акустик хусусиятлари асли артикуляцион хусусиятларига боғлиқ, шунга кўра буларни бирлаштириб, артикуляцион-акустик хусусиятлар ҳақида гапирилади. Бундай хусусиятлар физик-физиологик хусусиятлар деб ҳам юритилади. Тил товушининг артикуляцион хусусиятлари ҳақидаги маълумот миянинг тил хотираси қисмида акс этган дамларда мавжуд бўлади.

Тил товушларига вазифасига кўра баҳо бериш билан фонема назарияси баҳо келди. Фонема ҳам тил товуши, лекин ҳар қандай товуш фонемага тенг бўлавермайди. Тил товуши ўз белги-хусусиятларини қисман ўзгартириб, бошқа кўринишда намоён бўлиши мумкин. Масалан, уйқу- бирлиги хотирасидаги товуш анъанага биноан у харфи билан ёзилади, амалиётда эса бу эса у товушидан кўра и товушини айтиш кўп учрайди. Демак, уйқу- бирлиги охиридаги у товуши и товуши тарзида ҳам талаффуз қилинади. Бу эса икки хил товуш талаффуз қилинишига қарамай тил бирлиги айнан кўрилади, бошқа тил бирлиги бўлиб қолмайди. Кўринадики, бу тил бирлигининг тил хотирасидаги рамзи таркибида унинг охиридаги товуш икки хил у ва и товушлари тарзида талаффуз қилиниши ҳақида маълумот бор.

Ўзбек тилида у товуши ва и товуши айрим-айрим бирликка, тил бирликларининг ифода жихати бўлиб хизмат қилувчи айрим-айрим фонемага тенг (бур-, бир- бирликларида бўлгани каби); шу билан бирга уйқу-, уйқи- бирлигида бу икки товуш айна бир фонеманинг икки кўриниши сифатида намоён бўлаётгани ҳам шубҳасиз.

Бир фонеманинг кўринишлари сифатида намоён бўладиган бундай икки ва ундан ортиқ товуш шу фонеманинг аллофонемалари дейилади (Адабиётларда аллофон термини ишлатилади). Тил хотирасидаги рамзда фонеманинг қандай аллофонемага эгаллиги ҳақида ҳам маълумот бўлади.

Агар фонема аллофонемаларга эга бўлмаса, нутқда фонеманинг ўзи, агар фонема аллофонемаларга эга бўлса, шу аллофонемалардан бири реаллашади. Фонеманинг (аллофонеманинг) нутқда реаллашган ҳолати фон деб юритилади. Фонема, унинг аллофонемалари лисоний бирлик, фон эса нутқий бирлик дейилади.

Фонема тил товуши каби бир жихатли – фақат ифода жихатининг ўзига тенг бўлиб, туб сегмент тил бирлигининг ифода жихати учун қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Демак, фонема – тил бирлигининг ифода жихати бўлиб келадиган ва шу вазифаси билан тил бирликларини ўзаро фарқлашга хизмат қиладиган тил товуши (тил товушлари занжири).

Масалан, ҳозирги ўзбек тилида д товуши билан ифодаланадиган фонема

(дала- бирлигидаги каби) ва т товуши билан ифодаланадиган фонема (тун- бирлигидаги каби) мавжуд. Шу билан бирга т товуши д товушининг позицион кўриниши сифатида намоён бўлиши ҳам мавжуд: **обод - обот** (лекин **ободончилик**) каби. Бу мисолда д фонемасининг аллофонемалари деб д ва т товушларини кўрсатиш керак. Демак, д фонемасининг маълум позицияда (бу ерда - тил бирлигининг охирида) овозлилик хусусиятини йўқатиб, овозсиз т товуши билан ифодаланиши мумкинлиги ҳақидаги маълумот д фонемасининг тил хотирасидаги рамзида бор.

Асли фонема назарияси тил товушлари доим ўз айнанлигини сақламадлиги, турли-туман ўзгаришларга учраши, лекин ҳар қандай товуш ўзгариши тил бирлигининг ўзгаришига олиб келавермаслигини таъкидлаш учун яратилган.

Адабиётларда дастлаб товуш, нутқ товуши таъкидланиб, шунинг ёнида "ёки фонема", "аникроғи – фонема" каби қўшимча изоҳлар берилган бўлса, кейинчалик тил бирликлари қаторида фақат фонема кўрсатилиб, тил товуши бу қатордан тушириб қолдириладиган бўлди.

Тил товуши ҳам, фонема ҳам бир жиҳатли бирлик: тил бирликларининг ифода жиҳати бўлиб хизмат қилади. Бундай вазифа фонемага олиб берилганига қарамай, тил товуши тил қурилишининг бирламчи бирлиги экани йўққа чиқмайди. Бундан ташқари, тил товуши асосида воқе бўладиган бўғинни ҳисобга олсак, тил товушини алоҳида тил бирлиги деб қараш асосли экани кўринади (Урғу ходисаси ҳам тил товуши асосида воқе бўлади).

Тил товуши доим сегмент бирлик сифатида намоён бўлса, фонема айрим ҳолларда ноль кўрсаткичли бўлиши мумкин. Масалан, **сингил-** бирлигининг ифода жиҳати беш фонемадан иборат; худди шу бирликка нисбатловчи қўшилса, иккинчи бўғиндаги и товуши талаффуз қилинмайди; шундай ҳолатларда фонема йўқалмайди, балки ноль кўрсаткичли ҳолатга ўтади дейилади; бундай бирликнинг фонемалар таркиби **с-и-нг-Ø-л** шаклида ёзиб кўрсатилади; шунга кўра бу ерда и фонемасининг ноль кўрсаткичли аллофонемаси ҳақида гапирилади.

Товуш билан фонема орасидаги яна бир фарқ – лексемашакл таркибида унинг маъноли қисмларини талаффуз жиҳатидан туташтириш учун орттириладиган товушда намоён бўлади: *она + миз*, лекин *иш + и + миз* каби: *иш-* + ва *-миз* оралиғидаги и товуши бу қисмларнинг ифода жиҳатига мансуб эмас, демак, фонема эмас.

Хуллас, тил бирликларининг қурилиш ашёси сифатида тил товушлари мавжуд, уларни туб сегмент тил бирликларининг қурилиш ашёлари сифатида ажратиш керак; тил товуши лисоний бирлик сифатида тил хотирасидаги рамзга, нуткий бирлик сифатида эса талаффуз бирлигига тенг. Фонема – тил бирликларига ифода жиҳати бўлиб келиши орқали уларни ўзаро фарқлайдиган тил бирлиги.

Тилнинг икки жиҳатли бирликлари

А. Сегмент тил бирликлари

Сегмент бирликлар номинатив ва сигнификатив вазифа бажарадиган ва сигнификатив вазифа бажарадиган бирликлар деб ажратилади.

Биринчи тур бирликлар умумлаштириб луғавий бирликлар дейилиб, ўз лексема ва фразема деб ажратилади. Сигнификатив бирлик деб айтилади. Тил бирликлари тизимида аввал лексема, кейин фразема ўрганилади, ҳар иккиси бирламчи сегмент тил бирликлари бўлади.

Тилшунослик тараққиётининг маълум босқичида бирламчи тил бирликлари умумлаштирилиб *морфема* термини билан номланар эди, кейинчалик *морфема* терминини грамматик маъно ифодалайдиган бирламчининг номи сифатида ишлатиб, лексик бирликни *лексема* деб номлашга бошланди. Бу икки бирламчи тил бирлигидан лексема – асосий, етакчи бирлик, фразема эса лексемага қўшиладиган бирлик.

1. Лексема ҳақида

Тил бирлиги сифатида лексема ифода ва мазмун жиҳатларининг бир бирлигидан иборат. Туб деб қаралувчи лексемаларда уларнинг ифода сифати бўлиб фонемалар хизмат қилади. Маълум товуш (ёки товушлар) лексема лексеманинг ифода жиҳати бўлиб бириктирилгани учун лексема сифат тил бирлиги дейилади.

Лексема таркибига кўра туб, ясама, қўшма, жуфт бўлади. Масалан, *қўл-туб* лексема бўлиб, унинг ифода жиҳати вазифасини *к, ў, л* фонемаларининг тартибдаги тизмаси бажаради; бу фонемалар тизмасига киши таркибидagi маълум бир қисмнинг номи бўлиш ва маълум бир маънони билдириш бириктирилган.

Тил хотираси марказида ҳар бир лексеманинг лисоний бирлик сифатида туб рамзи бўлади, ана шу рамз асосида лексема нутқда талаффуз бирлиги сифатида намоён бўлади. Шунга кўра бу тил бирлиги лисоний бирлик сифатида *лексема* деб, нутқий бирлик ҳолатида *лекс* деб юритилади.

Тил бирлиги сифатида лексеманинг ифода жиҳати бир неча кўринишда намоён бўлиши мумкин. Масалан, *уйқу-* – *уйқи-*, *обод-* – *обот-*, *сингил-* – *сингал-* мисолларида *у, д, и* фонемаларининг *у – и, д – т, и – Ø* аллофонемалари асли ушбу лексемалар таркибиде воқе бўлади; демак, аллофонемалар шу тартибдаги товуш ўзгаришлари қоидаларига биноан маълум тил бирлигига боғлиқ ҳолда юзага келади.

Лексема туб бўлса, шунда унинг ифода жиҳати бўлиб фонема хизмат қилади. Агар лексема ҳосила бирлик бўлса, ифода жиҳати сифатида уни таркиб топтирувчи тил бирликлари хизмат қилади. Ана шу таркиб топтирувчилар туб бўлса, уларнинг ифода жиҳати бўлиб фонема хизмат қилади. Масалан, *қўлла-* лексемаси ҳосила (ясама) бирлик бўлиб, *қўл-* ва *-ла* тил бирликларидан таркиб топган; бу бирликларнинг ифода жиҳати бўлиб фонемалар хизмат қилган.

Лексеманинг мазмун жиҳатида икки ҳодиса фарқланади: маълум бир воқеликни номлаши (номинатив вазифа бажариши) ва маълум бир маънони англатиши (сигнификатив вазифа бажариши). Шунга кўра лексема номинатив ва сигнификатив вазифа бажарадиган бирламчи сегмент тил бирлиги дейилади.

Лексеманинг мазмун жиҳати анча мураккаб бўлиб, унинг асосини лексик маъно ташкил қилади. Лексик маънонинг узвларига идеографик семалар дейилади. Лексик маънонинг таркибида туркумлик семаси ҳам қатнашади. Лексик маънони қурлаб турувчи бетараф, ижобий ёки салбий баҳо семаси ҳам мавжуд бўлади ва б. Агар лексема бир лексик маъноли бўлса, юқорида таъкидланган мураккаб мазмун жиҳати лексемага, агар лексема кўп маъноли бўлса, унинг ҳар бир лексик маъносига хос бўлади. Ана шундай мазмун жиҳатига эга ҳар бир лексик маънони ўзича мустақил тил бирлиги деб қараш, *семема* термини билан асли шундай тил бирлигининг номлаш тўғри. Чунки кўп маъноли лексеманинг лексик маънолари, юқорида таъкидланган хусусиятлардан ташқари, лексема яшашда ҳам, синонимик, антонимик муносабатга киришишда ҳам, услубий биркитилишда ҳам, ҳатто грамматик табиатида ҳам ўзаро фарқланади. Хуллас, лексема бир лексик маъноли бўлса (моносемем бўлса), у битта тил бирлигига тенг; агар кўп маъноли бўлса (полисемем бўлса), ҳар бир лексик маънони (семемани) алоҳида тил бирлигига тенг деб қараш лозим.¹

Адабиётларда лексеманинг мазмун жиҳати *семема* деб юритилади. Лексема моносемем бўлса, унинг мазмун жиҳати семемага тенг бўлади; агар полисемем бўлса, бир неча семемадан иборат бўлади. Ҳар бир семема асосида бир тушунчани англатиш ётади, бир семема бир неча тушунчани англатади дейиш тўғри эмас.²

Семема таркибида ажратиладиган маъно узвлари сема деб аталиши маълум. Семалар компонент таҳлил усули билан ҳар бир семеманинг ўзи доирасида аниқланади. Бундай семалар ўз моҳиятига кўра номлаш (аташ) семаси (денотатив сема), баҳо (ифода) семаси (коннотатив сема) каби турларга ажратилади. Бирлаштирувчи (интеграл) ва фарқловчи (дифференциал) деб номланаётган семалар семемаларнинг семалар таркибига хос алоҳида сема турлари эмас,³ балки лексемаларни (семемаларни) ўзаро қиёслаш натижасида аниқландиган нисбий тушунчалар.

"Тил ва нутқ" номли рисолада лексема тил бирликлари каторига морфемадан айрим ҳолатда киритилган,⁴ икки йил кейин чоп этилган ўқув қўлланмасида лексема "морфеманинг тури" деб таърифланган.⁵ Таърифда "морфема тури" дейилган-у, баёнида бу тил бирлиги тўғридан тўғри лексема деб аталаверган, демак, лексеманинг морфемадан фаркли тил бирлиги экани тан олинган.

¹ Раҳматуллаев Ш. Семема – мустақил тил бирлиги // ЎТА, 1984, 5: Rahmatullayev Shavkat. Hozirgi adabiy o'zbek tili. "Universitet" nashriyoti, -T., 2006, 72.

² Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, 56.

³ Юқоридаги манба, 63.

⁴ Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ, 8.

⁵ Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, 37.

...нинг барча белги-хусусиятларини қамраб олиб таърифлашга муаллифнинг фикрлашидаги ортикчалик, нуқсон очик бўлган. Таърифдаги "Жамият аъзолари учун тайёр, умумий, бўлган" белгиси тилга берилган таърифда айтилган эди; бундан бу белги фақат лексемага эмас, умуман тил бирликларига хос шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган" белгиси лексемага эмас, морфемага ҳам хос белги. "воқеликдаги нарса, хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи" белгиси – ҳақиқатда хос белги, лекин изоҳдаги "шакллантирувчи" қисмини қандай керак: шакл берувчи дебми ёки юзага келтирувчи дебми? "номловчи", "билдирувчи" терминларидан фойдаланиш маъқул нутқ ва луғатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган" билан лексемага хос хусусият таъкидланган, бу хусусият лисонда формулалар асосида нутқ жараёнида воқе бўлиши аниқ, лекин деб таъкидлаш ортикча ва хато; бу тушунтиришдаги "бириктира айрилган" изоҳи ҳам лексемага хос хусусиятни акс эттиради, лекин "бириктириш" тушунчасидан эмас, "қўшиб олиш" тушунчасидан фойдаланиш ўринли.

Таърифдаги "грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури лексемадир" қисми эклектизмнинг ўзгинаси.

Хуллас, лексема "номинатив ва сигнификатив вазифа бажадиган тил бирлиги" деган таърифга юқорида таҳлил қилинган таъриф бирор арзигулик эса қўшмайди. Акад. Азим Ҳожиев ўз мақоласида Ҳ.Неъматов лексемага эга ва тўғри таъриф бермаганини алоҳида таъкидлайди.¹

Ўқув қўлланмасида махсус таъкидланишича, систем тилшуносликда лексема таркибий қисмларга бўлинмайдиган бирлик сифатида қаралади,² яъни, яшаш асоси ва ясовчига ажратилмайдиган лексемалар назардан соқит қилинади, булар лексема деб эмас, тил бирлиги деб эмас, нутқ бирлиги деб қаралади, чунки систем тилшунослик тил ходисаларини синхрон аспектда ўрганади, ясама сўзлар (лексемалар) эса диахрон аспектнинг ўрганиш объекти дейилади; фақат унумсиз сўз яшаш қолипнинг маҳсули лексема дейилади, чунки бундай бирликлар синхрон аспектда ясама сўз деб қаралмайди.³ Систем тилшуносликда лексемалар қаторига морфологик содаланиш, яхлитланиш, лексемаланиш каби унумсиз қолиплар натижасида юзага келган бирликлар ҳам киритилади; шулар қаторида терминланиш ходисаси ҳам тилга олинади.

Систем тилшуносликда фақат "тайёрлик белгисига эга" тил бирликларининг ўрганилишини⁴ рўқач қилиб, ясамалиги аниқ кўриниб турган лексик бирликларни лексемалар қаторидан чиқариш нотўғри. Лексемани белгилашда унинг ҳозирги ўзбек тилида таркибий қисмларга

¹ Ҳ о ж и е в А з и м. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар ("луғавий ва грамматик" морфема ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. № 3. 32.

² Н е м а т о в Ҳ., Р а с у л о в Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, 46.

³ Юқоридаги манба, 43.

⁴ Юқоридаги манба, 38.

ажралиши-ажралмаслиги эмас, лексик маънони англатишга хизмат қилиши-қилмаслиги асосга олинади.

Қўлланмада сўз ясаш (асли лексема ясаш) қолипларининг тасвирида унумли, "тирик" сўз ясаш қолиплари деб тартиб сон шакли ясалишининг (*иккинчи* каби), жамловчи сон шакли ясалишининг (*икков* каби) тасвирлангани¹ Х.Неъматов бундай шакл ясалишларини сўз ясалиши (лексема ясалиши) деб тушунишидан дарак беради. Бундай ходисаларни сўз ясаш (лексема ясаш) қолипи деб эмас, шакл ясаш қолипи деб изохлаш тўғри.

Қўлланмада "Лексема – тил бирлиги, тайёр ва турлича имкониятлар мажмуаси бўлса, сўз унинг вокеланиши, рўёбга чиқиши, аниқ шакл, мазмун ва вазифа кашф этган моддий кўринишидир" дейилган.² Бу таърифдаги "тайёр ва турлича имкониятлар мажмуаси" тарзида ғализ тузилган ифода лексеманинг ўзига хос хусусиятларини англатмайди: "тайёр"лик, масалан, морфемага, "турлича имкониятлар мажмуаси" умуман барча тил бирликларига хос. Сўз лексеманинг "аниқ шакл, мазмун ва вазифа кашф этган моддий кўринишидир" дейиш хато: аниқ шакл (ифода жиҳати) ва мазмун (мазмун жиҳати) лексеманинг ўзига хос хусусият, лексема буларни сўз таркибида кашф этмайди; лексемага моддийлик хос (У – сегмент бирлик), ана шу моддийлик нутқий бирлик (сўз) таркибида кашф этилмайди, балки намоён бўлади. Лексеманинг "вазифа кашф этиш"и ҳақида гапириш ҳам ўринли эмас: аввало, "синтактик вазифа" деб аниқ номлаш лозим, иккинчидан, синтактик вазифа "кашф этилмайди", балки лексемага синтактик вазифа бажариш учун етарли даражада грамматик тавсиф қўшилади. Қўлланманинг шу саҳифасида-ёқ яна бир таъриф – "Лексеманинг ва унумли сўз ясаш қолипларининг нутқда вокеланган, аниқ шакл, мазмун ва вазифага эга кўринишига сўз дейилади" деб таъриф берилган. Бу таърифда "унумли сўз ясаш қолиплари"нинг таъкидланиши ажабланарли: қолипнинг ўзи сўзни юзага келтирмайди, шундай қолип асосида ясалган бирлик лексемага тенг бўлади.

Тилшуносликда лексемани сўздан фарқлаш аллақачон бошланган, лексеманинг нутқда намоён бўладиган шаклини авваллари *сўзшакл* деб, кейинчалик *лексемашакл* деб номлашга ўтилган. Қўлланмада нимагадир эскирган термийдан (сўз терминидан) фойдаланиш маъқул кўрилган.

Умуман, *лексема* ва *лексемашакл* термин ва тушунчаларидан фойдаланиб, сўз терминини фақат жуда зарур ўринда ишлатиш тарафдоримиз (*Лексемашакл* ҳақида алоҳида фикр юритамиз).

2. Морфема ҳақида

"Тил ва нутқ" номли рисолада морфемага қуйидагича изоҳ берилган: "Морфема дейилганда тилда хусусий маънога эга бўлган энг кичик бирликлар тушунилади. Морфема ҳам ташки (моддий, субстанция) ва ички (маъно, вазифа) томонларнинг яхлитлигидан иборат. Номинатив мустақилликка эга бўлмаган, мустақил синтактик вазифа бажармайдиган

¹ Юкоридаги манба, 40.

² Юкоридаги манба, 47.

бирликлар турли лексик-грамматик эҳтиёжларни кондириш учун янги лексемалар яшаш ва гап таркибида лексемаларга семантик-функционал қиймат бериш".¹

Бу рисоланинг 15- саҳифасида ифода жиҳати бир, икки, уч фонемадан лексемалар мавжудлиги алоҳида таъкидланган. Бу лексемалар ҳам маънога эга бўлган кичик бирликлар". Демак, бундай тушунтириш морфемани лексемадан фарқлаб бўлмайди. "ташки (моддий, ~~маъно~~) ва ички (маъно, вазифа) томонларнинг яхлитлиги" фақат маънога эмас, бошқа тил бирликларига ҳам хос (Товуш, фонема тил бирликларининг қурилиш ашёси сифатида бир томонлама бирлик эканини маънога олган ҳолда).

Турли лексик-грамматик эҳтиёж" деб морфемаларнинг лексема яшаш ва грамматик шаклларини ҳосил қилиш хусусияти назарда тутилган. Том маънода морфема деб грамматик шакл ҳосил қиладиган бирликлар тушунилади; лексема ясовчи бирликлар ҳам аслида лексемага грамматик маъно қўшади, фақат натижа ҳар хил бўлади.

Морфеманинг "лексемаларга қўшимча семантик-функционал қиймат бериш" "гап таркибида" воқе бўлади дейиш тўғри эмас: морфема бундай қиймат"ни лексемашакли, бирикмашакл таркибида ҳам бажараверади.

Ҳақиқатда, морфема "номинатив муस्ताқилликка эга эмас (Асли номинатив вазифа бажармайди дейиш тўғрирок), лекин бундай хусусият баъзи, юклама каби грамматик туркум бирликларига ҳам хос. Бундан назар, инкор этиш ҳали бундай бирлиكنинг белги-хусусиятини белгилайди эмас. Морфемага хос белги сифатида тўғридан тўғри грамматик маъно ифодалашини айтиш маъқул, лекин етарли эмас, чунки грамматик туркум бирликлари ҳам грамматик маъно ифодалайди.

"Муस्ताқил синтактик вазифа бажармайдиган" белгисини морфемага баъбатан таъкидлаш ноўрин. Бунинг ўрнига морфема лексемага қўшиб қўйиладиган тил бирлиги деб таъкидлаш лозим.

Хуллас, бу рисолада морфемага берилган изоҳ ушбу тил бирлигининг маънасини тўлиқ ва тўғри очиб бермайди.

Юқоридаги рисоладан икки йил кейин нашр қилинган ўқув қўлланмасида "тилнинг қурилиш (структур) бирлиги" деб "фонема, морфема, ҳолип (конструкция, қурилма, модель)" таъкидланган.² Бу нуқтайи назарга кўра "Морфема тилнинг энг кичик маъноли бирлиги бўлиб, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди. У маълум бир маъно ва вазифанинг маълум моддий қўриниши, шакли билан узвий боғланади" (Ўша саҳифада).

Бундай тушунишда:

1) Морфема икки жиҳатли бирлик экани таъкидланади, лекин бу фикрни "У маълум бир маъно ва вазифанинг маълум моддий қўриниши, шакли билан узвий боғланади" деб изоҳлаш ўта ғализ ва нуксонли; "ифода жиҳати билан мазмун жиҳатининг бир бутунлиги" ҳақида гапириш қисқа ва аниқ. Аслида бундай таъкид бу ерда ортикча, чунки бу тушунча *тил бирлиги* терминининг

¹ Нейматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ, "Ўқитувчи", -Т.: 1993. 18.

² Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, "Ўқитувчи", -Т.: 1995. 12.

маъно мундарижасида мавжуд.

2) "маъноли бирлик" деганда қандай маъно кўзда тутилгани мавҳум. Тил қурилишига хос бирлик деб қолип (модель, қурилма) ҳам ажратилаётганини ва унга ҳам маълум бир маънони билдириш мансуб деб қаралишини ҳисобга олсак, морфема ҳар қандай маънони эмас, балки маълум бир тур маънони билдириши ойдинлашади. Бу маъно қандай маъно эканлиги очиқ айтилмаган.

3) Морфема тил қурилишининг ифода жиҳати ва мазмун жиҳатига эга ягона бирлиги деб қаралишидан лексик бирлик ҳам, грамматик бирлик ҳам биргаликда морфема деб тушунилгани ойдинлашади. "Морфемалар лугавий морфема ва қўшимча (ёки умумлашма), грамматик-функционал морфемаларга ажратилади" дейишдан морфема деб лексик бирлик ҳам тушунилгани аён бўлади. Морфемани бундай кенг тушуниш ва тушунтириш тўғри эмаслиги ошкор бўлганидан кейин тилшуносликда морфема деб грамматик маъно ифодалайдиган бирликни аташга ўтилди, лексик бирлик эса лексема деб аталадиган бўлди.

4) Морфемани "бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди" дейиш асосли эмас: Маъноли қисмларга аниқ ажралиб турадиган *-даги*, *-чилик* каби морфемалар мавжуд.

Морфема ва лексема тил қурилишининг бошқа-бошқа босқичига мансуб тил бирликлари экани тилшуносликда, шу жумладан ўзбек тилшунослигида аллақачон тан олинган. Шунга қарамай проф. Ҳамид Неъматов тил билими тараққиётининг кечаги кунига тааллуқли тушунчаларни – "лугавий морфема ва қўшимча морфема", "морфемаларни лексема ва қўшимчаларга ажрат"ишни – тиклаб фикр юритиши ажабланарли. Муаллифнинг морфема ва унинг турлари ҳақидаги мулоҳазалари ўта чалкаш ва саёз¹. Қизиғи шуки, ўқув қўлланмасининг кейинги қисмларида лексема тўғридан тўғри морфемадан фарқи мустақил тил бирлиги сифатида талқин қилинган. Кенг жамоатчиликда аллақачон рад этилган нотўғри фикрга оғиш воқе бўлмаслигини кўзлаб юқоридаги зарарли фикрларга қатъий эътироз билдириш лозим деб топилди.²

Хуллас, морфеманинг моҳиятини очиб бермайдиган узундан узун изоҳлар ўрнига "Морфема – бевосита ёки билвосита лексемага қўшилиб, грамматик шакл ҳосил қилишга хизмат қиладиган бирламчи сегмент тил бирлиги" деб таърифлаш тўғри.

Морфемани юқоридагича таърифлашда лексема ясовчилар назардан соқит қилинади. Лексема ясовчилар грамматик маъно ифодаласа ҳам, лексеманинг грамматик шаклини ҳосил қилмайди, балки лексема ясайди; шунга кўра уларни, масалан, *лексема ясовчи формант* деб номлаш мумкин. Бундай формант бўлиб аффикс ҳам, аффиксоид ҳам хизмат қилади: *ишчи*-, *ишхона*- каби. Бундай ясама лексема қайси тил бирликларидан таркиб

¹ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. "Ўқитувчи", -Т.: 1995. 12, 37.

² Раҳматуллаев Шавкат. Тил қурилишининг асосий бирликлари. "Университет", -Т.: 2002, 17; Хожиев Азим. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар ("лугавий ва грамматик морфемалар" ҳақида). // ЎТА. 2004. 3- сон. 29-35.

Морфема катъи назар лисонда яхлитлигича рамз сифатида тамгаланган. Морфема эса тузма тил бирлигини – лексемашаклни тузишда лексема билан биргаликда лексемашаклни таркиб топтирувчи қилмади.

Морфема ҳам лексема каби мавхум бирлик: Миянинг тил хотираси рамз сифатида акс этган бўлади ва шу ҳолатида лисоний бирлик Лисоний бирлик сифатида морфема ифода жихатининг ва мазмун бир бутунлигидан иборат. Морфеманинг лисоний бирлик рамзида унинг ифода жихати ва унга хос белги-хусусиятлар шунингдек мазмун жихати ва унга хос белги-хусусиятлар хақида мавжуд. Морфемадан хар галги фойдаланиш ана шу маълумот рамздан нусха олиб амалга оширилади. Морфеманинг ана жараён натижасида талаффуз бирлиги сифатида намоён бўладиган морф деб номланиб, нугкий бирлик дейилади. Демак, морфеманинг хотираси қисмидаги лисоний бирлик ҳолатини ва талаффуз бирлиги нутқий бирлик ҳолатини фарқлаш керак.

Морфемани "аффиксал" деб изохлаш тор,¹ чунки морфемалар сирасига аффиксалардан ташқари аффиксоидлар ҳам киради. Булар асли лексемалардан чиққан бўлиб, аффикс каби лексемага зич қўшилади, асосан лексема -хона (шифохона-, касалхона-), -нома (айбнома-, рухсатнома-) каби. Булар тилидан ўзлашган лексемалар таркибида кириб келиб, ўзбекча лексемаларга ҳам қўшилиш хусусиятини касб этган, асли тожикча феъл лексеманинг асосига тенг -дор (илмоқдор-), -гир (сезгир-), -фуруш (сифуруш-) кабилар ҳам ўзбек тили нуктайи назаридан аффиксоид деб қарланиши тўғри бўлади. Булар ҳам лексемага зич қўшилиб лексема ясади.

Грамматик маъно ифодалашига қарамай на аффикслар, на аффиксоидлар каторига қўшиб бўлмайдиган бирликлар ҳам мавжуд. Булар лексемага бевосита қўшилмайди, лексема билан бундай бирлик оралиғида уларни бириктирадиган грамматик кўрсаткич катнашади. Лексемашакл таркибига киритилган бундай бирликларни лексик табиатли морфема деб номладики, шундай бирликлар каторига кўмакчини, кўмакчи феълларни киритдик.

Демак, бирор бирликни морфема дейишга унинг ўзидан олдинги қисмга қўшиб ёки ярим қўшиб ёзилиши эмас, лексемашакл таркибига мансублиги ҳал этувчи белги бўлади. Масалан, юкломалар лексемашакл таркибига мансуб эмас; асосан лексемашаклга чизикча орқали ярим қўшиб, қисман бевосита қўшиб ёзилади, айрим ҳолларда ҳатто лексемашакл ичида, аффиксдан олдин жойлашади: *айтганмидинг* каби. Қандай жойлашувидан, қўшиб ёки ярим қўшиб ёзилишидан қатъи назар, юклама лексемашакл таркибига мансуб бўлмайди, шунга кўра грамматик туркум бирлиги дейилади.

3. Фразема хақида

Фразема мураккаб табиатли тил бирлиги бўлиб, кўпчилик адабиётларда *фразеологик бирлик*, *фразеологизм* дейилади; *лексема*, *морфема* терминларига монанд равишда *фразема* деб номлаш маъкул. Фраземани ўрганадиган соҳа адабиётларда *фразеология* дейилади; *лексемика*, *морфемика* терминларига монанд равишда *фраземика* деб номлади.

Асли фразема – лексема каби номинатив-сигнификатив бирлик, лекин кўп жиҳати билан лексемадан фарқланади. Лексема лисоний бирлик сифатида миянинг тил хотираси қисмида рамз тарзида тамғаланган бўлади. Фразема ҳам рамз сифатида тамғаланади. Лексеманинг ифода жиҳати одатда тил бирликларининг қурилиш ашёси бўлмиш фонема(лар қатори) билан тамғаланса, фраземанинг ифода жиҳати тил бирликлари билан тамғаланади. Фраземанинг ифода жиҳати икки хил: бирикма ёки гапшакл формуласига тенг бўлади.

Лисоний синтактик бирлик сифатида бирикма носегмент бирлик, формулага тенг. Синтактик қурилиши бирикмага тенг фраземада бирикма формуласи лексемашакл ва лексема билан тўлдирилган бўлади, шунга кўра сегмент бирлик дейилади. Бундай фраземанинг лексемашаклга тенг аъзоси таркибида қатнашадиган лексема ва синтактик вазифа кўрсаткичи аниқ тил бирлиги билан тўлдирилган бўлади, бошқа грамматик кўрсаткичнинг (агар қатнашса) лексемашакл таркибида қатнашиш ўрни бўлади, лекин нутқда объектив воқеликка кўра танлаб қўшилади. Грамматик кўрсаткичлар аниқ ёки танлаб тўлдирилишидан қатъи назар фраземанинг таркибий қисмига мансуб бўлади ва булар фраземанинг ифода жиҳатини ташкил қилади.

Масалан, *кўз(и)ни оч-* фраземасининг ифода жиҳати "лексемашакл Х лексема" бирикма формуласининг "воситасиз тўлдирувчи Х тўлдирилмиш" кўриниши *кўз(и)ни* лексемашакли ва *оч-* лексемаси билан тўлдирилган ҳолатига тенг. Синтактик қурилиши бирикмага тенг бу фраземанинг биринчи аъзоси *кўз-* лексемаси, сонловчи, нисбатловчи ва тушум келишиги морфемаларидан таркиб топган; бу лексемашакл таркибида қатнашадиган *кўз-* лексемаси ва келишик кўрсаткичи аниқ, сонловчи ва нисбатловчи эса объектив воқелик асосида танлаб қўшилади; кейинги ҳолатни ҳисобга олиб сонловчи қавслар ичида *С* рамзи билан ёзилади; сонлаш парадигмасининг ҳар икки шаклида эмас, фақат бир шаклида ишлатилса, қавслар ичида *Сб*, *Ск* рамзлари ёзилади; нисбатлаш парадигмасининг ҳар уч шахс-сон кўрсаткичи билан ишлатилса, қавслар ичида *Нч* рамзи ёзилади, фақат III шахс шаклида ишлатилса, қавслар ичида *НчIII* рамзи ёзилади: *кўз+(С)+(Нч)+ни* каби.

Бу фраземанинг иккинчи аъзоси *оч-* лексемаси билан ифодаланган. Фразема бирикмага тенг қурилишли бўлгани учун асос ҳолатида бўлади, унга нутқда синтактик вазифага қараб грамматик шакл қўшилади, натижада фраземашакл юзага келади: $[кўз+(С)+(Нч)+ни Х оч-] \rightarrow Кўзимни очдингиз$ каби.

Синтактик қурилиши бирикмага (шунингдек гапшаклга) тенг бирлик фразема бўлиши учун ундан умумлашма кўчма маъно англашилиши лозим. Юкорида келтирилган мисолдан 'яхши-ёмонни тушунадиган қил-' маъноси

Бундай маъно бирикмага бир бутун ҳолда бириктилади, ундан
ича англашилади, шунга кўра фразема яхлитлигича лисоний бирлик
нутқда яхлитлигича бирор синтактик вазифани таъминлайдиган
шакл олиб синтактик вазифа бажаради. Юқорида келтирилган
фразема кесим вазифасида келган. *Кўзимни очган Сиз бўлдингиз*
таркибида шу фразема сифатдош шаклида отлашиб эга вазифасида
за б.

Лисоний бирлик сифатида гапшакл – носегмент бирлик, формулага тенг.
курулиши гапшаклга тенг фраземада гапшакл формуласи тил
билан тўлдирилиб, фраземашакл ҳолатига ўтади, шунга кўра
фразема сегмент бирлик дейилади. Бундай синтактик қурилишли
"эга X кесим"дан иборат икки аъзоли гапшакл формуласи асосида
келади, бунда гапшаклнинг ҳар икки аъзоси лексемашакл билан,
ифодаланади. Булар лексема (лексемага
курулиладиган бирлик) билан, морфемалар билан тўлдирилган бўлади.
аъзо одатда от лексема, сонловчи, нисбатловчи, бош келишик
чидан таркиб топиб, гапшаклнинг эга аъзоси бўлиб келади, қайси
чидан таркиб топиб, гапшаклнинг эга аъзоси бўлиб келади, қайси

инчи аъзо охирига эга вазифасида келган лексемашакл асосидан
лалиган шахс ва сон маъносига монанд равишда тусловчи қўшилади,
кўра бу аъзо кесим вазифасида келади; тусловчидан олдин бўлишли-
лик (мавжудлик), ўрни билан майл, замон кўрсаткичлари қўшилган
Эга билан синтактик боғланиш иккинчи аъзо таркибига тусловчи
таъминланади; шунга кўра тусловчининг мавқеи ундан олдин
морфемаларнинг мавқеидан кескин фарқ қилади: Улар шакл
морфемалар бўлиб, лексема таркибига объектив воқеликка кўра
тусловчи эса синтактик боғланиш туфайли қўшилади, шакл
тирувчига тенг. Бундай фарқдан қатъи назар, ҳар икки аъзо таркибида
лексема ва морфемалар фраземанинг лисоний бирлик
доимий таркибига мансуб бўлади, айрим морфем
маларнинг вакили танлаб қўшилиши фразема грамматик жиҳатдан
деган фикрнинг хато эканини, ҳатто фразема аъзолари орасидаги
боғланиш ҳам сўнмаганлигини тасдиқлайди. Демак, синтактик
курулиши гапшаклга тенг фразема нутқда тўлиқ грамматик тўлдирилиб,
бирлик ҳолатига, жумлага тенг бўлади, яхлитлигича гапшакл
азифасида келади. Фразема синтактик қурилишининг таҳлили тил
инининг ички қурилишининг таҳлили сифатида амалга оширилади.

Фразема тил қурилишининг йирик сегмент бирлиги бўлиб, гапшаклга
курулишида эга аъзо сегмент бирлик билан тўлдирилган бўлади.
аники, асоси эга билан кесимдан иборат гапшаклга тенг фраземани
"гаплар" деб номланган эркин боғланмаларга тенглаштириш, шулар
келтириш хато.¹

Б. Носегмент тил бирликлари

А.И.Смирницкийнинг 1956- йилда нашр қилинган асарида сўз тилга олиниб, таркибли бирликларда товуш қобиғига эга бирликлардан ташқари уларни тузиш формулалари ҳам мавжудлиги, бундай формулалар ҳам тил бирлиги деб қаралиши таъкидланган.¹

Х.Неъматов бундай тил бирлигини аввал "конструкция (модель)",² кейинроқ "конструкция, қурилма, модель"³ терминлари билан атаб, асосан *қолип* терминини ишлатди. Аслида ушбу тил ҳодисасини А.И.Смирницкий ишлатган *формула* термини билан аташ тўғрироқ. Юқоридаги тўрт лексемага луғатларда берилган лексик мундарижаларни қиёслаш кўрсатдики, ушбу тил ҳодисасини номлаш учун *формула* лексемаси англатадиган иккинчи маънони⁴ асосга олиб, тил ҳодисасига мослаб ишлатиш мумкин. Шунда *формула* деб номланаётган тил бирлиги қуйидагича таърифланади:

Тил бирликларининг номи акс эттирилиб, бу тил бирликлари маълум қоидалар асосида ўзаро муносабатга киришуви билан янги тур тил бирлиги ҳосил қилиниши кўрсатиладиган рамзий ифодага тил бирлигининг формуласи дейилади.

Қолип термини бу тур тил бирлигининг моҳиятини аниқ билдирмайди: "Қолип"ни "тил бирликларининг ўзаро бирикиш йўли, усули ва унинг маҳсули" деб, "тил бирликларининг ўзаро бирикиш ва нутқий ҳосилалар бериш йўллари" деб нуксонли тушунтиришдан⁵ "тил бирлиги" деган мазмун англашилмайди.

Тилга олинган қўлланмада намуна сифатида "[муайян от] + [-чи] = кўрсатилган нарса-предмет билан машғул киши" қолипи келтирилган; қолип икки қисмдан иборат бўлиши, биринчи қисмда ўзаро бирикадиган тил бирликлари саналиши, иккинчи қисмда шу бирикишнинг – нутқий маҳсулнинг моҳияти кўрсатилиши таъкидланган. Қолипнинг таркибий қисми сифатида унга нисбатан кичикроқ қолип ҳам бўлиши мумкин дейилиб, [муайян от] + [-чи] + [-лик] = касб-кор мавҳум оти қолипи ва *этик* → *этикчи* → *этикчилик* мисоли келтирилган (13- саҳифа).

Аввало, қолип деб олдинги рисолада сўз форма, сўз бирикмаси, гап тилга олингани ҳолда бу ўқув қўлланмасида ҳеч қандай изоҳсиз лексема яшаш қолипнинг мисол тарзида келтирилиши ажабланарли. Балки қўлланма муаллифи *этикчи*, *этикчилик* каби бирликларни нутқий ҳосила деб тушунар. Агар шундай тушунишга рози бўлсак, ўзбек тили луғатларидан *-чи*, *-чилик* (ва бошқа бир қанча морфемалар) билан ясалган минглаб лексемаларни чиқариб ташлашимиз лозим бўлади. Бундан қатъи назар, лексема яшаш қолипини синтактик бирлик қолиплари қаторида эмас, балки алоҳида тасвирлаш лозим.

Ҳар икки мисол таркибидаги қисмларнинг ўзаро муносабати қавслар

¹ Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. -М.: 1956, 19.

² Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ, 8.

³ Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, "Ўқитувчи", -Т.: 1995, 12.

⁴ Словарь русского языка. -М., 1991. Т. IV. 792.

⁵ Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, "Ўқитувчи", -Т.: 1995, 13.

тўғри кўрсатилмаган, асли $\{[(\text{этик-}) + (-\text{чи})] + [(-\text{лик})]\}$ тарзида аффикси қўшилиши учун *этикчи-* қисми асос бўлгани аниқ кўрсатилади. Бу нуқсондан қатъи назар, бундай мисолларга қарата ички ва қўшилганлар ҳақида гапириш ноўрин.

Қолипни икки ёнма-ён жойлашадиган қисмдан иборат деб, бундай қўшилганлар сралигига барабар аломатини қўйиш тўғри эмас. (Қолипни бундай қўшилганлар тенглама тузиб изоҳлаш ҳақида кейинроқ яна фикр юритамиз).

"Тил ва нутқ" рисоласида "тил ва нутқнинг ҳар бирига хос бўлган мавҳум-конкрет тарзидаги коррелят нисбий мустақил бирликлари" чизмасида конструкция (модель) мавҳум тил бирлиги деб, сўз форма, сўз бирикмаси, микротекст, макротекст конкрет нутқ бирликлари деб келтирилгани¹ аниқ эмас:

1) Микротекст, макротекст тил бирлигига коррелят нутқ бирликлари

2) Қолип тил бирликлари билан тўлдирилмаган ҳолатда тушунилса, унга "лексик акустик таркибий қисмлар" мансуб бўлмайди; қолипда қандай тил бирликлари қандай муносабатда бирлашиши мавҳум тарзда кўрсатилиши мавҳум товуш қобилигига, демак, "акустик таркибий қисмларга" эга бўлмайди.

3) Рисолада саналган сўз форма, сўз бирикмаси, гап – ҳақиқатда ўзаро қўшилганлардан иборат уч тузма тил бирлиги, булардан ҳар бирининг ўзига хос формулалари мавжуд. Бундай формулалар қандай тил бирликлари билан қандай тартибда тўлдирилиши одатда тил бирликларининг умумий номи билан раъвий тарзда кўрсатилади, бу умумий номлар конкрет тил бирликлари билан ифодаланганидан кейин формула сегмент бирлик ҳолатига ўтгани ва шу ҳолати нутқий бирлик дейилади. Хуллас, рисолада нутқ бирликлари деб саналган сўз форма, сўз бирикмаси, гап асли конкрет тил бирликлари билан тўлдирилмаган формула ҳолатида лисоний бирликка, конкрет тил бирликлари билан тўлдирилган ҳолатида нутқий бирликка тенг бўлади.

4) Сўз формани, сўз бирикмасини, гапни бирлаштирадиган умумий қолип йўқ, булардан ҳар бири ўзига хос, кескин фарқланадиган қолипга эга; шунга кўра тил бирликлари қаторида сўз форма, сўз бирикмаси, гап ўз формуласига эга алоҳида-алоҳида тил бирликлари сифатида мустақил ўрин олиши лозим; ўз навбатида сўз форманинг, сўз бирикмасининг, гапнинг лисоний формуласи ва уларнинг нутқий бирлик ҳолати фарқланиши лозим.

1. Лексемашакл ҳақида

Сўз форма термини – русча *словоформа* терминининг калькаси, шунга кўра *сўзформа* тарзида қўшиб ёзилиши лозим. Бу термин асли лексема тушунчаси ва термини қабул қилинмаган даврга мансуб; лексема тил бирлиги сифатида тан олинганидан кейин *сўзформа* терминини ишлатиш ноўрин бўлиб қолди. Аслида *сўзформа* (*сўзшакл*) термини мантқан нотўғри: сўз деб нутқда қатнашадиган бирликка – бирор синтактик бўлак вазифасида

¹Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. 8.

кела олиш даражасида грамматик тавсиф олган бирликка айтилади. Грамматик шакл сўзга эмас, лексемага қўшилади, натижада лексемашакл хосил бўлади.

Демак, бирламчи носегмент тил бирлиги лексемашакл бўлиб, лисоний бирлик сифатида лексема ва грамматик кўрсаткич (асосан морфема) билан тўлдириладиган формулага тенг; ана шундай формуланинг аниқ лексема ва морфема билан (грамматик кўрсаткич билан) тўлдирилган ҳолати нуткий бирликка тенг. Шунга кўра лексемашакл лисоний бирлик ҳолатида мавҳум бирлик, носегмент бирлик ва нуткий бирлик ҳолатида аниқ бирлик, сегмент бирлик дейилади. Лексемашакл бирламчи тузма лисоний бирлик, бирор синтактик бўлак вазифасида кела олиш даражасида грамматик шаклланган бирламчи синтактик бирлик дейилади. Лексемашакл формуласининг ифода жиҳати уни таркиб топтирадиган тил бирликларининг рамзий мажмуасига, мазмун жиҳати 'бирор синтактик бўлак вазифасида кела олиш даражасида грамматик шаклланган бирлик' тушунчасига тенг. Миянинг тил хоғираси қисмида лексемашакл формуласининг ифода жиҳати ва мазмун жиҳати ҳақида, лексемашаклни қандай тузиш ҳақида маълумот мавжуд бўлиб, ана шу маълумот асосида лексемашаклнинг нуткий бирлик ҳолати юзага келтирилади.

Лексемашаклларнинг формулалари туркумлар ва синтактик вазифалар бўйича турли кўринишларга эга. Масалан, от лексемашаклларнинг бирламчи энг содда формуласи "от лексема + сонловчи + турловчи" тузилишига эга, буни шартли қисқартмалар билан "*ОЛ + С + Тр*" тарзида ёзиш мумкин. Бу формуланинг аниқ лексема ва морфема билан тўлдирилган нуткий ҳолати, масалан, *йўлларни* каби шаклида намоён бўлади.

Шу ерда лексемашакл формуласига доир куйидаги мунозарали масалага муносабат билдириш лозим.

От лексема одатда предмет маъносини англатади, шунга кўра от лексемашакл формуласи таркибида сонловчи ва турловчи қатнашади: "*ОЛ + С + Тр*" : *тош + ОI + ОII, тош + лар + ни* каби.

От лексема белги маъносини англатиб, сифатловчи бўлиб келганида лексемашакл формуласи таркибида сонловчи ва турловчи қатнашмайди. Шундай ҳолларда от лексемашакл сифатловчи вазифасида келишини таъминлайдиган грамматик тавсиф қўшилиши керак; ана шундай тавсифни '*сифатловчи*' синтактик семаси деб номладик. Шунга кўра сифатловчи вазифасида келган от лексемашаклнинг формуласи "*ОЛ + 'сифатловчи'* синтактик семаси" тарзида намоён бўлади: $\{(\text{тош-} + \text{'сифатловчи'}) \text{ синтактик семаси} = \text{тош}\} X (\text{нок-})$ - каби.

Бундай формула – от лексемашакллар учун иккиламчи, сифат лексемашакллар учун эса одатдаги, бирламчи формула, чунки сифат лексема от лексемага сифатловчи бўлиб келганида синтактик вазифани таъминлайдиган морфема қатнашмайди, синтактик алоқа битишув усулида воқе бўлади дейилади. Лекин сифат лексема қисмга, сифат лексемашакл эса бутунга тенг эканидан келиб чиқиб сифат лексема сифатловчи вазифасида келиши учун унга '*сифатловчи*' синтактик семаси қўшилишини тан олиш

... лексема, масалан, ҳолловчи вазифасида келиши лозим бўлса, 'ҳолловчи' синтактик семаси қўшилади: [(чиройли- + 'ҳолловчи' семаси = чиройли) X (запир-)]- каби.

... лексемашакл формулалари туркумлар бўйича, синтактик бўйича ҳар хил кўринишга эга бўлади.

... лексемашаклнинг энг умумий формуласини куйидагича ёзиб кўрсатиш

лексема + синтактик вазифани таъминлайдиган кўрсаткич

л е к с е м а ш а к л

Синтактик вазифани таъминлайдиган кўрсаткичнинг турига қараб бу кўрсаткичда дастлаб куйидагича икки кўринишда бўлади:

1) лексема+синтактик вазифани таъминлайдиган морфема

л е к с е м а ш а к л

2) лексема + синтактик вазифани таъминлайдиган сема

л е к с е м а ш а к л

Шакл ҳосил қиладиган нопарадигматик ва парадигматик морфемаларнинг бой от, феъл туркумларида лексемашакл формулалари умумийдан фарқлиқ қилинишига томон бир неча босқич кўринишга эга бўлади, булар ҳар бир туркум доирасида тасвирланади.¹

2. Бирикма ҳақида

Сўз бирикмаси термини – русча *словосочетание* терминининг калькаси. Бу сўз бирикма ҳосил қилмайди, шунга кўра асли *сўзлар бирикмаси* деб аталган. Бу сўз бирикма ҳосил қилмайди, шунга кўра асли *сўзлар бирикмаси* деб аталган. Бу сўз бирикма ҳосил қилмайди, шунга кўра асли *сўзлар бирикмаси* деб аталган.

Ушбу синтактик бирлик одатда икки қисмдан – тобе ва ҳоким қисмдан ташкил топади, асосан тобе қисм лексемашакл билан, ҳоким қисм эса одатда лексема билан ифодаланади; шунга кўра кейинги қисмларни сўз деб бўлмайди.

"Сўзларнинг синтактик муносабатга киришуви натижасида ҳосил бўлган синтактик қурилма"ни *сўз қўшилмаси* деб номлаш ҳам воқе бўлди.² Асли *қўшилма* дейишдан кўра *боғланма* дейиш тўғрироқ, чунки бирикма тобе боғланиш асосида (*тиник сув-* каби) тузилади, тенг қўшилиш асосида эса *қўшилма* (*олма ва анор-* каби) тузилади. Кейинги синтактик ҳодисани *тизма* (*сўзлар тизмаси*) деб аташ 'синтактик ҳодиса' тушунчасини аниқ билдирмайди: 'қатор саналган (жойлашган) сўзлар' тушунчаси англашилади.

¹ Қарағ. Раҳматуллаев Шавкат. Ҳозирги адабий о'zbek тили. "Universitet" nashriyoti, -Т., 2006, 216–247.

² Масалан, қарағ: Курбонова М. ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси. Т.: 2004, 3, 22.

Умуман, кўшилма (сўз тизмаси) деб аталаётган ҳодиса тил қурилишининг алоҳида синтактик бирлиги эмас, шунга кўра уни бирикма қаторига қўйиш тўғри бўлмайди.

"[Т-Х], яъни (тобе-ҳоким)" – "лисоний синтактик бирликнинг (бирикманинг) қолипи"¹ эмас, балки синтактик алоқа турининг шартли қисқартма билан ва тўлиқ ёзиб кўрсатилиши. Умуман, тобе алоқа бирикма қисмлари орасига чизик (тире) белгисини эмас, кўпайтирув белгисини қўйиб кўрсатилади.

Асли бирикма қисмларининг тобе боғланишини кўрсатишдан кўра бу қисмларнинг қандай тил бирликларидан таркиб топишини айтиш муҳимроқ; бирикманинг формуласи асли шундан бошланиши, бирикмага таъриф ҳам шу асосда берилиши лозим.

Одатда лексемашакл билан ифодаланган қисмнинг лексема билан ифодаланган қисмга тобе синтактик боғланиши билан ҳосил бўлиб, икки тушунчани биргаликда англатишга хизмат қиладиган синтактик қурилмага (боғланмага) б и р и к м а дейилади. Шунга кўра бирикманинг формуласи бу ерда қуйидагича бўлади:

лексемашакл Х лексема
икки тушунчани биргаликда англатадиган синтактик қурилма
б и р и к м а

Бу формуланинг биринчи қатори бирикманинг ифода жиҳатига тенг бўлиб, бирикма қандай тил бирликлари билан таркиб топишини, иккинчи қатори бирикманинг мазмун жиҳатига тенг бўлиб, бирикма аналитик тушунча англатишини, учинчи қатори биринчи ва иккинчи қаторлар биргаликда бирикмага тенглигини акс эттиради.

Ҳамид Неъматов бирикма турларидан бирининг қолипини [И^{к.к}И^к – қаратувчи-қаралмиш] тарзида тузиб, бу математик тенгламага тенг қолипнинг чап томони унинг шаклини, ўнг томони мазмунини ташкил этишини айтади.² Бошқа манбада бирикманинг умумий лисоний синтактик қолипи [W-W] рамзи тарзида ёзилиб,³ қаратувчили бирикманинг қолипи "[W^{к.к} - W^{э.к}] = қаратувчи-қаралмиш" деб берилган.⁴

Бу қолипларда "бирикманинг шакли"дан кейин барабар аломатини қўйиб, уни "бирикманинг мазмуни"га тенг деб кўрсатиш хато, чунки шакл ва мазмун тил бирлигининг бир-бирига тенг қисмлари эмас, балки яхлитликда мавжуд бўладиган икки жиҳати. Асли бу икки жиҳатни суврат ва махраж тарзида ёзиш тўғрироқ. Бундан қатъи назар, "қаратувчи-қаралмиш" – бирикма тури таркибининг номи; бирикманинг мазмун жиҳатини бу ерда 'қаратувчили тушунча' деб белгилаш мумкин.

Олдинги қўлланмадаги [Т - Х] рамзининг кейинги қўлланмада [W-W]

¹ Неъматов Х. ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. 20.

² Юкоридаги манба, 41.

³ Курбонова М. ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси. Т.: 2004. 41.

⁴ Юкоридаги манба, 43.

тирилгани – ижобий ҳол: W рамзи 'атов бирлиги' тушунчасини ишлатилган, демак, қолипнинг бу қисмида тил номи жойлашуви тан олинган; лекин W рамзлари орасидаги муносабати аниқ кўрсатилмаган. Бундан қатъи назар, қандай тил бирлигини, иккинчи W қандай тил бирлигини эътибордан қолган. Қўринадик, бу рамз (қолипнинг бу қисми) аниқ кўрсатмайди. Асли биринчи W рамзи ўрнига Лш рамзини (қолипнинг кўрсатмасини), иккинчи W рамзи ўрнига Л рамзини (қолипнинг кўрсатмасини) ёзиш тўғри.

"Атов бирлиги" тушунчасининг ижобий томони шуки, бу тушунча лексема ва лексемашакл-гина эмас, бирикма ва бирикмашакл ҳам, фраземашакл ҳам бирлаштирилади. Лекин тил бирликлари "атов бирлиги" деб номланаётган алоҳида бирлик йўқ. Бу атама бирлаштирилаётган ходисаларни тўғридан тўғри тил бирлиги деб кўрсатмаси билан ёзиб кўрсатиш ўринли; W (атов бирлиги) эътибордан ўзгаради, бу ҳарф жорий ўзбек лотин алифбосида йўқ, бу кўрсатма Wort сўзи ҳам ўзбек тилида йўқ. Асли W немисча Wort сўзининг кўрсатмаси бўлиб, 'сўз', 'нутқ' маъноларини англатади.¹ Қўринадик, бу сўзга "атов бирлиги" тушунчасининг бириктирилиши ўта шартли.

Бирикманинг биринчи аъзоси одатда лексемашакл, бирикмашакл, фраземашакл билан, иккинчи аъзоси лексема, бирикма, фразема билан ифодаланади. Бунда бирикманинг биринчи аъзоси синтактик вазифада келадиган даражасида грамматик шаклланган тил бирлиги билан, иккинчи аъзоси одатда бундай грамматик шаклланмаган тил бирлиги билан ифодаланади. Шунга қўра бирикманинг биринчи аъзосини ТБ (Лш, Бш, Фш) кўрсатмаси билан, иккинчи аъзосини ТБ (Л, Б, Ф) кўрсатмаси билан ёзиб кўрсатиш тўғри.

Лисоний бирлик сифатида лексема қисмга (асосга), лексемашакл эса бутунга тенг бўлиши каби бирикма ҳам қисмга (асосга), бирикмашакл эса бутунга тенг. Бирикмага бирор синтактик вазифани бажара олиш даражасида грамматик шакл қўшилганидан кейин бутунга, бирикмашаклга тенг бўлади ва ахлитлигича бирор синтактик бўлак вазифасида келади. Бирикманинг асосга тенг ҳолатда, тўлиқ грамматик шаклланмаган ҳолатда бўлишини формуладаги биринчи қаторни ўрта қавсларга олиб, охирига чизикча қўйиб кўрсатдик. Оқибатда бирикманинг бош формуласи қуйидагича тус олди:

[ТБ (Лш, Бш, Фш) X ТБ (Л, Б, Ф)] -

аналитик тушунча

б и р и к м а

Бирикманинг иккинчи босқич формулалари ифода материалнинг тури номи билан қуйидагича тузилади:

1) [Лш X Л]

2)

[Бш X Л]

аналитик тушунча

бирикма

3) [Лш Х Б]
аналитик тушунча
бирикма

5) [Лш Х Ф]
аналитик тушунча
бирикма

7) [Фш Х Л]
аналитик тушунча
бирикма

аналитик тушунча

бирикма

4) [Бш Х Б]
аналитик тушунча
бирикма

6) [Бш Х Ф]
аналитик тушунча
бирикма

8) [Фш Х Б]
аналитик тушунча
бирикма

Бирикмаларнинг бу саккиз формуласидан нутқда асосан олдинги тўрт формуласи намоён бўлади.

Бирикма – икки аъзоли синтактик бирлик, унинг бир аъзоси иккинчи аъзосига семантик, грамматик, фонетик жиҳатдан тобеланади, мувофиқлашади: 1) белгисини англатади, 2) одатда тобе грамматик шаклда бўлади, 3) талаффуз жиҳатидан ҳам бирлашади.

Бирикманинг биринчи аъзоси тўлиқ грамматик шаклланади, шунга кўра синтактик бўлак, аниқроғи – бирикманинг бўлаги вазифасида келади. Бирикманинг иккинчи аъзоси одатда тўлиқ грамматик шаклланмайди, шунга кўра бирикма ҳам яхлитлигича тўлиқ грамматик шаклланмаган бўлади; бирикманинг тўлиқ грамматик шаклланиши одатда яхлитлигича бирор тил бирлиги билан синтактик боғланиши натижасида воқе бўлади.

Бирикма аъзолари фонетик жиҳатдан уларни бирлаштирадиган урғу – бирикма урғуси ёрдамида яхлитланади.

Тил бирликлари бирикма бўлиб бирлаша олиши учун улар англатадиган луғавий маъноларда уйғунлик бўлиши, зид идеографик сема бўлмаслиги лозим.

Бирикма аъзолари орасидаги боғланиш одатда грамматик кўрсаткич ёрдамида амалга ошади. Қандай грамматик кўрсаткич қатнашувига қараб бирикма аъзолари орасидаги синтактик алоқанинг битишув, бошқарув каби турлари белгиланади.

1) "Ўзбек тилининг структурал синтаксиси" ўқув қўлланмасида бирикмаларда синтактик алоқанинг турлари тизим сифатида махсус баён қилинмаган. Битишув алоқа тури ҳақида сифатловчи махсус тасвирланган ўринда "тобе узв (сифатловчи) ҳоким узвга тобе алоқанинг битишув йўли билан боғланади" изоҳи берилган (88- саҳифа). [И - О] ЛСҚига боғлаб бундай қолипда "аъзоларнинг морфологик шаклланиши ва нутқда бунга мувофиқ равишда битишув алоқали нутқий ҳосилаларни бериши билан характерланади" деб изоҳланган (46- саҳифа). Шу саҳифанинг ўзида "[И - О] ЛСҚи узвлари ҳеч қандай морфологик воситаларсиз боғланган бўлиб.."

ЛСКни яхлит ҳолда [И - О = сифатловчи-сифатланмиш] тарзида мумкин" деб яқунланган.

Аввало, қолипни таъриф деб бўлмайди. Иккинчидан, "аъзоларнинг морфологик шаклланиши" тушунчаси билан "узвлари ҳеч қандай морфологик воситаларсиз боғланган" тушунчаси бир-бирини рад этади.

Шунингча "ЛСКлардан синтактик шаклларгина жой олади" дейилган, демак, алоқаси билан боғланидиган сифатловчи таркибида синтактик шакл қўйиши тан олинган.

Ҳақиқатда, *яхши бола*- каби бирикмаларда сифатловчи сифатланмишига қандай морфологик воситаларсиз боғлангани, лекин феъл лексема сифатловчи вазифасида келиши учун у сифатдош шаклида бўлиши лозим, бу сифатдош ясовчиси феъл лексеманинг сифатловчи вазифасида келиши таъминлайди: *кулаётган бола*- каби. От лексеманинг сифатловчи вазифасида келиши одатда *-даги*, *-дай* каби морфологик воситаларнинг қўйиши билан воқе бўлади: *хонадаги жиҳозлар*-, *жимжилоқдай бахт*- каби.

Кўринадики, "ҳеч қандай морфологик воситаларсиз" дейиш қисман ҳақиқат, лекин бу ерда ҳам лексема (асос, қисм) синтактик вазифада келиши учун бутунга – лексемашаклга тенг ҳолатга ўтиши, бунинг учун лексемага синтактик вазифани таъминлайдиган синтактик тавсиф қўйилиши керак. Сифатловчи вазифасида келиши лозим сифат лексемани лексемашаклга ўзгартирадиган бундай синтактик тавсифни *синтактик вазифа семаси* деб аташди; бу ҳодисани қуйидагича формула тузиб кўрсатиш мумкин: *Сифат лексема (СЛ) + 'синтактик вазифа' семаси (свс) = сифат лексемашакл (СЛш)*. Аён бўладики, сифатловчининг сифатланмишига синтактик боғланишида ҳеч қандай морфологик восита қатнашмайди дейишдан кўра морфемаларнинг аниқ бир тури – синтактик вазифани таъминлайдиган шакл ўзгартирувчи морфема қатнашмаслигини таъкидлаш тўғри.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб синтактик алоқанинг битишув турига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Бирикманинг биринчи аъзоси иккинчи аъзосига синтактик вазифани таъминлайдиган шакл ўзгартирувчи морфема қўшилмаган ҳолда, фақат синтактик вазифа семасининг ўзи билан боғланишига *битишув алоқаси* дейилади: *яхши бола*-, *кулаётган бола*- каби.

Бундай синтактик алоқа тури аввало сифатловчи-сифатланмиш бирикмасига хос.

Иккинчи босқичга мансуб биринчи формула доирасида бирикманинг сифатловчили бирикма тури учун формула қуйидагича тузилади:

$$\frac{\text{Лексемашакл}}{\text{сифатловчи}} \times \frac{\text{лексема}}{\text{сифатланмиш}} \\ \hline \text{сифатловчили бирикма}$$

Бу формула ҳам ҳали етарли аниқликка эга эмас, бирикма аъзолари

предмет ёки белги маъносини англатадиган тил бирлигининг (масалан, лексеманинг) қандай грамматик шакли билан ифодаланиши куйидагича кўрсатилиши керак:

Белги маъносини англатадиган лексема	'сифатловчи' синтактик семаси	X	предмет маъносини англатадиган лексема
лексемашакл			лексема
сифатловчи			сифатланмиш
сифатловчили		бирикма	
[(тиниқ + ссс)			(сув-)]-

Юқоридаги формула билан сифатловчи сифат, сон, сифат тур равиш, сифат тур олмош билан ифодаланадиган бирикмалар қамраб олинади.

Сифатловчи вазифасида айрим от лексемалар ҳам келади. "Ўзбек тилининг структур синтаксиси" ўқув қўлланмасида бу ҳодиса куйидагича изоҳланган:

"Баъзан от туркумидаги сўзлар ҳам ҳеч қандай воситасиз тобе вазифада кела олади: *олтин соат, тош йўл* каби. Бунда улар мохиятан тобе аъзолик доимий белгиси бўлган сифат, сон, равиш туркумларига яқинлашади. Бу ҳодиса нутқий бўлиб, *олтин, тош* лексемаларининг лисоний мохияти билан белгиланмаган" (30-, 31- саҳифалар).

Келтирилган мисолларда *олтин-, тош-* лексемаларининг сифатловчи вазифасида келганини "нутқий" дейиш нотўғри: *олтин соат-, тош йўл-* бирикмаларида *олтин-, тош-* лексемалари бош тўғри маъноси билан қатнашади, бу маъно нутқда-гина пайдо бўладиган маъно эмас, ушбу "лексемаларнинг лисоний мохияти билан" белгиланадиган маъно. Қўлланмадаги изоҳ – ҳодисанинг мохиятини четлаб ўтиш учун айтилган фикр. "Бунда улар мохиятан тобе аъзолик доимий белгиси бўлган сифат, сон, равиш туркумларига яқинлашади" дейишдан кўра тўғридан тўғри от лексема сифат каби гўё предметнинг белгисини англатиб келади дейиш маъқулроқ.

Сифат лексема ҳаракат-ҳолатнинг белгисини билдириб келганида равиш лексемага айланмаганидек от лексема ҳам бош тўғри маъноси билан қатнашиб предметнинг белгисини билдириб келганида сифат лексемага айланмайди. Бундан қатъи назар, "от туркумидаги сўзлар" бирикмасида сўз деб лексема ёки лексемашакл назарда тутилгани ноаниқ; уч қатор пастда *лексема* деб аниқ айтилган.

Ҳақиқатда, от лексема лисоний бирлик сифатида грамматик кўрсаткич қўшилмаган ҳолатда бўлади; от лексема предмет маъносини англатиб, масалан, тўлдирувчи вазифасида келганида унга сонловчи ва келишик ёки кўмакчи қўшилади. От лексема белги маъносини англатиб келганида эса унга сонловчи, келишик каби кўрсаткичлар қўшилмайди, балки сифат лексема сифатловчи вазифасида келганидаги каби 'сифатловчи' синтактик семаси

дейиш керак; шунда ушбу синтактик ҳодисанинг моҳияти систем-
 ёндашиб изоҳланган бўлади; сифатловчи бўлиб келган от лексема
 шундай вазифада келган сифат лексемага "яқинлашади" эмас, шаклан

Бундай сифатловчи-сифатланмиш бирикмасининг формуласи

Қуйдагича:

Мазъносини келган	'сифатловчи' синтактик семаси	X	предмет маъносини англатадиган лексема	-
лексемашакл			лексема	
сифатловчи			сифатланмиш	
сифатловчили бирикма				
[(олтин + ссс)]			(соат -)]	

Оқорида тилга олинган ўқув қўлланмасида равишдош кўрсаткичи феъл-
 феълга (*шошилиб гатирди*), сифатдош шакли феълни отга (*ўқиган бола*)
 учун хизмат қилиши тўғри таъкидланган (31- саҳифа), лекин бундай
 ўқувларни "битишув алоқали қўшилмалар сифатида қараш"га эътироз
 қилиб, "бошқарувли бириқувлар сифатида қараш" лозим дейилган.

Азвало, -б морфемаси феълнинг равишга монанд шаклини – равишдош
 сифатловчи, -ган морфемаси феълнинг сифатга монанд шаклини – сифатдош
 сифатловчи ясади, бундай морфемалар феъл лексемани ҳолловчи, сифатловчи
 вазифасида кела оладиган шаклга киритади, демак, синтактик моҳиятга эга.
 Бундай равишдош, сифатдош шакли ясовчиларини тушум, макон
 ва вақтликлари кўрсаткичлари билан тенглаштириш мумкин эмас. Саналган
 сифатловчиларнинг кўрсаткичи бирор лексемага бошқарув хусусиятига молик
 лексеманинг талаби билан танлаб қўшилади; равишдош, сифатдош шакли
 ясовчиларининг қўшилиши феъл лексеманинг бошқарув хусусиятига
 қўшади, лекин боғлиқ эмас. Равишдош, сифатдош шакли ясовчи морфема
 синтактик моҳиятга молик, лекин шакл ўзгартирувчи эмас. Сифатловчи,
 сифатловчи вазифасида келадиган сифат лексемашаклдан фарқи шуки, унга
 синтактик вазифа семаси эмас, синтактик вазифани таъминлайдиган морфема
 қўшилади. Айтилган изоҳлар тобе аъзоси феълнинг равишдош, сифатдош
 шакли билан ифодаланган бирикмаларда битишув алоқаси воқе бўлишини,
 равишдошли бошқарув", "сифатдошли бошқарув" тушунчаларининг
 тўғри эканини исботлайди.

Бундай сифатловчи-сифатланмиш бирикмасининг формуласи
 қуйдагича:

Феъл лексема	сифатдош шакли ясовчиси	X	феъл лексема	-
лексемашакл			лексема	
сифатловчи			сифатланмиш	
сифатловчили бирикма				
[(ўқиган)]			(бола -)]	

Бундай ҳолловчи-ҳолланмиш бирикмасининг формуласи қуйидагича:

Феъл лексема	равишдош шакли ясовчиси	X	феъл лексема	-
лексема шакл			лексема	
ҳолловчи			ҳолланмиш	
ҳолловчили бирикма				
[(ш о ш и л и б)			(г а н и р)-]	

2) Тўлдирувчи-тўлдирилмиш бирикмасининг аъзолари бошқарув алоқа усули билан боғланиши, ҳоким аъзо бошқариш хусусиятига молик лексема билан ифодаланиши адабиётларда етарли таъкидланган.

Ўтимли ёки ўтимлилаштирилган феъл лексема воситасиз тўлдирувчини (айримлари айна вақтда воситали тўлдирувчини ҳам), ўтимсиз ёки ўтимсизлаштирилган феъл лексемаларнинг бир қисми воситали тўлдирувчини бошқариш хусусиятига молик.

Воситасиз тўлдирувчи адабиётларда деярли бир хил тушунтирилади. Тўлдирувчили бирикманинг бу тури "воситасиз тўлдирувчи X ўтимли ёки ўтимлилаштирилган феъл лексема билан ифодаланган тўлдирилмиш" формуласида намоён бўлади:

От, от тур, отлашиб келган лексема	сон- ловчи	тушум келишиги шакли	X	ўтимли ёки ўтимлилаштирилган феъл лексема	-
лексема шакл				лексема	
воситасиз тўлдирувчи				тўлдирилмиш	
воситасиз тўлдирувчили бирикма					
[(к и т о б + С + н и)			(ў қ и -)]-		

Бу формула таркибидаги тушум келишиги белгисиз шаклида катнашиши мумкин: *китоб ўқи-* каби. Ҳодисага юзаки ёндашиб ҳукм чиқариш оқибатида тушум келишигининг белгисиз шаклини бош келишиқ деб талқин қилиш юз берди, воситасиз тўлдирувчи ўзбек тилида фақат тушум келишиги шаклида эмас, бош келишиқ шаклида ҳам ифодаланади деган асоссиз фикр пайдо бўлди. Тушум келишигининг фақат белгили, фақат белгисиз ёки ҳар икки шаклида ишлатилишининг ўз шартлари мавжуд, бу шартлар адабиётларда тасвирланган. Бундан қатъи назар, *китобни ўқи-*, *китоб ўқи-* каби икки хил ишлатишда синтактик вазифа (тўлдирувчилик) ўзгармайди, демак, келишиқ ўзгармайди, фақат бир ифода шакли бошқа ифода шаклига алмашади. Тушум келишигининг (шунингдек қаратқич келишигининг ҳам) бундай икки кўринишда ишлатилишини инкор этиш ўзбек тилининг миллий хусусиятини инкор этишга тенг.

Воситали тўлдирувчи-тўлдирилмиш бирикмаси қуйидаги формула билан тузилади:

Сифат тур, отлашиб лексема	сон- ловчи	макон келишиги ёки кўмакчи	X	ўтимсиз ёки ўтим- сизлаштирилган феъл лексема ёки бошқа туркум лексемаси
лексемашакл				лексема
воситали тўлдирувчи				тўлдирилмиш

воситали тўлдирувчили бирикма

(*ютуққа эриш-*), (*меҳмондан уял-*), (*кураишда енгил-*),
(*рўмолча билан елтин-*); (*ҳаммадан катта-*), (*сенга керак-*)

Бошқарув алоқа усули том маънода воситасиз тўлдирувчи-тўлдирил-
тирилишли бирикмага мансуб. Тобе аъзонинг макон келишигида
аниши ҳам аввало воситали тўлдирувчига хос; аини вақтда бундай
аниш ҳолловчининг бир турига ҳам хизмат қилдирилган.

3) Ҳолловчили бирикма аъзолари битишув ва бошқарув алоқа усули
боғланади.

Битишув алоқа усулида ҳолловчи ҳоким аъзога икки хил шаклда
таъминланади:

а) Сифат тур равиш, сифат, тасвир бирлиги, олмошнинг сифат, равиш
билан ифодаланганида синтактик вазифада келиши 'ҳолловчи'
синтактик семасини қўшиб таъминланади; бундай бирикманинг формуласи
қуйидагича:

Сифат тур равиш, сифат, тасвир бирлиги, олмошнинг сифат, равиш тури	'ҳолловчи' синтактик семаси	X	феъл лексема
лексемашакл			лексема
ҳолловчи			ҳолланмиш

битишув алоқаси билан тузилган ҳолловчили бирикма
[(*тез, оҳиста, кўп*) (*гапир-*)]-

б) Ҳолловчи феъл лексема билан ифодаланганида синтактик вазифада
келиши равишдош шакли ясовчисини қўшиб таъминланади; бундай
бирикманинг формуласи қуйидагича:

Феъл лексема	равишдош шакли ясовчиси	X	феъл лексема
лексемашакл			лексема
ҳолловчи			ҳолланмиш

битишув алоқаси билан тузилган ҳолловчили бирикма
[(*ҳовлиқиб, ўйлаб*), (*гапир-*)]-

Синтактик алоқа синтактик вазифани таъминлайдиган шакл ўзгартирувчи қатнашмаган ҳолда амалга ошгани сабабли бу ерда ҳам битишув алоқаси воқе бўлади.

Бошқарув алоқасида ҳолловчи-ҳолланмиш бирикмаси "воситали тўлдирувчи-тўлдирилмиш" формуласи бўйича тузилади. Бунда ҳолловчи асосан от лексема билан, феълнинг сифатдош шакли билан ифодаланади:

а) Макон келишикларидан бирида бўлади: *кўчага чиқ-*, *эшикдан кир-*, *ишхонада ўтир-* каби;

б) Кўмакчи билан шаклланади: *зайрат билан ишла-*, *кечиккани учун койи-* каби.

Бу тур ҳолловчили бирикманинг формуласи қуйидагича:

От, от тур, отлашиб келган лексема	сон-ловчи	макон келишиги ёки кўмакчи	X	макон келишигини ёки кўмакчини бошқариш хусусиятига молик лексема	-
лексема шакл				лексема	
ҳолловчи				ҳолланмиш	
ҳолловчили бирикма					
[(<i>ишхонада</i>)				(<i>ўтир-</i>)]-	
[(<i>кечиккани учун</i>)				(<i>койи-</i>)]-	

Демак, ҳолловчили бирикма битишув алоқа усули билан тузилганида сифатловчили бирикмага, бошқарув алоқа усули билан тузилганида воситали тўлдирувчили бирикмага ўхшайди, лекин фарқли:

1) Сифат, сифат тур равиш лексема *яхши гап-*, *кўп гап-* каби сифатловчи бўлиб келганида 'сифатловчи' синтактик семаси, *яхши гапир-*, *кўп гапир-* каби ҳолловчи бўлиб келганида 'ҳолловчи' синтактик семаси кўшилади.

2) От, от тур, отлашиб келган лексема ҳолловчи бўлиб келганида *қаерга*, *қаердан*, *қаерда*, *қачон*, *нимага* (*нима учун*) каби сўроқлар ёрдамида, воситали тўлдирувчи бўлиб келганида *кимга*, *нимага* (*нарса*), *кимдан*, *нимадан* (*нарса*), *кимда*, *нимада* каби сўроқлар ёрдамида аниқланади. Кўринадики, бу ерда ҳолловчи ва тўлдирувчи шундай вазифада келган лексеманинг семантик хусусияти асосида фарқланади: предмет маъноси ўрин, пайт, сабаб каби маъно катнашиб англашилганида ҳолловчи дейилади, предмет маъносининг ўзи англашилганида эса воситали тўлдирувчи дейилади. Демак, макон келишиклари деб номланадиган уч келишикнинг маъноси – ўта мавҳум ('қандайдир нукта'). Бу келишикларнинг маъноси деб таъкидланадиган 'макон', 'замон', 'сабаб' каби маънолар бу келишиклар кўшиладиган лексеманинг семантик мундарижасидан англашилади; асли *-га* 'ҳаракат йўналтирилган нукта', *-дан* – 'ҳаракат бошланадиган нукта' *-да* 'ҳаракат воқе бўладиган нукта' каби маънони ифодалайди.

Демак, бошқарув алоқа тури билан тузиладиган бирикмаларда ҳолловчи ва воситали тўлдирувчи синтактик вазифа кўрсаткичи (келишик, кўмакчи)

асида эмас, балки бундай кўрсаткич қўшилаётган тил бирлигининг (лексеманинг) семантик хусусияти асосида фаркланади, чунки бу ерда синтактик моҳият тил бирлигининг (лексеманинг) семантикаси билан синтактик вазифа кўрсаткичининг (морфеманинг) семантикаси орасидаги зич синтагматик муносабатга кўра белгиланади.

Айтилганларни ҳисобга олиб ҳолловчили бирикманинг бошқарув алоқа усули билан тузиладиган тури формуласидаги бош қисмни куйидагича белгилаб ёзиш лозим:

Предмет маъносини мақон, замон, сабаб каби маънолар билан бирга билдирадиган от, от тур, отлашиб келган лексема
--

4. Қаратувчи Х қаралмиш тузилишли бирикма аъзолари мослашув алоқа усули билан боғланади дейиш асли бу синтактик алоқа турига тўғри келмайди. "Мослашув СБларининг икки томонлама грамматик шаклланган тури" дейиш билан бундай бирикманинг ҳар икки аъзосига грамматик шакл қўшилиши таъкидланади. Бу ерда "СБларининг икки томонлама грамматик шаклланган" дейиш ҳам, "...бунда тобе аъзо ҳоким аъзога, ҳоким аъзо тобе аъзога мувофиқ равишда боғловчи восита олади" дейиш ҳам тўғри эмас: 1) "боғловчи восита" термини ўринли ишлатилмаган, "грамматик шакл" терминидан фойдаланиш маъқул; 2) "олади" эмас, "қўшилади"; 3) ҳоким аъзога грамматик шакл(нисбатловчи) тобе аъзога мувофиқ равишда қўшилади, лекин тобе аъзога грамматик шакл (қараткич келишиги) ҳоким аъзога мувофиқ равишда қўшилмайди; 4) тобе аъзога қўшиладиган нисбатловчи ҳоким аъзо таркибидаги қараткич келишигига мувофиқ равишда эмас, балки тобе аъзо вазифасида келган тил бирлигидан англашиладиган шахс-сон маъносига монанд равишда қўшилади.

Мослашув алоқасида асли тобе аъзонинг грамматик шакли ҳоким аъзонинг грамматик шаклига мос ҳолда шаклланади ва ўзгаради. Бундай синтактик алоқанинг классик намунаси — рус тилидаги сифат билан ифодаланган сифатловчили бирикма: *новый дом, новые дома, новые дачи, новыми дачами* каби.¹ Ўзбек тилидаги қаратувчи-қаралмиш бирикмасида тобе-ҳоким аъзоларнинг грамматик шакллари бундай мутаносиб тарзда ўзгармайди, демак, бу тур бирикма мослашув алоқа усули билан тузилмайди: Тобе аъзонинг грамматик шакли (қараткич келишиги белгили ёки белгисиз шаклда келишидан қатъи назар) ҳоким аъзога тобе боғланиш туфайли қўшилади, лекин ўзгармайди, ўзича сақланади; ҳоким аъзо таркибидаги нисбатловчи (грамматик шакл) тобе аъзо вазифасида келган тил бирлигидан англашиладиган шахс-сон маъносига мутаносиб равишда қўшилади ва ўзгаради. Кўринадикки, бирикма аъзоларининг грамматик шакллари орасида мутаносиблик йўқ, демак, бундай бирикма мослашув алоқа усули билан

¹ Русская грамматика. II. Синтаксис. Изд. "Наука". - М.: 1980. 56.

тузилмайди.

1968- йилда эълон қилинган мақоламда¹ эга билан кесим орасидаги синтактик алоқага қиёслаган ҳолда қаратувчи билан қаралмиш орасидаги синтактик алоқани мослашув эмас дейишга ботиндим-у, лекин қандай алоқа эканини етарли даражада тўғри изоҳлай олмадим. 1993- йилга келиб қаратувчи билан қаралмиш орасидаги синтактик алоқа мувофиқлашув (координация, соответствие) эканини тўлиқ ишонч билан кенг изоҳладим.² Ҳамид Неъматов бу изоҳларни эътиборга лойиқ эмас деб топган бўлса керак, қаратувчи билан қаралмиш орасидаги синтактик алоқани мослашув алоқа усули деган фикрни ҳанузгача қувватлаб келади.

Бирикма учун тузиладиган иккинчи босқич формулаларнинг биринчи кўриниши асосида қаратувчили бирикма учун қуйидагича формула тузилади:

<u>Лексемашакл</u>	X	<u>лексема</u>
қаратувчи		қаралмиш
қаратувчили		бирикма

Кейинги босқичда бирикма аъзолари қандай маънони англатадиган тил бирлиги (лексема) қандай грамматик шаклда ифодаланиши акс эттирилиб қуйидагича формула тузилади:

Предмет ёки предмет тасаввурини англатадиган лексема	сон-ловчи	қараткич келишиги	X	предмет ёки белги маъносини англатадиган лексема	сон-ловчи	нисбат-ловчи
лексемашакл				лексема		
қаратувчи				қаралмиш		
қаратувчили бирикма						
[[китобнинг]]				(варағи)-		

Қаратувчининг, қаралмишнинг ифода материални *исм* термини остига бирлаштириш тўғри эмас.³ Аввало, мисолларни пала-партиш санаш нотўғри,⁴ моҳиятидан келиб чиқиб бирлаштириш, систем жойлаб келтириш лозим. Қаратувчили бирикманинг ҳар бир аъзоси от туркуми бирлиги билан, бошқа туркумларнинг от тури, от шакли билан, отлашган ҳолати билан ифодаланиши адабиётларда кўп марта таъкидланган; *исм* термини бу ходисаларнинг барчасини камраб ололмайди. Бундан қатъи назар, *исм* деб от лексемани, сифат лексемани, сон лексемани, равиш лексемани, олмошнинг от

¹ Абдуллаев Ф., Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилидаги грамматик алоқанинг баъзи турлари ҳақида // УТА, 1968, 5.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида тобе боғланишнинг турлари. "Университет" нашриёти. Т.: 1993. 34-41.

³ Курбонова М. ва б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, 13.

⁴ Юқоридаги манба. 13; Неъматов Х. ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари, 8.

...ини тушунган киши феълни ҳам исм деб қараши лозим эди, чунки
...сон белгининг исми бўлса, феъл ҳаракат-ҳолатнинг исми.

Ҳизиғи шуки, **исм - исм**, **исм - феъл** ЛСҚларидан фарқ қиладиган **исм -**
ЛСҚи ажратилган.¹ Унда **исм - исм** ЛСҚи билан **исм - от** ЛСҚининг ўзаро
...сабатини қандай тушуниш керак? **Исм - от (И - 0)** ЛСҚига берилган
...дан маълум бўладики, бу ерда бирикманинг битишув синтактик алоқа
...билан тузилиши назарда тутилган. Қуринадики, ҳар қанча шартли
...лар ишлатилгани билан бирикма асосида ётадиган тобе синтактик
...нинг турларини аниқ таъкидлашга эришилмаган. Ҳарфий рамзлар асли
...ўқитиш жараёнига аллақачон татбиқ қилинган; бундай қисқартмалар тил
...саларини ихчам тарзда ёзиб кўрсатишга хизмат қилади; лекин айни
...да бундай рамзларга ўта берилиб кетиш тил ҳодисаларини тез ва осон
...б олишга ҳалақит беради.

5) Сифатловчини, қаратувчини, изоҳловчини *аниқловчи* термини остига
...лаштириш тўғри бўлмаган.² Бу синтактик бўлақларнинг грамматик
...ланиши, формулалари ўзаро кескин фарқ қилади. Ўзбек тили
...таксиси структурал йўсинда баён қилинган ўқув қўлланмасида
...фатловчи, қаратувчи, изоҳловчи аниқловчининг уч тури деб
...лаштирилиши³ ажабланарли. Ушбу ўқув қўлланмасида изоҳловчи умуман
...сизирланмаган, Сифатловчи, қаратувчи шу терминларнинг ўзи билан ҳам,
...фатловчи аниқловчи, қаратувчи аниқловчи тарзида тузилган бирикмали
...термин билан ҳам аталган.⁴ Асли бу синтактик бўлақларни *сифатловчи*,
...ратувчи, изоҳловчи терминлари билан аташ етарли ва тўғри, *аниқловчи*
...терминини қўшиб, ҳар икки бўлақни 'аниқловчи' тушунчаси остига
...лаштириш семантик жиҳатдан ҳам, грамматик шакл жиҳатидан ҳам
...тўғри эмас. Бу фикрни юқорида сифатловчили бирикмага, қаратувчили
...рикмага берилган изоҳлар тўлиқ тасдиқлайди.

Адабиётларда изоҳловчи кенг тушуниб тасвирланган. Асли изоҳловчили
...рикманинг ҳар икки аъзоси предмет маъносини англатадиган лексема
...билан, баъзан изоҳловчи белги маъносини англатадиган лексема билан
...фодаланади, натижада предмет маълум бир тавсиф олган ҳолда
...адаланади. Бундай бирикманинг биринчи аъзоси бирлик, бош келишиқдаги
...ксема билан ифодаланади, иккинчи аъзоси эса асосан лексемага тенг
...ўлади; келишиқ шакли бундай бирикмага яхлитлигича навбатдаги
...синтактик боғланиш учун қўшилади, келишиқдан олдин бирлик сон шакли
...затнашади.

Изоҳловчи одатда изоҳланмишидан кейин, баъзи тур изоҳловчи эса
...зоҳланмишидан олдин жойлашади, шунга кўра изоҳловчили бирикма
...формуласи икки кўринишда тузилади:

¹ Қурбонова М. ва б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, 46.

² Ajjub ulom. Ozbek tilida aniqlovchilar, Oz FAN nashriyati. -T.: 1941.

³ Қурбонова М. ва б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, 88.

⁴ Юқоридаги манба, 88, 90.

Атокли от лексема	бирлик сон шакли	бош келишик шакли	X	белги маъносини англададиган лексема
лексемашакл				лексема
изоҳланмиш				изоҳловчи

изоҳловчили бирикма

[[*Малик* + Ø1 + Ø11] (*пакана*)]-
 [[*Олим* + Ø1 + Ø11] (*жанжал*)]-

Предмет, белги маъносини англададиган лексема	бирлик сон шакли	бош келишик шакли	X	атокли от лексема	бирлик сон шакли
лексемашакл				лексема	лексема
изоҳловчи				изоҳланмиш	

изоҳловчили бирикма

[[*шоир* Ø1 + Ø11] (*Миртемир* + Ø1-)]-
 [[*Профессор* Ø1 + Ø11] (*Каримов* + Ø1-)]-

Ўзбек тилида изоҳловчили бирикманинг етакчи формуласи – "изоҳланмиш X изоҳловчи": *Сиддиқ ака-*, *Равшан ошпаз-*, *Ҳамид Олимжон-*, *Алишер Навоий-* каби.

Изоҳловчили бирикманинг биринчи аъзоси от лексема билан ифодалангани сабабли келишик шаклида, энг умумий, энг кенг камровли бош келишик шаклида булади (Келишикдан олдин сон шакли қатнашади). Бош келишик бу ерда хоким-тобелик кўрсаткичи сифатида эмас, фақат синтактик алоқани таъминловчи шакл сифатида қатнашади.

Ҳар икки аъзоси от лексема билан ифодаланадиган изоҳловчили бирикмада биринчи аъзо сифатловчига, айниқса белги маъносини англагиб келадиган от сифатловчига ташки кўринишда жуда ўхшайди (*тош йўл-*, *Сиддиқ ака-* каби), лекин жиддий фаркланади: От лексема сифатловчи бўлиб келганида келишик шакли (ундан олдин бирлик сон шакли) қатнашмайди, изоҳловчи бўлиб келганида эса бу грамматик кўрсаткичлар қатнашади. Шу асосда изоҳловчи сифатловчидан фарқли синтактик бўлак деб ажратилади, лекин синтактик алоқа усули жиҳатида ҳар иккиси битишув алоқа турига мансуб.

Изоҳловчи-изоҳланмиш бирикмасининг сифатловчи-сифатланмиш бирикмасидан яна бир фарқи шуки, бундай бирикманинг бир аъзоси атокли от билан, иккинчи аъзоси турдош от билан, баъзан эса ҳар икки аъзоси атокли от билан ифодаланadi.

Яна бир фарқи шуки, изоҳловчи биринчи аъзо ўрнида ҳам, иккинчи аъзо ўрнида ҳам келади; бундай икки хил тартибда жойлашув нутқий эмас, балки синтактик формулаларнинг ўзига хос хусусият.

6) Ўзбек тилидаги бирикмаларнинг бир турида биринчи аъзо бирлик,

бу келишик морфемалари қўшилган от лексема билан, иккинчи аъзо эса бирлик сон шакли, III шахс бирлик нисбатловчиси қўшилган от лексема ифодаланади: *Кўқон шаҳари-*, *куз фасли-* каби. Бундай бирикманинг биринчи аъзосини қараткич келишигининг белгисиз шаклида келадиган қаратувчидан фарқлаш лозим: *Кўқон кўчалари-* – қаратувчили бирикма, *Кўқоннинг* унинг биринчи аъзосини *Кўқоннинг* шаклида (қараткич келишигини белгисиз шаклдан белгили шаклга айлантириб) ишлатиш мумкин; *Кўқон шаҳари-* бирикмасида эса биринчи аъзо – бош келишик шаклида ва уни қараттириш мумкин эмас. Ана шундай тур бирикмани изофа бирикмаси (изофаловчили бирикма) деб номладик.

Изофа бирикмаси "изофаловчи-изофаланмиш" тарзида тузилиб, асосмуласи қуйидагича:

Атоқли ёки турдош от лексема	бирлик сон шакли	бош келишик шакли	X	турдош от лексема	бирлик сон шакли	III шахс нисбат- ловчиси
лексемашакл				лексема		
изофаловчи				изофаланмиш		
изофа бирикмаси						
(куз				фасли)-		

Изофа бирикмасининг биринчи аъзоси атоқли отнинг қуйидаги турлари билан ифодаланади: 1) предметнинг номи билан: а) жой номи билан: *Олой шаҳри-*, б) унвон, мукофот номи билан: *"Ўзбекистон қаҳрамони" унвони*, *"Буюк хизматлари учун" ордени-* каби; 2) предметга берилган ном билан: *Ҳудудий театри-*, *"Гинчлик" бекати-*, *"Пахтакор" стадиони-* каби.

Изофа бирикмасининг ҳар икки аъзоси турдош от лексема билан ифодаланганида биринчи аъзо иккинчи аъзо англатадиган предметнинг: 1) номини билдиради: *Ўзбек миллати-*, *шанба кунини-* каби; 2) турини билдиради: *Нева дароҳти-*, *савол назари-* каби; 3) нимага хосланганлигини билдиради: *билет кассаси-*, *валюта алмаштириш пункти-* каби; 4) ўхшатиш билдиради: *тўрт азоби-*, *жон аччиғи-* каби ва б.

Тасвирдан кўринадики, изофа бирикмасининг аъзолари доим контакт ҳолатда бўлади; биринчи аъзо англатадиган предметлик маъносига гўё белги земаси қўшилиб туради. Иккинчи аъзога нисбатловчи қўшилишига қарамай бир предмет бошқа предметга нисбат берилмайди, балки биринчи предмет (кенг маънода) иккинчи предметга белги сифатида келтирилади. Шу туфайли бундай бирикма қисмларида бир бутунликка силжиш сезилади: *куз ёши-*, *одам боласи-*, *жаҳл оти-* каби.

Изофа бирикмасининг биринчи аъзоси таркибидаги бош келишик иккинчи аъзога синтактик тобеланишнинг кўрсаткичи бўлади; иккинчи аъзога от лексемашакл билан боғланиш туфайли III шахс нисбатловчиси қўшилади; бу ерда мутаносиблик от лексемадан англашиладиган III шахс маъноси билан нисбатловчи ифодаляйдиган III шахс маъноси орасида воқе бўлади; мутаносиблик лексема ва морфема маънолари орасида воқе

булишига кўра бундай бирикма аъзолари орасидаги синтактик алоқа усули мувофиқлашув дейилади.

7) Ўзбек тилида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган яна бир бирикма тури мавжуд. Бундай бирикмада иккинчи аъзо биринчи аъзодан англашиладиган маънони таъкидлайди, шунга кўра бундай бирикманинг иккинчи аъзосини таъкидловчи, биринчи аъзосини эса таъкидланмиш деб номладик. Таъкидланмиш-таъкидловчи тарзида тузиладиган бирикмалар ўзаро кескин фаркланадиган икки таркибда тузилади:

а. Бирикманинг биринчи (хоким) аъзоси бош келишиқдаги кишилиқ олмоши, III шахсда одатда киши атоқли оти билан ифодаланади, иккинчи (тобе) аъзоси бош келишиқдаги ўз- таъкид бирлиги, жамловчи сон, жамлик маъносини англатадиган ҳамма- каби лексема билан ифодаланади; иккинчи аъзога биринчи аъзодан англашиладиган шахс-сон маъносига монанд равишда нисбатловчи қўшилади, мувофиқлашув алоқа усули билан боғланиш воқе бўлади: *мен ўзим (келдим), сиз ҳаммангиз (эртага келинг), у (Салим) ўзи (тушунмаяпти)* каби. Бу тур таъкидловчили бирикма куйидагича формулаларда намоён бўлади:

а)					
Бирлик ёки кўплик кишилиқ олмоши ёки бирлик шаклидаги киши атоқли оти	бош келишиқ шакли	X	ўз- таъкид бирлиги	кишилиқ олмошига, атоқли отга монанд нисбатловчи	бош келишиқ шакли
лексемашакл			лексемашакл		
таъкидланмиш			таъкидловчи		
таъкидловчили			бирикма		
<i>Мен</i>			<i>ўзим</i>		
<i>Сиз</i>			<i>ўзингиз</i>		
<i>Салим</i>			<i>ўзи</i>		

б)					
Кўплик кишилиқ олмоши	бош келишиқ шакли	X	икков- ҳамма- каби лексема	кишилиқ олмошига монанд нисбатловчи	бош келишиқ шакли
лексемашакл			лексемашакл		
таъкидланмиш			таъкидловчи		
таъкидловчили			бирикма		
<i>Биз</i>			<i>икковимиз</i>		
			<i>хаммамиз</i>		
<i>Сиз</i>			<i>икковингиз</i>		
			<i>хаммангиз</i>		

Юкорида тасвирланган бирикма турларидан фарқли таъкидловчили бирикманинг ҳар икки аъзоси лексемашакл билан ифодаланади, бирикма бош келишик шаклида ишлатилиб, эга вазифасида келади; нутқда қўлланмиш кўпинча ифодаланмай, таъкидловчининг ўзи эга вазифасида келади: *Мен ўзим келдим. – Ўзим келдим. каби.*

б. Бирикманинг аъзолари пайт маъносини англатадиган лексема ёки бирикма билан ифодаланиб, кеча-кундузининг (сутканинг) маълум пайти таъкидли англатилади: *кеча кечқурун; эрталаб соат тўққизда* каби. Бундай бирикманинг таъкидланмиш аъзоси одатда пайт равиши билан, таъкидловчи аъзоси ҳам асосан пайт равиши билан, шунингдек пайт маъносини англатадиган "*соат X санок сон*да" тузилишли қурилма билан ифодаланади ва куйидагича формулаларда намоён бўлади:

а)

Пайт равиши	'ҳолловчи' синтактик семаси	X	пайт равиши	'ҳолловчи' синтактик семаси
лексемашакл			лексемашакл	
таъкидланмиш			таъкидловчи	
таъкидловчили бирикма				
<i>кеча</i>			<i>кечқурун</i>	

б)

Пайт равиши	'ҳолловчи' синтактик семаси	X	(соат X санок сон)да	
лексемашакл			қурилма	
таъкидланмиш			таъкидловчи	
таъкидловчили бирикма				
<i>эрталаб</i>			<i>соат тўққизда</i>	

Бундай таъкидловчили бирикманинг аъзолари битишув алоқа усули билан боғланади.

в. Таъкидловчининг алоҳида тури *Ховос тена*сида, *тогда*; *ҳар қандай одамни, ҳатто Давлатбековни* каби қурилмалар билан ифодаланади. Бундай қурилмада таъкидланмиш билан таъкидловчи асосан айтини бир грамматик шаклдаги тил бирлиги (лексемашакл, бирикмашакл) билан ифодаланади, санаш оҳангига тенг пауза билан айтилади; шунга кўра ажратилган бўлак деб талқин қилинади; асли таъкид қурилмаси дейиш тўғрироқ. Бундай қурилма куйидаги формула билан тузилади:

От лексема ёки бирикма	бирлик сон шакли	ўрин келишиги шакли	X	от лексема ёки бирикма	бирлик сон шакли	ўрин келишиги шакли
лексемашакл				лексемашакл		
таъкидланмиш				таъкидловчи		
таъкидловчили бирикма						
<i>(Ховос тена + 01 + си + да,</i>				<i>тогда + 01 + да) -</i>		

Хуллас, таъкидланмиш-таъкидловчи бирикмасининг юқорида тасвирланган турлари ўзаро таъкид маъносини ифодалашига кўра бирлашади. Бошқа белги-хусусиятларида бир-биридан фарқланади.

Ўзбек тилидаги бирикма турларининг тасвиридан аён бўладики, бунда синтактик бирликнинг табиати ўта мураккаб бўлиб, чуқур ўрганилиши лозим. Ўзбек тилидаги бирикмаларнинг табиати муаллифнинг фикрига мос келадиган чекланган миқдордаги фактик материал асосида эмас, жуда катта ҳажмли матндан сидирғасига махсус кўчириб олинган бой фактик материал асосида ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниши лозим.

3. Гапшакл ҳақида

Г а п – тил қурилишининг асосий бирлиги. Бошқа тил бирликлари қатори гапнинг ҳам лисоний бирлик ва нутқий бирлик ҳолатлари фарқланади. Лисоний бирлик ҳолатида гап носегмент бирлик бўлиб, формуладан иборат. Бундай формула асосан лексемашакл, бирикмашакл билан тўлдирилади, шунга кўра ушбу синтактик бирликни асли г а п ш а к л деб номлаш тўғри.

Гапшакл асоси одатда бош келишиқдаги лексемашакл (тил бирлиги) билан тусловчили лексемашаклдан (тил бирлигидан) таркиб топади, ўрни билан тусловчили тил бирлигининг ўзидан иборат бўлади. Тусловчили тил бирлиги гапшакл мавқеига гаплик оҳанги билан молик бўлади. Шунга кўра гапшаклни юзага келтирадиган асосий омиллар деб тусловчини ва гаплик оҳангини таъкидлаш лозим.

Гапшакл билан воқелик ҳақида хабар, сўроқ, буйруқ, истак кабилар билдирилади, фикр англатилади. Шунга кўра гапшакл тил қурилишининг коммуникатив вазифа бажарадиган бирлиги дейилади, тилнинг асосий вазифаси – алоқа-аралашув қуроли бўлиш гапшакл билан амалга ошади.

Гапшаклнинг бирламчи формуласи – икки аъзоли; ҳар икки аъзо тугал грамматик шаклланган лисоний бирлик билан ифодаланади, шунга кўра ҳар икки аъзо гапшакл бўлаги мавқеида бўлади. Биринчи аъзонинг ҳал этувчи грамматик кўрсаткичи бош келишиқ бўлиб, бу аъзо фикр (хабар,..) предметини билдиради, э г а дейилади; иккинчи аъзонинг ҳал этувчи грамматик кўрсаткичи тусловчи бўлиб, бу аъзо фикр (хабар,..) предметининг белгисини билдиради, к е с и м дейилади. Кесим бўлакка тусловчи эга бўлак вазифасида келадиган тил бирлиги асосидан англашиладиган шахс-сон маъносига монанд ҳолатда танлаб қўшилади; шунга кўра кесим бўлак эга бўлакка тобеланади, натижада мувофиқлашув алоқаси билан тузиладиган боғланма ҳосил бўлади. Ана шундай боғланма аниқ тил бирлиги билан тўлдирилиб, гаплик оҳанги билан талаффуз қилинса, гапшаклнинг нутқий бирлик ҳолати юзага келади ва бундай нутқий бирлик ж у м л а дейилади. Бу тур гапшаклнинг бош формуласи қуйидагича:

келишикдаги тил бирлиги	X	тусловчили тил бирлиги
синтактик бўлак		синтактик бўлак
хоким бўлак		тобе бўлак
эга		кесим
гаплик		оханги
икки аъзоли		гапшакл
Машғулот + бош К		бошланди + Тс

Эга бўлак таркибида бош келишикдан ташқари ўрни билан сонловчи кесим бўлак таркибида эса тусловчидан олдин бўлишли-бўлишсизлик ўрни билан замон (З), майл (М) кўрсаткичлари катнашади, шунга кўра келишикдаги бош формула аъзолари лексемашакл билан ифодаланганида санаб берилган грамматик кўрсаткичларни таъкидлаб қуйидагича бир неча кўришда таъкидлаб тузилади:

1)

Лексема + [С] + бош К	X	лексема + Б + М/Тс
<i>сиз + ØII</i>		<i>кел + ма + нг</i>
лексемашакл		лексемашакл
эга		кесим
гаплик		оханги
		гапшакл
<i>Сиз</i>		<i>келманг.</i>

2)

Лексема + [С] + бош К	X	лексема + Б + З + Тс
<i>сен + ØII</i>		<i>кел + ма + ди + нг</i>
лексемашакл		лексемашакл
эга		кесим
гаплик		оханги
		гапшакл
<i>Сен</i>		<i>кел + ма + ди + нг.</i>

3а)

Лексема + [С] + бош К	X	лексема + Б + З + М + Тс
<i>сен + ØII</i>		<i>кел + ма + ØVIII + са + нг</i>
лексемашакл		лексемашакл
эга		кесим
гаплик		оханги
		гапшакл
<i>Сен</i>		<i>кел + ма + ди + нг,</i>

3б)

Лексема + [С] + бош К	Х	лексема + Б + З + М + Тс
<i>сен + ØП</i>		<i>кел + ма + ган бул + са + нг</i>
лексемашакл		лексемашакл
эга		кесим
гаплик		оҳанги
гапшакл		
<i>Сен</i>		<i>кел + ма + ган бул + са + нг...</i>

Гапшакл таркибида қатнашадиган эга ва кесимдан бошқа бўлақлар гапшакл асосини белгилашда ҳисобга олинмайди.

Гапшаклнинг кейинчалик юзага келган иккиламчи формулалари эга бўлакнинг гапшакл таркибидан чиқарилиши билан юзага келган; бундай гапшаклларнинг асоси кесим аъзога (К) тенг бўлади.

Асоси кесим аъзодан иборат гапшакл формулалари қуйидагича юзага келган:

1) "Э Х К" формуласидаги кишилик олмоши билан ифодаланадиган эга аъзонинг гапшакл формуласидан чиқарилиши билан;

2) "Э Х К" формуласидаги кесимни шахсизлантириш орқали эга аъзонинг гапшакл формуласидан чиқарилиши билан.

Ҳар икки тур гапшакл формуласида эга аъзо қатнашмайди, гапшакл қурилишининг асоси кесимга тенг бўлади. Шунга қўра буларни қурилиши асоси кесимга тенг гапшакллар дейиш мумкин.

Кишилик олмоши билан ифодаланадиган эга аъзонинг гапшакл формуласидан чиқарилиши билан юзага келадиган гапшакллар икки турли:

а) эга аъзо ишлатилмаган гапшакл,

б) эга аъзо ишлатилмайдиган гапшакл.

Эга аъзо ишлатилмаган гапшакл – "Э Х К" формуласи асосида "К" формуласининг юзага келишидаги бошланғич босқич. Кишилик олмоши билан ифодаланадиган қаратувчида бўлганидек шундай олмош билан ифодаланадиган эга ҳам ишлатилмаслиги мумкин, чунки бундай эга ифодаладиган маънони (шахс, сон, модал маънони) кесим таркибидаги тусловчи ҳам ифодалайди, натижада плеоназм воқе бўлади. Бу ердаги ортиқчалик ҳам худди қаратувчили бирикмада бўлгани каби кишилик олмоши билан ифодаланадиган бўлакни ишлатмаслик орқали баргараф қилинади. Ҳар ккки ҳолатда тилнинг иқтисод қонунига бир хил амал қилинади – морфема сакланиб, кишилик олмоши ишлатилмайди: *менинг укам → укам; Мен келдим. → Келдим.*

Кўринадики, гапшаклнинг бош формуласи асли – икки аъзоли; эганинг ишлатилмаслиги – иккиламчи ходиса. Зарур ўринларда кишилик олмоши билан ифодаланадиган эга бундай гапшакл қурилишида албатта қатнашади.

Қаратувчи ишлатилмаса, бирикмага тенг ҳолат йўқалади, фақат лексемага тенг ҳолат қолади, чунки қаралмиш таркибидаги нисбатловчи лексемашаклни юзага келтирмайди. Эга ишлатилмаса, гапшаклга тенг ҳолат сакланади, чунки кесим таркибидаги тусловчи лексемашаклни юзага

...ади, синтактик вазифани таъминлайди.

...едим каби мисолларни эга аъзоси ишлатилмаган гапшакл деб баҳолаш
...келдим аввало тусловчили феъл лексемашакл, гапшакл бўлаги
...асида келиб кесим мавқеини, эга бўлаги ишлатилмаса, гапшакл
...ни олади.

Хуллас, эга аъзоси ишлатилмаган гапшакл таркибига кишилиқ
...ини эга мавқеида бемалол киритиб, "Э Х К" формуласини тиклаш
...ан: *Жуда согиним кетдик* (Собир Абдулла). – *Биз жуда согиниб кетдик*.

Бу тур гапшаклнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, худди икки
...гапшакларда бўлганидек, маълум чекланишлардан қатъи назар,
...аъзо бўлишли-бўлишсизлик, майл, замон, туслаш парадигмаларининг
...ли барча шаклларида ишлатилади. Бундай гапшакларда тусловчи
...алайдиган шахс маъноси аниқ бўлади, шунга кўра бундай гапшакл
...аниқ гап деб ҳам аталади.

Эга аъзоси ишлатилмаган гапшакл формуласини куйидагича тузиб
...ратиш мумкин (Ишлатилмаган эга аъзо ўрта қавсларга олиб ёзилди):

<u>[Лексема + С + бош К]</u>	X	<u>лексема + Б + М/З + Тс</u>
<u>[лексемашакл]</u>		<u>лексемашакл</u>
[э г а]		кесим
		<u>га п л и к о ҳ а н г и</u>
		га п ш а к л
[М е н]		<i>Жуда согиниб кетдим.</i>

Эга аъзо ишлатилмайдиган гапшакл формуласида кишилиқ олмоши
...билан ифодаланиши мумкин бўлган эга бўлак қатнашмайди; кесим
...таркибидаги тусловчи ифодаляйдиган шахс маъноси аниқ ҳолатдан мавҳум
...ҳолатга томон тараққий этган бўлади. Шахс маъносининг мавҳум тасаввур
...қилиниши оқибатида кишилиқ олмоши билан ифодаланиши мумкин бўлган
...гани тиклаш йўли тўсилади, натижада эга аъзо ишлатилмайдиган гапшакл
...ҳозага келади.

Бундай гапшаклларнинг куйидаги икки маъно тури фарқланади:

- 1) тусловчиси ифодаляйдиган шахс маъноси ноаниқ гапшакл,
- 2) тусловчиси ифодаляйдиган шахс маъноси умумлашган гапшакл.

Тусловчиси ифодаляйдиган шахс маъноси ноаниқ гапшаклларда кесим
аъзо одатда III шахснинг кўплик шаклида келади, лекин бажарувчи аниқ III
шахс бўлмайди, балки қайси шахс экани ноаниқ тасаввур қилинади.
Кўринадик, бажарувчи шахснинг ноаниқ тасаввур қилиниши бу тур
гапшакларда кишини ифодалаш учун ишлатилмайдиган III шахс
тусловчисининг кўплик шакли асосида воқе бўлган. Бунда кўплик: а) *-лар*
аффикси билан ифодаланади: *Куйни ҳам, эчкини ҳам ўз оғидан осадилар*.
каби; б) *-и* 2 аффикси билан ифодаланади: *Нима гап бўлди, акангни танқид*
қилишдимми? (Абдулла Каххор) каби.

Бу тур гапшакл формуласини қуйидагича тузиб кўрсатиш мумкин:

_____ Лексема + Б + М/З + III шахс кўплик тусловчиси
(Шахс маъноси ноаник)

_____ лексема шакл

_____ кесим

_____ гаплик оҳанги

_____ гапшакл

_____ Танқид қилишдими?

Тусловчиси ифодалайдиган шахс маъноси умумлашган гапшаклда кесим аъзо одатда II шахс шаклида бўлади, лекин фикр барчага қаратилади. Бундай гапшакллар асосан мақол, хикматли, ўғитли ибораларга тўғри келади. Бундай гапшаклларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унинг кесими ҳозирги замон шаклларида ишлатилмайди: *Танимагани сийламас. Дустинг учун заҳар ют. Хўкизнинг шоҳига урсанг, туёғи зирқирайди.* каби. Бу тур гапшакл формуласини қуйидагича тузиб кўрсатиш мумкин:

_____ Лексема + Б + М + З (ўтган ёки келаси) + Тс (II шахс,
умумлашган)

_____ лексема шакл

_____ кесим

_____ гаплик оҳанги

_____ гапшакл

_____ *Дустинг учун заҳар ют.*

"Э Х К" формуласидаги кесимни шахссизлантириб эгани гапшакл курилишидан чиқариш билан юзага келган гапшаклларда эга аъзо гапшакл таркибидан грамматик омил асосида чиқарилади; бунда кесим аъзо ташқи кўринишда III шахс тусловчисини олган бўлса ҳам, асли шахс маъноси (бажарувчи) ифодаланмайди.

Шахссизлик маъносининг ифодаланишига қуйидаги икки усул билан эришилади:

1. Ўтимсиз (ёки ўтимсизлаштирилган) феъл кесим таркибига -л /-н аффиксини киритиш билан эришилади. Бундай гапшаклнинг кесим аъзоси бўлишли-бўлишсизликнинг, майлнинг, замоннинг деярли барча шаклларида ишлатилади: *Қўйларнинг қирилиб кетишига йўл қўйилмасин. Астойдил ҳаракат қилинса, мақсадга албатта эришилади. Саманқандга эртага кетилади. Жисмоний машқлардан кейин душда ювинилди.* каби.

Бундай гапшаклнинг формуласини қуйидагича тузиб кўрсатиш мумкин:

Ўтимсиз (ўтимсизлаштирилган) феъл лексема + л/н
(шахссизлик аффикси) + Б + М + З + III шахс
тусловчиси (Шахс маъноси ифодаланмайди)

лексемашакл

кесим

гаплик оҳанги

гапшакл

... бор + ил + ØIV + а + ди.

... ювин + ил + ØIV + ди + ØVI.

2. Шахссизлик маъносини ифодалайдиган аналитик грамматик шакл билан эришилади. Бундай аналитик грамматик шакл бир неча турли:

1) Аналитик грамматик шаклнинг кейинги қисми бўл- ёрдамчисининг бўлди ёки бўлмайди шаклида, баъзан бўлди ёки бўлмади шаклида ифодаланadi, мустақил феълга тенг олдинги қисми икки хил шаклланади:

а) -б равишдоши шаклида бўлади: Бу кўлнинг сувини ичиб бўлади || ичиб бўлмайди. каби;

б) -са кўрсаткичи шаклида бўлади: Бу кўлнинг сувини ичса бўлади. каби.

Бундай гапшаклнинг формуласини қуйидагича тузиб кўрсатиш мумкин:

феъл лексема + б/са + бўл + Б + М + З + III шахс
тусловчиси (Шахс маъноси ифодаланмайди)

лексемашакл

кесим

гаплик оҳанги

гапшакл

... ичиб бўлмайди.

... ичса бўлади.

2) Аналитик грамматик шаклнинг кейинги қисми тўғри кел- ёрдамчиси билан, мустақил феълга тенг олдинги қисми феълнинг отдош шаклига бирлик сон шаклини ва жўналиш келишиги аффиксини қўшиш билан ифодаланadi. Бундай аналитик грамматик шакл турли майл ва замон шаклларида, лекин фақат бўлишли шаклда ишлатилади: Чақирилган жойга боришга тўғри келса / тўғри келди. каби.

Бундай гапшакл формуласини қуйидагича тузиб кўрсатиш мумкин:

Феъл лексема + и I + бирлик С + га тўғри кел + Бли + М
+ З + III шахс тусловчиси (Шахс маъноси
ифодаланмайди)

лексемашакл

кесим

гаплик оҳанги

гапшакл

... боришга тўғри келади /келса/ келди.

3) Аналитик грамматик шаклнинг кейинги қисми кесимлик лексемаси билан ифодаланади, мустақил феъл эса феълнинг одош шаклида бўлиб асосан *-ш* аффикси билан ясалади, бирлик, бош келишиқда шаклланади. Бундай гапшакл формуласида аналитик грамматик шаклнинг кейинги қисми бўлиб:

а) *керак-, зарур-, даркор-, лозим-* каби кесимлик лексемаси келади. 'зарурийлик' маъноси ифодаланади: *Бу дорини овқатланишдан олдин иччиш керак /лозим- каби;*

б) *мумкин-* кесимлик лексемаси келади, 'мумкинлик' маъноси ифодаланади: *Бу дорини овқатланишдан олдин ҳам, кейин ҳам иччиш мумкин* каби.

Бундай гапшаклнинг формуласини қуйидагича тузиб кўрсатиш мумкин:

Феъл лексема + *ш* I + бирлик С + бош К + *керак/ мумкин* +
Б + III ш. Тс.

лексема шакл

кесим

гаплик оҳанги

гапшакл

... *иччиш керак.*

... *иччиш мумкин эмас.*

Гапшакл формулаларини тасвирлашда холис ҳукм чиқаришга интилиб тўрт оригинал проза асаридан 250тадан жами 1000 жумла сидирғасига кўчириб олинди. Шулардан 700дан ортиғи содда гапшакл сифатида ажратилди. Буларнинг 500га яқинида эга қатнашган, гапшаклнинг асоси "Э Х К" формуласи билан тузилган. Мисоллар жуда чекланган миқдорда бўлишига қарамай нутқда эга қатнашадиган гапшакллар эга қатнашмайдиган гапшаклларга қараганда 2,5 баравар кўп учрашини кўрсатди. Бундан хулоса шуки, ҳозирги адабий ўзбек тилида гапшаклларнинг бирламчи ва асосий формуласи – "Э Х К"; "К" формуласи эса – иккиламчи.

Хуллас, гапшаклларнинг бош лисоний формуласи ҳозирги адабий ўзбек тилида – икки аъзоли (эга Х кесим) ва бир аъзоли (кесим). Асоси икки аъзоли ва бир аъзоли гапшакллар тилшуносликда (ўзбек тилшунослигида ҳам) *икки составли гап* ва *бир составли гап* деб номланган ҳолда кенг ёритилган. Бу терминлар таркибидаги *составли* қисми ўринли ишлатилмаган: Ҳодисани аниқ ва тўғри номламайди (*Составли* терминини *таркибли* терминига алмаштириш мутлақо ўринли эмас).

Асоси кесим аъзодан иборат гапшаклларнинг лисоний кўринишлари кўп-у, лекин улар нутқда жуда оз ишлатилади; фақат эга аъзоси ишлатилмаган гапшакллар нутқда кўп ишлатилади, лекин буларни том маънода асоси кесимдан иборат гапшакл деб баҳолаш тўғри бўлмайди. Булар асли – икки аъзоли гапшаклнинг эга аъзоси эллипсланган кўриниши: Бундай эллипсланган эга аъзони бемалол тиклаб, жумла таркибига киритиш мумкин.

Тилшунослик фанининг маълум тараққиёт даврида логика (мантик)

мансуб ҳукм, субъект, предикат тушунча ва терминлари тил тарихини тавсифлашда ҳам қўлланилган, лекин бу ҳолат ҳозирги давом этади дейиш¹ нотўғри: Тилшуносликда гапшакл асосини эгадан эгадиган синтактик бўлақларни эга ва кесим деб номлашга аллақачон Проф. Ҳ.Неъматов гапшаклнинг мазмун жиҳати учун ҳукм (мантик) асосини танлагани ўринли бўлмаган²; хатто *фикр* терминини танлаш ҳам нотўғри, чунки гапшаклнинг барча турлари (масалан, сўрок шакллари) билан фикр аңглантилмайди. Шунини ҳисобга олиб гапшакл асосида мазмун жиҳатини онгли равишда таъкидламадик.

Рус тилшунослигида ҳам, рус тилшунослиги асосида шаклланиган ва тарқатилган ўзбек тилшунослигида ҳам ҳозир субъект билан эга, предикат ва кесим тенглаштирилмайди; эга ва кесим мантик категориялари асосида эмас, синтактик категориялар сифатида баҳоланади ва ўрганилади.

Рус тилшунослигида ҳам бошқа тилшуносликларда бўлгани каби гапшаклнинг эга ва кесимдан иборат гапшакл ўрганилган; гапшаклнинг бошқа турлари ҳам ўрганилганидан кейин икки составли ва бир составли деб таърифланган. Демак, гапшаклнинг асоси бир составли, шу жумладан гапшаклнинг ўзидан иборат бўла олиши – тилшуносликда аллақачон қабул қилинган фикр.

Гап асоси эга ва кесимдан иборат деган фикрнинг ўзбек тилшунослигига таърифи эҳтилол этилишини рус тилшунослигидан кўчирилган зўрма-зўраки талқин қилган коралаш, гапларни бундай тасниф қилиш хато экани ҳақида "Ҳеч ким гапшаклдан фикр қилмасди" дейиш – фикрлайдиган тилшунослар шаънига қарата қилинган тухмат.³

Гапшаклларнинг турларини эгасиз гаплар ва эгали гаплар деб ажратиш⁴ бир составли гаплар ва икки составли гаплар тушунчасининг бошқача баҳоланиши ҳолос. Асли бу ҳодисани аъзоси эга ва кесимдан (икки аъзодан) иборат ёки фақат кесимдан (бир аъзодан) иборат гапшакллар деб номлашни маъқул деб биламиз. Проф. Ҳ.Неъматов ўзбек тилшунослигига "бир составли ва икки составли" гаплар тушунчалари ташқаридан ноўрин қўрилган ва ундан "биз ҳали-бери – яқин 20-30 йилда қутула олмаймиз" деган баландпарвоз фикрни айта туриб⁵ беш йил кейин чоп этилган асаридан шу фикри пуч эканини оддийгина термин алмаштириш йўли билан очиқ-ойдин намоён қилди.⁶

Ҳар хил таркибли нутқий жумлаларни эмпирик усул билан қиёслаб, уларнинг барчаси таркибида қатнашадиган умумий бўлақ кесим эканини намоён қилиш орқали "Демак, ўзбек тилида умумий гап қолипи эгасиздир" деган ҳукм чиқарилди.⁷ Бундай ҳукм чиқариш – саёз фикрлаш маҳсули

1. Неъматов Ҳ. ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари (Филолог талабалар учун қўлланма), "Университет", -Т: 1999, 23.

2. Юкоридаги манба, 21.

3. Юкоридаги манба, 22.

4. Қурбонова М. ва б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, 72 – 79.

5. Неъматов Ҳ. ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари, 22.

6. Қурбонова М. ва б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, 74.

7. Неъматов Ҳ. ва б. Юкоридаги манба, 22, 23.

бўлиб, гапшакл моҳиятини англашга ҳеч қандай ёрдам бермайди.

"Ўзбекча гапларда кесим ҳамиша шахс/сон қўшимчалари билан келади" жумласи нуқсонли тузилган: 1) "қўшимчалари" эмас, "қўшимчаси" дейиш лозим; 2) "шахс/сон" тарзида ёзиш тўғри эмас, "шахс-сон", аниқроғи - "шахс ва сон" тарзида ёзиш лозим; 3) Бу қўшимчаларни "шахс/сон қўшимчаси" дейиш ноаниқ (Шахс-сон маъносини нисбатловчи ҳам ифодалайди), "тусловчи" деб аниқ аташ лозим; 4) Кесим ".. шахс/сон қўшимчалари билан келади" дейиш хато: "кесим + шахс/сон қўшимчаси" деб тушуниш мумкин; асли "Кесим тусловчили тил бирлиги (шу жумладан лексемашакли) билан ифодаланади" дейиш лозим.

"Шахс/сон қўшимчалари эса гап эгасининг шахси ва сони ҳақида маълумот беради"² тарзида жуда эҳтиёткорлик билан тузилган жумлага ҳам бир қанча эъгиروزлар билдириш зарур:

1) "Ўзбекча умумий гап қолипи эгасиздир" деб туриб "эгасининг шахси ва сони" ҳақида гапириш ноўрин: Бундай гапда тусловчи эганинг эмас, гапдан англашиладиган ҳаракат-ҳолат қаратилган предметнинг (фикр предметининг) шахс-сони ҳақида маълумот беради.

2) Тусловчи одатда "шахс/сон ҳақида маълумот беради" эмас, балки шахс-сон маъноларини ифодалашга хизмат қилади.

3) Ўзбекча гапшаклларнинг барча турлари кесими таркибида тусловчи қатнашади-ю, лекин шахсиз гапшаклларда тусловчи шахс-сон маъносини ифодаламайди, демак, бундай ифодаланмайдиган маъно ҳақида маълумот берилмайди. Шахсиз гапшаклларда тусловчининг мазмун жиҳати пуч бўлади, ифода жиҳати билан қатнашади.

4) Эгасиз гапларнинг (аниқроғи – асоси кесимдан иборат гапшаклларнинг) шахси ноаниқ, шахси умумлашган турларида ҳам гапшакл таркибида эга бўлак бўлмайди, шунга кўра тусловчи эганинг шахс-сони ҳақида маълумот бера олмайди, фақат гапшаклдан англашиляётган ҳаракат-ҳолатнинг соҳиби (молики, бажарувчиси) ноаниқ шахс, умумшахс экани англашилади.

"Шахс/сон қўшимчалари эса гап эгасининг шахси ва сони ҳақида маълумот беради ва уни яна алоҳида гап бўлаги билан доимо қайтадан такрорлаб ўтиришга ҳеч зарурат қолмайди" деган фикр³ юқорида тилга олинган асоси кесимдан иборат (Ҳ.Неъматов *эгасиз гаплар* деб юритган) гапшаклларга мутлако даҳлдор эмас: Бундай гапшаклларда асли эга бўлак гапшакл формуласидан турли усуллар билан чиқарилган, шу усуллар билан том маънода асоси кесимнинг ўзидан иборат гапшакл юзага келтирилган; демак, бундай гапшаклларга қарата эгани "яна алоҳида гап бўлаги билан доимо қайтадан такрорлаб ўтиришга ҳеч қандай зарурат қолмайди" дейиш мутлако ноўрин.

Аён бўладики, проф. Ҳ.Неъматовнинг юқорида кўчирма тарзида келтирилган фикрларини гапшаклларнинг барча турларига нисбатан айтиш

¹ Юқоридаги манбанинг ўша саҳифасида.

² Юқоридаги манбанинг ўша саҳифасида.

³ Юқоридаги манбанинг ўша саҳифасида.

эмас; бу фикрлар асоси эга билан кесимдан иборат гапшаклларнинг эга ишлатилмаган кўринишига нисбатан, шунда ҳам қисман ўринли. Буни қароқда таъкидлаймиз. Ҳозир эса ушбу кўчирмадаги айрим жиҳатларни қисил қилишни давом эттирамиз: 1) "уни [эгани - Ш.Р.] яна алоҳида гап билан доимо қайтадан такрорлаб ўтириш" дейиш бундай гапшаклнинг асоси эга билан кесимдан иборат эканини тан олишга тенг; 2) "алоҳида гап билан" дейиш ғализ, асли "эгани гапшакл таркибида алоҳида гап билан сифатида" дейиш маъкулроқ; 3) эгани "такрорлаб ўтириш" дейиш тўғри, "эгани тиклаш, гапшакл таркибида қатнаштириш" ҳақида гапириш тўғри; 4) "такрорлаб ўтириш" изохи "яна" изоҳини ортқича қилиб кўяди; 5) "доимо қайтадан такрорлаб ўтиришга ҳеч қандай зарурат қолмайди" билан "қисман зарурат бўлади" деган фикр англашилади, шу нуқтайи кўздан "ҳеч" инкори нотўғри ишлатилган.

Асоси эга билан кесимдан иборат гапшакллар таркибида эгани ишлатмасликнинг ўз изоҳи бор. Бундай гапшаклнинг лисоний формуласи – асли икки аъзоли: эга билан кесимдан иборат. Аввало, эга аъзо I, II шахс-сон кишилик олмоши билан ифодаланиши лозим бўлганида уни ишлатмаслик мумкин, чунки бундай кишилик олмоши фақат фикр предметининг шахс-сони ифодалайди, лексик маъно англамайди, грамматик маъноларни ифодалайди. Худди шундай грамматик маъноларни I, II шахс-сон кишилик олмошларига муқобил тарзда кесим таркибида қатнашадиган тусловчи ҳам ифодалайди, натижада плеоназм воқе бўлади. Бу ердаги плеоназм кишилик олмоши билан ифодаланадиган эга бўлакни гапшакл таркибида ишлатмаслик билан бартараф қилинади. Эганинг бундай гапшакл таркибида ишлатилмаслиги асли нутқий, стилистик ҳодиса деб баҳоланади, зарур таътилганда бундай эгани бемалол гапшакл таркибида тиклаш мумкин, чунки бундай гапшаклнинг лисоний формуласида эга бўлакнинг ўрни мавжуд.

Асли ўзбек тили тараққиётининг дастлабги босқичида гапшакл доим эга бўлак қатнашиб тузилган, кишилик олмоши билан ифодаланадиган эга бўлак ҳам гапшакл таркибида доим қатнашган. Ўзбек тили тараққиётининг кейинги босқичида тилнинг иқтисод қонунига биноан кишилик олмоши билан ифодаланадиган эга бўлакни ишлатмаслик юзага келган.

Кишилик олмошларига боғлиқ яна бир жиҳатни ҳисобга олиш зарур. Кишилик олмошлари тизимида III шахс олмоши I, II шахс олмошларидан, шунга боғлиқ холда III шахс тусловчиси I, II шахс тусловчиларидан кескин фарк қилади. III шахс олмошининг мазмун жиҳати I, II шахс олмошларининг мазмун жиҳатидан фаркли: фақат кишини эмас, нарсани ҳам ифодалайди, шунга кўра бу олмошни асли *кишилик олмоши* дейиш қисман тўғри, *киши-нарс* олмоши деб номлаш маъкул. Фикрлашни давом эттирсак, уч шахсли тизимни бу ерда асли *шахс олмошлари* деб номлаш (русча *личное* терминини *кишилик* деб эмас, *шахс* деб калькалаш) тўғри бўлар эди, чунки умумий маъно – шахс маъноси; шахс киши ҳам, III шахсда нарс

ҳам бўлиши мумкин. Юқоридагича табиатига кўра III шахс олмоши кишини ифодалаб келганида уни эга вазифасида ишлатмаслик мумкин; нарсани ифодалаб

келганида эса эга вазифасида келадиган бундай олмош гапшакл таркибида катнашади, акс ҳолда фикр предмети ноаник ифодаланади.

Маълумки, эга вазифасида фақат шахс олмошлари эмас, балки от, бошқа туркумларнинг от кўриниши, отлашган бирликлар ҳам келади. Фикр предмети бундай бирликлар билан ифодаланиши лозим эга бўлак гапшакл формуласида албатта акс этган бўлади, гапшакл асоси (формуласи) "эга X кесим" тарзида белгиланади; бу ердаги ифодаланишни нуткий ходиса, жумла таркибида юзага чиқадиган ходиса деб баҳолаш мумкин эмас.

Хуллас, жузъий ҳодисага – эга билан кесимдан иборат гапшакл таркибига мансуб эга бўлакнинг иштилмайдиган кўринишига суяниб ўзбек тилида гап асосан эгасиз деб ҳукм чиқариш тўғри эмас. Бундай ўта мавҳум ҳукм чиқариш асли проф. Ҳ.Неъматовга бошқа бир назарий "янгилик"ни олға суриш учун зарур; бу ҳақда боғлашув (валентлик) ходисаси таҳлилида фикр юритамиз.

Проф. Ҳ. Неъматов ўзбек тилшунослигида "формал-функционал таҳлил" номи билан атаётган ёндашувнинг энг муҳим вазифаси тил ходисалари учун рамзий қолиплар тузиш дейилди, "Ўзбек тилида умумий гап қолипи эгасиздир" деб [WPm] рамзи билан ифодаланди.¹

Бу рамздаги W немисча Wort бирлигининг бошланишидаги ҳарф бўлиб, бу бирлик 'сўз', 'сўзлашув' маъноларини англатади. Бу рамзий белгига "атов бирлиги" тушунчасининг биркитилиши – ўта сунъий. "Нутқда атов бирлиги сўзга ҳам, сўз бирикмасига ҳам, фразеологик бирикка ҳам, ажралмас синтактик бутунликка ҳам тенг бўлиши мумкин"лиги таъкидланди.² Саналган ходисаларни тилшуносликда *тил бирлиги* термини билан номлаш қабул қилинган, шунга кўра *атов бирлиги* терминини киритиш ортикча. Кўчирмадаги "нутқда .. тенг бўлиши мумкин" қисми ноурин, "ифодаланади" дейиш етарли. Рамз (қолип) билан тил бирлигининг лисоний ҳолати акс этирилади деб туриб "нутқда .. ифодаланиши"ни (тил бирлигининг нуткий ҳолатини) биринчи ўринга чиқариш маъқул бўлмаган.

Юқоридаги таҳлилдан аёнки, гапшакл формуласининг (қолипнинг) биринчи қисмини тилшуносликда барча томонидан (шу жумладан проф. Ҳ.Неъматов ва унинг издошлари томонидан ҳам) тан олинган, қабул қилинган *тил бирлиги* терминининг ўзи билан аташ лозим; рамзий қисқартма сифатида ТБ қисқартмасини ишлатиш мумкин.

[WPm] рамзининг W қисми бўлиб келадиган ходисаларга ўта юзаки ёндашилган. Кесимлик кўрсаткичлари қўшилувчи қисм бўлиб келадиган "сўз" лексема билан ҳам, лексемашакл билан ҳам ифодаланади. Масалан, W феъл билан ифодаланса, лексемага, от билан ифодаланса, лексемашаклга тенг бўлади: *кел-* + P_m; [Китоб] X акамда + P_m каби. Лексема – сегмент бирлик, айни вақтда номинатив бирлик; лекин лексемашакл – носегмент бирлик, формулага (қолипга) тенг, бунда формула нутқда лексема ва грамматик кўрсаткич билан тўлдирилганидан кейин сегмент бирликка, лексик-грамматик мундарижали бирликка айланади. Демак, *атов бирлиги* термини W

¹ Неъматов Ҳ ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари, 23.

² Курбонова М. М. Ҳозирги замон ўзбек тили. 13.

лексема билан ифодаланадиган ҳолатга нисбатан тўғри; лексемашакл эса лисоний бирлик ҳолатида формуладан иборат, унга аташ хусусияти мансуб эмас.

Бирикма – лисоний бирлик ҳолатида формулага тенг носегмент бирлик; бутунда сегмент бирликлар билан тўлдирилганидан кейин атов бирлиги ҳолатига ўтади. Бундан қатъи назар, масалан, ҳоким аъзоси феъл лексема билан ифодаланса, кесимлик кўрсаткичлари бирикмага қўшилади; ҳоким аъзоси от лексема билан ифодаланса, кесимлик кўрсаткичлари бирикмашаклга қўшилади. Кўринадики, "бирикма" дейиш билан ҳодисанинг бир қисми қамраб олинади, бирикмашакл ташқарида қолади.

Фразеологик бирликларга (фраземаларга) нисбатан яна-да синчковлик билан ёндашиш керак. Фраземалар ўз ички синтактик қурилишига кўра бирикмага (*гап қовламоқ* каби), гапшаклга (*гап тегди* каби) тенг бўлади, маълум бир қисм фраземаларнинг синтактик қурилиши ҳам гапга, ҳам бирикмага тенг бўлади [*бош(и) осмонга етди* – *бош(и)ни осмонга етказмоқ* каби]. [WPm] рамзига синтактик қурилиши гапга тенг фраземалар сифмайди: Тусловчи бундай фраземага қўшилмайди, балки унинг грамматик қурилишига мансуб бўлади. Кўринадики, *W* фразема билан ифодаланади дейиш – кенг, ички синтактик қурилиши бирикмага тенг фраземани ажратиб олиб фикр юритиш лозим. Шундан кейин фраземага туркумини ҳисобга олиб ана юқоридагича фикрни давом эттириш керак.

[WPm] рамзидаги иккинчи қисм лотинча *praedictatum* бирлигининг бошидаги ва охиридаги ҳарфларидан тузилган бўлиб, тилшуносликда (грамматикада) 'кесим' маъноси билан ишлатилади.¹ Проф. Х.Неъматов бу лотинча бирликни ўз мақсадига мослаб *предикатив маркер* бирикмаси таркибидаги сўзларнинг бош ҳарфидан иборат деб талқин қилди, ўзбекчада "кесимлик қўшимчалари"², "кесимлик категорияси кўрсаткичлари" деб ҳар хил номлади. *Предикатив маркер* бирикмасини *кесимлик кўрсаткичи* деб таржима қилиш тўғри; *қўшимча* терминини ишлатиш хато: Ноль кўрсаткичли морфемага нисбатан тўғри келмайди. Бу ерда асли *категория* терминидан эмас, *парадигма* терминидан фойдаланиш маъқул.

Кесимнинг, асли гапнинг грамматик шаклланишини таъминлайдиган грамматик категориялар деб тасдиқ-инкор (аниқроғи – бўлишли-бўлишсизлик), майл, замон, шахс-сон (тушлаш) категорияларининг кўрсаткичлари таъкидланади. Юқоридаги тўрт грамматик категорияни кесимлик категорияси номи билан бир грамматик категорияга бирлаштириш, бу тўрт грамматик категория кесимлик категорияси ички томонининг яхлитлигидан иборат дейиш ўзбек тили грамматик қурилиши табиатига зид.

Агглютинатив тур тил эканига кўра ўзбек тилида юқоридаги тўрт грамматик категориянинг ҳар бири ўз парадигмасига эга; лексемашакл таркибида бу парадигмалар кўрсаткичларининг ўзига хос аранжировкаси (жой олиш тартиби ва ўрни) бор; ҳар бир грамматик категория морфемаси ўз

¹ Русский язык. Энциклопедия. Изд. «Советская энциклопедия», -М.: 1979, 225.

² Неъматов Х. ва б. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари, 23

моҳиятини, мустақиллигини сақлаб қўшилади, бирининг маъносини бошқаси ифодаламайди.

Кўринадики, баъзи адабиётларда таъкидланганидек бир грамматик категорияга – кесимлик категориясига яхлитланадиган грамматик категория йўқ; бу тўрт грамматик категориянинг ҳар бири лексемашакл таркибида айрим-айрим ўрин олади. Бу грамматик категорияларни алоҳида-алоҳида баҳолаш лозим.

Аввало, бўлишли-бўлишсизлик категорияси кенг камровли бўлиб, феъл лексемаларнинг тусланишли шаклига ҳам, бошқа туркумларга монанд шаклларига ҳам мансуб: *Ўқиган ўзар, ўқимаган тўзар; кўриб-кўрмай; кириш-кирмаслигини* каби. Кўринадики, бўлишли-бўлишсизликни кесимлик категорияси дейиш – тор; бошқа ҳолатлар қатори кесимнинг шаклланишида ҳам қатнашадиган грамматик категория дейиш тўғрироқ.

Худди шунингдек замон категориясини ҳам кесимлик билан чегаралаш мумкин эмас; чунки замон категорияси феълнинг сифатдош, равишдош шаклларига ҳам мансуб: *ўқиган – ўқийдиган – ўқиётган, ўқигач, ўқигунча* каби. Демак, замонни кесимлик категорияси дейиш – тор; бошқа ҳолатлар қатори кесимнинг шаклланишида ҳам қатнашадиган категория дейиш тўғрироқ. Замонни тусланишли феъл кесимларнинг барчасига хос дейиш ҳам тўғри эмас: Буйруқ майлидаги лексемашакл таркибида замон парадигмасининг кўрсаткичи қатнашмайди, демак, грамматик замон ҳақида гапириб бўлмайди.

Майл категорияси ҳақиқатда феълнинг тусланишли лексемашаклларига хос, лекин барчасига мансуб эмас: Аниқлик майли деб юритиладиган феъл лексемашаклларда майл маъноси ифодаланмайди. Демак, майлни кесимлик категорияси дейиш – кенг; кесимнинг айрим ифода турларида қатнашадиган грамматик категория дейиш тўғрироқ.

Кўринадики, юқорида тилга олинган уч грамматик категория гапшакл формуласида, кесим таркибида турлича қатнашади, демак, универсал (умумий) эмас. Бу уч грамматик категориянинг кўрсаткичи кесим таркибига объектив воқеликни акс эттириш талаби билан қўшилади.

Бевосита гапшаклнинг ўзи туфайли қўшиладиган кўрсаткич – тусловчи. Кесимлик категорияси деб саналадиган категориялар орасида энг кенг камровлиси – туслаш категорияси. Ҳақиқатда, тусловчи қўшилган лексемашакл мустақил кесим вазифасида келади, бундай лексемашакл ёлғиз ўзи гапшакл (жумла) бўлиб кела олади. Гапшаклнинг "эга X кесим" формуласида ҳам, бошқа формулаларида ҳам тусловчи қатнашади.

Одатда кесимлик категорияси (кесимлик кўрсаткичлари) деб саналадиган тўрт грамматик категориядан (грамматик парадигмадан) гапшакл аъзоларининг ўзаро синтактик боғланиши билан белгиланадиган туслаш категорияси (туслаш парадигмаси) кесим учун универсал грамматик категория деб қаралиши мумкин.

Тўрт грамматик категориянинг ўзбек тилида алоҳида-алоҳида кўрсаткич билан ифодаланиши улардан ҳар бирини айрим-айрим баҳолашга, уларни

эмас деб, ҳар тўрт грамматик категориянинг ҳар бир лексемашакл бўлида қатнашувини мажбурий эмас деб қарашга имкон беради.

Тусловчили лексемашаклнинг кесимга, гапшаклга айланишида муҳим оҳанг – интонация, аниқроғи – гаплик оҳанги. Мисол тарзида келтирилган *Келсам, келсам* кабилар – потенциал кесим, потенциал гапшакл холос. Бундай лексемашаклга гаплик оҳанги биркитилгач гапшаклга айланади: *Келсам. Келсам. каби.*

Гаплик оҳангини нутқий ҳодиса деб баҳолаш тўғри эмас. Лисонда, гапшакл формуласида гапшакл турларини қандай оҳанг билан (буйрук, зарур, хабар оҳанги билан) талаффуз қилиш лозимлиги ҳақида маълумот беради, нутқда (жумлада) ана шу маълумот воқеланади.

Гапшакл юзага келишида бу икки универсал ҳодисадан (тусловчи ва гаплик оҳангидан) ташқари бўлишли-бўлишсизлик, ўз ўрнида замон, майл кўрсаткичлари ҳам қатнашади.

Ўзбек тилида гапнинг ягона энг умумий қолипи [WPm], яъни "атов бирлиги + кесимлик кўрсаткичлари" деб ҳукм чиқариш ноўрин; гапшаклнинг бош формуласи (қолипи) ҳозирги адабий ўзбек тилида иккита: 1) асоси эга билан кесимдан иборат гапшакл; формуласи: "бош келишиқдаги тил бирлиги (эга) X тусловчили тил бирлиги (кесим)"; 2) асоси кесимдан иборат гапшакл; формуласи: "тусловчили тил бирлиги (кесим)".

Тил қурилиши (объектив воқелик) проф. Ҳ.Неъматовни дастлабги ҳавойи фикрларидан қисман воз кечиб, "эганинг нутқий воқеланиши зарур" гапшакл турларини тан олишга қайтарди.¹ Бундай гапшаклларда эганинг воқеланишини "нутқий" деб белгилаш нотўғри: Эга бундай гапшакллар формуласига (қолипига) мансуб бўлиб, жумла таркибида воқеланади.

Тил қурилишининг босқичлари ва тилшуносликнинг уларни ўрганадиган соҳалари

Юқорида тил бирликларига доир энг зарур масалалар баён қилинди. Ҳар бир тил бирлиги тилшуносликнинг айрим-айрим соҳаларида муфассал ўрганилади ва ўргатилади.

Ҳар бир тил бирлигига монанд равишда тил қурилишининг босқичлари ажратилади. Тил қурилишининг босқичлари **ярус**, **сатҳ** терминлари билан номланиб келди. Сатҳ лексемаси "нарсанинг беткай томони, юза" маъносини англатади, демак, бу лексема "ўзаро боғлиқ сатҳлар" тушунчасини англатишга қодир эмас. Шуни ҳисобга олиб сатҳ лексемаси ўрнига **босқич** лексемасидан фойдаланишни афзал кўрдик. **Босқич** лексемасини ишлатиш билан "ост-уст жойлашадиган ва бир-бири билан боғлиқ" семаларини англатишга эришилади.

Тил қурилиши ўта мураккаб бўлиб, ўзаро боғлиқ бир қанча босқичлардан иборат. Тил қурилишининг бирор босқичини ажратиш учун унинг ўзига хос тил бирлиги мавжуд бўлиши лозим.

Тилшунослик тарихида дастлаб тилнинг лексикаси (лексик бойлиги) ва

¹ Қурбонова М. ва б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, -Т.: 2004. 78,79.

грамматикаси (грамматик қурилиши) ажратилган. Кейинчалик грамматикадан фонетика (фонетик қурилиш) ажратилди. Охири грамматиканинг таркибий қисми деб қараладиган морфология (морфология қурилиш) ва синтаксис (синтактик қурилиш) алоҳида босқичлар деб қараладиган бўлди.

Тил бирликлари тушунчасидан келиб чиқиб, тилнинг фонетик (товуш қурилиши таркибидан фонематик қурилиши) ажратилди. Буларни баъзи олимлар икки айрим тил босқичлари деб тушунтирса, баъзи олимлар яхлит фонетик-фонологик босқич сифатида қарайдилар. Фонетик бирликлар тизими билан фонемалар тизимининг ўзаро тенг келмаслиги асли тилнинг товушлар тизimini ва фонемалар тизimini мустақил босқичлар деб талқин қилиш тўғрироқ эканини кўрсатади.

Тил бирлиги сифатида морфемалар ўзига хос тизимни ташкил этади ва шунга монанд равишда тил қурилишининг морфемалар тизими босқичи ажратилади.

Синтаксис кенг тушунча бўлиб, унинг таркибида қадимдан синтактик бирликлар сифатида бирикма ва гап ажратиб келинган. Ўзига хос белги-хусусиятлари мавжуд тил бирликлари сифатида бирикма ва гап (аниқроғи – гапшакл) тил қурилишининг икки алоҳида босқичларини ташкил қилади. Кейинги вақтларда минимал синтактик бирлик сифатида сўзформа (бизнингча лексемашакл) ажратилди; шунга монанд равишда тил қурилишининг лексемашакллар тизими босқичи ҳам ажратилиши лозим.

Тилнинг луғат бойлиги узоқ вақт сўзлардан иборат деган қараш ҳукмрон бўлди. Ҳозир луғат бойлигида сўздан кўра йирик номинатив бирликлар ҳам мавжудлиги тан олинди. Луғат бойлигидаги лексик қатлам бирлигини *лексема* деб номлаш қабул қилинди. Луғат бойлигидаги иккинчи қатламни фразеологик бирликлар ташкил қилади; бундай тил бирлигини *фразема* деб номлашни маъкул кўрдик. Демак, луғат бойлиги асосида тил қурилишининг лексемалар тизими босқичи ва фраземалар тизими босқичи ажратилади.

Тил товушлари тизими босқичини ўрганувчи соҳага фонетика дейилади; фонемалар тизими босқичини ўрганувчи соҳани фонемика, лексемалар тизими босқичини ўрганувчи соҳани лексемика, морфемалар тизими босқичини ўрганувчи соҳани морфемика деб атадик; лексемашакллар тизими босқичини ўрганувчи соҳани лексемашакллар синтаксиси, бирикмалар тизими босқичини ўрганувчи соҳани бирикмалар синтаксиси, гапшакллар тизими босқичини ўрганувчи соҳани гапшакллар синтаксиси, фраземалар тизими босқичини ўрганувчи соҳани эса фраземика деб номладик.

Баъзи адабиётларда тил қурилишининг босқичларидан ташқари, босқичлараро босқични (промежуточный ярус) ажратиш ҳам учрайди. Бундай нуқтайи назар тарафдорлари тилнинг фраземалар тизими тил қурилишининг алоҳида босқичини ташкил этмайди, тил қурилишининг лексемалар тизими босқичи билан бирикмалар тизими босқичлари орасидаги босқич (оралиқ босқич) сифатида баҳолайдилар. Агар шундай ёндашишга рози бўлсак, тил қурилишида алоҳида-алоҳида бирикмалар босқичини ҳам, гапшакллар босқичини ҳам ажратишдан воз кечиш лозим бўлади. Масалан,

...да предикативлик кўрсаткичлари мавжуд келдим феъл лексема-
... гаплик оҳанги билан талаффуз қилинса, гапга тенглашади. Умуман,
...дай лексемашаклни гаплик оҳанги билан талаффуз қилсак, у гапга
... бўлади. Шунга карамай лексемашакллар тизими ёки гапшакллар тизими
... босқич деб қаралмайди. Хуллас, фраземалар тизими асосида тил
... шининг мустақил босқичини ажратиш тўғри.

Тил қурилишининг фонемалар тизими босқичи билан морфемалар
... босқичи оралиғида фonomорфемалар (морфофонемалар) босқичини
... айтиш учун асос йўқ эканлиги адабиётларда баён қилинган.
... морфемалар термини таркибида *морфема* қисми кенг маъно билан
... тилиб, морфема билан лексема биргаликда тушунилади. Асли фонема
... шу лексема ва морфеманинг ифода жиҳати бўлиб келиши асосида
... гланади, фонеманинг кўринишлари - аллофонемалар худди шу лексема
... морфемада намоён бўлади; демак, алоҳида фonomорфема, морфофонема
... босқичини ажратиш учун асос йўқ.

Хуллас, тил ўта мураккаб қурилишли ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг
... ссини тил бирликлари ва улардан фойдаланиш қоидалари ташкил қилади;
... бирликлари тизимлари асосида тил қурилишининг ўзаро боғлиқ
... қичлари ажратилади; бу босқичларга хос бирликлар тизими
... шуносликнинг турли соҳаларида ўрганилади. Юқорида айтилган фикр-
... лоҳазаларнинг асосий қисмини жадвал ёрдамида тартиблаб кўрсатдик.

ЖАДВАЛ

Тил бирлиги	Лисоний бирлик	Нуткий бирлик	Тил қурилишининг боёқчи	Тилшунослик соҳаси
Бир жиҳатли бирликлар. Туб тил	Тил товушининг рамзи	Тил товушининг талаффуз ҳолати	Тил товушларининг тизими	Фонетика
Бирликларнинг қурылиш бирликлари	Фонеманинг, аллофонеманинг рамзи	Фон	Тилнинг фонемалар (аллофонемалар) тизими	Фонемика
Асосий (бирламчи) тил бирликлари	Лексеманинг, аллолексеманинг рамзи	Лекс	Тилнинг лексемалар (аллолексемалар) тизими	Лексемика
	Морфема, алломорфема	Морф	Тилнинг морфемалар (алломорфемалар) тизими	Морфемика
	Лексемашакл	Лексемашакл формуласининг тўлдирилган ҳолати	Лексемашакллар тизими	Лексемашакллар синтаксиси
Тузма (иккиламчи) тил бирликлари	Бирикманинг рамзи (формуласи)	Бирикма формуласининг тўлдирилган ҳолати	Бирикмалар тизими	Бирикмалар синтаксиси
	Гапшакл	Гапшаклнинг формуласининг тўлдирилган ҳолати	Гапшакллар тизими	Гапшакллар синтаксиси
Сегмент бирликлар	Фразема, аллофразема	Фраземанинг, аллофраземанинг рамзи	Тилнинг фраземалар, аллофраземалар тизими	
Носегмент бирликлар				
Сегмент бирлик				

ИККИНЧИ ҚИСМ

ҚУРИЛИШНИНГ АСОСИЙ БИРЛИКЛАРИ ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

Бу қисмда тил қурилишига мансуб асосий бирликларнинг моҳияти аниқлаштирилади. Бу қисмда эса тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш яна-на аниқлаштирилиб, тил бирликлари орасидаги муносабатлар баён қилинади. Муносабатлар турли-туман бўлиб, куйидаги ҳодисалар бўйича фикр қилинади:

1. Тил бирликлари орасидаги иерархик (поғонали, таркиб топтирувчилик) муносабатлар.
2. Тил бирликлари қисмларида аранжировка (ўрин ва тартиб масаласи).
3. Тил бирликларида воқе бўладиган синтагматик муносабатлар.
4. Грамматик шакл ҳосил қиладиган кўрсаткичларнинг флектив ва синтагматив тиллардаги айрим хусусиятлари.
5. Тил бирликлари орасидаги ассоциатив ва парадигматик муносабатлар.
6. Луғавий бирликларда боғлашув ва унга тааллуқли ҳодисалар.
7. Синтактик алоқанинг турлари масаласи.
8. Синтактик трансформация ҳақида.
9. Синтактик бўлакнинг ифода материали ва синтактик таҳлил.

Тил бирликлари орасидаги иерархик муносабатлар

Иерархия (*hierarhia*) асли юнонча бўлиб, "мансаб поғоналари" маъносини билдирилади,¹ тилшунослиқда "бир-бирига нисбатан ост-уст муносабатдаги тил бирликчлари мажмуаси" маъносини англатиш учун ишлатилади.² Асли тил қурилишининг бирликчлари мажмуаси эмас, балки бундай бирликчларни ташкил қилиш учун асос бўладиган тил бирликлари тизимларининг ўзаро муносабати ҳақида, бундай тизимларга хос ички муносабатлар ҳақида гапириш ўринли.

I. Тил товушлари бирламчи сегмент тил бирликларининг бир қисмига – туб лексемага ва туб морфемага (ноль кўрсаткичли ҳолатидан ташқари) қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилади. Масалан, *т, и, л* товушлари *тил*-лексемасига, *т, а* товушлари *-та* морфемасига қурилиш ашёси бўлиб хизмат қилгани каби. Бу лексема ва морфема ҳозирги адабий ўзбек тили нуқтайи назаридан туб деб қаралгани сабабли шундай ҳукм чиқарилади. Лекин бу лексема ва морфема асли ҳосила бирлик бўлиб, тарихан маъноли қисмларга ажратилган, товуш таркиби ўзгача бўлган. Булар тил тарихида ўрганилади. Юқорида келтирилган *тил*- от лексемаси асли 'гапир-'¹ маъносини англатган *ти*- феъл лексемасига *-л* морфемасини қўшиб ясалган.³ Юқорида келтирилган *-та* морфемаси асли *дона*- лексемаси таркибида юз берган товуш ўзгаришлари оқибатида шундай кўринишга эга бўлган дейилади. Кўринадики, ҳозирги тил

¹ Словарь иностранных слов, -М.: 1949, 238.

² Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. "Советская энциклопедия", -М.: 1966, 166.

³ Рахматуллаев Шавкат. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Туркий суғлар. "Университет", -Т.: 2000, 336.

нуктайи назаридан ёндашиш билан тил тарихи нуктайи назаридан ёндашиш фарк қилади.

Туб деб қараладиган тил бирликлари тил товушларини ўзаро қўшиб ҳосил қилинган дейиш асосли эмас: Туб лексема тил товушларини бир-бирига қўшиш йўли билан ҳосил бўлмайди; асли тил товушларининг маълум бир қаторига (якка товушга ҳам) маълум бир мазмунни биркитиш билан юзага келади; бу ерда тил товуш(лар)и туб тил бирлигининг ифода жиҳати бўлиб хизмат қилади ва шу асосда фонема мавқеига молик бўлади (Фонема ҳақида тил қурилиши бирликлари орасидаги синтагматик муносабатлар баёнига гапирилади). Хуллас, тил товуши билан туб лексема, туб морфема орасида таркиб топтирувчилик муносабати йўқ, ифода жиҳати вазифасини бажарадиган товуш(лар)га мазмун жиҳати биркитилган ва шу усул билан сегмент тил бирликлари юзага келган (Ҳосила лексема ва морфемалар ҳақида кейинроқ фикр юритилади).

II. Том маънодаги иерархик муносабат лексема ва морфема билан шулардан таркиб топадиган лексемашакл орасида воқе бўлади. Лексема ва морфема – сегмент тил бирлиги, лексемашакл эса лисоний бирлик ҳолатида – носегмент бирлик; нутқда лексема ва морфема билан тўлдирилганида сегмент бирлик ҳолатига ўтади.

Лексемашакл одатда лексемага морфемани қўшиш билан юзага келади. тил қурилишининг юқори босқичи – лексемашакллар тизимига куйи босқич бирликлари – лексема билан морфема таркиб топтирувчи вазифасини бажаради. Масалан, нутқий бирлик сифатида *турмушимдан [мамнунман]* лексемашаклида *турмуш-* лексемаси, ноль кўрсаткичли бирлик морфемаси. *-м* нисбатловчиси ва *-дан* чиқиш келишиги морфемаси таркиб топтирувчи бўлиб келган.

Лексемашакл – асли бирор лексеманинг (лексемага тенглаштирилдиган бирликнинг) синтактик вазифани бажара олиш даражасида грамматик (синтактик) кўрсаткич қўшилган ҳолатига тенг бирламчи синтактик бирлик. Грамматик кўрсаткич вазифасини одатда морфема бажаради; баъзан морфема қўшилмайди, грамматик шаклланиш синтактик вазифа семасини қўшиш билан воқе бўлади. Масалан, *яхши-* сифат лексемаси сифатловчи бўлиб келганида вазифа учун морфема қўшилмайди, балки 'сифатловчи' семаси қўшилади: "сифат лексемаси + 'сифатловчи' семаси = сифатловчи вазифасидаги сифат лексемашакл": *яхши-* + 'сифатловчи' семаси = *яхши [китоб]* каби. Сифат лексема ҳолловчи вазифасида келганида унга 'ҳолловчи' семаси қўшилади: *яхши-* + 'ҳолловчи' семаси = *яхши [гапир-]* каби. Сифат лексема отлашганида унга от туркумига мансуб морфемалар қўшилиб лексемашакл ҳосил бўлади: *яхши + Ø1 + га [ёндаш-]* каби. Хуллас, лексема билан лексемашакл ўзаро қисм билан бутун муносабатига тенг; лексемашакл одатда лексемага морфема қўшиш билан таркиб толади, айрим ҳолларда морфема эмас, синтактик вазифа семаси қўшилади.

III. Навбатдаги иерархик муносабат лексемашакл ва лексема билан бирикма орасида мавжуд. Бирикма икки аъзоли бўлиб, уни таркиб топтирадиган биринчи аъзо лексемашакл билан, иккинчи аъзо асосан лексема

ифодаланади: "лексемашакл X лексема = бирикма": [(шаҳар + ØI + нинг + ØI + и)-] = шаҳарнинг номи-; [(Тошболта + ØI + ØII) X (ошиқ-)]- болта ошиқ-; [(талаба + лар + дан) X (сўра-)]- = талабалардан сўра- Бу ерда таркиб топтирувчи бўлиб бирламчи синтактик бирликка ашакл билан лексик бирлик хизмат қилади.

Бирикма лексема каби тил қурилишининг номловчи (номинатив) бирлиги синтактик вазифада кела олиш даражасида грамматик шаклланганидан бирикмашаклга тенг бўлади: (шаҳарнинг номи-) + ØI + ни каби.

Хуллас, бирикма учун таркиб топтирувчилик вазифасини одатда тил қурилишининг бирикмалар тизимидан қуйроқ босқич бирликлари – ашакл билан лексема бажаради.

IV. Иерархик муносабат гапшаклнинг икки асосий формуласида айрим-айрим баҳоланади. Асоси кесимдан иборат гапшаклда кесим тусловчили ашакл билан, шунингдек тусловчили бирикмашакл билан ифодаланади, ашакл лексемашакл ва бирикмашакл кесим вазифасида келиб, гапшакл асо- га тенг бўлади. Демак, бу ерда иерархия (таркиб топтирувчилик) муносабати га гапириш ўринли бўлмайди: Тусловчили бирликнинг ўзи кесим асиди ва асоси кесимдан иборат гапшакл вазифасида келади: *Келдик. Сизни дамладингизми?* каби.

Асоси эга билан кесимдан иборат гапшаклларда ҳар икки аъзо лексемашакл, бирикмашакл билан ифодаланади; Эга вазифасида бош ашаклдаги бирлик, кесим вазифасида эса тусловчили бирлик келади. Демак, бу ерда гапшакл билан тил қурилишининг остки босқичига мансуб бирликлар – лексемашакллар орасида иерархик (таркиб топтирувчилик) муносабати мавжуд: *Сув қайнади. Эшик очилди.* каби.

V. Таркиби ҳозирги адабий ўзбек тилида маъноли қисмларга қўйилган лексемалар *ясама лексема* деб келинар эди. Бу термин билан алоқадор яшаш асоси бўлиб хизмат қиладиган лексемага лексема ясовчи морфемани қўшиб ҳосил қилинган лексик бирликни номлаш туғри экани аён бўлганидан кейин *ясама лексема* термини *ҳосила лексема* терминига алмаштирилди; *ясама лексема* деб аффиксация усули билан ҳосил қилинадиган лексик бирлик тушуниладиган бўлди.

1) Ясама лексема билан уни таркиб топтирган лексема ва морфема орасида иерархик муносабат мавжуд, лекин бу ердаги муносабат тил қурилишининг бир босқичи доирасида юз беради: Ҳосила ҳам лексемага тенг бўлади, чунки бу жараёнда қатнашадиган морфема грамматик шакл ҳосил қилмайди, балки лексема ясайди, луғат бойлигига янги лексема қўшади: *иш-* + *-ла* = *ишла-*, *иш-* + *-чан* = *ишчан-*, *иш-* + *-хона* = *ишхона-*, *тадбир-* + *-кор* = *тадбиркор-*, *сер-* + *-унум* = *серунум-* каби.

2) "Композиция усули билан ясалган сўз" термини ўрнига *тузма лексема* терминини ишлатдик. Тузма лексемаларнинг турлари қўшма лексема ва жуфт лексема деб аталади (Жуда оз бўлса-да, *жаз-жуз* каби такрор лексема ҳам мавжуд).

а) Жуфт лексема икки сегмент лексемашаклни тенг ҳолатда бирлаштириб тузилади; бу сегмент лексемашаклларни бир-бирига нисбатан яшаш асоси ва

ясовчи деб бўлмайди; шунга кўра бу ерда лексема яшаш эмас, балки лексема тузиш ҳақида гапириш тўғри.

Жуфт лексемани таркиб топтирувчилар лексемашаклга, ҳосила лексемага тенг бўлади: *иззат + иқром = (иззат-иқром)-, кеча-ю + кундуз (кеча-ю кундуз)-* каби. Жуфт лексемаларда иерархик муносабат қурилишининг бир босқичи бирликлари – лексемашакллар орасида юз берган. Қизиғи шуки, лексемалар тизимига нисбатан юқори босқич бирликлари лексемашакллар таркиб топтирувчи мавқеида қатнашади. Ҳосила лексема тенг бўлиши туфайли бундай тузма бирлик билан ҳам луғат бойлигига одатдан янги лексема қўшилади.

Такрор лексема табиатан жуфт лексемадан жиддий фарқ қилмайди.

б) Қўшма лексема асосан бирикмага тенг, қисман гапшаклга тенг сегмент боғланма қисмларининг маъно (семантик) жиҳатдан ва талаффуз (фонетик) жиҳатдан яхлитланиб, бўлинмас бутунликка айланиши орқали юзага келади. Бирикмага тенг боғланмада лексемашакл билан лексема, гапшаклга тенг боғланмада лексемашакллар яхлитланади; Бунда бирикма ва гапшакл формуласи аниқ (сегмент) лексемашакл билан, лексема билан тўлдирилган бўлади, боғланма қисмлари орасидаги синтактик алоқа сўнади: [(*катта*) X (*қўрғон*-)] → *каттақўрғон*- (узум навининг номи); [(*Ўш*) X (*қуйди*)] → *Ўшқуйди*- (таом номи) каби.

Демак, тузилиши жиҳатидан асли бирикмага тенг қўшма лексемани таркиб топтирувчилар бўлиб лексемашакл билан лексема хизмат қилади. Таркиб топтирувчилардан иккинчиси – лексемалар тизимига, биринчиси эса тил қурилишининг лексемадан юқори босқичига - лексемашакллар тизимига мансуб бирлик, ҳосила эса – лексемага тенг бирлик. Бундай тур қўшма лексема ҳар гал нутқий бирликка тенг бирикмани яхлитлаш йўли билан ҳосил қилинмайди; тилда (лисонда) шу тур қўшма лексемани ҳосил қилиш формуласи шаклланган бўлиши, янги қўшма лексема ана шундай формула асосида ҳосил қилиниши мумкин. Масалан, *синфбоши*- қўшма лексемаси тарихан *шибоши*- , *мингбоши*- , *жўрабоши*- каби лексемаларни тузишда шаклланган формула асосида ҳосил қилинди.

Тузилиши жиҳатидан асли гапшаклга тенг қўшма лексемаларда таркиб топтирувчилар бўлиб лексемашакллар келади, ҳар икки таркиб топтирувчи тил қурилишининг лексемалар тизимидан юқори босқичига мансуб бўлади, лекин ҳосила лексемага тенг бўлади. Шу жиҳати билан бу тур қўшма лексема жуфт лексемага ўхшайди, жиддий фарқ ҳам қилади: Қўшма лексемани таркиб топтирувчилар орасида асли тобе синтактик алоқа ётса, жуфт лексемалар қисмлари орасида тенг синтактик алоқа ётади.

3) Бирор лексеманинг маълум бир шакл ҳосил қиладиган морфемани олган кўриниши янги лексемага айланиши ходисасини лексема ҳосил бўлишининг алоҳида тури сифатида ажратиш лозим. Бу ходиса лексема яшаш, лексема тузиш ходисаларидан кескин фарқ қилади: Лексеманинг шакл ҳосил қиладиган морфема олган кўриниши семантик тараққиёт натижасида маъноли қисмларга ажралмайдиган ҳолатга келади, яхлитлигича янги лексемага айланади. Масалан, *бирдан*- равиши *бир*- лексемасининг чиқиш келишиги

тезда- равиши *тез-* равишининг ўрин келишиги шаклида маъно натижасида ҳосил бўлган; *бирдан-*, *тезда-* лексемалари *-дан*, *-да* аффиксларини келишик кўрсаткичлари деб ажратиш эмас. *бирдан-*, *тезда-* равишлари *бир-*, *тез-*, лексемаларининг ана шу кўрсаткичлари олган кўринишида юзага келган. Янги лексеманинг юзага келиши айниқса равиш лексемаларда кўп учрайди.

Шу ерда ҳосила морфема ҳақида ҳам гапириб ўтиш ўринли. Морфема бирлиги (лисоний бирлик) деган фикр кенг тарқалган. Вахоланки улар тизимида ҳосила морфемалар ҳам мавжуд; булар морфемаларни билан ҳосил қилинган, шунга кўра *қўшма морфема* деб номлаш *-да+ -ги = -даги*, *-моқ + -да = -моқда*, *(-ла + -и = -лаш) + -тир = + -тири* каби.

Тил бирликлари қисмларида аранжировка

(Ўрин ва тартиб масаласи)

Аранжировка асли французча *arranger* лексемасидан ясалган бўлиб, 'билан' маъносини англатади; тилшуносликда 'тил бирликларининг яшаш тартиби' маъноси билан ишлатилади.

Ясама лексема ва қўшма морфема қисмларида аранжировка

1. Туб деб қараладиган лексема ва морфема маъноли қисмларга қўшилимайди, шунга кўра унинг ифода жихати бўлиб келадиган фонема ёки лексемалар қаторига нисбатан аранжировка ҳақида гапирилмайдди, фақат бундай туб тил бирлигининг қандай фонема(лар) билан ифодаланиши ва бўғин яшалиши ҳақида гапирилади (Бу ҳодисалар асосида ҳам маълум конуниятлар ва улар махсус ўрганилади).

Аранжировка аввало ясама лексемаларда ўз аксини топади. Бундай лексема қўшимча қўшиладиган қисмдан – асосдан ва қўшиладиган қисмдан – морфемадан иборат бўлади. Ўзбек тилининг табиатига кўра олдин яшаш асоси қўйилади ва бу асосга лексема ясовчи морфема қўшилади: *иш-* + *-ла = ишлаш*, *-и-* + *-хона = ишхона* каби.

Лексема яшаш асоси бўлиб баъзан бирикма келади: *(темир йўл-)* + *-чи = темирйўлчи-* каби.

Яшаш асоси бўлиб ундов билан ифодаланган ундалма ҳам келади: *(Ҳай, баракалла!)* + *-чи = ҳайбарақаллачи-* каби ва б.

Лексема ясовчи морфема асосан туб бўлади, айримлари эса қўшма бўлади. Бунда лексема ясовчининг ҳар икки қисми асли лексема ясовчи бўлади, қўшилган ҳолатда янги лексема ясовчи вужудга келган бўлади: *-чи + -лик = -чилик* : *деҳқон-* + *-чилик = деҳқончилик-* каби. Бундай яшалишни (*деҳқон + -чи*) + *-лик* тарзида ажратиш мумкин эмас (Луғат бойлигида *деҳқончи-* лексемаси йўқ), (*деҳқон-*) + (*-чилик*) тарзида ажратиш мумкин.

Баъзан лексема ясовчи билан шакл ясовчи морфема қўшилиб, яхлитлигича лексема ясовчига айланади: *-ла + -н = -лан* : *жон-* + *-лан =*

жонлан- каби. Бундай ясалишни қисмларга (жон- + -ла)- + -н ажратиш мумкин эмас, (жон-) + (-лан) тарзида ажратиш мумкин.

Кўшма морфема қўшиладиган асос лексемага тенг бўлиши шарт эмас, бошқача бирликка тенг бўлиши ҳам мумкин: [(ўзи X бўл-) + -ар] + -чилик = ўзибўларчилик-, (икки X юзлама-) + -чилик = иккиюзламачилик- каби ва б.

Умуман, ясама лексема деб охириги морфема асосида ҳукм чиқарилади, ясаш асоси қандай бирлик билан ифодалангани аҳамиятсиз.

Хуллас, ўзбек тилида ясама лексема қисмлари аранжировкаси одатда "яшаш асоси бўлиб келган қисм + лексема ясовчи морфема" тузилишли бўлади.

2. Жуфт лексема икки лексемашаклни тенг қўшиб тузилади ва бу икки қисмнинг олдин-кейин жойлашувида семантик омил етакчи.¹

Кўпчилик жуфт лексемаларда қисмларнинг жойлашиш тартиби қатъий; айрим жуфт лексемаларда қисмларнинг икки хил жойлашиши учрайди, одатдаги тартибдан чекиниш маълум сабабга кўра амалга оширилади. Масалан, *йигит-қизлар-* ва *қиз-йигитлар-* (кейингисидан қизлар кўпчилик экани таъкидланади) каби.

Умуман, жуфт лексеманинг қисмларида тартиб қуйидагича:

1) Ўзбекча ва бошқа тилнинг бирлигидан тузилганида ўзбекча лексемашакл асосан биринчи ўринда келади: *куч-қувват-*, *лаб-даҳан-* каби; баъзан аксинча ҳам жойлашади: *савдо-сотик-* (арабча-ўзбекча), *ошна-оғайни-* (форсча-ўзбекча) каби.

2) Ҳозирги ўзбек тилида муσταқил қўлланмайдиган қисм иккинчи ўринда келади: *йигит-яланг-*, *кўча-кўй-* каби.

3) Умумни (бутунни) ва қисмни (бўлакни) англатадиган бирликлардан тузилганида умумни (бутунни) англатадиган қисм олдин жойлашади: *зан-сўз-*, *ой-кун-*, *битта-яримта-* каби.

4) Қариндошлиқни (қисман жинсни) англатадиган жуфт лексемаларда унинг қисмлари ёшга қараб жойлашади: *ота-бола-*, *ака-ука-*, *опа-сингил-*, *эвара-чевара-*, *хотин-қиз-* каби (Лекин *ота-бобо-* дейилади, бунда ҳозирдан тарихга бориш акс этади).

5) Эркак ва аёл жинсини англатадиган бирликлардан тузилганида эркак жинсини англатадиган бирлик олдин жойлашади: *чол-кампир-*, *ота-она-*, *эр-хотин-*, *эркак-аёл-*; *эркак-урғочи-* каби. Айрим жуфт лексемаларда қисмларни икки хил жойлаштириш имконияти бўлади: *йигит-қиз-*, *қиз-йигит-* каби.

6) Жуфт пайт равишларида қисмлар вақтнинг олдин-кейинлигига қараб жойлашади: *бугун-эрта-*, *эрта-индин-*, *эрта-кеч-* каби.

Э с л а т м а . Юқоридаги бандларда жуфт лексемалар тасвирланди. Булардан ташқари жуфтлик ҳодисасидан грамматик маънони ифодалашда ҳам фойдаланилади: а) Чама соннинг бир кўриниши санок сонларни жуфтлаб тузилади; олдин оз миқдорни, кейин кўп миқдорни англатадиган бирлик жойлашади: *бир-икки-*, *тўрт-беш-*, *беш-ўн-*, *йигирма-ўттиз-*, *йигирма-йигирма беш-* каби. б) "Муσταқил феъл + ёрдамчи феъл" қурилмаси баъзан *чиқди-кетди*, *жўнади-кетди*, *ўлдиради-қўяди* каби жуфтлик шаклида тузилади,

¹ Бу ҳодисани баён қилишда 1947- йили ҳимоя қилинган "Ҳозирги замон ўзбек тилида жуфт сўзлар" номли диплом ишнинг қўлёзмасидан маълум ўзгартириш билан фойдаландим.

маганда тез' семаси ифодаланadi.

Жуфт лексема қисмларининг бўгин тузилиши ва товуш бошланишини асосида қуйидаги қўшимча белги-хусусиятларни таъкидлаш мумкин (ердан чекиниш одатда семантик омил таъсири билан воқе бўлади):

а) Бўгин микдори ҳар хил бўлса, бир бўгинли қисм олдин жойлашади: *соқол-, қош-қовоқ-, қурт-қумурсқа-, от-улов-, йўл-йўриқ* (лекин *кийим-қариндош-уруғ-*) каби.

б) Бўгин микдори тенг бўлса, овоз товуш билан бошланадиган қисм олдин жойлашади: *ўйин-кулги-, олдин-кейин-, аччиқ-чучук-, ички-ташқи-* каби.

в) Овозли товуш билан бошланадиган қисм олдин, шовқин товуш билан бошланадиган қисм кейин жойлашади: *бирин-кетин-, битмас-туганмас-, соқол-мўйлов-, савол-жавоб-, сигир-бузоқ-*) каби.

г) Ҳар иккиси шовқин товуш билан бошланса, портловчи товуш билан бошланадиган қисм олдин жойлашади: *тўрва-халта-, тўкин-сочин-,* (лекин *тиёз-*) каби.

Э с л а т м а . Қўшма лексемалар таркибидаги қисмларнинг аранжировкаси бирикма (қисман гапшакл) қисмларининг аранжировкасидан фарқ қилмайди.

Лексемашаклларда грамматик кўрсаткичлар аранжировкаси

Лексемашакл бирламчи тузма синтактик бирлик бўлиб, одатда лексема бошланади ва унга грамматик кўрсаткич қўшилади (Лексема олдида *бирин-, беш-* каби қўшиладиган префикслар тожикча бўлиб, жуда чекланган лексемалар таркибида қатнашади). Грамматик кўрсаткичларнинг жойлашиши актив воқелик ва тил қурилишининг қоидалари асосида амалга ошади.

Грамматик кўрсаткичлар тизими туркумлар бўйича фарқли, шунга кўра грамматик кўрсаткичларнинг жойлашишини туркумлар бўйича тасвирлаш мумкин. Қуйида морфемалар тизимига бой от лексемашаклларни ва феъл лексемашаклларни тасвирладик.

1. От тукумига мансуб лексеманинг дастлаб икки ҳолатини – предмет маъноси билан ва белги маъноси билан ишлатилишини фарқлаб баҳолаш мумкин.

1. От лексема белги маъносини англатиб сифатловчи вазифасида келса, грамматик кўрсаткич қўшилмайди, фақат вазифасига кўра 'сифатловчи' маъноси қўшилади ва сифат туркуми лексемашаклига тенглашади: *қаттиқ нок-, нок- нок-* каби. *Тош-* лексемаси *тошдай* (*нок-*) шаклида ишлатилса, предмет маъноси билан қатнашади, *-дай* аффикс-кўмакчиси грамматик шакл (сифатловчи) олган лексемага қўшилади, демак, грамматик кўрсаткичлар аранжировкаси ҳақида гапириш лозим бўлади (Бу ҳақда кейинроқ қариллади).

2. От туркумига мансуб лексема предмет маъносини англатиб ишлатилганида унга бирин-кетин бир неча грамматик кўрсаткич қўшилади, грамматик тили агглютинатив тил экани намоён бўлади. Бу ерда ҳар бир

қўшиладиган қисмга ундан олдинги қисм *асос* (основа) вазифасини бажаради, шунга кўра *асоснинг* кўринишлари фарқлаб номлади.

От лексемага бевосита *-ча, -чоқ, -чак* (*қушча-, қўзичоқ-, келинчак-*) каби кичрайтириш-эркалаш маъносини ифодалайдиган аффикс, айрим киши отларига қўшилиб эркалаш, илиқ муносабат маъносини ифодалайдиган *-жон, -хон, -ой* (*хотинжон-, Маликахон-, Роҳатой-*) каби аффиксоид қўшилади. Асли шакл яшаш вазифасини бажарадиган бу бирликлар кўпинча лексеманинг ажралмас қисмига айланиб кетади. Буларнинг ишлатилиши бошқа грамматик кўрсаткичлар даражасида қўл эмас, жузъий. Агар от лексемага юқоридаги тур аффикс ёки аффиксоид қўшилса ва у лексеманинг ажралмас қисмига айланмаган бўлса, ундай лексема таркибида шакл яшаш асоси ва шакл ясовчи ажратилади:

буви + *жон* , *Малика* + *хон*
асос шакл ясовчи асос шакл ясовчи

Пиржон-, Ойхон- каби лексемаларда бундай қисмлар ажратилмайди, чунки қўшилган қисм лексеманинг (лексик бирликнинг) таркибига мансуб деб қаралади.

Том маънодаги грамматик кўрсаткичлардан от лексемага аввало сонловчи морфема қўшилади, предметга хос миқдорий белгини ифодалайди:

она- + *ОЙ* , *ука-* + *лар*
асос сонловчи асос сонловчи
сонлаш асоси сонлаш асоси

От лексемашакл сонловчидан кейин турловчи қўшилиб юзага келади. Турловчи одатда от лексемашаклнинг синтактик вазифада келишини, ўзидан кейин келган бошқа бир тил бирлиги билан боғланишини таъминлайди, шунга кўра лексемашаклнинг охирида жойлашади:

она- + *лар* + *ни*
асос сонловчи турловчи
сонлаш асоси
турлаш асоси

Сонловчидан кейин, турловчидан олдин нисбатловчи қатнашиши мумкин. Бу морфема лексеманинг ўзидан олдин келган лексемашакл билан боғланишига кўра (ёки назарда тутилган шахс маъносига кўра) қўшилади, шу сабабли турловчидан олдин жойлашади:

она- + *лар* + *имиз* + *ни*
асос сонловчи нисбатловчи турловчи
сонлаш асоси

От лексемашакл кесим вазифасида келганида турловчидан кейин сонловчи қўшилади; бунда турловчининг синтактик вазифа кўрсатиш сифати бетарафлашади: *Бу киши – ака- ØI + м + ØII + ØIII.*

Демак, от лексемага тўрт грамматик парадигманинг кўрсаткичлари турлом талаб-хусусиятлар бўйича "сонловчи + нисбатловчи + турловчи + сонловчи" тартибида қўшилади; қўшиладиган қисмга кўра олдинги қисм асос вазифасини бажаради, агглютинатив тил сифатида ўзбек тилида от лексемашакл қисмларида сонлаш, нисбатлаш, турлаш, тушлаш асослари ҳақида қўшилади.

Юқорида тасвирланганлардан ташқари от лексемага яна бир неча парадигматик морфема ҳам қўшилади ва улар лексемашакл таркибида қўшиқча жойлашади.

Таркибида *-лар* хурмат-сизлаш шакл ясовчиси қатнашадиган от лексемашаклда морфемалар қуйидагича жойлашади: *ØI + бирлик С + Нч + лар + Гр: она- + ØI + м + лар + ни* каби. Умумий қоидага биноан аввал шакл сонловчи, кейин шакл ўзгартирувчи жойлашади; бу ерда морфемаларнинг қуйидаги жойлашиш тартибидан чекиниш мавжуд: *-лар* шакл ясовчиси шакл ўзгартирувчидан (нисбатловчидан) кейин ўрин олади. Адабиётларда бу ҳодиса парадигматик сон категориясига (сонлаш парадигмасига) боғлаб "кўплик қўшимчаси эгалик қўшимчасидан кейинга кўчирилади" деб изоҳланади, буларданки сонловчи (бирлик кўрсаткичи) ўз ўрнида сақланади. Асли *-лар* хурмат-сизлаш шакли ясовчиси нисбатловчилар парадигмасидаги *-лар* қисми қўшиладиган *-нглр || -нгизлар || -лари* кўплик кўрсаткичлари таркибидан ажратилиб чиққан ва ўз ўрнида сақланган; натижада шакл ясовчи морфема шакл ўзгартирувчи морфемадан кейин жойлашиб қолган. От лексемашаклнинг бу қўшимчасида хурмат-сизлаш шакли яшаш асоси ажратилади:

она- + ØI + м + лар + да + ØVII каби.

хурмат-сизлаш шакли
яшаш асоси

Нопарадигматик қўшма морфемалардан *-ники* хослик шакли ясовчиси ва *-ни* ўринга нисбат бериш шакли ясовчиси ўзидан олдин турловчи қўшилишини рад этади; чунки бу қўшма аффиксларнинг биринчи қисми асли сонловчи кўрсаткичи бўлган. Булардан *-ники* аффиксидан кейин тўғридан тўғри турловчи қўшилаверади, лекин *-даги* аффиксидан кейин турловчи бу лексемашакл отлашганида сонловчидан кейин қўшилади: *ака + ØI + м + ники + уй + ØI + инг + даги + лар + га* каби.

Асли адабиётларда *-ники* аффиксини кесимлик қўшимчаси дейилгани кўпчилик билан бўлмаган. Бу аффиксдан кейин турловчи қўшилса, одатда ўрин холи вазифасида, тусловчи қўшилса, кесим вазифасида келади: *акамникига; Бу*

китоб – акамники. каби.

От лексемашакл таркибида юқоридаги ҳар икки морфема қатнашиши лозим бўлса, аввал *-ники*, кейин *-даги* морфемаси қўшилади, чунки *-даги* морфемаси лексемашаклнинг синтактик вазифада келишини таъминлайди, бу морфемадан кейин бошқа морфема отлашганда қўшилади: *укамдаги китоблар-*, *уйимдагилар-* каби. *-ники* морфемаси *-даги* морфемасидан фарқли ҳолда синтактик эмас, балки морфологик табиатли: Синтактик вазифа учун бу морфемадан кейин турловчи ёки тусловчи қўшилади.

Лексемашакл таркибида *-ники* морфемаси қатнашса, хослик шакли яшаш асоси, *-даги* морфемаси қатнашса, ўринга нисбат бериш шакли яшаш асоси ажратилади.

Кўмакчи лексемашакл таркибига мансуб бўлиб, охирида жойлашади. синтактик вазифани таъминлайди; кўмакчидан кейин бошқа грамматик кўрсаткич қўшилмайди. Кўмакчи асли мустақил лексема бўлгани (кўмакчининг лексик табиати) маълум бир келишик шаклини танлашида кўринади; кўмакчи ўзидан олдин келадиган келишик кўрсаткичи билан биргаликда аналитик грамматик шакл ясайди: *укаларим + (ØII билан), укаларим + (дан кейин), баҳор + ØI + (га қадар)* каби.

От лексемашакл таркибида *қадар* кўмакчисига синоним *-ча* аффикс-кўмакчиси ҳам қатнашади: *баҳор + ØI + (га + ча) = баҳор + ØI + (га қадар)* каби. Ўзбек тилидаги 'довур' маъносини ифодалайдиган *-ча* аффикс-кўмакчиси ўзидан олдин келадиган *-га* келишик қўшимчаси билан яхлитланиб, бир қўшма морфемага айланмаганини "*-дан... -га + ча*" синтактик қурилмаси тахлили билан исботлашга тўғри келди.¹ "Чегара" маъносини ифодалайдиган *-ча* морфемаси юқоридаги синтактик қурилманинг таркибий қисми сифатида охирида жойлашади, кўмакчи каби синтактик вазифани таъминлайди.

Ўхшатиш маъносини ифодалайдиган *-дай* морфемаси лексик табиатини йўқатмагани бош келишик кўрсаткичидан кейин қўшилишида намоён бўлади: *ака + лар + им + ØIII + дай* каби. Бу морфема лексемашакл таркибида *-ники*, *-даги* морфемаларидан ҳам кейин жойлашади, фақат *-ча* аффикс-кўмакчиси билан биргаликда қатнашмайди; *-дай* морфемаси одатда лексемашаклнинг охирида жойлашади, ундан кейин фақат тусловчи қўшилиши мумкин: *Баландлиги – (тўрт қаватли бино) + ØI + ØIII + дай + ØVII* каби.

II. Феъл лексемашакллар таркибида қатнашадиган морфемалар кўп шунга кўра уларнинг аранжировкаси ҳам мураккаброк.

От лексемашаклларда бўлганидек феъл лексемашаклларда ҳам ҳар бир қўшиладиган қисм учун ундан олдинги қисм *асос* вазифасини бажаради. Тасвири мураккаблаштирамаслик учун феъл лексемашаклларни шакл ҳосил қилиш асоси ва шакл ҳосил қилувчига ажратиб чизмалар бермадик.

1. Айрим феъл лексемаларга аввало ҳаракатнинг такрорланиб, кучли-кучсиз даражада воқе бўлишини ифодалайдиган аффикс қўшилади: *қув-* + *ла-* *чай-* + *қа-*; *эз-* + *зила-*; *тўз-* + *и-*, *кул-* + *имсира-*, *ёри-* + *ш-* каби.

2. Морфемаларнинг бундан кейинги қўшилиши феъл лексеманинг

¹ Раҳматуллаев Шавкат. Ўзбек тилидаги бир синтактик қурилма ҳақида // ЎТА. 1992. № 2.

ли-ўтимсизлигига боғлиқ.

Ўтимсиз феълга дастлаб бўлишли-бўлишсизлик (мавжудлик) парадигмасининг кўрсаткичи қўшилади: ФЛў-сиз + Б: *кел-* + (ØIV/ма)- каби.

Ўтимли феъл лексемада эса аввал ҳаракатнинг бажарувчиси билан тасис тўлдирувчи орасидаги муносабат акс этадиган нисбат парадигмасининг кўрсаткичи, шундан кейин мавжудлик парадигмасининг кўрсаткичи қўшилади: ФЛў-ли + *На / Нм* + Б : *кўр-* + (ØIII / ил) + (ØIV / ма)- каби.

-л / -н аффикси ўтимсиз ФЛга ҳам қўшилади, лекин нисбат шакли эмас, шаклсизлик шаклини ясайди: *кел-* + *ин* + (ØIV / ма) + *ди*. Бу ерда асли нисбат парадигмаси ҳақида эмас, балки шахссизлик шакли ҳақида гапириш ўринли.

Ўтимсиз ФЛга орттирма шакли ясовчиси қўшилса, ўтимлилашади, нисбатда унга нисбат парадигмаси мансуб бўлади: ФЛў-сиз + Орт + Н + Б: *тир-* + (ØIII / ил) + (ØIV / ма)- каби. Орттирма шакли ясовчиси ўтимлилаштирилган феълга ҳам қўшилади ва уни қайта ўтимлилаштиради: *кўр-сиз* + *тир-* каби.

Ўтимли ФЛларнинг бир қисмига ўзлик шакли ясовчиси, ўтимли ва шаклсиз феълларнинг бир қисмига биргалик шакли ясовчиси қўшилади; нисбатда ўтимли ФЛ ўтимсизлашади: ФЛў-ли + Ўзл : *юв-* + *ин-*, ФЛ + Бр : *тир-* + *ш-* каби.

Орттирма шакли ясовчиси юқорида саналган грамматик кўрсаткичлардан ташқари ҳам, кейин ҳам, мажхул нисбат шакли ясовчисидан эса фақат олдин қўшилади.

Ўтимли-ўтимсиз ФЛга қўшилаверадиган орттирма шакли ясовчиси, мавжудлик шакли ясовчиси, ўтимли ФЛга қўшиладиган нисбат шакли ясовчиси ва ўтимсиз ФЛга қўшиладиган шахссизлик ясовчиси, шунингдек шакли ФЛга қўшиладиган ўзлик шакли ясовчиси, ўтимли ва ўтимсиз ФЛга қўшиладиган биргалик шакли ясовчиси – феъл туркумига мансуб умумий грамматик ходисалар. Шулар каторига ҳаракатнинг қай йўсинда амалга оширилиши ифодаладиган кўмакчи феълларни қўшиш мумкин. Булар грамматик маъно ифодалайди, мавжудлик шакли ясовчисидан, равишдош, шартдош, оддош шакли ясовчиларидан, шунингдек майл, замон шакли ясовчиларидан, тусловчидан олдин жойлашади. Фақат мустақил феъл билан кўмакчи феъл жуфтлик ҳолатида бирлашса, кўмакчи феълга қўшиладиган парадигмалар мустақил феълга ҳам қўшилади: *айтди-қўйди* каби.

Бўлишсизлик шакли ясовчи морфема мустақил феълга тааллуқли бўлса, нисбатда қўшилади: *ўқи-* + *ма* + (*й қўй*)- каби. Демак, бундай икки хил жойлашув – эркин жойлашув эмас, балки маъно талабига қўра жойлашув.

Кўмакчи феъл мустақил феълдан ўсиб чиққани сабабли ўзидан олдинги нисбатда равишдош ясовчиси билан биргаликда қўшилади; натижада аналитик грамматик шакл ҳақида гапириш лозим бўлади: *гапир-* + (*а бошла*)-, *ўқи-* + (*б бошла*)- каби.

3. Шундан кейин ФЛнинг морфем таркиби икки йўналишда давом этади:

1) ФЛнинг бошқа туркум лексемаларига монанд шакллари ҳосил қилинади,

2) ФЛнинг тусланишли шакллари ҳосил қилинади.

Рашидош шакли ясовчиси қўшилиши билан феъл лексема тугал грамматик шаклланади; баъзан *-роқ* шакл ясовчиси қўшилади: *ўйла- + б + роқ* [*гапир-*]- каби.

Сифатдош шакли ясовчиси қўшилиши билан ҳам феъл лексема асли тугал грамматик шаклланади ва сифатловчи вазифасида келади: *кел- + ган* [*қиши-*]- каби. Ўзига хос хусусият *-диган*, *-ётган* сифатдош шакли ясовчиларида мавжуд: асосга *-а/-й* рашидош ясовчиси билан бирга қўшилиб, аналитик грамматик шакл ҳосил қилади: *кел- + (а диган)*, *ўқи- + (й ётган → ётган)* каби. Сифатдош шаклидаги феълнинг сифатланмиши туширилиб отлашса, унга сонловчи ва вазифасига монанд турловчи қўшилади: *ўтирган қишиларни → ўтирганларни* каби. От лексемага мансуб морфеманинг сифатдош шаклидан кейин қўшилиши синтактик трансформация билан боғлиқ ҳолда ҳам воқе бўлади: *Кўкчалар тарс-тарс ёрил- + ди → кўкчаларнинг тарс-тарс ёрил- + ган + ØI + u + ØII* каби. Бундай қурилмада сифатдош ясовчисидан кейин *-лик* субстантив шакл ясовчиси ҳам қўшилиши мумкин: *ёрил- + ган + лиг + u + ни* каби.

Отдош шакли ясовчиси қўшилиши билан феъл лексема тугал грамматик шаклланмайди, асос ҳолатида бўлади ва унга от лексемага мансуб морфем парадигмаларнинг кўрсаткичлари қўшилади: (*айт + иш*) + *лар + u + ни(кут-)*- каби ва б.

4. Феълнинг тусланишли лексемашаклларида энг содда тузилиш мавжудлик парадигмаси кўрсаткичидан кейин тусловчиларнинг буйруқ-истак майлига мансуб субпарадигмаси кўрсаткичини қўшиш билан ҳосил бўлади: *бор- + ма + й(ин)*, *ўқи- + ØIV + нг* каби.

Бу майлнинг I, II шахсидан фарқли ҳолда III шахс бирлигида 'сизлаш' маъноси икки хил *-лар* ёки *-ш* 3 аффикси билан ифодаланади; бунда *-лар* шахс кўрсаткичига қўшилади; *-ш* 3 эса асли биргалик шакли ясовчисидан ўсиб чиққани сабабли мавжудлик парадигмаси кўрсаткичидан олдин қўшилади: *ўқи + ØIV + (син + лар)*, *бор + иш 3 + ма + син* каби.

Буйруқ-истак майли субпарадигмасида тусловчи шу майлга хос бўлиб, гуё майл ва шахс-сон маъноларини биргаликда (синкретик) ифодалайди (Бошқа майлларда майл учун алоҳида морфема қўшилади: *бор + ма + са + нг*, *бор - моқчи + ман* каби). Бу ерда ҳам 'сизлаш' маъноси *-ш* 3 аффикси билан ифодаланса, морфеманинг одатдаги аранжировкасидан чекиниш воқе бўлади (Изоҳи юқорида): *бор + ма + са + лар = бор + иш + ма + са* каби.

Феъл лексемашакл таркибидаги майл ва замон шакли ясовчиларининг аранжировкаси одатда M/3 тарзида кўрсатилади; бу рамз билан лексамашакл таркибида майл ва замон кўрсаткичларидан бири қатнашуви таъкидланади. Бундай фикр юритиш асли тўғри эмас. Масалан, буйруқ-истак майлида на майл ва на замон ясовчиси йўқ, фақат тусловчи қатнашади, тусловчи билан майл маъноси ҳам ифодаланади; замон маъноси (желаси замон маъноси) ҳам ифодаланади дейиш ўта шартли.

Бошқа майлларда эса замон маъноси алоҳида грамматик шакл билан ифодаланади: а) Истак-шарт майли *-са* аффикси билан, замон маъноси эса

Ифтоддош ясовчиси + бўл-“ кўрсаткичи билан ифодаланади: бор+ ган бўл + са- каби. Шу ерда олдин замон ясовчиси вазифасидаги аналитик грамматик шакл (-ган бўл-, -ётган бўл-, -диган бўл-), кейин майл ясовчиси қўшилади. Кўринадики, бундай тузилишли лексемашаклга нисбатан М/З рамзини ёзиш – хато, З + М рамзини ёзиш лозим. Шунинг учун замон шаклининг бор+ ган бўл + са- каби ясалишига (ўтган замон шаклига) нисбатан кўйиб бор+ са- каби ясалиш таркибида замон (келаси замон) маъноси феъл кўрсаткичли морфема билан ифодаланишини таъкидлаш керак бўлади: бор+ ØVIII + са- каби.

Бор+ ØVIII + са + м эди, бор + ган бўл + са + м + эди каби тузилишли лексемашаклларда эди морфемаси тусловчидан кейин қўшилиб, ‘шарт’ маъносига ‘эҳтимол’ маъносини қўшади.

Истак майли -ги + Нб + кел (+ З + III ш. Тс) қурилмаси билан ҳам ифодаланади. Бу қурилма асли “эга X кесим” боғланмасидан (Боргим келади каби) ўсиб чиққан.

Мақсад майли -моқчи морфемаси билан ясалади, мавжудлик парадигмасининг бўлишсиз шакли эмас морфемаси билан ҳосил қилинади: бор + моқчи + эмас + ман каби. Ўткан замон маъноси мавжудлик парадигмаси кўрсаткичидан кейин эди аффиксоидини қўшиб ифодаланади: бор+ моқчи + эмас + эди + м каби.

Замон ясовчиси майл ясовчиси каби феъл лексемашакл таркибида мавжудлик парадигмаси кўрсаткичидан кейин жойлашади; замон ясовчиларининг синтетик ва аналитик ифода шаклларида бу умумий қоидадан чекинмиш йўқ.

Феъл лексемашаклларнинг айрим мураккаб кўринишида аналитик грамматик шакл бўл- ёрдамчиси қатнашиб ҳосил қилинади: бор + а диган бўл + ди + м каби. Бу ерда замон ясовчиси -а диган бўл- аналитик грамматик шаклидан кейин қўшилади. Бундай қурилма таркибида баъзан -дай аффикс- ёрдамчиси ҳам қатнашиб, бўл- ёрдамчисидан олдин жойлашади: бор + а диган + дай + бўл + ди + м каби. Ўхшатиш маъноси ўхша- лексемаси билан ҳам ифодаланади, ундан олдин -га келишик кўрсаткичи қатнашади: бор + а диган + га ўхша + ди + нг каби.

Яна бир аналитик грамматик шаклли қурилма -ай + де + Б + З + Тс тарзида тузилади: бор + ай + де + ма + ди + нг каби ва б.

Феъл лексемашакл таркибига тусловчи энг кейин қўшилиб, синтактик боғланишни, синтактик вазифани таъминлайди, ҳаракат бажарувчисининг шахс-сонини ифодалайди (Шахсسىз феъл шакллари бундан мустасно). Умумий қоидадан чекинмиш тусловчиларнинг -й морфемаси билан бошланадиган парадигмаси қатнашганида воқе бўлади: Тусловчидан кейин ўтган замон маъносини ифодаладиган эди аффиксоиди қўшилади: бор + гин эди, бор + ган эди каби.

Баъзи қурилмаларда бажарувчининг шахс-сони тусловчи билан эмас, нисбатловчи билан ифодаланади: бор + ги + м келади каби. Бундай қурилма шаклида III шахс тусловчиси қатнашади, лекин бу кўрсаткич бажарувчининг

шахс-сонини ифодаламайди, шахссиз феъл шаклида бўлганидек туслов шаклан қатнашади-ю, мазмунан пуч бўлади; бажарувчининг шахс-сонини ифодалаш нисбатловчига юкланади.

Шу ерда айрим қўшма тусловчиларнинг қисмлари икки хил жойлашув мумкинлигини таъкидлаб ўтамиз. Бундай хусусият II шахс қўшма тусловчисига мансуб: *-нг + лар - лар + инг*. Бу ерда тусловчининг *-нг* қисмини *-нг* қисмидан кейин жойлаш билан адабий тилда ‘сизлаш’ маъноси олдин жойлаш билан ‘сенлаш’ маъноси ифодаланади.

Бирикма ва гапшакл аъзоларида аранжировка

Бирикма аъзолари ўзаро тобе алоқа тури билан боғланиб, уларнинг жойлашуви икки хил: 1. Ҳар икки аъзонинг жойлашув ўрни муқим бўлади. Бирикманинг тобе аъзоси ҳоким аъзосидан кейин ҳам, олдин ҳам жойлашади.

1. Ҳар иккала аъзонинг жойлашиш ўрни куйидаги тур бирикмаларда муқим:

1) Тобе аъзо олдин келади:

а) сифатловчили бирикмада: *қалин муқова-* каби; б) қаратувчили бирикмада: *муқованинг қалини-* каби; в) изофа бирикмасида: *Ўзбекистон Республикаси-* каби; г) тўлдирувчили бирикмада: *китобни бер-* каби; д) ҳолловчили бирикмада: *тез гапир-, ишхонада гаплаш-* каби.

2) Тобе аъзо кейин келади: Таъкидловчили бирикмада шундай: *мен ўзингиз биз ҳаммамиз* каби.

2. Тобе аъзо ҳоким аъзодан кейин ҳам, олдин ҳам жойлашади. Бундай хусусият изоҳловчили бирикмага хос: 1) Изоҳловчи кейин жойлашади: *Шухрат амаки-, Ҳамид Олимжон-* каби; 2) Изоҳловчи олдин жойлашади: *генерал Раҳимов-, шоир Миртемир-* каби.

Юқоридаги тасвирдан хулоса шуки, бирикма аъзоларининг ўзаро жойлашувини “тобе-ҳоким (Т-Ҳ)” деб кўрсатиш етарли эмас, “ҳоким-тобе (Т-Ҳ)” деб ҳам таъкидлаш лозим.

Гапшакл асоси эга ва кесимдан иборат бўлса, эга аъзо олдин жойлашади. Жумла таркибида кесимга боғланиб тўлдирувчи, ҳолловчи қатнашса, ёйик жумла дейилади. Бундай жумла таркибида тўлдирувчининг, ҳолловчининг (айрим маъно турларидан ташқари) қатъий ўрни йўқ.

“Гапда сўзлар тартиби” дейиш хато, “синтактик бўлақлар тартиби” дейиш тўғри. “Гап” деганда гапшаклнинг лисоний бирлик ҳолати (формуласи) тушунилади, “жумла” деганда гапшаклнинг (тил бирлигининг) нутқий ҳолати тушунилади. Синтактик бўлақларга хос ўрин ва тартиб эркинлиги жумла таркибида намоён бўлади.

Тил бирликларида воқе бўладиган синтагматик муносабатлар

Синтагматика манбаларда "нутқнинг синтагмаларга бўлиниши, сентларнинг айна вақтда бир чизик бўйлаб ўзаро муносабати» деб¹, "нутқанда бирликларнинг ўзаро муносабатини белгилайдиган қоида ва шартлар мажмуаси" деб² таъкидланган.

Синтагматикани нутқий ҳодиса деб таъкидлаш ўринли эмас: "сентлар"нинг, "бирликлар"нинг бирин-кетин жойлашуви ҳақидаги ҳаёт (қоидалар) лисонда мавжуд бўлиб, нутқий бирлик шулар асосида бўлади.

Тил бирликларининг бирин-кетин жойлашиш меъёрлари юқорида кўрсатилган тартибда номи билан тасвирланди. Синтагматика деганда тил бирликларининг қисмлари орасида воқе бўладиган ўзаро таъсир назарда тутилди.

Синтагматик муносабатлар асосан икки турли: а) семантик-грамматик муносабатлар, б) фонетик-фонематик муносабатлар.

Тил бирликларининг қисмлари орасидаги семантик-грамматик муносабатлар

Тил бирликларининг қисмлари орасида воқе бўладиган семантик-грамматик муносабатлар қуйидагича воқе бўлади:

I. Лексемашакл таркибида.

II. Боғланма қисмлари орасида.

I. Лексемашакл таркибида воқе бўладиган семантик-грамматик муносабатлар қуйидагича:

A. Лексеманинг семантик-грамматик табиати унга қўшиладиган морфеманинг ишлатилишига таъсир қилади.

Б. Морфема ўзи қўшиладиган қисмнинг семантик-грамматик табиатига таъсир қилади.

В. Морфема ўзидан кейин қўшиладиган морфеманинг ишлатилишига таъсир қилади.

A. Лексеманинг семантик-грамматик табиати унга қўшиладиган морфеманинг ишлатилишига қуйидаги ўринларда таъсир қилади:

1. Лексеманинг маъно жиҳати сонлаш парадигмасининг фақат бир кўрсаткичи қўшилишини белгилаб қўяди:

1) Фақат бирлик кўрсаткичи қўшилади:

а) киши атоқли отларига: *Комила* + *ØI*- (Бундай от лексемага *-лар* морфемаси қўшилса, 'соф кўплик' эмас, 'маълум бир киши ва унинг қуршовидаги бошқа кишилар' маъноси ифодаланади: *Комила* + *лар*- каби);

б) киши турдош отларининг қуйидаги маъно турларига:

- мавҳум ноякка отларга: *халойиқ* + *ØI* -, *одамзод* + *ØI*- каби;

- хар кишида якка бўладиган шахс отларига: *ота* + *ØI* -, *она* + *ØI*- каби

¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. 1966. 408.

² Русский язык. Энциклопедия. 1979. 288.

(-лар кўшилса, умумлаштириш воқе бўлади);

в) нарса атокли отларининг куйидаги турларига:

– планета номларига: *Марс* + ØI -, *Кўёш* + ØI - каби;

– жой номларига: *Тошкент* + ØI - , *Ҳадра* + ØI - каби;

– ташкилот, газета-журнал, китоб номларига: *ЎЗМУ* + ØI -, "*Маърифат*" + ØI -, "*Сароб*" + ØI - каби;

г) нарса турдош отларининг куйидаги маъно турларига:

– *ун-*, *гуруч-* каби озик-овқат маҳсулотлари номига, *олтин-*, *кумуш-* каби маъдан номларига;

– *ақл-*, *илож-*, *сукунат-*, *куч-қудрат-*, *сиҳат-саломатлик-* каби мавҳум отларга;

д) жамловчи сонга, жамлик маъносини англададиган айрим лексемаларга: *икков-* + ØI + *имиз-*, *ҳамма-* + ØI + *нгиз* каби;

е) *мен-* кишилик олмоши фақат бирлик шаклида ишлатилади.

Юқоридаги ҳодисаларда лексемадан англашиладиган маънога симметрик (мутаносиб) равишда бирлик кўрсаткичи кўшилади.

2) Лексеманинг маъно жиҳатига боғлиқ ҳолда сонлаш парадигмасининг фақат кўплик кўрсаткичи кўшилади. Бундай ҳодиса жуда оз бўлиб, киши турдош отларининг жуфт турига хос: *ота-она* + *лар-*, *йигит-қиз* + *лар-*, *ака-ука* + *лар-*, *опа-сингил* + *лар-*, *ошна-огайни* + *лар-* каби. Бу ерда лексемадан англашиладиган жамлик (кўплик) маъносига симметрик (мутаносиб) равишда кўплик аффикси кўшилади.

2. Лексеманинг маъно жиҳати нисбатлаш парадигмасининг фақат кўплик кўрсаткичлари кўшилишини белгилаб қўяди. Бундай хусусият жамловчи сонга (*иккала* + ØI + *нгиз-* каби), *ҳамма-* каби жамлик англашиладиган лексемаларга (*ҳамма* + ØI + *миз-* каби) хос.

3. Лексеманинг маъно жиҳати тушлаш парадигмасининг фақат III шахс кўрсаткичи кўшилишини белгилаб қўяди. Бундай хусусият аталганлик ҳодисаси таъсирида воқе бўлади: Кишига аталган от лексема уч шахсда тусланади (*талаба* + *ман*, *талаба* + *сан*, *талаба* + ØVII каби), нарсага аталган от лексема эса фақат III шахс тусловчиси билан ишлатилади (*Эртага* – *имтиҳон* + ØVII каби).

4. Айрим лексемаларнинг маъно жиҳати бўлишли-бўлишсизлик (мавжудлик), замон шаклларида ишлатилишига таъсир қилади. Масалан, *керак-* кесимлик лексемаси *керак эмас* бўлишсизлик шаклида ишлатилади, лекин *ташаккур-* кесимлик лексемаси фақат бўлишли шаклда ишлатилади; *керак-* лексемаси *керак эди*, *керак бўлади* каби замон кўрсаткичлари билан ишлатилади, лекин *ташаккур-*, *муборак-* каби кесимлик лексемалари фақат ҳозирги замон (умумзамон) шаклида ишлатилади ва б.

Б. Морфеманинг ўзи кўшиладиган қисм семантик-грамматик табиатига таъсир қилиши феъл лексеманинг ўтимли-ўтимсизлиги билан боғлиқ ҳолда воқе бўлади:

1. Орттирма шакли ясовчиси ўтимсиз феъл лексемага ҳам, ўтимли феъл лексемага ҳам кўшилаверади. Адабиётларда орттирма шакли ясалиши билан битта объект (тўлдирувчи) ортади деган фикр ҳукмрон эди; орттирма

асини махсус ўрганиш натижасида бундай шакл ясади билан тартидан ҳаракатни бажартирувчи (эга) орғиши аниқланди; ана шу ҳаракатни бажартирувчи (эга) ҳаракатни бажарувчини (мавжуд эгани); объектга (тўлдирувчига) айлантиради; демак, асли ҳаракатни бажартирувчи феъл: *ишла-* – ким, *ишла-* + *т-* – ким кимни каби. Кўринадики, бу ерда бажартирувчи орғиши билан бажарувчи воситасиз тўлдирувчига айланади ва воситасиз феъл ўтимлилашади.

Орттирма шакли ўтимли феъл лексемага қўшилганда ҳам бажартирувчи феъл, бажарувчи эга одатда воситали тўлдирувчига айланади: *кий* – *ким* нимани, *кийдир* – *ким* кимга нимани каби.

Демак, орттирма шакли ясади билан феъл лексеманинг табиатида қуйидаги ўзгаришлар воқе бўлади: 1) Ташқаридан бажартирувчи эга ортади. 2) Мавжуд бажарувчи эга воситасиз тўлдирувчига (ўтимсиз феъл лексемадан ясади), воситали тўлдирувчига (ўтимли феъл лексемадан ясади) айланади ёки ташқаридан воситали тўлдирувчи қўшилади. 3) Феъл лексема ўтимсиз бўлса, ўтимлилашади, ўтимли бўлса, қайта ўтимлилашади. 4) Ўтимсиз феъл лексема ўтимлилашиб, аниқ нисбат шаклига тенглашади ва нисбат парадигмасига тортилади.

2. Ўзбек тилида нисбат парадигмаси икки аъзодан – аниқ нисбат ва мажхул нисбатдан иборат. Аниқ нисбат ўтимли феъл лексемада ҳам, ўтимлилашган феъл лексемада ҳам ноль кўрсаткичли (ØIII) морфема билан, мажхул нисбат эса асосан *-л* аффикси билан ифодаланади: *кий-* + ØIII- – ким кимни, *кий-* + *ил-* – нима; *ишла-* + *т* + ØIII- – ким кимни, *ишла-* + *т* – *ил-* – ким, нима каби.

Мажхул нисбат шакли ясади билан феъл лексеманинг табиатида қуйидаги ўзгаришлар воқе бўлади: 1) Бажарувчи эга мажхуллашади (Жумла таркибида қатнашмайди ёки *томонидан* ёрдамчиси билан шаклланадиган воситали тўлдирувчига айланади). 2) Воситасиз тўлдирувчи эгага айланади. 3) Феъл лексема ўтимсизлашиб, воситасиз тўлдирувчини бошқариш хусусиятини йўқатади.

-л аффикси ўтимсиз феъл лексемага, ўтимсизлашган феъл лексемага қўшилганида шахссизлик шаклини ясади (Асли *-л* мажхул нисбат шакли ясовчиси билан *-л* шахссизлик шакли ясовчиси хозирги ўзбек тилида яноморфемалар дейиш тўғри: *-л I* ва *-л II*). Шахссизлик шакли ясадида бажарувчи эга умуман йўқалади: *кел-* – ким, *кел-* + *ин-* – ———; *юв-* + *ин-* – ким, *юв-* + *ин* + *ил-* – ———; *учра-* + *ш-* – ким ким билан, *учра-* + *ш* + *ил-* – ——— – ким билан каби.

3. Ўзлик шакли ўтимли феъл лексемаларнинг бир қисмидан – ҳаракат бажарувчининг ўзида воқе бўла оладиган ўтимли феъллардан ясади, демак, жузъий ҳодиса. Ўтимли феъл лексемага ўзлик шакли ясовчиси қўшилиши билан қуйидаги ўзгаришлар воқе бўлади: 1) Ҳаракатни бажарувчи эга ўзича сақланади ва айни вақтда ҳаракат амалга ошадиган объект ҳолатига ўтади. 2) Феъл лексема ўтимсизлашади, воситасиз тўлдирувчини бошқариш хусусияти йўқалади, баъзан воситали тўлдирувчини бошқариш хусусияти пайдо бўлади: *юв-* + ØIII- – ким нимани, *юв-* + *ин-* – ким [ўзини]; *койи-* – ким кимни, *койи-*

+ *ин-* — ким кимдан каби.

4. Биргалик шакли ўтимли феъл лексемаларнииг ва ўтимсиз феъл лексемаларнинг ҳаракатни биргаликда бажариш мумкин бўлган кичик бўлган қисмидан ясалади, демак, жузъий ходиса.

-*ш* ҳозирги ўзбек тилида оморомфема бўлиб, биргалик шакли ясовчисига *-ш I* деб, 'қўмаклашиш' маъносини ифодалайдиган аффиксни *-ш II* деб, 'қўплик' маъносини ифодалайдиган аффиксни *-ш III* деб белгиладик.

Биргалик шакли ўтимли феъл лексемадан ясалганида икки ҳолат беради:

1) Ҳаракатни бажарувчилар тенг мавқели бўлганида икки лексемашақл бош келишиқда уюшиб эга вазифасида келади:

Она + ØI + м + ØII мен + и кучоқла + ди + ØVI.

Она + ØI + м + ØII билан мен ØII кучоқла + ш + ди + к каби.

Бунда: а) воситасиз тўлдирувчининг тушум келишиги шакли бош келишиқ шаклига алмашиб, бош келишиқдаги бажарувчи билан биргалиқда уюшиб қатор ҳосил қилиб эга таркибига киради; б) ўтимли феъл лексема ўтимсизлашади, воситасиз тўлдирувчини бошқариш хусусиятини йўқатади;

2) Ҳаракатни бажарувчилар нотенг мавқели бўлганида бош келишиқдаги бажарувчи (эга) ўзича сакланиб, воситасиз тўлдирувчи билан қўмакчиси билан шаклланган воситали тўлдирувчига айланади:

Она + ØI + м + ØII мен + и кучоқла + ди + ØVI,

Она + ØI + м + ØII мен ØII билан кучоқла + ш + ди + ØVI каби.

5. Орттирма шакли ясовчиси мажхул нисбатдаги феъл лексемага, шахссизлашган феъл лексемага қўшилмайди; ўзлик шаклидаги, биргалиқ шаклидаги феъл лексемага қўшилаверади ва уларни ўтимлилаштиради. натижада уларда воситасиз тўлдирувчини бошқариш хусусияти пайдо бўлади. шу жиҳати билан ўтимли феъл лексемага тенглашиб, мажхул нисбат шаклини ясаш имконияти юзага келади; демак, ўзлик шаклидаги, биргалиқ шаклидаги феъл лексемага орттирма шакли ясовчисини қўшиш билан бундай феъл лексемаларга нисбат парадигмаси хос бўлиб қолади:

юв + ин- ким,

юв + ин + тир + ØIII- ким, кимни ,

учра + ш - ким ким билан,

учра + ш + тир + ØIII- ким ким билан кимни каби.

Хуллас, орттирма шакли ясовчисининг беқиёс аҳамияти шундаки, ўтимсиз феъл лексемага, ўтимсизлашган феъл лексемага қўшилиб, уларни ўтимлилаштиради, натижада бундай шакли феъл лексемалар нисбат парадигмасига тортилади; шунга кўра аниқ нисбат доирасига фақат ўтимли феъл лексемаларни эмас, орттирма шакли ясовчиси қўшилиб ўтимлилашган феъл лексемаларни ҳам қўшиш лозим.

6. Шахссизлик шакли ҳам фақат ўтимсиз феъл лексемадан эмас, ўзлик шаклидаги, биргалиқ шаклидаги ўтимсизлашган феъл лексемалардан ҳам ясалади; буларнинг барчасида бажарувчи умуман йўқалади:

бор- ким каерга

бор + ил- — каерга

юв + ин - ким

юв + ин + ил- —

учра + ш - ким ким билан,

учра + ш + ил- — ким билан каби.

3. Морфема ўзидан кейин қўшиладиган морфеманинг ишлатилишига таъсири ўринларда таъсир қилади:

1. Феъл лексеманинг отдош шаклини ясовчи *-ш* аффикси одатда ўзидан кейин сонлаш парадигмасининг бирлик шакли қўшилишини белгилаб қўяди:

бор - ш + ØII + га рози каби.

2. Феъл лексеманинг отдош шакли бўлишли-бўлишсизлик парадигмасининг бўлишли шаклидан кейин *-ш* аффикси билан, лекин бўлишсиз шакли ясовчисидан кейин *-лик* қўшма аффикси билан ясалади, *гўё - лик* аффикси *-лик* аффикси қўшилишини белгилаб қўяди: *бор + ØI + ш - бор + ш - лик-* каби.

3. Феълнинг сифатдош шакли бўлишли-бўлишсизлик парадигмасининг бўлишли шаклидан кейин *-р* аффикси билан ясалганида бўлишсиз шаклидан кейин *-с* қўшилади: *Икки соат ў т а р - ў т м а с аланга пасайди* каби.

4. Феълнинг равишдош шакли бўлишли-бўлишсизлик парадигмасининг бўлишли шаклидан *-б* аффикси билан ясалганида бўлишсиз шаклидан кейин *-и* хил ясалади: 1) *-й* равишдош шакли ясовчиси билан: *бор + ØI + иб бортирди - бор + май + й иложи йўқ* каби; 2) *-сдан* қўшма аффикси билан: *бор + ма + сдан иложи йўқ* каби.

II. Боғланма қисмлари орасида воқе бўладиган семантик-грамматик муносабатлар қуйидагича:

1. Қаратувчи вазифасидаги лексемадан (лексемага тенглаштириладиган бирликдан) англашиладиган шахс-сон маъносига мувофиқлашиб қаралмишга муносабатловчи танлаб қўшилади: *менинг китобим-, дўстимнинг маслаҳати-* каби.

2. Таъкидланмиш бўлиб келган кишилик олошидан англашиладиган сон маъносига мувофиқлашиб таъкидловчига нисбатловчи танлаб қўшилади: *мен ўзим, сиз икковингиз* каби.

3. Эга вазифасида келган лексемадан (лексемага тенглаштириладиган бирликдан) англашиладиган шахс-сон маъносига мувофиқлашиб кесимга тусловчи танлаб қўшилади: *Мен борди + м. Китобинг менда + ØVII. Акаларим эртага келиша + ди* каби.

4. Аниқ миқдорни англатадиган сон лексема сифатловчи бўлиб келганида сифатланмиш от лексема ўзбек тилида бирлик шаклида ишлатилади: *ўнта китоб + ØI-* (лекин: *кўп китоблар-*) каби ва б.

Сегмент тил бирликларида фонетик-фонематик муносабатлар

Ҳозирги ўзбек тилида товуш жараёнларн хилма-хил. Булар дасглаб адабий тилга ва сўзлашув тилига хос деб иккига гурухланади. Сўзлашув тилидаги товуш жараёнларининг фақат бир қисми адабий тилга мансуб деб қаралади; қолган қисми эса жуда мураккаб бўлиб, чуқур ўрганилмаган.

Ҳозирги адабий ўзбек тилига мансуб деб қараладиган товуш жараёнлари етарли тадқиқ қилинмаган, шунга кўра адабий тилнинг талаффуз меъёри (орфоэпик қоидалар) ҳам тўлиқ белгиланмаган. Қуйида адабий тилга мансуб товуш жараёнларининг фақат бир қисми сегмент тил бирликлари асосида тасвирланди.

Товуш жараёнлари лексеманинг ўзи доирасида, морфеманинг доирасида ва лексема билаи морфема орасида (лексемашакл доирасида) бўлади.

Товуш жараёнларининг лексемада воқе бўлиши

1. Лексеманинг фонема таркиби нотенг деб қараладиган ҳолларни қуйидагича товуш жараёнлари воқе бўлади:

1. “Imlo lug’ati”да *dombay-* лексемаси (62- б.) *topray-* (192- б.) шакли ҳам келтирилган, демак, адабий тилга бу лексеманинг шу икки кўриниши (аллолексемаси) мансуб деб қаралган. Изоҳли луғатда бу лексема *дўмбай-*, *дўмпай-*, *дўппай-*, *тўмпай-*, *тўппай-* шаклларида (аллолексемалари тарзида) келтирилиб, барчаси адабий тилга мансуб деб қаралган (Бирортасида сўзлашув тилига хос деган белги қўйилмаган).

Имло луғатига киритилган *тўппай-* аллолексемаси *дўмбай-* бош аллолексемасидан уч босқичли фонетик (фонематик) ўзгариш оқибатида шаклланган: 1) *б* фонемаси *п* товушига алмашган: *дўмбай-* → *дўмпай-*; 2) Бу товушнинг таъсирида *м* фонемаси *п* товушига алмашган: *дўмпай-* → *дўппай-*; 3) Лексема бошланишидаги *д* фонемаси *т* товушига алмашган: *дўппай-* → *тўппай-*. Булардан *б – п*, *д – т* товуш алмашинувлари ўзбек тилига мансуб товуш ўзгариши қоидалари бўйича амалга оширилган; натижада *б* фонемасининг *б* асосий ва *п* иккиламчи, *д* фонемасининг *д* асосий ва *т* иккиламчи аллофонемалари намоён бўлган ва улар *дўмбай-* ва *тўппай-* аллолексемалари таркибида юзага чиққан; *м* фонемаси билан *п* товуш орасидаги муносабатни аллофонемалар дейиш шартли.

2. “Imlo lug’ati”да *igna-* лексемаси *пиуна* шаклида ҳам келтирилган (82- б.). Бу икки шакл аллолексемага тенг бўлиб, биринчиси асли *йигна-* лексемаси бошланишидаги *й* фонемасини талаффуз қилмаслик (тушириб қолдириш) билан (*йигна-* → *игна-*), иккинчиси *г* фонемасини *й* товушига алмаштириш билан (*йигна-* → *йийна-*), сўнгра биринчи *й* фонемасини лексема таркибидаги *г* фонемаси таъсирида *н* товушига алмаштириш билан (*йийна-* → *нийна-*) юзага келган. Бу икки аллолексемада *г* фонемасининг *г* асосий ва *й* иккиламчи аллофонемалари намоён бўлган. Таркибидаги фонемани тушириб қолдириш билан аллолексемалар юзага келади-ю, лекин бундай ўзгариш аллофонемалар деб қаралмайди.

3. “Imlo lug’ati”да *nabira* лексемаси *nevava* шаклида ҳам келтирилган (124- б.: *nabira va nevava*; 126- б.: *nevava va nabira*). Бу икки шакл аллолексемаларга тенг бўлиб, асли тожикча *набера-* лексемасининг иккинчи бўғинидаги *е(э)* фонемасини *и* фонемасига алмаштириб қабул қилиш билан юзага келган (Ўзбек тилида *е* фонемаси туб лексеманинг иккинчи ва кейинги бўғинида келмайди); иккинчи аллолексема мураккаб ўзгариш натижасида юзага келган:

б фонемаси в товушига, и фонемаси а товушига (набира- → навара-), биринчи бўғиндаги а фонемасини е товушига алмаштириш билан а → невара-) юзага келган. Биринчи бўғиндаги а фонемасининг е товушига алмашинишни ташқи таъсир (чевара- лексемаси таъсирида) воқе дейиш мумкин. Бу лексема таркибидаги б фонемасининг в товушига шиниши ўзбек тилидаги товуш ўзгариши қондаси асосида юз берган: овоз лар оралиғида портловчи товуш сирғалувчи товушга алмашган; када б фонемасининг б асосий ва в иккиламчи аллофонемалари намоён га. Иккинчи бўғиндаги и фонемаси а товушига биринчи ва учинчи даги а фонемалари таъсирида (ташқи таъсир сабабли) алмашган. Демак, кки аллолексема таркибидаги товуш ўзгаришларидан том маънодаги фонемалар деб б – в товуш алмашинувини айтиш мумкин.

4. "Imlo lug'ati"га арабча *sohib-* лексемасидан тожикча -и аффикси билан ган *sohibi-* лексемаси *sohibi-* (*soyibi-*) ва *soyibi-* (*sohibi-*) тарзида тилган (171- , 173- б.), демак, бу лексеманинг ҳар икки шакли адабий га мансуб деб қаралган; лекин "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да (II, 74) азг *sohibi* шакли келтирилган, демак, шу шакл адабий тилга мансуб деб алган. Амалиётда *sohibi* шаклидан кўра *soyibi* шакли кўп ишлатилади. ни ҳисобга олиб бўлса керак, имло лугатида *soyibi* шакли ҳам қамраб анган, ҳар икки шакл адабий тилга мансуб деб қаралган.

Sohibi- лексемаси охиридаги овоз товуш аслида чўзиқ бўлиб (ГРС, 366), збек тилида чўзиқлик белгиси йўқалган. Бу лексеманинг ўзбек тилида юзага танган иккиламчи шаклида ҳ фонемаси й товушига алмашган. Демак, бу ксема ўзбек тилида икки аллолексема тарзида ишлатилади; бу толексемалар таркибида ҳ фонемаси ҳ асосий ва й иккиламчи, б фонемаси б осий ва п иккиламчи аллофонемалари тарзида намоён бўлади.

Ҳ оғиз-бўғиз товуши асли туркий тилларга мансуб бўлмаган, шу сабабли лаштирма лексемалар таркибидаги ҳ фонемаси кўпинча й товушига алмаштирилади : *Шоҳиста-* – *Шойиста-* каби.

Sohibi- → *soyiti-* аллолексемалари таркибида б фонемасининг п аллофонема шакли ўзбек тилига хос товуш ўзгариши қондасига биноан воқе бўлган: *китоб-* каби лексемалар охирида п айрилса ҳам, б ёзилади (Имло қондаларининг 8- параграфи); бу товуш алмашинуви кўшимча қўшилганида ам сақланади: *китонни* тарзида талаффуз қилинади. *Soyiti-* аллолексемасида худди шундай товуш жараёни ўз аксини топган. Хуллас, *sohibi-* → *soyiti-* аллолексемалари таркибидаги ҳ , б фонемалари икки аллофонемалар (ҳ – й , б – п) тарзида намоён бўлади.

5. Араб тилидан ўзлашган *gab(b)*, *gad(d)*, *sad(d)*, *qad(d)* лексемалари "Imlo lug'ati"га (159, 163, 146) шундай шаклда киритилган. Аслида бу тўрт лексемадан ҳозирги ўзбек тилида *rabб-*, *sadd-* лексемалари охирида айна икки фонема қатнашган шаклида ишлатилади (*Ё раббим! Раббимсан, олло, моҳи рамазон ; saddи Искандарий-, saddи-басти-, saddи пок-* каби); демак, бу лексемаларни лугатга *rab(б)*, *sad(д)* шаклида киритиш ўринли бўлмаган: Бу ерда аллолексема ҳодисаси йўқ, *rabб-*, *sadd-* шаклида киритиш старли эди.

Rad- , *qad-* лексемаларининг "Imlo lug'ati"га *rad(д)*, *qad(д)* шаклида

киритилгани ўринли, чунки булар *радд*- шаклида ҳам (*радди бало*- , *радди каби*), *рад*- шаклида ҳам (*рад жавоби*- , *рад қил*- каби), *қадд*- шаклида ҳам (*қадди қомати*- , *қаддини бук*- каби) ва *қад*- шаклида ҳам (*қад кутар*- каби) ишлатилади; демак, ҳозирги ўзбек тилида *рад*- , *қад*- лексемалари аллолексема (*рад*- ва *радд*- , *қад*- ва *қадд*-) тарзида мавжуд; лекин фонемаларидан бирини ташлаш билан аллофонема юзага келади бўлмайди.

Йўл-йўлакай “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да акс этиб қолган нуқсонни айтиб ўтиш ўринли. Бу луғатда *радди* шакли охиридаги *-и* кismi III шахс эгалик аффикси деб таъкидлангани (I,611) нотўғри, изофа дейиш лозим эмас. *радди бало*- – изофа бирикмаси. Шу луғатда *қадди* шакли охиридаги *-и* кismi III шахс эгалик қўшимчаси деб таъкидлангани (II, 532) нотўғри: *қадди* билан *қомат*- лексемалари *қадд*-у *қомат*- тарзида *-у* боғловчиси катнашган жуфт лексема ҳосил қилади (*қадд*-у *баст*- ҳам асли шундай тузилган жуфт лексема); демак, бу лексеманинг луғатга *қадди* шаклида киритилгани тўғри бўлмаган.

6. Тожикча *охунд*- лексемаси (ГРС, 391) ўзбек тилининг изоҳли луғатида (I,551) *охун(д)* тарзида, “Imlo lug’ati”га ҳам (2003,134) *охунд* тарзида киритилган. Қўринадик, *д* фонемаси бу лексеманинг таркибига мансуб бўлиши тожикча адабий талаффузда ва ёзишда сақланади. Ўзбек тилининг тарихида тараққиёт босқичида бу лексема асосан *охунд*-, қисман *охун*- талаффузга қилинган ва ёзилган; лекин ҳозирги адабий ўзбек тилида фақат *охун*- тарзида талаффуз қилинади ва ёзилади. Қўринадик, изоҳли луғатга бу лексема матн мисолсиз ҳолатда ўзбек тили тараққиётининг олдинги босқичига биноан *охун(д)* тарзида киритилган ва ҳозирги ўзбек тилининг имло луғатига шу шаклида кўчиб ўтган. Асли тарихан *охунд*- ва *охун*- аллолексемалари тарзида ишлатилган бу лексема ҳозирги адабий ўзбек тилида фақат *охун*- шаклида шунда ҳам одатда уйғур кишининг атоқли оти таркибида (*Маматохун*- каби) ишлатилади. Бундан катъи назар, *д* фонемасини талаффуз қилмаслик билан бу ерда аллофонемалар воқе бўлмайди.

Қизиғи шуки, ҳозирги адабий ўзбек тилида амал қиладиган қоидага биноан *баланд*- , *Саманқанд*- , *поезд*- каби лексемалар охиридаги *д* фонемаси сўзлашув тилида баъзан талаффуз қилинмайди: *балан*- каби талаффуз шакли сўзлашув тилига хос дейилади. *Охунд*- лексемасида эса сўзлашув тилига мансуб *охун*- шакли адабий тилга хос бўлиб қолган.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *войбў(й)* шаклида берилган ундов (1,180) “Imlo lug’ati”га ҳам *voʻboʻ(y)* шаклида киритилган (2003, 200). Бу ундов асли *вой-вой* шаклининг товуш ўзгариши билан *вой-бўй* шаклини олган бўлиб, луғатларда чизикчасиз қўшиб ёзилган ва охириги товуши талаффуз қилинмай қўйгани ҳам таъкидланган. Демак, бу ерда талаффуз шакллари мавжуд, лекин товуш ташланишига нисбатан аллофонема ҳақида гапириб бўлмайди.

8. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига *обрў(й)* лексемаси шу шаклида (I, 517), “Imlo lug’ati”га ҳам *obroʻ(y)* шаклида (2003, 129) киритилган. имло қоидалари 35- параграфининг 3- қисмидаги “б” бандида бу лексема *obroʻ* шаклида

рилиб, унга нисбатловчи қўшилганида олдига у товуши орттирилиши ва ай ёзилиши таъкидланган: *obro'yim* каби.

Ҳақиқатда, *обру-* лексемаси тожик тилида *об* ('сув') ва *ру-* ('юз') маларидан тузилган қўшма лексема бўлиб (ТРС, 281), лексеманинг малар таркибида й товуши таъкидланмайди.

Демак, ўзбек тилининг изоҳли луғатига ва шу луғатга ишонч билдириб луғатига ҳам бу лексеманинг *обрў(й)*, *obro'(y)* шаклида киритилгани, асли луғатда *обрўли*, *обрўсиз* (асли тўғри) шаклидан *обрў(й)ли*, *обрў(й)сиз* (асли нотўғри) шаклига ҳавола қилингани ўринли бўлмаган; луғатларга бу лексема имло қоидасида берилган *obro'*, *обрў* шаклида киритилиши лозим.

Хуллас, бу лексема аллолексемаларга эга эмас, ташланадиган товуш ҳам

П. Лексеманинг фонема таркиби тенг бўлиб, бир фонемаси аллофонемалар тарзида намоён бўлади:

1. "Imlo lug'ati"даги 8- параграфнинг 2- бандида "охирда *n* айтилса ҳам, бундай" деб келтирилган уч мисолдан биринчиси (*kitob*) лексемага, қолган иккисиники (*yuzlab*, *kelib*) лексемашаклга тенг (Кейинги тур мисоллар куйирокда келтирилган).

Бу бандда имло қоидаси аниқ тузилмаган: *китоб-* каби лексемалар охиридаги *b* фонемаси барча ҳолларда *n* айтилади деган фикр туғилиб қолган, ваҳоланки *b* фонемаси *n* товушига ундан кейин овоз товуш келса алмашмайди; бошқа ҳолларда *b* фонемасининг иккиламчи *n* аллофонемаси намоён бўлади: а) *ажойиб* → *ажойиб*, *қасб* → *қасп*, *қарийб* → *қарийп* каби, б) *тартибсиз* → *тартипсиз*, *тартибли* → *тартипли* каби, в) фақат: *мансабим*, *мактубингиз*, *қасби* каби.

Бу ерда аллолексемалар билан биргаликда аллофонемалар воқе бўлади.

2. "Imlo qoidaları"даги 13- параграфнинг 2- бандида "*m* айтилса ҳам, *d* ёзилади"ган лексемага мисоллар келтирилган. Бундай лексемалар товуш ўзгариши жиҳатидан иккига гуруҳланади. 1) Лексеманинг охиридаги фонема ўзгаради, 2) Лексема ичидаги фонема ўзгаради.

1) Лексеманинг охиридаги *d* фонемаси талаффузда овозсизланиб (*жарангсизланиб*) *m* шовқин товушига алмашади: *савод-*, *марварид-*, *завод-*, *суд-* ёзилади-ю, *савот-*, *марварит-*, *завот-*, *сут-* айтилади; натижада *d* фонемаси *d* асосий ва *m* иккиламчи аллофонемалари тарзида намоён бўлади. Бундай иккиламчи аллофонема фақат лексеманинг охирида *рўй* бермай, шундай лексемага шовқин товуш билан бошланадиган қисм қўшилганида ҳам сакланади: *саводсиз* → *савотсиз*, *судсиз* → *сутсиз* каби. Бундай лексемага шовқин товушдан бошқа тур товуш қўшилганида *d* фонемаси ўзича сакланади; *саводинг-*, *заводларимиз-* каби.

Кўринадики, имло қоидаси бу ерда ҳам аниқ тузилмаган: *савод-* каби лексемалар охиридаги *d* товуши барча ҳолларда *m* айтилади деган фикр туғилиб қолган; ваҳоланки *d* фонемаси *m* товушига лексема охирида келганида ва лексемашакл таркибида шовқин товушдан олдин алмашади; ана шунда *d* фонемасининг иккиламчи *m* аллофонемаси намоён бўлади.

2) Тожикча *бад-* ('ёмон') лексемаси биринчи қисм сифатида катнашиб

тузилган қўшма лексемалардан "Imlo lug'ati"да badqovoq, badxo'r мисол келтирилган. Бундай лексемаларга нисбатан ҳам имло қоидаси тузилмаган: *badqovoq*- каби лексемалар таркибидаги *д* товуши барча ҳолларда *т* айтилади деган фикр тугилиб қолган, ваҳоланки *д* фонемаси *т* товуш шовқин товушдан олдин келганида алмашади: *badқилиқ*- → *батқил*-; *badхат* → *батхат*- каби; шовқин товушдан бошқа тур товуш келса *д* фонемаси ўзича сақланади: *badахлоқ*- *badбашара*- , *badнафс*- каби (хуби лексемасида ҳам шу қоидага амал қилинади).

Демак, *д* фонемаси икки ҳолатда (позицияда) овозсизланиб, *т* товушга алмашади: а) лексема охирида келганида, б) лексема ва лексемашакл ичра шовқин товушдан олдин келганида. Ана шу икки ҳолатда *д* фонемасининг асосий ва *т* иккиламчи аллофонемалари юзага келади. Бошқа ҳолларда *д* фонемаси ўзича сақланади, товуш ўзгариши ҳақида (аллофонемалар ҳақида) гапириб бўлмайди.

Хуллас, фонеманинг аллофонемалари бу ерда лексема таркибида овозсиз (жарангли) товушнинг шовқин товушга (жарангсиз товушга) алмашуви билан воқе бўлади: *б* овозли товуши *п* шовқин товуш эшига, *д* овозли товуши шовқин товуш эшига алмашади, аллофонемалар овозсизланиш ҳодисаси билан юзага келади.

Товуш жараёнларининг морфемада воқе бўлиши

Товуш жараёнларининг морфеманинг ўзи доирасида воқе бўлиши асосан қуйидагича:

1. Морфема таркибидаги фонемада товуш алмашинуви воқе бўлади:

1) *-дек* морфемаси *-дек* ва *-дай* алломорфемалари шаклида ишлатилади: *сендек* → *сендай* каби. Бу ерда *е(э)* фонемасининг *а* аллофонемаси, *к* фонемасининг *й* аллофонемаси намоён бўлади. Тарихан бу морфема 'ўхшаш маъносини аниқлаган *тек*- лексемасидан ўсиб чиққан, шунга кўра *-дек* алломорфемасини бирламчи, *-дай* алломорфемасини иккиламчи, *е(э)*, *к* аллофонемаларини бирламчи, *а* , *й* аллофонемаларини иккиламчи дейиш мумкин. Бундай товуш алмашинувлари ўзбек тилида мавжуд қоида асосида воқе бўлган: *э - а : мен- - ман-*; *к - й: безгак- - безгай-* (сўзлашув тилида) каби.

Шу ерда тақлид бирлигидан феъл ясовчи *-илла // -улла* аффиксининг бошланишидаги овоз товушнинг *и* ва *у* аллофонемалари сифатида намоён бўлишини таъкидлаб ўтиш ўринли. Сингармонизмнинг қолдиғи сифатида сақланиб келаётган бу ҳодиса лексема яшаш асоси таркибида лабланган ёки лабланмаган овоз товуш қатнашуви билан воқе бўлади: *чирилла-* , лекин *гурулла-* , *ловулла-* , *вовулла-* каби. Демак, ясама лексема таркибий қисмлари орасидаги фонетик таъсир натижасида алломорфемалар ва аллофонемалар юзага чиқади.

2) Товуш ўзгариши аналитик грамматик шакл қисмлари оралиғида воқе бўлади:

а) *-йотиб* морфемаси олдида келадиган *-а* равишдош шаклининг овоз товушдан кейин қўшилувчи *-й* алломорфемаси *-йотиб* морфемаси

анишидаги *й* фонемаси билан ўзаро сингишиб, бир *й* товуни тарзида
ффуз қилинади: *ишла + й + йотиб* → *ишлайотиб* каби.

б) Худди шундай товуш сингишуви *-йотиб* морфемаси асосида юзага
ин *-йап* морфемасида ҳам воқе бўлади: *ишла + й + йап + ди* → *ишлайанди*.

ак, бу ерда алломорфемалар ҳам, аллофонемалар ҳам воқе бўлмайди.

Юқорида тасвирланган фонемалар сингишуви *-й + йотир*, *-й + йотган*, *-
- ол* (*бор- + а + ол* → *борол* каби) аналитик грамматик шаклларида ҳам
воқе бўлади.

в) *-а + бер-* аналитик грамматик шаклининг иккинчи қисми
анишидаги *б* фонемаси *в* товушига алмашади: *айт + а + бер-* → *айтавер-*
ин (лекин: *айтиб бер-*). Бу ерда портловчи товуш овоз товушлар оралиғида
тервокал ҳолатда) сирғалувчи товушга алмашади, натижада *б*
немасининг иккиламчи *в* аллофонемаси юзага чиқади.

2. Морфема таркибининг охириги қисми ишлатилмайди (ташланади),
натижада алломорфемалар юзага келади:

1) Буйруқ-истак майли I шахс бирлигининг *-йин* кўрсаткичи *-й* шаклида
ин ишлатилади: *ўқи + йин*, *ўқи + й* каби. Асли *-йин* морфемасининг *-й* қисми
I шахс маъносини, *-ин* қисми эса бирлик маъносини ифодалайди: *ўқи + йин*
бирлик) – *ўқи + йлик* (кўплик); кейинчалик *-ин* қисмини ишлатмаслик воқе
бўлиб, бирлик сон шакли ноль кўрсаткичли бўлиб қолган.

Юқоридаги каби қисм ташлаш равиш ясовчи *-лайин* морфемасида ҳам
воқе бўлган: *бутунлайин* → *бутунлай*, *тириклайин* → *тириклай* каби. Бу
морфема охиридаги асли ‘қучайтириш’ маъносини ифодалайдиган *-(и)н* қисми
кейинчалик уқилмайдиган бўлиб, ишлатилмай қўйган.

Кўринадики, бу ердаги товуш жараёни морфеманинг охириги қисмини
ташлашдан иборат бўлиб, фақат алломорфемалар юзага келган.

3. Алломорфемалар нисбатлаш парадигмасининг II шахс кўплик ва III
шахс нисбатловчисида юзага келган.

II шахс нисбатловчисининг асосий шакли *-нгиз I* таркибидаги *-нг* қисми
шахс маъносини, *-(и)з* қисми сон (кўплик) маъносини ифодалайди. Иккиламчи
алломорфема дастлаб *-(и)з* қисми ўрнига *-лар* морфемасини ишлатиш билан (*-
-нгиз I* → *-нглар*), учламчи алломорфема эса *-нг* ва *-лар* қисмларини ўрин
алмаштириш билан ҳосил қилинган (*-нглар* → *ларинг*). Иккиламчи, учламчи
алломорфемалар билан модал (‘сизлаш’, ‘сенлаш’) маъноларни ифодалашга
эришилган: *ака + нгиз I* → *ака + нг + лар* – *ака + лар + инг* каби.

III шахс нисбатловчиси таркибига *-лар* морфемасини киритиш билан ҳам
‘сизлаш’ маъносини ифодалашга эришилган: *-и – -лар + и*.

Кўринадики, бу ерда морфема таркибига мансуб маъноли қисмини
алмаштириш ва киритилган қисмини икки хил ўринлаштириш билан
алломорфемалар юзага келган.

4. Алломорфемалар туслаш парадигмасида ҳам воқе бўлган:

1) Алломорфемалар II шахс бирлик кўрсаткичлари доирасида мавжуд:

а) Буйруқ-истак майлига мансуб II шахс бирлик тусловчиси уч
алломорфема шаклида намоён бўлади: *ØIII – -гин – -нг* : *ўқи + ØIII – ўқи + гин*,
ўқи + нг каби.

Тусловчиларнинг шу субпарадигмасидаги II шахс кўплик тусловчиси уч алломорфема шаклида намоён бўлади: *-нг + из -- -нг + лар -- -лар*. Алломорфемаларнинг бу ерда юзага келиши II шахс нисбатловчисининг юзага келиш қондаси билан айнан: *ўқи + нг + из -- нг + лар -- ўқи + лар + инг* каби.

б) Тусловчиларнинг *-м* морфемаси билан бошланадиган субпарадигмасида II шахс кўплик тусловчиси тўрт алломорфема шаклида намоён бўлади: *-нг + из -- -нг + лар -- -лар + инг -- -лар + инг + из: ўқиди + -- ўқиди + нглар -- ўқиди + ларинг -- ўқиди + -ларингиз* каби. Олдинги алломорфемада юқорида тасвирланган ҳолатнинг ўзгинаси воқе бўлган тўртинчи алломорфема учинчи алломорфемага *-из* қисмини қўшиш билан ҳосил килинган, бу билан 'кўплик' маъносини таъкидлашга эришилган.

2) Алломорфемалар III шахс кўрсаткичларида ҳам мавжуд:

а) Буйруқ-истак майлига мансуб тусловчилар субпарадигмасининг III шахси уч кўрсаткичли: *-син -- -син + лар -- -ш + син* каби. Бу ердаги янгилик шуки, кўплик маъноси *-ш* морфемаси билан ҳам ифодаланади (Бу *-ш* морфемаси фақат III шахсда қатнашади). 2-, 3- алломорфемалар икки маънога бўлиб, 'кўплик' ёки 'сизлаш' маъносини ифодалаш учун ишлатилади: *ўқи + син -- ўқи + син + лар -- ўқи + ш + син* каби.

б) Тусловчиларнинг *-м* морфемаси билан бошланадиган субпарадигмасида I шахс ноль кўрсаткичли бўлиб, *-лар* 2 морфемасини ишлатиш билан модал маънони ('сизлаш') ифодалашга эришилган; натижада бу шахс тусловчиси икки алломорфемали бўлиб қолган: *-Ø -- -Ø + лар* 1. *ўқиди + ØVI -- ўқиди + ØVI + лар* каби.

в) Тусловчиларнинг *-ман* морфемаси билан бошланадиган субпарадигмасидаги I шахс бирлик кўрсаткичи феълга ва бошқа туркум бирлигига фарқли қўшилади:

– Феълда *-ди* морфемаси ўзича ёки *-лар* 2 морфемаси қўшилган ҳолатда ишлатилиб, икки алломорфема шаклида намоён бўлади: *-ди -- дилар*; иккинчи алломорфема билан 'сизлаш' маъносини ифодалашга эришилади: *ўқи + б + ди + ØVII -- ўқи + б + ди + ØVII + лар* каби.

– Феълдан бошқа туркум вакилига қўшиладиган бирлик тусловчиси ноль кўрсаткичли бўлиб, бу ерда ҳам *-лар* 2 морфемасини ишлатиш билан 'сизлаш' маъносини ифодалашга эришилади: *-Ø -- -Ø + лар* 2. Бу субпарадигмада III шахс тусловчиси асли сон маъносининг ифодаланиши жиҳатидан бетараф, лекин *-лар* 2 'сизлаш' морфемаси фақат бирлик маъноси ифодаланганида ишлатилади: *ўқитувчи + ØVII -- ўқитувчи + ØVII + лар* каби.

– Ушбу субпарадигманинг феълга қўшиладиган кўринишида ҳам шахс асли сон маъносининг ифодаланиши жиҳатидан бетараф. Бу ерда *-иб* морфемасидан фойдаланиб 'кўплик' ёки 'сизлаш' маъносини ифодалашга эришилган (Биргалик шакли ясовчисидан ўсиб чиққани сабабли *-ш* морфемаси замон ясовчисидан олдин жойлашади): *ўқи + ш + иб + ди* каби.

Товуш жараёнларининг лексемашаклда воқе бўлиши

Бундай ҳодисани тасвирлашдан аввал лексемашаклнинг маъноли ориентири оралиғида қўшиладиган туташтирувчи товушни таъкидлаб ўтиш керак. Бундай товуш морфеманинг фонема таркибига мансуб бўлмайди; лексемашаклнинг овоз товушдан бошқа товуш тури билан тугайдиган ва қўшиладиган қисмлари оралиғига киритилади. Бундай вазифада қуйидаги товушлар келади:

1) *и* товуши :

2) мажхул нисбат ясовчи *-л/-н* морфемаси олдида: *бер + ил-* (лекин *ўқи + бил + ин-* (лекин *чекла + н-*) каби;

б) ўзлик шакли ясовчи *-н/-л* морфемаси олдида: *юв + ин-* (лекин *бега + н-*)

в) *дохий-* лексемасига I, II шахс нисбатловчиси қўшилганида: *дохий + каби*;

г) тартиб сон шакли ясовчи *-нчи* морфемаси олдида: *бир + инчи* (лекин *икки + нчи*) каби.

2) *у* товуши оддош шакли ясовчиси *-в* морфемаси олдида (*ол + ув-, қар + ув-, бирлаштир + ув-* каби) *в* лаб товуши таъсири туфайли ундан *у* лаб товуши келади.

От лексема ясовчи *-қ* морфемаси олдида ҳам шу қонуният ўз аксини ташкил қилади: *уз + уқ-* (лекин: *сови + қ-* → *совуқ-*) каби (истисно: *учуриқ-*).

Бу банддаги ҳодисада унлилар уйғунлигининг (сингармонизмнинг) таъсири олдида сақланган.

3) *с* товуши *бобо-, худо-, орзу-, мавзу-, дохий-* лексемаларига III шахс нисбатловчиси қўшилганда: *бобо + си-, дохий + си* каби.

4) *а* товуши буйруқ-истак майлининг I шахс *-й* (*-йин, -йлик*) морфемаси овоз товушдан бошқа товуш билан тугаган асосга қўшилганида: *бор + айин* (лекин: *ўқи + йин*) каби.

5) Асли *-а, -у, -эй, -оқ, -ов* юкломаларининг *-йа, -йу, -йей, -йоқ, -йов* шакллари бошланишидаги *й* товуши ҳам – ортгирма товуш.

6) *йи* товушлар тизмаси *парво-, авзо-, худо-, обрў-, мавзу-, мавқе-* лексемаларига I, II шахс нисбатловчиси қўшилганида: *парво + йим-, мавқе + йим-* каби.

II. Лексемашаклнинг нуткий бирлик ҳолатидаги фонема таркибида воқе бўладиган товуш ўзгаришлари қуйидагича:

A. Товуш алмашади:

1. Лексемашакл охиридаги *б* фонемаси овозсизланиб *п* товушига алмашади, натижада аллолексемашакллар ва аллофонемалар намоён бўлади:

1) *-б* равишдош ясовчисида воқе бўлади: *амаллаб → амаллап, бошлаб → бошлап* каби (Imlo qoidaları 8- параграфининг 2- банди). Шундай ҳолат иккинчи қисми шовқин товуш билан бошланадиган аналитик грамматик шаклда ҳам юз беради: *бошлаб чиқ- → бошлап чиқ-* (лекин: *бошлаб бер-*) каби.

2) *-лаб* шакл ясовчисида воқе бўлади: *юзлаб → юзлап, минглаб → минглап, ҳафталаб → ҳафталап, доналаб → доналап* каби.

3) *-лашиб* шакл ясовчисида воқе бўлади: *икковлашиб → икковлашип,*

қўплашиб → қўплашиб каби.

2. Лексемашаклнинг таркибида тусловчидан олдин келадиган *-б*, *-н* замон ясовчиларида ҳам юқоридаги бандда таъкидланган қоидага биноят фонемаси (товуши) овозсизланиб *n* талаффуз қилинади ва унинг таъсирида шахс тусловчиси *-ди* бошланишидаги *д* овозли товуши ҳам *т* шовкин товушига алмашади; демак, икки босқичли товуш ўзгариши (овозсизланиш) бўлади: *келиб + ди* → *келипти*, *келаятиб + ди* → *келаятипти* каби. Бундай лексемашакл таркибида *б - n, д - т* аллофонемалари намоён бўлади.

III шахс тусловчиси *-ди* бошланишидаги *д* овозли товуши *-йан* тусловчидан кейин ҳам, табиий, овозсизланиб *т* талаффуз қилинади; бу ерда *д - т* аллофонемалари намоён бўлади: *кела + йан + ди* → *келаянти* каби.

Қўринадик, Imlo qoidaları 36- параграфининг 2- бандида ходиса тусловчи камраб олинмаган. Бундан қатъи назар, "баъзан *т* айтилса ҳам" изоҳи ноаён *д* эмас, *т* айтиш шовкин товушдан кейин воқе бўлади: *иш + да* → *иш + та* + *дан* → *эс + тан* каби; бошқа тур товушдан кейин одатда *д* айтилади: *мен + дан* → *эс + тан* каби; *уй + да* → *уй + та* каби. Демак, бу ерда овозсизланиш *-да*, *-дан*, *-ди* аффикслари шовкин товуш билан тугайдиган асосга қўшилганида юз беради, натижада *д - т* аллофонемалари намоён бўлади. *Даромадан* каби лексемашаклларда аввал лексема охиридаги *д* овозсизланиб *т* айтилади, кейин шунинг таъсирида аффикс бошланишидаги *д* товуши ҳам овозсизланиб *т* айтилади: *даромад + дан* → *даромат + дан* → *даромат + тан* каби; демак, бу ерда *д - т* аллофонемалари лексемашакл таркибида икки босқичли тарзда (*тд - тт*) намоён бўлади.

3. Овоз товуш билан тугаган лексемага *-в* шакл ясовчиси қўшилганида *д* товуши таъсирида воқе бўлади:

1) Лабланмаган тил олди *а* товуши лаблашган тил орқа *о(а)* товушига алмашади, натижада бундай лексемашакл таркибида *а* фонемасининг *о(а)* аллофонемаси юзага чиқади: *ҳайда + в* → *ҳайдов-* (*ҳайдовчи-*), *терга + в* → *тергов-* (*терговчи*) каби. Асосан калькалашда юзага келадиган бундай отдош шакллар кўпинча от лексемага айланади: *сайла + в* → *сайлов-*, *багишла + в* → *багишлов-* каби.

2) Лабланмаган тил олди *и* товуши лабланган тил орқа *у* товушига алмашади, натижада бундай лексемашакл таркибида *и* фонемасининг *у* аллофонемаси юзага чиқади: *ўқи + в* → *ўқув + чи* = *ўқувчи-* каби. Асосан калькалашда юзага келадиган бундай отдош шакл ҳам кўпинча от лексемага айланади: *тинти + в* → *тинтув-* каби.

Юқоридагича товуш ўзгариши *-қ*, *-қи* от лексема ясовчиси қўшилганида ҳам воқе бўлган: *бута + қ* → *бутоқ-*, *сайра + қи* → *сайроқи-*, *сови + қ* → *совуқ* каби (лекин *оғри + қи* = *оғриқ-*, *қави + қи* = *қавиқ-*).

Демак, бу ерда лексемашакл таркибида (шунингдек лексема ясашида) аллофонемалар юзага чиқади. Овозли товуш таъсири билан овоз товушда юз берадиган ушбу аккомодацияда лаблашиш, орткиланиш ходисаси воқе бўлади.

4. Овоз товушлар ораллигида (интервокал ҳолатда) шовкин товуш овозли товушга алмашади. Бундай товуш алмашуви асосан кўп бўғинли, қисман бир бўғинли туркий лексемаларда воқе бўлади:

1) *к* шовқин товуши *г* овозли эшига алмашади: *юрак + и → юраги-*, *штак + им → жингалагим-* (лекин: *иштирок + и = иштироки-*, *эрк + и = эрки-* каби).

2) *қ* шовқин товуши *г* овозли товушига алмашади (Асли *г* товуши *х* шовқин товушининг овозли эши, бу ерда *қ* шовқин товушига эш бўлиб келади: *юқ + и → қўшиғи-*, *оёқ + и → оёғи-*, *йўқ + и → йўғи-* (лекин *юқ + и = юқи-*, *оёқ + и = равнақи-*) каби.

Демак, бу ердаги аккомодацияда овоз товуш таъсири билан шовқин товуш шовқин товушга алмашади, овозланиш ходисаси юз беради, натижада аллофонемалар (*капалак- – капалаг-* каби) ва аллофонемалар (*к – г, қ – г*) ҳолатига чиқади.

5. Орттирма шакли ясовчи *-дир* аффикси ўзи қўшиладиган асоснинг бир кўп бўғинли эканига ва қандай товуш билан тугашига қараб *-дир* ёки *-тир* алломорфемаси тарзида қўшилади; бунда *д* фонемасининг *д* ва *т* аллофонемалари намоён бўлади. Ушбу ходисани жадвал тузиб қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Бир бўғинли асосда	Овоз, овозли, овоздор товушдан кейин <i>-дир</i> қўшилади: <i>е + дир-</i> , <i>ёз + дир-</i> , <i>кул + дир-</i> каби (Истисно: <i>кел + тир-</i>).
	Шовқин товушдан кейин <i>-тир</i> қўшилади: <i>эк + тир-</i> , <i>ўс + тир-</i> каби.
Кўп бўғинли асосда	<i>з</i> товушидан кейин <i>-дир</i> қўшилади: <i>томиз + дир-</i> , <i>утказ + дир-</i> каби.
	Бошқа овозли товушлардан, шунингдек овоздор ва шовқин товушлардан кейин <i>-тир</i> қўшилади: <i>-адаш + тир-</i> , <i>камай + тир-</i> , <i>зерик + тир-</i> каби.

6. *Imlo qoidalari* 37- параграфининг 3- бандида *г* фонемаси билан бошланиб уч шаклда ишлатиладиган морфемалар (*-гиз* орттирма шакли ясовчисидан ташқари) баён қилинган. Бу аффиксларнинг *г* асосий аллофонемаси билан бошлаб ёзиладиган алломорфемасининг ишлатилиши ноаниқ қоидалаштирилган. Бундай аллофонема овоз, овоздор, овозли (*г, г* дан ташқари) товуш (фонема) билан тугайдиган асосга қўшилганида товуш ўзгариши воқе бўлмайди, демак, асосий алломорфеманинг ўзи қатнашади: *талаба + га, ювин + гин, сез + ган* каби, *к, қ* дан бошқа шовқин товуш (фонема) билан тугайдиган асосга бу аффикснинг *к* аллофонемаси билан бошланадиган алломорфемаси қўшилади: *мажлис + га → мажлиска, иш + га → ишка, кўч + ган → кўчкан, эриш + гин → эришкин* каби. Бу ерда морфема бошланишидаги *г* фонемасининг *к* аллофонемаси, *шу* товуш билан бошланадиган алломорфемаси намоён бўлади.

Шундай алломорфема (аллофонема) кузатилаётган морфемалар *к* фонемаси билан тугайдиган асосга қўшилганида ҳам юзага чиқади: *илгак + га → илгакка, йўлак + гача → йўлаккача, зерик + ган → зериккан, кичик + гина → кичиккина* каби. Юқоридаги ҳар икки ҳолатда морфема *к* ҳарфи билан эмас, *г* ҳарфи билан бошлаб ёзилади (Адабий талаффуз билан адабий ёзиш фарк

килади).

Кузатилаётган морфемалар қ фонемаси билан тугайдиган қўшилганида г фонемасининг қ аллофонемаси билан бошланган алломорфемаси намоён бўлади: *шувоқ + га → шувоққа, қизалоқ + га → қизалоққача, юқ + ган → юққан, қўрқ + гин → қўрққин* каби.

Агар асос г фонемаси билан тугаса, умумий қоидага биноан овозсизланган қ аллофонемаси юзага чиқади: *барг + га → барк + га → баркка, тег + гин → тек + гин → теккин* каби. Демак, бу ерда г фонемасининг овозсизланган қ аллофонемасидан кейин г фонемаси билан бошланадиган аффикснинг аллофонемаси билан бошланадиган алломорфемаси қўшилади (Ёзувда харфлари ёзилади).

Юқоридагича товуш ўзгариши г фонемаси билан бошланадиган аффикснинг фонемаси билан тугайдиган асосга қўшилганида ҳам рўй беради: (*қўрқ + иб → қўрқиб*) + (*гина → кина*) → *қўрқибкина* каби (Ёзувда бг харфлари ёзилади).

Бундай товуш ўзгариши -ги аффикси қўшилганида ҳам воқе бўлади (*дастлаб → дастлап*) + (*ги → ки*) → *дастлапки, (эрталаб → эрталап) + (га → ки) → эрталапки* каби (Ёзувда бг харфлари ёзилади).

Юқорида тасвирлангани каби товуш ўзгаришлари фақат -гина аффиксига эмас, -гина юкласида ҳам воқе бўлади: (*туртиб → туртип*) + (*гина → кина*) → *туртип-кина (қолмай, ҳақорат ҳам қилди)* каби.

Агар асос г фонемаси билан тугаса, г фонемаси билан бошланадиган аффикснинг бу товуши билан асос охиридаги г фонемаси орасидаги икки томонлама таъсир оқибатида ққ товушларига алмашади: *боғ + га → боққа, сиз + гунча → сиққунча* каби (Ёзувда боғга, сизгунча тарзида гг харфлари ёзилади).

7. Қоидалаштириб бўлмагани сабабли -кила/-қила/-гила аффикси имло қоидаларидан ўрин олмаган. Қизиғи шуки, бу аффикснинг г товуши билан бошланадиган алломорфемаси йўқ. "Ўзбек тилининг чаппа луғати"да (Саманқанд, 1969) бу аффикснинг -кила алломорфемасига *тепкила-*, -қила алломорфемасига *юлқила-*, *тортқила-*, -гила алломорфемасига *эзгила-*, *чўзгила-* мисоллари келтирилган. Яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, ушбу аффикснинг алломорфемаларидан бири г товуши қатнашиб юзага келади, натижада уч алломорфема ва уч аллофонема ҳақида гапириш имконияти туғилади.

8. Қоидалаштириш қийин бўлгани сабабли ҳозирги ўзбек тилида етти алломорфема тарзида ишлатиладиган -гиз аффикси ҳам имло қоидаларидан ўрин олмаган. "Ўзбек тилининг чаппа луғати"да бу аффикснинг: 1) -гиз алломорфемасига *дегиз-*, *кийгиз-*, *бергиз-*, *киргиз-*, *юргиз-*, 2) -киз алломорфемасига *теккиз-*, *еткиз-*, *ичкиз-*, 3) -қиз алломорфемасига *сотқиз-*, *ўтқиз-* (Нимагадир *ётқиз-* киритилмаган), 4) -гиз алломорфемасига *тўйгиз-*, *тўлгиз-*, *ўтиргиз-*, 5) -газ алломорфемасига *кўргаз-*, 6) -каз алломорфемасига *битказ-*, *ўтказ-*, 7) -қаз алломорфемасига *қутқаз-*, *ютқаз-*, *ўтқаз-* мисоллари келтирилган.

Мисоллардан кўринадики, бу аффикснинг г , г товуши билан бошланадиган -гиз , -газ , -гиз алломорфемалари овоз, овоздор, овозли товуш билан тугайдиган асосга, -киз, -каз, -қиз, -қаз алломорфемалари шовқин товуш

тугайдиган асосга қўшилади; демак, алломорфемаларнинг ҳақиқатдаги товуш асос охиридаги товушга монанд равишда танланади. Бундай икки фонема билан (масалан, *й, р* фонемаси билан) тугайдиган *-гиз* алломорфемаси ҳам (*кийгиз-*, *киргиз-* каби), *-гиз* алломорфемаси (*кўйгиз-*, *ўтиргиз-* каби) қўшилаверишини ўзбек тили тараққиётининг таркибига босқичи асосида изоҳлаб бўлмайди. Алломорфемаларнинг бу ердаги қўшилиши асли қадимги туркий тилда овоз товушларга мансуб бўлган к-юмшоқлик (қаттиқ ва юмшоқ фонемалар) асосида изоҳланади. Бундан, ҳозирги ўзбек тилига *кий-* шаклида етиб келган феъл таркибидаги товушида *кйй-* → *кей-* → *кий-* ўзгариши воқе бўлган, бу юмшоқ овоз товушга монанд равишда *-гиз* алломорфемаси қўшилган; ҳозирги ўзбек тилига *кий-* шаклида етиб келган феъл таркибида асли қаттиқ овоз товуш қатнашгани билан *-гиз* алломорфемаси қўшилган.

Юқоридаги таҳлиллардан кейин ҳам бу аффикснинг алломорфемалари таркибида *и* ёки *а* товушларининг қатнашуви изоҳлаш қийин. Бу икки овоз товуш ушбу алломорфемалар таркибида гўё бир фонеманинг аллофонемалари таркибида намоён бўлади.

9. *Бир-* санок сонидан *-та* аффикси билан доналик сон ясалганида аффикс таркибидаги *т* шовқин товуши таъсири билан *бир-* санок сони охиридаги овоздор товуш овозсизланиб *т* товушига алмашади, *битта* шаклида айтилади ва ёзилди. Бундай *р - т* товуш ўзгариши билан *р* фонемасининг *т* аллофонемаси юзага чиқади дейиш тўғри бўлмас керак.

Б. Товуш сингишуви содир бўлади. Бундай товуш ўзгариши жуда оз:

1. Лексема охиридаги овоз товуш билан аффикс бошланишидаги овоз товуш ўзаро сингишиб, бир товуш тарзида талаффуз қилинади. Бундай товуш ўзгариши *икки-*, *олти-*, *етти-* санок сонларидан *-ов*, *-ала* аффикслари билан биргалик сон шакли ясалганида воқе бўлади; *и* товуши *о*, *а* товушига сингишади: *икки + ов - икков-*, *икки + ала → иккала-* каби. Бу ерда аллолексема ва аллофонема юзага келмайди, шундай бир тузилишда айтилади ва ёзилди.

2. *Қаер-*, *қаён-*, *қаёқ-* сўроқ олмошлари асли *қай-* ва *ер-*, *ён-*, *ёқ-* қисмларидан таркиб топган бўлиб, икки қисм оралигидаги *й + й* товушлари бир *й* товушига сингишган: *қай йер- → қайер-* каби. Бу ерда аллолексема ва аллофонема юзага келмайди, шундай бир тузилишда айтилади ва ёзилди.

В. Товуш талаффуз қилинмайди (туширилади):

1. Икки бўғинли лексемага аффикс қўшилганида иккинчи бўғиндаги овоз товуш талаффуз қилинмайди, натижада товуш ифодасига эга бу фонема ноль кўрсаткичли ҳолатга ўтади, лексемашакл таркибидаги лексеманинг аллолексемаси, фонеманинг аллофонемаси юзага чиқади. Бундай товуш ўзгариши:

1) нисбатловчи қўшилганида воқе бўлади:

а) *и* фонемаси ноль кўрсаткичли ҳолатга ўтади: *ўзил + и- → ўзли-*, *сингил + им- → синглим-*, *кўнгил + инг- → кўнглинг-*, *бўйин + и- → бўйини-*, *қорин + им- → қорним-*, *ўрин + инг- → ўринг-*, *йарим + и → йарми-* каби;

б) *у* фонемаси ноль кўрсаткичли ҳолатга ўтади: *бурун + и → бурни-* каби

(лекин: *Челюскин буруни-*).

2) -л шакл ясовчиси қўшилганида и фонемаси ноль кўрсаткичли ҳолатга ўтади; аллолексема ва аллофонема юзага чиқади: *айир + ил- → айрил-, қайир ил- → қайрил-* каби;

3) Иккинчи бўғиндаги тор овоз товуш лексема ясовчи аффикс қўшилганида ҳам туширилади:

а) -й ясовчиси қўшилганида: *улуг + ай- → улгай-, сариқ(ғ) + ай- → саргай-* каби;

б) -қ ясовчиси қўшилганида: *буйур + уқ- → буйуруқ-* каби.

Юқорида тасвирланган товуш тушиши ҳодисаси қадимги туркий тилидан ҳозирги ўзбек тилигача амал қилиб келаётган фонетик қонуният асосида кўрилади. Аффикс қўшилиши билан икки бўғинли лексема уч бўғинли ҳолатга ўтса, тилнинг иктисод қонунига биноан иккинчи бўғиндаги овоз товуш туширилиб икки бўғинли ҳолатга қайтарилади.

4) -та донда сон ясовчиси қўшилганида баъзан воқе бўлади, асосан охиридаги а фонемаси ноль кўрсаткичли ҳолатга ўтади: *неча + та- → нечта-* каби. Бу ерда аллолексема ҳақида гапириб бўлмайди, чунки фақат *нечта-* шаклида ишлатилади, аллофонема ҳақида гапириш ҳам шартли.

2. Товуш талаффуз қилмаслик *эди, экан, эмиш* морфемаларида ҳам воқе бўлади: *билар + эди → биларди, билар + экан → биларкан* каби. Кўринадиким, лексемашакл таркибида қатнашаётган аналитик грамматик шаклнинг иккинчи қисми бошланишидаги э овоз товуши талаффуз қилинмайди, натижада аллолексемашакл ва аллофонема юзага келади.

3. Товуш талаффуз қилмаслик лексемашакл таркибида *учун, билан* кўмакчилари қатнашиб тузиладиган аналитик грамматик шаклда воқе бўлади. асосан поэтик асарда учрайди: *не учун → нечун, қўл билан → қўл-ла* каби. Натижада аллолексемашакл ва алломорфема юзага чиқади.

Г. Товуш тикланади. Бундай ҳодиса ҳозирги ўзбек тилида *бу (мана бу), шу (мана шу), у (ана у), ўша (ана ўша)* кўрсатиш бирликларига -да, -дан, -га, -даги, -гача, -ча, -дай, шунингдек нисбатловчи қўшилганида воқе бўлади: Кўрсатиш бирликларига тарихан мансуб бўлган (*бул, шул* каби) л фонемаси ушбу аффикслар қўшилганида н товуши шаклида тикланади: *бу - н + га, шу - н + гача* каби; натижада бундай лексемашакллар таркибида кўрсатиш бирликларининг *бун-* каби шакли намоён бўлади.

Д. Морфеманинг ифода жиҳати турлича намоён бўлади:

1. Морфеманинг ифода жиҳати бўлиб бошқа-бошқа товуш келади, натижада алломорфемалар ва шу асосда аллофонемалар воқе бўлади:

1) Ҳозирги ўзбек тилида мажхул нисбат шакли асосан -л аффикси билан ясалади: *тежа + л-, ҳайда + л-, ата + л-, ўқи + л-, эш + ил-, йой + ил-* каби. Таркибида л фонемаси мавжуд айрим асосларда мажхул нисбат ясовчисининг -н алломорфемаси намоён бўлади: Асос таркибидаги л фонемаси таъсири билан -л морфемасининг ифода жиҳати н аллофонемасига алмашади; натижада бундай лексемашакл таркибида мажхул нисбат ясовчисининг иккиламчи алломорфемаси юзага чиқади: *ула + н-, сақла + н-, юкла + н-, тикла + н-, бойла + н-* каби.

Ҳозирги ўзбек тилида ўзлик шакли асосан *-н* аффикси билан ясалади: *-н*, *бега + н*, *алда + н*, *булга + н*, *мақта + н*, *йелти + н*, *йоп + ин*. Шу билан бирга ўзлик шакли *-л* алломорфемаси билан ҳам ясалади: *-л*, *тарқа + л*, *ажра + л* каби. Бу ерда ўзлик шакли ясовчисининг *-н* алломорфемалари, *н* фонемасининг *н* ва *л* аллофонемалари намоён.

Асли қадимги туркий тилда *-л* ифода жихатига эга морфема билан мажҳул шакли ҳам, ўзлик шакли ҳам ясалган (Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология, "Наука", -М., 1988, 303). Бундай эрем синкретиклик ҳозирги ўзбек тилида ҳам қисман сақланган: *ос + ил*, *-ил*, *бўйа + л* (мажҳул ва ўзлик маънолар ифодалади). Кейинчалик *-л* мажҳул нисбат шаклини ясашга хосланиб, ўзлик шакли асосан *-н* билан ясала бошлаган. Азалан бир бўлганини ҳисобга олиб мажҳул нисбат ясовчисини *-л/-* алломорфемалари тарзида, ўзлик шакли ясовчисини *-н/-л* алломорфемалари тарзида баҳолаш тўғри. Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб бу ерда *л* фонемасининг *л* асосий ва *н* иккиламчи аллофонемалари, *н* фонемасининг *н* асосий ва *л* иккиламчи аллофонемалари намоён бўлишини таъкидлаш ўринли.

Ҳозирги ўзбек тилида айни бир асосдан мажҳул нисбат *-л* аффикси билан, ўзлик шакли *-н* аффикси билан ясалиши мавжуд: *яса + л* — *яса + н*, *мақта + л* — *мақта + н*, *юв + ил* — *юв + ин*, *еч + ил* — *еч + ин* каби. Кўринадики, ҳозирги ўзбек тилида икки морфема: мажҳул нисбат ясовчи *-л* морфемаси (ва унинг *-л*, *-н* алломорфемалари) ҳамда ўзлик шакли ясовчи *-н* морфемаси (ва унинг *-н*, *-л* алломорфемалари) мавжуд; ушбу алломорфемаларга ифода жиҳати бўлиб *л* ва *н*, *н* ва *л* аллофонемалари хизмат қилади.

3) Ҳозирги ўзбек тилида *-р* сифатдош ясовчиси *-ма* бўлишсизлик шакли ясовчисидан кейин *-с* тарзида ифодаланади: *келар кунинг*-, *кўрар кўзим*-, *гагим тугар-тугамас* каби.

Туркий тилларни қиёслаш кўрсатадики, *-р* сифатдош ясовчиси *-ма* бўлишсизлик шакли ясовчисидан кейин ҳам дастлаб *-р* тарзида, кейинчалик *-з* тарзида қўшилган, охири овозсизланиш юз бериб *-с* тарзида қўшила бошлаган: *унутилмар* → *унутилмас* → *унутилмас* каби (Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология, 450). Гарчанд *р* товушининг *з* товушига алмашинувини изоҳлаш қийин бўлса ҳам, *р* - *с* муносабати *-р* сифатдош ясовчиси таркибида воқе бўлаётганини ҳисобга олиб бу сифатдош ясовчисининг *-р*, *-с* алломорфемалари, шунингдек *р* фонемасининг *р*, *с* аллофонемалари ҳақида гапириш мумкин.

4) Ҳозирги ўзбек тилида *-а* равишдош ясовчиси *-й* тарзида ҳам ифодаланади: *Кута-кута* (*тоқатим тоқ бўлди*). *Йиглай-йиглай* (*адо бўлдим*) каби. Равишдошнинг бу морфема билан ясалган шакли ҳозирги ўзбек тилида жуда оз учрайди, шунда ҳам кўпинча такрор тарзида ишлатилади.

Ушбу морфеманинг *-й* алломорфемаси овоз товуш билан тугайдиган асосга, *-а* алломорфемаси эса бошқа тур товуш билан тугайдиган асосга қўшилади: *ўқи + й*, *ўқи + ма + й* каби. Кўринадики, *-й* алломорфемаси *-ма* бўлишсизлик шаклидан кейин қўшилади дейиш, айниқса бу морфеманинг бўлишсиз шакли деб *-май* қўшма аффиксини таъкидлаш тўғри эмас.

(Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология. Гарчанд *a* товушининг *й* товушига алмашинувини изоҳлаш қийин бўлади. *-й* муносабати айни бир равишдош ясовчисига боғлиқ ҳолда бўлаётганини ҳисобга олиб бу ерда *-а* ва *й* алломорфемалари, шунингдек фонемасининг *a* ва *й* аллофонемалари ҳақида гапириш мумкин.

5) Ҳозирги ўзбек тилида *-б* равишдош ясовчиси *-ма* бўлишсизлик ясовчисидан кейин *-й* (*-йин*) ва *-сдан* тарзида ифодаланadi: *Ўйнаб гапир* ҳам *ўйлаб гапир*. *Кўрмайин босдим тиканни...* *Ўйламасдан гапириб юборди* каби. Юзаки ёндашилса, *й* товуши *гўё* фақат *-а* равишдош ясовчисига эмас, равишдош ясовчисига ҳам ифода жиҳати бўлиб хизмат қилаётган кўринади; лекин *-б* равишдоши ясовчисининг алломорфемаси *-йин* шакли ҳам ишлатилиши бошқача фикрни айтишга ундайди: *-а* равишдошининг алломорфемаси ва *-б* равишдошининг *-й* алломорфемаси ўзaro таркибидаги *ин* қисмини ташлаш (талаффуз қилмаслик) натижасида келган. Асли бу алломорфеманинг ўзи *-й/-йин* субалломорфемалар шаклида ажралади.

Хуллас, *-й* алломорфемаларини *-а* ва *-б* равишдош ясовчиларининг алломорфемалари дейиш тўғри бўлмайди, чунки уларнинг келиб чиқиши манбаи бошқа-бошқа. Худди шунингдек *-сдан* (*-с* сифатдош ясовчиси + *-дан* чиқиш келишиги кўрсаткичи) морфемасини ҳам *-б* равишдош ясовчисининг алломорфемаси деб бўлмайди; бу ерда, ўз-ўзидан аллофонемалар ҳақида ҳам гапириш мумкин эмас.

Йўл-йўлакай таъкидлаш лозим яна бир фикр шуки, *-б* равишдош ясовчисидан фарқи ҳолда *-б* замон ясовчиси бўлишсизлик шакли ясовчисидан кейин ҳам қўшилаверади: *ўқи + б + ман*, *ўқи + ма + б + ман* каби.

2. Морфеманинг ифода жиҳати ўзаро жиддий фарқ қиладиган алломорфемалар тарзида намоён бўлади:

1) Тушум келишигининг морфемаси ҳозирги ўзбек тилида *-ни*, *-и*, *-и* алломорфемалари тарзида намоён бўлади. Асосий алломорфема *-ни* бўлиб, "яширилиш" хусусиятига эга: *китобни ўқи-* → *китоб[ни] ўқи-* каби. Сегмент морфеманинг бундай "яширилиш"ини (носегмент ҳолатга ўтишини) ноль кўрсаткичли морфемадан (бош келишиқ морфемасидан) фарқлаш лозим; шу мақсад билан *-ни* морфемасининг носегмент ҳолатда ишлатилишини ўрта қавсларга олиб [*-ни*] тарзида ёзиб кўрсатдик ва тушум келишигининг юқорида келтирилган уч алломорфемаси қаторига қўшидик.

Тушум келишиги морфемасининг *-и* алломорфемаси I, II шахс бирлик кишилиқ олмошларига қўшилиши айтилади: *мен + и*, *сен + и*. III шахс киши-нарса олмошига ҳам асли тушум келишигининг *-и* алломорфемаси қўшилади, ундан олдин келадиган *н* товуши асли олмошнинг асосига мансуб *л* товушининг *н* товушига алмашувиға тенг: (*ул* → *ун*) + *и*. Кўрсатиш бирликларида ҳам шундай: (*бул* → *бун*) + *и*, (*шул* → *шун*) + *и*.

Бу келишиқ морфемасининг ҳозирги ўзбек тилидаги *-н* алломорфемаси асли *-ни* алломорфемаси охиридаги *и* товушини ташлаш оқибатида юзага келган бўлиб, фақат поэтик асарда I шахс нисбатловчисидан кейин намоён

Саҳар туриб очар чечагин (Ҳамид Олимжон) каби.

1) Демак, тушум келишиги морфемасининг ҳозирги ўзбек тилидаги асосий морфемаси *-ни* ва *[-ни]* бўлиб, *-и*, *-н* – иш доираси чекланган жузъий морфемалар; *-н* алломорфемаси *-ни* алломорфемаси асосида юзага келган; алломорфемаси эса – тушум келишигининг қадимги туркий тилга мансуб *-и* морфемасининг ҳозирги ўзбек тилига етиб келган вакили дейиш мумкин.

2) Қаратқич келишигининг морфемаси ҳозирги ўзбек тилида *-нинг*, *-инг*, *-номорфемалари* тарзида намоён бўлади. Асосий алломорфема *-нинг* бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида "яширилиш" хусусиятига эга: *ташкilotнинг* (*раҳбари*-)*-ташкilot* (*раҳбари*-) каби. Сегмент морфеманинг бу ердаги "яширилиш"ини (носегмент ҳолатини) ноль кўрсаткичли морфемадан (бош келишик морфемасидан) фарқлаш лозим; шу мақсад билан бу ердаги алломорфемани ўрта қавсларга олиб *[-нинг]* тарзида ёзиб кўрсатдик ва қаратқич келишигининг юқорида келтирилган уч алломорфемаси қаторига киритдик.

Қаратқич келишиги морфемасининг *-инг* алломорфемаси I, II шахс бирлик кишилик олмошларига қўшилиши айтилади: *мен + инг*, *сен + инг*, III шахс кишилик-нарсалар олмошига ҳам асли қаратқич келишигининг шу алломорфемаси қўшилади, ундан олдин келадиган *н* товуши асли бу олмошнинг асосига мансуб *л* товушининг *н* товушига алмашуви тенг: (*ул → ун*) + *инг*. Кўрсатиш бирликларида ҳам шундай: (*бул → бун*) + *инг*, (*шул → шул*) + *инг* каби.

Бу келишик морфемасининг ҳозирги ўзбек тилидаги *-н* алломорфемаси – тушум келишигининг *-н* алломорфемаси билан омоним. "Сравнительно-историческая грамматика. Морфология" китобига илова сифатида киритилган 12-жадвалда қаратқич келишиги морфемаси I шахс бирлик кишилик олмошига дастлаб *-им* (*bānim*), кейинроқ *-ин* (*bānin*) ва охири *-инг* (*bāniŋ*) тарзида, II шахс бирлик кишилик олмошига аввал *-ин* (*sānin*), кейинроқ *-инг* (*sāniŋ*) тарзида қўшилгани ақс этирилган. Кўринадики, қаратқич келишиги морфемасининг ҳозирги ўзбек тилидаги *-н* алломорфемасини қадимги туркий тилдаги *-н* морфемасига боғлаб изоҳлаш мумкин.

Тушум келишигида бўлганидек қаратқич келишигининг *-н* алломорфемаси фақат поэтик асарда I шахс нисбатловчисидан кейин намоён бўлади: ... *нафасин атри* (Ғафур Ғулум) каби.

Қаратқич ва тушум келишиклари морфемаларининг *-ни* шаклида бир хил талаффуз қилиниши, асос охиридаги товуш (фонема) таъсирида бу келишиклар морфемаларининг бошланишидаги *н* товушининг (фонемасининг) ассимиляцияга учраши – сўзлашув тилига хос хусусиятлар.

Товуш жараёнлари ва товуш билан фонема муносабати

Ҳозирги адабий ўзбек тилидаги ўттиз товушнинг ҳар бири ўз ўрнида бирламчи туб сегмент тил бирлигининг (туб лексеманинг, туб морфеманинг) ифода жиҳати бўлиб келади. Агар товуш билан фонемага фақат шу жиҳатдан ёндашсак, бу икки тушунча-терминдан бири ортиқча дейишимиз лозим.

Амалда эса лексемашаклнинг сегмент бирлик ҳолатидаги тарзидан қатнашадиган айрим товуш фонемага тенг бўлмаслиги мумкин. Асосан унга қўшиладиган қисм оралиғида туташтирувчи бўлиб келадиган товуш қисмининг ҳам, унга қўшиладиган қисмининг ҳам фонемалар таркибига маъна бўлмайди (Бундай товушлар юқорида тасвирланди). Тил бирлигининг (ушбу тилсоний бирлик ва нутқий бирлик ҳолатининг) ифода жиҳатида маъна эмаслиги сабабли бундай туташтирувчи товушни фонема деб бўлмайди.

Товуш билан фонеманинг яна бир ўзаро фарқи товуш доим сегмент бирлик бўлишида, фонема эса носегмент бирлик ҳолатида (ноль кўрсаткичи бўла олишида) кўринади (Бундай товуш тушиши ҳодисаси юқорида тасвирланди).

Яна бир фарқ товушнинг артикуляцион-акустик асоси сақлангани ҳолатида турли сабаб билан товланишида (масалан, овоз товушининг ёнидаги товуш таъсирида ортқиланишида: *куч* – *қуч*, *бил* – *қил* каби), фонеманинг турли шарт-шароитда аллофонемалар тарзида воқеланишида кўринади (Бундай юқорида тасвирланди).

Қуйида товуш ва фонема муносабати овоз товушлар ва бошқа товушлар бўйича кўриб чиқилади.

I. Ҳозирги адабий ўзбек тилидаги олти овоз товуш орасидаги ички системани муносабат асосан *и* товуши билан *у* товуши, *а* товуши билан *ә* товуши орасидаги аниқ кўринади.

A. Бу ерда тил олди товуши тил орқа товушига, шу билан боғлиқ ҳолда лабланмаган товуш лабланган товушга алмашади, лекин аксинча алмашув воқеа бўлмайди. Ҳозирги адабий ўзбек тилида бундай жонли (ҳаёт) товуш алмашуви одатда *и*, *а* товуши билан тугайдиган икки бўғинли лексемага ифода жиҳати етук қ фонемасига тенг морфема қўшилганида воқеа бўлади, *и* фонемасига *и* - *у* аллофонемалари занжири, *а* фонемасига *а* - *ә* аллофонемалари занжири хос экани намоён бўлади.

Фонеманинг бундай аллофонемалар занжири тарзида намоён бўлиши *е* овоз товушида ҳам воқеа бўлган. Масалан, *-дек* морфемаси ҳозирги адабий ўзбек тилида *-дай* шаклида ҳам ишлатилади. Шундай товуш алмашуви *мен* – *ман* , *сен* – *сан* кишилик олмошларида ҳам воқеа бўлган, лекин бу олмошларнинг *ман* , *сан* талаффуз шакли сўзлашув тилига мансуб деб қаралади; *-дек* , *-дай* морфемасида эса ҳар икки талаффуз шакли ҳозирги адабий ўзбек тилига мансуб дейилади. Демак, бу морфемада *е* - *а* товуш алмашуви билан *е* фонемасининг *а* аллофонемаси намоён бўлади дейиш лозим.

У- олмошининг тарихан *унинг* , *анинг* , *әнинг* талаффуз шаклларида *у* – *а* – *ә* товуш алмашуви воқеа бўлган, лекин ҳозирги адабий ўзбек тилида бу олмош *анинг* , *әнинг* шаклларида ишлатилмайди: *у* фонемаси ўзбек тили тараққиётининг фақат олдинги босқичида *у* – *а* – *ә* аллофонемалари занжири тарзида намоён бўлган. Кўринадики, фонеманинг аллофонемаларга эга ёки эга эмаслиги тил тараққиётининг ҳар бир босқичи доирасида белгиланиши лозим.

Морфемада *и* - *а* товуш алмашуви ҳам мавжуд: *-гиз* – *-газ* каби, Бундай товуш алмашуви одатда аффикс таркибидаги овоз товуш асос таркибидаги

та уйғунлашуви билан содир бўлган. Бу ерда *и* товуши бирламчи, *а* иккиламчи бўлиб, *и* - *а* аллофонемалари занжири тарзида ён бўлади.

Товуш алмашуви асосга шакл ҳосил қиладиган морфема қўшилганида эмас, лексема ясовчи қўшилганида ҳам воқе бўлади: *қури-* + *қ* → *қуруқ*

Юқорида тасвирланган товуш жараёнларида бир фонема бошқа бир фонемага алмашади дейиш нотўғри: Фонема алмашмайди, товуш алмашади, шунинг учун фонемага бошқа бир товуш ҳам ифода жиҳати бўлиб келади.

Б. Ҳозирги адабий ўзбек тилида овоз товуш билан ифодаланадиган айрим фонемалар ноль кўрсаткичли ҳолатда ҳам бўлади. Бундай товуш ўзгаришида товуш талаффуз қилинмайди-ю, лекин фонема йўқалмайди, ноль кўрсаткичли ҳолатда сақланади ва фонеманинг товуш ифодаси сақланган ҳолати билан аллофонемалар занжири ҳосил қилади (Бундай ҳодиса юқорида тасвирланди). Бу ерда тилнинг иктисод қонунига биноан уч бўғинли лексемашакл икки бўғинли лексемашакл ҳолатига қайтарилади.

В. Овоз товуш билан ифодаланадиган икки фонема орасида сингишув ҳодисаси ҳам мавжуд (Булар юқорида тасвирланди). Бундай товуш сингишуви бағижасида алломорфема намён бўлади, лекин аллофонема юзага келмайди. Қўринадик, ҳар қандай товуш ўзгариши билан аллофонема юзага келавермайди.

II. Ҳозирги адабий ўзбек тилидаги консонанс номи билан бирлаштириладиган 24 товушнинг ҳар бири ўз ўрнида бирламчи туб сегмент тил бирлигига (туб лексемага, туб морфемага) ифода жиҳати бўлиб келади ва шунга кўра фонема дейилади. Ушбу 24 фонема билан боғлиқ ҳолда асосан қуйидагича товуш жараёнлари воқе бўлади:

А. Бу товушларда ички систем муносабат шовкин товуш билан овозли товуш орасида мавжуд: *п - б, т - д, к - г, х - з, с - з, ш - ж, ч - ж(с), ф - в (қ, х шовкин товушларининг овозли эши йўқ)*.

Ҳозирги адабий ўзбек тилидаги товуш жараёнлари асосан ушбу саккиз жуфт товушларнинг бир қисмида — *п - б, т - д, к - г, с - з* жуфтларида юз беради. Товуш алмашуви жиҳатидан *қ* товуши *х* товушининг овозли эши билан *қ - з* жуфтлиги ҳосил қилади. Товуш алмашуви *ф - в* жуфтлигида ҳам воқе бўлади (*актив* → *актиф* каби), лекин бу ҳодиса фақат ўзлаштира (олинма) лексемаларда содир бўлади. Қолган уч жуфтликда (*х - з, ш - ж, ч - ж(с)*) жуфтликларида) товуш алмашуви йўқ.

В. Ифода жиҳати бўлиб шовкин товуш ва овозли товуш келадиган фонемаларда товуш алмашуви қуйидагича воқе бўлиб, аллофонемалар юзага келади:

1) Овозли товуш шовкин товушга алмашади, овозсизланиш содир бўлиб, қуйидагилар юзага келади: а) *б* фонемасининг *п* аллофонемаси, б) *д* фонемасининг *т* аллофонемаси, в) *г* фонемасининг *к* аллофонемаси, г) *з* фонемасининг *с* аллофонемаси, д) *с* фонемасининг *қ* аллофонемаси, е) *з* фонемасининг *с* аллофонемаси (Булар юқорида тасвирланди).

2) Шовкин товуш овозли товушга алмашади, интервокал ҳолатда

овозлиланиш содир бўлиб, қуйидагилар юзага келади: а) *к* фонемасининг *г* аллофонемаси, б) *к* фонемасининг *з* аллофонемаси (Булар юқорида тасвирланди).

3) Овоз товушлар оралиғида *б* портловчи товуши *в* сирғалувчи товушга алмашиб, *б* - *в* аллофонемалари занжири юзага чиқади. Қўринадики, *з* фонемаси ҳозирги адабий ўзбек тилида *б* - *п* - *в* (уч халқали) аллофонемалар занжири тарзида намоён бўлади.

2. Ифода жиҳати бўлиб овозли товуш, шовқин товуш келадиган айро-айро фонемаларда овоздор *й* товушига алмашув воқе бўлиб, аллофонемалар юзага келади: 1) *з* фонемасининг *й* аллофонемаси [қўринадики, *з* фонемаси ҳозирги адабий ўзбек тилида *з* - *к* - *й* (уч халқали) аллофонемалар занжири тарзида намоён бўлади]; 2) *к* фонемасининг *й* аллофонемаси [Қўринадики, *к* фонемаси ҳозирги адабий ўзбек тилида *к* - *г* - *й* (уч халқали) аллофонемалар занжири тарзида намоён бўлади]; 3) *ҳ* фонемасининг *й* аллофонемаси.

Бу уч ҳодисада овоздорланиш, тил орқа, оғиз-бўғиз товушининг тил ўрта товушига алмашуви юз берган.

3. Ҳозирги адабий ўзбек тилида мажҳул нисбат шаклини ясовчи морфеманинг ифода жиҳати бўлиб келадиган *л* фонемаси *н* товушига алмашиб бу фонеманинг *н* аллофонемаси, ўзлик шаклини ясовчи морфеманинг ифода жиҳати бўлиб келадиган *н* фонемаси *л* товушига алмашиб бу фонеманинг *л* аллофонемаси юзага келади (Булар юқорида тасвирланди).

Амалга оширилган нотўлиқ тасвир ва таҳлиллардан хулоса сифатида қуйидаги фикрларни таъкидлаш мумкин:

Тил товуши бирламчи туб сегмент тил бирликларига (туб лексемага, туб морфемага) ифода жиҳати бўлиб хизмат қилади, шунга кўра тил бирликларининг бирламчи қурилиш ашёси, бир томонлама бирлик дейилади.

Лисоний бирлик сифатида товуш миянинг тил хотираси қисмида рамз сифатида тамғаланган бўлади, ана шу рамзда тил товушининг белгиланган хусусиятлари ҳақидаги маълумот акс этган бўлади. Шу маълумот асосида тил товушининг нутқий бирлик (талаффуз бирлиги) ҳолати рўёбга чиқарилади. Миядаги тил хотираси қисмида тил товушининг рамзи бўлгани учун ҳам ҳар бир товушни талаффуз бирлиги (нутқий бирлик) сифатида айта оламиз (ҳарф билан ёзиб кўрсата оламиз). Демак, тил товушининг лисоний бирлик ва нутқий бирлик ҳолати мавжуд.

Миянинг тил хотираси қисмида ҳар бир тил товушининг рамзи борлигидан қатъи назар, товушлар бирламчи сегмент тил бирликларининг рамзига бириктирилган ҳолатда бўлади, ана шу ҳолатига кўра ижтимоий вазифа бажаради: сегмент тил бирликларига ифода жиҳати бўлиб, уларни ўзаро фарқлашга хизмат қилади.

Бирламчи туб сегмент тил бирлигининг ифода жиҳатига мансуб ҳар бир тил товуши фонема дейилади. Қўринадики, товуш фонемага эмас, аксинча фонема товушга асосланади, товуш – бирламчи, фонема эса товушга нисбатан иккиламчи ҳодиса. Тил товушини фақат нутқий бирлик деб талқин қилиш тўғри эмас.

Фонема ҳам тил товуши каби бир томонлама бирлик; фонема маъно

намайди, балки маъно англатадиган, ифодалайдиган тил тарининг ифода жихатини фарқлашга хизмат қилади; шунга кўра бир тама тил бирликлари қаторига қўшилади.

Фонемани тил товушига асосланадиган тил бирлиги дейиш ва унинг ҳам ай бирлик ва нутқий бирлик ҳолатини фарқлаш лозим. Лисоний бирлик да фонема миянинг тил хотираси қисмида якка товушга тенг ҳолатда товушлар занжирига тенг ҳолатда тамғаланган бўлади; ана шу тамға да фонема нутқий бирлик – талаффуз бирлиги сифатида намоён бўлади. бир фонеманинг ифода жихати бўлиб келадиган товушлар ўзаро фонемалар бўлади (Ушбу тушунча учун *аллофон* терминини ишлатиш ин: фон эмас, фонема бошқа-бошқа товуш билан ифодаланади).

Аллофонема фонеманинг ифода жихати бўлиб бошқа бир товуш ганида ёки ифода жихати бўлиб келадиган товуш туширилганида (ноль саткичли ҳолатга ўтганида) воқе бўлади. Бошқача товуш ўзгаришларида фонема одатда юзага келмайди.

Сегмент тил бирлиги сақлангани ҳолда унинг таркибидаги фонема бошқа- шқа тил товуши кўринишида – аллофонемалар тарзида намоён бўлиши ксема таркибида ҳам, морфема таркибида ҳам, лексема билан морфемадан зиладиган лексемашаклнинг нутқий бирлик ҳолатидаги таркибида ҳам юз ади. Кўринадики, *морфонема*, *морфонология* терминлари ходисани тўғри змайди. Тил курилишининг фонемика, морфемика босқичлари оралигида рфонемика босқичи йўқ. Бу термин – лексема ва морфема тил курилишининг алоҳида-алоҳида босқичларига мансуб мустақил тил ирликлари деб қаралмаган, морфема термини остига чуқур фикрламай ксема ҳам бирлаштириб юборилган даврдан сақланиб келаётган салбий ҳлдик.

Грамматик шакл ҳосил қиладиган кўрсаткичларнинг флектив ва агглютинатив тип тиллардаги айрим хусусиятлари

I. Лексемашакл тузиш асосан агглютинатив тип тилларда мавжуд. Флектив тип тилларда ташки флексия бор бўлганида лексемашаклни ташкил топтирувчи бўлиб лексема ва грамматик кўрсаткич қатнашади (Куйида фақат ташки флексия назарда тутиб фикр юритилади). Жумладан, рус тили флектив тип тиллардан бири бўлиб, шакл ўзгариши мансуб туркумларда лексемашакл одатда асосдан ва шакл ўзгарттирувчи морфемадан ташкил топади: *книг + а*, *хорош + ая*, *читай + у* каби. Бундай шакл ўзгарттирувчи морфема *флексия* дейилади. Лексемашакл охирида келишига кўра рус тилшунослигида *окончание* деб номланган бўлиб, ўзбек тилига *тугалланма* деб калька қилинган. Асли *окончание* термини ушбу тил ходисасининг моҳиятини аниқ номламайди.

Флексия (лотинча flexio – ‘кайир-’, ‘бук-’), бошқа хусусиятларидан қатъи назар, бир неча грамматик маънони биргаликда ифодалайди. Бундай ходисани

купмаънолилик дейиш¹ уринли эмас, бир неча маънонинг синкретик ифодаланиши дейиш тўғрироқ.

Масалан, рус тилида *роза*- лексемашакли *роз*- асоси (Бу ерда лексема тенг) ва *-а* флексиясидан ташкил топган бўлиб, *розы, розу* лексемашакли *роза* тўнғич лексемашакли таркибидаги *-а* қисмини (флексияни) 'қайир' бошқа шундай қисмга алмаштириш билан юзага келади, шу сабабли флексия лексемашакл таркибининг доимий ажралмас қисми дейилади. Шунинг ўзгартирувчи морфеманинг бу турини аффикс (суффикс) деб аташдан қўриқиб тўғридан тўғри флексия деб аташ маъқул.

Писал лексемашакли *писа*- асоси ва *-л* ўтган замон шаклини ясовчи морфемадан ташкил топган дейилади. Замон шаклини ясовчи *-л* морфема аффиксга тенг, лекин шакл ўзгартирувчи (словоизменительный) аффикс эмас, балки шакл ясовчи (формообразующий) аффикс дейиш керак², шунда бу аффикснинг моҳияти тўғри белгиланиб, флексиядан (шакл ўзгартирувчи морфемадан) аниқ фарқлаб номланади.

Писал лексемашаклини *писала, писали* лексемашаклларига қиёслашда *аён* бўладикки, *писал* каби лексемашакл таркибида флексия – ноль кўрсаткичли род (мужской), сон (бирлик) маънолари ана шу ноль кўрсаткичли флексия билан ифодаланади: *писал* + мужской род ва бирлик маъноларини ифодалайдиган ноль кўрсаткичли флексия.

Дом каби от лексемашакл таркибида ҳам род, сон, келишик маънолари ноль кўрсаткичли флексия (*Ø Флк*) билан синкретик ифодаланади: *дом* + *Ø Флк*. Ноль кўрсаткичли флексия ушбу флексиялар парадигмасидаги сегмент (фонема билан ифодаланадиган) флексиялар тизими доирасида белгиланади: *дом*- – лексемага тенг асос, *дом* – *дом*- лексемасига тенг асос + *Ø Флк* дан ташкил топган лексемашакл. Рус тилшунослигида бундай флексия нулевая флексия (нулевое окончание) дейилади. Демак, *дом*- от лексема бўлгани учун *дом* лексемашакли таркибида *Ø Флк* қатнашади; шунга кўра мужской родга мансуб бундай от лексема лугатга бирлик, бош келишик шаклида киритилади.

Рус тилидаги (флектив тилдаги) *дом* каби лексемашакллар билан ўзбек тилидаги (агглютинатив тилдаги) *уй* каби лексемашакллар орасида ўхшашлик мавжуд: *уй* кабиларда ҳам грамматик шакллар (бирлик, бош келишик шакллари) – ноль кўрсаткичли. Ўзбек тилида грамматик маънолар флексия билан эмас, балки бирин-кетин қўшиладиган морфемалар билан ифодаланади: *уй*- + *Ø I* (бирлик кўрсаткичи) + *Ø II* (бош келишик кўрсаткичи) каби.

Дом, *уй* кабиларда грамматик шакл ноль кўрсаткичли бўлгани сабабли асос билан лексема – ташқи кўринишда бир хил; асли грамматик шакл ҳосил қилиш асосини *дом*- , *уй*- тарзида, лексемашакли эса *дом* + *Ø Флк*, *уй* + *С* + *Тр* тарзида фарқлаб ёзиб кўрсатиш тўғри (*С* – сонловчи, *Тр* – турловчи).

Рус тили лугатига от лексема ноль кўрсаткичли флексия қатнашганида *дом* каби лексемашаклда, сегмент флексия қатнашганида эса *книга, окно* каби лексемашаклда киритилади. *Книга* каби лексемашаклларда флексия қўшиладиган қисм мустақил ишлатилмаслиги табиий, чунки у лексемашакл

¹ Кодухов В. И. Введение в языкознание, "Просвещение", -М.: 1979, 293.

² Кодухов В. И. Юкорида таъкидланган манба, 292.

бидаги номустақил қисм бўлиб, лексемага ёки лексеманшакл ясовчи тилдан асосга тенг. *Книг* каби лексемашаклда ҳам женский род, кўплик, гелный келишик маънолари ноль кўрсаткичли флексия билан талланади.

Кўринадики, рус тилида от лексема луғатга именительный келишик (ўзган бирлик) шаклида киритилади, флексияни ташлаган ҳолатда киритиб қолмайди.

Туркий тил (ўзбек тили) луғатларига ҳам от бирлик, бош келишик тилидаги лексемашакл ҳолатида киритилади; рус тилидан ўзлашган *ручка* сўз отлардаги флексия ўзбек тили луғатида лексеманинг таркибий қисмига кўра деб қаралади, шундан кейин бирлик, бош келишик кўрсаткичлари киритилади: *ручка + 0I + 0II* каби.

Русча от лексемашакл таркибидаги флексиянинг алмашувида род ўзгаришлари, сон, келишик алмашади; демак, от туркумида флексия сонда ва келишикда ўзгаришни кўрсатади, шунда ҳам том маънодаги шакл ўзгариши билан келишик таъкидланади, сон эса шакл ясашиши ҳисобланади; бу маъноларни флексия биргаликда ифодалашига кўра шакл ўзгариши дейилади.

Русча сифат лексемашакл таркибидаги флексиянинг алмашувида таркибидаги уч грамматик маъно жиҳатидан ўзгариш воқеа бўлади, демак, бундай флексия том маънода шакл ўзгартирувчига – турловчига тенг.

Кўринадики, русча сифат лексемашакл таркибидаги флексия ифодалайдиган ҳар уч грамматик маъно синтактик моҳиятга эга: От лексемашаклдан англашилайдиган род, сон, келишик маъноларига мос ҳолда ташлаб қўшилади. Русча от лексемашакл таркибидаги флексия ифодалайдиган уч грамматик маънодан фақат келишик синтактик моҳиятга эга.

Русча феъл лексемашаклда ҳозирги замон ва ўтган замон асоси мавжуд бўлиб, уларга қўшиладиган флексиянинг маъно мундарижаси фарқ қилади: ҳозирги замон асосига қўшиладиган флексия замон маъноси билан биргаликда сон ва шахс маъноларини ифодалайди, род маъноси эса эга вазифасида келадиган лексемашаклнинг (назарда тутилаётган бажарувчининг) руди асосида, шунда ҳам фақат III шахсда белгиланади: *Он , она придёт* каби.

Феълнинг ўтган замон асосига аввал -л замон ясовчиси (аффикс), кейин флексия қўшилади. Бу ерда флексия род ва сон маъноларини ифодалайди, шахс маъноси эса эга вазифасидаги лексемадан (бажарувчидан) англашилайдиган шахс маъноси асосида белгиланади: *Я, ты, он пришёл; Она пришла* каби; кўпликда эса флексия фақат сон маъносини ифодалайди, род маъноси бетарафлашади: *Мы, вы, они пришли* каби.

Демак, рус тилида лексемашакл асосан лексемага флексия қўшиб тузилади, бунда флексия қўшиладиган асос шакл ўзгартириш асоси бўлади.¹ Лексемашакл лексемага аввал шакл ясовчи морфема, кейин флексия қўшиб ҳам тузилади, бунда шакл ясаш асоси ва шакл ўзгартириш асоси мавжуд бўлади.

Ясама лексемада лексема ясовчи аффиксга одатда лексема асос бўлади; бу

¹ Бундай асосни "словоизменительная основа" деб номлаш уринли эмас: "сўз" (асли "лексема") ўзгармайди. балки грамматик шакл ўзгаради.

ердаги асосни грамматик шакл ҳосил қилиш асосларидан фарқлаб лексема асос деб номлаш мумкин. Бундай асос лексема таркибига мансублиги лексемика (лексикология) баҳсида ўрганилади.

Юқоридаги тасвирлардан аён бўладики, рус тилида сўзшакл лексемашакл асос ва флексиядан (окончаниедан) таркиб топади дейиш ҳодисасини тўлиқ қамраб олмайди: Флексиядан олдин шакл ясовчи ҳам қатнашуви мавжуд. Шунини ҳисобга олиб лексемашакл кўпинча асос флексиядан, ўрни билан асос, шакл ясовчи аффикс ва флексиядан таркиб топишини таъкидлаш лозим. Рус тилидаги "асос + шакл ясовчи аффикс + флексия" тур лексемашаклларда агглютинативлик намоён бўлади.

Агглютинатив тип тил бўлгани учун ўзбек тилида лексемашакл асос лексемага грамматик шакл ҳосил қиладиган морфема(лар)ни қўшиб тузилади. Масалан, от лексемашаклнинг бошланғич формуласи (тузмаси) лексемага (кўп) сонловчи ва турловчи қўшиб тузилади: ОЛ + С + Тр. Нисбатловчи (Нчи) қатнашса, бу формула ОЛ + С + Нчи + Тр тарзида тузилади: *китоб + ОI + Тр китоб + лар + ОII, китоб + лар + им + ОIII, китоб + ОI + им + ни* каби. Рус тилидан фарқли ҳолда сон ва келишик алоҳида морфемалар билан ифодаланadi. Нисбатловчи шахс ва сон маъноларини биргаликда ифодалаши билан флексияга ўхшаш, лекин тенг эмас: -м нисбатловчисини -ма нисбатловчисига қиёслашдан -м шахс маъносини, -(и)з эса сон (кўплик) маъносини ифодалаши аён бўлади. Демак, бу ерда ҳам асли флексия эмас, агглютинация ҳодисаси мавжуд.

Юқоридаги уч тур морфемадан сонловчи объектив воқеликка кўра қўшилади, шакл ясовчи дейилади; нисбатловчи ва турловчи лексемага бошқа бир лексема билан синтактик боғланиш туфайли ва ўша лексеманинг табиатига кўра танлаб қўшилади, шакл ўзгартирувчи дейилади.

Ўзбек тилида от лексемага предмет маъносини англатиб ишлатилганида бирин-кетин икки ва ундан ортиқ шакл ҳосил қиладиган морфема қўшилади, ҳар бир қўшиладиган морфемага ундан олдинги қисм асос бўлади,¹ шунга кўра лексемашакл таркибида бир неча асос ажратилади. Масалан, сонловчи асосан лексемага қўшилади, бунда лексема сонлаш асоси бўлади; нисбатловчи эса сонловчидан кейин қўшилади, бунда сонловчи қўшилган лексема нисбатлаш асоси бўлади; турловчи эса сонловчидан (қатнашса, нисбатловчидан ҳам) кейин қўшилади, турловчи қўшиладиган асос турлаш асоси бўлади:

ОЛ <i>китоб</i>	+ С <i>лар</i>	+ Нчи <i>им</i>	+ Тр <i>ни</i>
От лексема, асос, шакл яшаш асоси, сонлаш асоси	шакл ясовчи, сонловчи, кўплик шакли аффикси	шакл ўзгартирувчи, нисбатловчи, I шахс бирлик	шакл ўзгартирувчи, турловчи, тушум

¹ Асос термини ўзбек тилшунослигида дастлаб Содик Фердаус томонидан русча *основа* терминининг калькаси сифатида тавсия қилинган эди (Сўз таркиби || "Совет мактаби", 1954, 3- сон) шунга қарамай "основа" тушунчасини *узак-негиз, негиз* терминлари билан англатиш бир қанча вақт давом этди, кейинчалик *асос* термини ишлатиш бошлади.

		аффикси	келишиги аффикси
шакл	ўзгартириш	асоси,	
аш	асоси		
асос,	шакл	ўзгартириш	асоси, турлаш
асоси			

Ўзбек тилидаги бошқа туркумларда лексемашакллар турлича ташкил туривчилар билан тузилади. Бу ерда ҳам асосга қўшиладиган ҳар бир фонема бир грамматик маънони ифодалайди; фақат тусловчи, худди тусловчида бўлганидек, икки грамматик маънони – шахс ва сон маъноларини ('сизлаш' маъносини ҳам ҳисобга олсак, уч грамматик маънони) ифодалайди: *Тадбирқорман; Боринг; Бординг. Боринг* каби лексемашаклларда тусловчи буйруқ майлига хосланган бўлиб, майл маъносини ҳам ифодалашга хизмат қилади. Тусловчиларнинг ана шу парадигмасида флективлик хусусияти қисман намоён бўлади.

II. Тушунча англатадиган номинатив бирлик сифатида бирикма лексемага айланади, лекин бошқа жиҳатлари билан жиддий фарқ қилади. Лексема лисоний бирлик ҳолатида – сегмент бирлик: ўзига муқим бирикитилган фонема ифодасига эга. Бирикма эса лисоний бирлик ҳолатида – носегмент бирлик: маълум бир лексемашакл билан лексеманинг тобе боғланиши натижасида юзага келади, шунга қўра тузма бирлик дейилади. Бунинг устига бирикмани таркиб топтирадиган лексемашаклнинг ўзи ҳам тузма бирлик бўлиб (Буни юқорида тасвирладик), ҳар гал қайси лексемашакл қатнашуви бирикманинг турига қараб ҳар хил бўлади, қандай тушунча англатилишига қараб танланади.

Бирикманинг иккинчи аъзоси қайси туркум лексемаси билан ифодаланиши аниқ бўлади-ю, лекин қайси лексема таркиб топтирувчи бўлиб қатнашуви қандай тушунча англатилишига қараб танланади.

Қўринадики, бирикманинг лисоний бирлик сифатида таркиб топтирувчилари лексемашакл ва лексема экани аниқ, лекин қайси лексемалар қатнашуви аслида аниқ бўлмайди, қайси тушунча англатилмоқчи бўлса, шунга мувофиқ танланади.

Бирикманинг лисонда мавжуд ҳолати – уни тузиш формуласига тенг. Ўзбек тилида бирикманинг энг юксак даражадаги умумлашма формуласини "лексемашакл X лексема" тарзида ёзиб кўрсатиш мумкин. Бирикмаларнинг турига, қайси туркум лексемашакли ва лексемаси ташкил топтирувчи бўлиб келишига қараб бу умумий формула босқичма-босқич нисбатан аниқроқ тус ола боради ва охири аниқ ифода жиҳатига эга лексемашакл ва лексема қайд этилади; ана шунда бирикма сегмент бирлик, айнаи вақтда нутқий бирлик ҳолатига ўтади. Масалан, қаратувчили бирикмада бунни қуйидагича ёзиб кўрсатиш мумкин:

лексемашакл	X	лексема
от лексемашакл		от лексема
от лексема +		от лексема +
сонловчи +		сонловчи +

қаратқич келишиги морфемаси	нисбатловчи
қаратувчи	қаралмиш
қаратувчили	бирикма
[(олимпнинг)	X (фикрларни-)]-

Қаратувчили бирикманинг формуласида доимий (муким) таркиб топтирувчи бўлиб лексемашакл охиридаги турловчи – қаратқич келишиги морфемаси ва иккинчи аъзо охиридаги нисбатловчи қатнашади; лекин қаратқич келишиги шаклининг белгили ёки белгисиз бўлиши, қайси шахс-сон нисбатловчисининг қатнашуви қаратувчи вазифасида қандай лексема келаётганига боғлиқ ҳолда аниқ бўлади. Демак, қаратувчили бирикмада қаратқич келишиги ва нисбатловчи – муким таркибий қисм, лекин шу қисмларда ҳам танланиш мавжуд. Бундай танланиш бирикма тузиш формуласи доирасида фикран амалга оширилади.

Шундай ҳодиса бирикманинг ҳар икки аъзоси таркибида қатнашадиган сонловчи морфемада ҳам воқе бўлади: қаратқич келишиги шаклидан, нисбатловчидан олдин сонловчи қатнашуви аниқ, муким, лекин сонлаш парадигмасининг бирлик ёки кўплик шакли қатнашувини объектив воқелик, лексемаларнинг лексик-грамматик табиати белгилайди. Демак, қаратувчили бирикманинг ҳар икки аъзоси таркибида сонлаш парадигмасининг кўрсаткичи муким таркиб топтирувчи бўлиб қатнашади-ю, лекин бирлик ёки кўплик кўрсаткичи танлаб қўшилади ва бу танлаш жараёни бирикма тузиш формуласи доирасида фикран амалга оширилади.

Нихоят, бирикма (бу ерда – қаратувчили бирикма) одатда бир лексеманинг иккинчи лексемага тобе синтактик боғланиши билан юзага келади. Бирикманинг турига қараб уни таркиб топтирувчи бўлиб турли туркум лексемалари қатнашади. Қаратувчили бирикмада ҳар икки аъзо асосан от туркуми лексемаси билан (бошқа туркумларнинг от тур, отлашган шакли билан) ифодаланади; қандай тушунча англатилишига боғлиқ ҳолда минглаб лексемалардан иккитаси бирикма тузиш учун фикран танлаб олинади.

Кўринадики, конкрет сегмент бирликлар билан тўлдирилган бирикма нутқий бирлик ҳолатида намоён бўлишига қадар лисонда анча мураккаб жараён кечади, ана шу жараёнлар бирикманинг лисондаги рамзида тамғаланган формулага биноан кечади.

Тилшуносларимиз ҳозиргача барча асарларини қулоқ билан эшитиб, ёзувда кўз билан кўриб келаётган тил ҳодисаларини кузатиш асосида ёзиб келганлиги туфайли тилнинг фақат эшитиш, кўриш сезгисига таъсир этадиган ҳолатини реал воқелик деб тушунишга, бевосита кузатишда берилган тил фактларини таҳлил қилишга кўникиб қолган. Ақл билан, фикран етиб бориб аниқланган тил ҳодисаларини реал воқелик деб қабул қилишга қон-жонига сингиб кетган эмпиризм йўл қўймаётир шекилли, ҳозир айтилаётган тўғри назарий ёндашувларни ҳатто академик тилшунос ҳам ҳазм қила олмаётир.

Тил қурилишининг бевосита кузатишдаги сон-саноксиз нутқий бирлик ҳолатини фикран умумлаштириш орқали аниқланган лисоний бирлик ҳолати

жуд. Ҳозирги давр тилшунослигининг энг салмоқли ижобий натижаларидан бири тил қурилишининг замирида ётадиган формулаларни таҳлил қилиш, шулар асосида чуқур илмий таҳлил қилишга эришилганлиги бўлди. Русская грамматика - 80" фундаментал асари – бунинг энг ёрқин мисоли.

III. Тушунча англатишга хизмат қиладиган бирикма сифатида лексемага бирикма (аникроғи – бирикманинг сегмент бирикма ҳолати) нисбат бериллади. Бирикма лексемадан фарқли ҳолда икки (ва ундан ортиқ) тушунчани ифода қилганда англатади, лекин бир тушунчага яхлитланиш воқеа бўлмайди; шунга кўра лексемаларнинг эркин боғланмаси дейиллади. Агар бирикмада бир тушунчага яхлитланиш воқеа бўлса, лексемаларнинг турғун боғланмаси дейиллади. Эркин боғланма ва турғун боғланма ўзаро грамматик тузилиши билан эмас, аввало семантик жиҳати билан фарқ қиладди (Қуйида фақат эркин бирикмалар ҳақида фикр юритиллади).

Грамматик тузилиши жиҳатидан бирикма аъзоларининг бир бутунлик ҳосил этиши турлича. Синтактик мослашув алоқаси билан тузиладиган бирикмада тобе аъзонинг грамматик шакли ҳоким аъзонинг грамматик шаклига мослашади; ана шундай мослашув бирикма аъзоларини грамматик жиҳатдан бир бутунлик ҳосил этишини таъминлайди. Рус тилидаги *хорошая книга, хорошую книгу; две книги, двум книгам* каби сифатловчилари бирикмада худди шундай грамматик яхлитланиш воқеа бўлади.

Ўзбек тили бирикмаларида бундай синтактик мослашув алоқаси йўқ. Бирикма аъзоларининг грамматик жиҳатдан бир бутунлик ҳосил этиши ўзбек тилидаги қаратувчилари бирикмада мавжуд. Бундай бирикма мослашув асосида эмас, мувофиқлашув асосида тузилади. Бу ерда бирикма аъзоларининг грамматик шакли фарқли: биринчи аъзо қаратқич келишиги шаклида, иккинчи аъзо нисбатловчи қўшилган шаклда бўлади; келишик шакли биринчи аъзонинг синтактик тобе бўлак эканини кўрсатади, иккинчи аъзога нисбатловчи биринчи аъзо вазифасида келган лексик асосга қараб танлаб қўшилади. Лексик асос билан нисбатловчи орасидаги мувофиқлашув бундай бирикма аъзоларини грамматик жиҳатдан бир бутунга бириктиради: *китобнинг муқоваси-, машғулотнинг бошланғичи-* каби.

Ўзбек тилида юқоридаги каби мувофиқлашув алоқаси билан бир бутунга бириктириш изофа бирикмасига ҳам хос. Бу ерда изофаловчи бош келишикдаги атоқли ёки турдош от лексемашакли билан ифодаланади, шунга кўра турдош от билан ифодаланадиган изоҳланмишга III шахс нисбатловчиси қўшилади: *Тошкент шаҳри-, қиш фасли-* каби.

Рус тилида мослашув алоқаси билан тузиладиган бирикманинг ҳар икки аъзосига флексия қўшилади, бирикма қандай вазифада келишига қараб бош келишик шаклидаги ушбу флексиялар бошқа келишик шакли флексиясига алмашади.

Ўзбек тилида мувофиқлашув алоқаси билан тузиладиган бирикмада синтактик вазифа кўрсаткичи – келишик морфемаси бирикманинг таркибига мансуб бўлмайди, бирикма қайси синтактик вазифада келиши лозим бўлса, шунга қараб келишик морфемаси бирикмага яхлитлигича қўшилади. [(*китобнинг*) X (*муқоваси-*)] + *ни* каби. Синтактик вазифа кўрсаткичи

қўшилганидан кейин бирикма номинатив бирлик ҳолатидан номинатив синтактик бирлик ҳолатига ўтади. Лексеманинг синтактик вазифа бериши олиш даражасида грамматик шаклланган ҳолати лексемашакл деб аталган. Бирикманинг ҳам шундай грамматик шаклланган ҳолати бирикмашакл деб аталади. Лексемашакл бирламчи тузма синтактик бирликка, бирикмашакл иккиламчи тузма синтактик бирликка тенг.

Рус тилида бирикманинг бошқарув, битишув усули билан тузилган турларида грамматик шакл ўзгариши одатда ҳоким аъзода воқе бўлади, бундан ўзгариш айна вақтда бирикманинг грамматик ўзгариши деб қаралади: *пригласить гостей, прилашу гостей; отдать книгу ученику, отдай книгу ученику; бежать быстро, бегает быстро* каби. *Дом престарелых, в дом престарелых* тур бирикмаларда ҳам грамматик шакл ўзгариши юқоридагидек воқе бўлади.

Қўринадики, рус тилида лексема бошланғич шаклида-ёқ лексемашакл ҳолатида бўлганидек бирикмаларнинг барча турлари ҳам бошланғич шаклида бирикмашакл ҳолатида бўлади: ҳоким аъзоси от лексема билан ифодаланганида бирикмашакл бош келишик шаклида, ҳоким аъзо феъл лексема билан ифодаланганида бирикмашакл инфинитив шаклида бўлади: *книга библиотеки, идти в библиотеку* каби.

Демак, рус тили луғатига лексема бошланғич лексемашакл ҳолатида киритилади; агар бирикмалар луғати тузилса, бирикма ҳам бошланғич бирикмашакл ҳолатида киритилади; чунки флексия (шунингдек инфинитив шакли ясовчиси) лексемашаклнинг, бирикмашаклнинг ажралмас, доимий қисми ҳолатида бўлади.

Ўзбек тилида манзара ўзгача. Агглютинатив тип тил бўлгани учун лексемашакл лексема қисмига ва грамматик кўрсаткичлар қисмига аниқ ажралиб туради, шунга қўра луғатни лексемалар асосида (бирикмалар асосида) тузиш мумкин. Масалан, акад. К.К.Юдахин ўз луғатига феъл туркуми бирликларини лексема ҳолатида (*эскир-* каби) ёки шакл ясовчи қўшилган лексема ҳолатида (*эскирт-* каби) киритган.²

Кўпчилик туркий тиллар луғатига, шу жумладан ҳозирги ўзбек тили бўйича тузилган луғатларга феъл-туркуми бирликлари рус тили луғатларига тақлидан лексема охирига *-моқ* аффикси қўшилган шаклида киритилади: *эскирмоқ, эскиртирмоқ* каби.

К.К.Юдахин ўз луғатига шакл ўзгартириш тизимига эга от туркуми бирликларини бирлик, бош келишик шаклида, яъни лексемашаклга тенг ҳолатда киритган: *бел, мен* каби.³ Бундай икки хилликнинг воқе бўлишига от лексемашаклнинг (от олмошнинг) бошланғич шаклида бирлик сон ва бош келишик ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланиши сабаб бўлган. Асли от лексемани (от олмошни) ҳам *бел-, мен-* тарзида охирига чизиқча қўйиб лексемага тенг ҳолатда бемалол киритиш мумкин эди, лекин нимагадир бундай қилинмаган.

¹ Русская грамматика, II, Синтаксис. 81.

² Киргизско-русский словарь (Составил проф. К.К.Юдахин), "Советская энциклопедия", -М.: 1965, 966.

³ Киргизско-русский словарь. 126, 523.

Демак, рус тилида лексема сўзнинг (аниқроғи – сўзшаклнинг, яна ҳам роғи - лексемашаклнинг) таркибий қисми ҳолатида бўлади; тилнинг системасига мансуб элемент деб қаралади-ю, ташқи кўриниши тандан мустақилликка эга бўлмагани сабабли лексемашакл таркибидаги сифатида таъкидланади.¹

Ўзбек тилида лексема ташқи кўриниши жиҳатидан мустақилликка эга бўлиши сабабли лексемашакл таркибидаги қисм сифатида эмас, мустақил бир-бири сифатида таъкидланади, лекин, афсуски, охирига чизиқча қўйилмай, лексемашаклга тенг ҳолатда ёзиб келинади.² Кўринадики, ўзбек тили луғатида мабула лексемашакл ҳолатида (*луғат* каби) эмас, лексема ҳолатида (*луғат-чи*) акс эттирилса, ўзбек тилининг миллий хусусияти ҳисобга олинган бўлади. Афсуски, луғатчилик анъанасига мутелик мустақил иш тутишга йўл қўймай келади.

IV. "Русская грамматика, II. Синтаксис"да бир-бирига синтактик боғланмаган лексемашакллар қатори (ряд словоформ) орасидаги алоқа тенг шюка (сочинительная связь) дейилиши, бундай қаторни ҳосил қиладиган лексемашакллар айна бир синтактик позицияни эгаллаши ва гапнинг уюшиқ шакллари (однородные члены предложения) бўлиши таъкидланган.³

Рус тилшунослигида ўзаро тенг алоқадаги лексемашаклларга нисбатан қатор (*ряд*) тушунчасининг киритилганлиги уринли бўлган, бундай лексемашакллар айна бир синтактик позицияни эгаллаши ҳам тўғри таъкидланган.⁴ Лекин бундай позициянинг гап таркибига нисбатан белгиланиши маъқул эмас, чунки бундай позиция бирикманинг бўлагиде – сифатловчида ҳам воқе бўлади. "гапда" ("в предложении") дейиш билан ушбу синтактик ҳодиса нутқнинг ўзида воқе бўлади, нутққа хос деган нотўғри фикр ҳам туғилади; ваҳоланки бундай қаторнинг ифода материали ва тузиш қоидалари лисонда – миянинг тил хотираси қисмидаги маълумотда акс этган бўлади, лисондаги маълумот асосида тузилиб нутққа чиқади, ана шунда сегмент бирлик ҳолатига ўтади.

"Однородные члены" дейишдан "бир турдаги бир неча бўлак" маъноси англашилади. Қатор ҳосил этадиган лексемашакллардан ҳар бири ўзича синтактик бўлакка тенг дейилса, бир содда гап таркибида, масалан, ўзаро тенг ҳолатдаги икки ва ундан ортик эга қатнашади дейилган бўлади. Рус тилида қатор ҳосил этадиган лексемашакллардан ҳар бири синтактик вазифада кела олиш даражасида тугал грамматик шаклланган бўлади. Шунга қарамай ўзаро тенг лексемашакллар қаторини биргаликда бир синтактик позиция эгаллаб, биргаликда бир синтактик вазифада келади дейилгани, тенг ҳолатда бирлашган лексемашакллар қатори билан ифодаланган синтактик бўлак дейилиши тўғри.

"Ряд однородных словоформ" деб таъкидлашда ҳодиса тўлиқ қамраб

¹ Русский язык. Энциклопедия, "Советская энциклопедия", -М.: 122, 123.

² Турсунов У. Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. "Ўзбекистон", - Т.: 1992, 53- ва кейинги саҳифалар.

³ Русская грамматика - 80, 166.

⁴ Грамматика современного русского языка, "Наука", -М.: 1970. 636.

олинмайди. Бундай қаторга бирлашиш фақат лексемашаклларга эмас, бирикмашаклларга ҳам хос; "Русская грамматика"да келтирилган мисоллар бундай фикрни тасдиқлаб турибди.

Таҳлил қилинаётган ҳодиса ўзбек тилшунослигида дастлаб ярим мустақил равишда *уюшиқ бўлақлар* деб номланган; *однородные* дейишдан кўра *уюшиқ* дейиш афзалроқ, чунки *однородные* деганда бу ҳодисанинг асосан морфологик жиҳати таъкидланса, *уюшиқ* деганда ўзаро тенг эканлиги таъкидланади. Бу ҳодисанинг русча номидаги (*однородные члены*) иккинчи қисм *бўлақлар* деб айнан таржима қилинган. Ўзбек тилшунослигида *уюшиқ бўлақлар* дейиш ишлатишдан ташқари *уюшиқ бўлақ* деб ишлатиш ҳам мавжуд.¹

Уюшиқ бўлақлар (уюшиқ эгалар, уюшиқ кесимлар) дейиш мантиқий тўғри эмас: Содда гап курилишида эга, кесим битта бўлади, фақат у турлича ифодаланади. Шунга кўра уюшиқ қатор билан ифодаланган эга (эганинг уюшиқ қатор билан ифодаланиши) дейиш тўғри.

Чуқурроқ фикр юритсак, уюшиқ қатор қисмлари орасида синтактик алоқасизлик йўқ, улар фақат тенг саналиб, пауза (тўхтама) орқали қўшилади, биргаликда бошқа бир лексемашаклга, бирикмашаклга боғланади: [(*тоқларимизни*) – (*анорларимизни*)] X [*очдик*] каби.

Уюшувчи қисмларнинг ҳар бири ўзи тобе (ёки ҳоким) бўлган қисмга тўғридан тўғри боғланади дейиш уюшувчи қисмлар ўзаро тенг ҳолатда эканини тасдиқлаш учун аҳамиятли; аслида эса уюшувчи қисмлар бошқа бир қисмга фақат биргаликда боғланади. Уюшувчи қисмлардан ҳар бири ўзича боғланади дейиш уюшиқ қатор ҳосил этадиган қисмларнинг ҳар бири синтактик вазифа бажара олиш даражасида тўлиқ грамматик шакланганида мумкин бўлади. Амалда эса уюшувчи қисмларда грамматик шакл кўрсаткичларининг умумлаштирилиши, уюшиқ қаторга яхлитлигича қўшилиши – етакчи ҳолат. Бундай ҳодиса ўзбек тили агглютинатив тип тил бўлгани сабабли воқе бўлади. Масалан, юқорида келтирилган мисол таркибидаги уюшиқ қаторни [(*тоқларимиз-*) + (*анорларимиз-*)]ни, [(*тоқлар-*) + (*анорлар-*)] + *имизни*, [(*тоқ-*) + (*анор-*)] *ларимизни* тарзида шакллантириш мумкин: Биринчисида турловчи, иккинчисида нисбатловчи ва турловчи, учинчисида сонловчи, нисбатловчи, турловчи уюшиқ қаторга бир бутун ҳолда қўшилган, нағижанда уюшиқ қатор аъзоларида грамматик шакл жиҳатидан мустақиллик йўқалган; бундай ҳолларда уюшиқ қатор аъзоларидан ҳар бири бошқа бир қисмга тўғридан тўғри боғланади дейиш, "уюшиқ бўлақлар" ҳақида гапириш мутлақо мумкин эмас.

"Уюшиқ қатор аъзолари бир хил грамматик шаклда бўлади" деган фикрга ҳам аниқлик киритиш керак. Грамматик шакл жиҳатидан бир хиллик фақат синтактик вазифа кўрсаткичига нисбатан тўғри, лекин шу ерда ҳам умумий қоидадан истисно уюшиқ қатор билан ифодаланган кесимда мавжуд (олдинги қисм равишдош шаклида, охириги қисм тусловчили шаклда бўла олади).

От лексемашаклларда, от бирикмашаклларда уюшувчи қисмлар объектив воқеликка кўра сон парадигмасининг, нисбатлаш парадигмасининг бошқа-

¹ Ўзбек тили грамматикаси, II, Синтаксис. "Фан", -Т.: 1976, 163, 164, 165, 177.

ша шаклида бўла олади. Бундай ҳодисалар ўзбек тили англютинатив тип бўлгани сабабли мумкин.

Уюшиқ қатор қисмларида грамматик маъно ифодалайдиган морфемаларнинг умумлаштирилиши билан бундай қаторнинг грамматик хатдан яхлитланиши уюшиқ қаторнинг биргаликда битта синтактик позицияни эгаллашини, биргаликда битта синтактик бўлак вазифасида янашсини катъий тасдиқлайди.

Кўринадики, уюшиқ қатор ҳодисасига флектив тип ва англютинатив типлар нуктайи назаридан ёндашиш уюшиқ қатор билан ифодаланадиган синтактик қўшилманинг мохиятини чуқурроқ англаш имкониятини беради.¹

(Уюшиқ қатор билан ифодаланган кесим ҳақида қўшма гапга боғлаб фикр қилилади).

Тил бирликлари орасидаги ассоциатив ва парадигматик муносабатлар ҳақида

Тил бирликлари ифода жиҳатига, мазмун жиҳатига мансуб ўхшаш ва фарқли белги-хусусиятлари асосида ўзаро муносабат ҳосил этади.

I. Ҳақиқатда, лисондаги бойлик бетартиб сочилиб ётган ҳодисалар тўдаси эмас, балки ўз белги-хусусиятлари билан бир-бирини эслатиб, ўзаро муносабат ҳосил этиб туради.

Аввало, ҳар қандай тасниф ҳодисалар орасидаги умумий ва фарқли белги-хусусиятлар асосида амалга оширилади, демак, бундай таснифда тил бирликлари орасидаги ассоциатив муносабат (бир-бирини эслатиб туриш хусусияти) ўз аксини топади (лот. *associatio* – ‘бирлашма’). Масалан, луғат бирликлари улар орасидаги ассоциатив муносабатлар бўйича туркумларга ажратилади.² Луғат таркибини *луғавий тизим* номи билан атаб туркумларга ажратишни *парадигма* деб аташ асосли эмас.³ Бу ерда парадигма “ўхшашлик қаторлари” деб ўта кенг тушунилади. Асли Ф. де Соссюр шундай мазмун билан *парадигма* терминини эмас, *ассоциация* терминини ишлатган, бу термин кейинчалик Дониялик тилшунос Л. Ельмслев тавсия қилган *парадигма* терминига алмаштирилган.⁴

II. *Парадигма* терминига (юнонча *paradeigma* – ‘мисол, намуна’) тилшуносликда турлича мазмун биркитилади. Бу термин (тушунча) асли дастлаб морфемаларга татбиқ қилинган.

Морфем парадигма ҳақида гапириш учун: а) камида икки морфема бўлиши, б) уларнинг мазмун жиҳатида умумий ва фарқли семалар бўлиши, в) бу морфемалар тузма тил бирлигининг маъноли қисмлари аранжировкасида айни бир позицияни (ўринни) эгаллаши, г) айни шу позицияни ўзаро алмашиб ишғол қилиши лозим. Парадигмани бундай классик тушуниш асосида

¹ Rahmatullayev Shavkat. Hozirgi adabiy o'zbek tili. "Universitet" nashriyoti, -T., 2006, 364-378.

² Қапан: Rahmatullayev Shavkat. Hozirgi adabiy o'zbek tili. "Universitet" nashriyoti, -T., 2006, 127, 139.

³ Незьматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари, 79.

⁴ Русский язык. Энциклопедия. "Советская энциклопедия", -М.: 1979. 198.

куйдагича таъриф бериш мумкин:

Мазмун жихатида умумий ва фарқли семалари мавжуд бўлиб, тузма тавбирлигининг маъноли қисмлари аранжировкасида айни бир позицияни ўзгартириб ишғол қиладиган морфемалар тизимига *морфем парадигма* дейилади.

Юқорида таъкидланган талабларга ўзбек тилида от лексемалар туркумига хос сонлаш, нисбатлаш морфемаларининг тузумлари тўлиқ жавоб беради. Бу морфем парадигмалар дарсликда тавсифлангани сабабли такрорланмади.¹

Келишик категориясига мансуб морфемалар тизимида улаш ифодаладиган фарқли семаларни бир тизимга бирлаштириш қийин: Бош келишик кўпмаъноли бўлиб, биринчи навбатда 'ҳаракат, белгининг бажарувчиси, соҳиби' маъносини, қаратқич келишиги 'қарашлилиқ' маъносини, тушум келишиги 'ўтимли (ўтимлилашган) феълдан англашиладиган ҳаракат ўз устида воқе бўладиган предмет' маъносини ифодалайди (Рус тилидаги келишикларда ҳам шу каби ҳолат мавжуд). Бундай ўзгачалиқдан қатъи назар, келишик морфемалари тизимига турлаш парадигмаси дейилади.

Морфем парадигмалар шакл ҳосил қиладиган грамматик кўрсаткичлар мансуб туркумларда мавжуд бўлади. Табиий, морфем парадигмалар феъл лексемалар туркумида энг кўп. Булар дарсликда тавсиф қилингани сабабли бу ерда такрорланмади.²

Айрим морфем парадигмалар ўз доирасида бир неча субпарадигмага ажралиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида замон ясовчилари парадигмаси доирасида, тусловчилар парадигмаси доирасида учтадан субпарадигма мавжуд.³ Шунингдек рус тилида I, II, III турлаш субпарадигмалари, I, II туслаш субпарадигмалари мавжуд.⁴

III. Морфем парадигмада айрим морфемалар фонем ифода жихатига эга бўлмаслиги, ифода жихати ноль кўрсаткичли бўлиши мумкин. Бундай ҳодиса ўзбек тили морфем парадигмалари бўйича тасвирланди.

1. Маълумки, от туркуми лексемаларига мансуб грамматик сон категориясида 'бир' ва 'кўп' (аниқроғи – 'чегараланмаган кўп' ва 'чегараланган кўп') маънолари ифодаланади, шунга кўра бу ерда икки аъзоли морфем парадигма ҳақида гапирилади. Бу парадигманинг 'кўп' маъносини ифодаладиган аъзоси *-лар* морфемаси (аффикси) билан, 'бир' маъносини ифодаладиган аъзоси *эса -лар* морфемасига зид қўйган ҳолда белгиланадиган ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланади, шунга кўра *Ø- -лар* зидланиши ҳақида гапирилади: *китоб- + Ø- – китоб- + -лар-* каби. Грамматик сон парадигмасидаги бундай зидланиш от тур олмошларда, бошқа туркум бирликлари отлашганида ҳам намоён бўлади.

2. Ўзбек тилидаги турлаш парадигмаси – олти аъзоли; шулардан беш келишикнинг аффикси бор, фақат бош келишик ноль кўрсаткичли морфема

¹ Rahmatullayev Shavkat. Юқорида таъкидланган дарслик, 161-175, 183-199.

² Юқорида таъкидланган дарслик, 183-189, 192-199.

³ Юқорида таъкидланган дарсликнинг ўша саҳифаларида.

⁴ Русская грамматика. I. "Наука". -М.: 1980, 483, 648.

билан ифодаланади: *китоб-* + Ø, *китоб-* + *нинг* каби.

Модомики ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланиш бир неча экан, ларни ўзаро фарқлаш учун сира рақами кўйиш лозим. Омонимларда шунингидек бу ерда ҳам рим рақамларидан фойдаланиш ўринли.

Ноль кўрсаткичли морфемаларга рақам кўйишни от туркумига мансуб морфем парадигмалардан бошлаш маъқул. От туркумига мансуб морфемалар теъдосида ноль кўрсаткичли морфемаларнинг лексемашакл таркибида қойлашувига асосланиш тўғри. Шунга кўра сонлаш парадигмасининг бирлик шаклини ØI деб, келишик парадигмасидаги бош келишик шаклини ØII деб белгиладик:

<i>Китоб-</i>	+ ØI	+ ØII
	↕	↕
	+ <i>лар-</i>	+ <i>ни</i>

3. Шу ерда келишик қўшимчасини 'яшириш' ходисасига баҳо бериб ўтиш лозим. Аффиксли келишикда қўшимчани ишлатмаслик, 'яшириш' маълум шарт-шароитда-гина воқе бўлади; бундай "яширилган" қўшимчани маълум шарт-шароитда тиклаш имконияти бўлади. Келишик қўшимчаси қатнашмаган барча ҳолатларни бош келишик деб баҳолаш – ходисага бирёклама, юзаки ёндашиш оқибатида воқе бўлди. Модомики келишик синтактик категория деб тан олинар экан, *китобни ўқи-*, *китоб ўқи-* бирикмаларининг биринчи аъзоси воситасиз тўлдирувчи деб тан олинар экан, бу бирикмалардаги *китобни* лексемашакли ҳам, *китоб* лексемашакли ҳам тушум келишигида деб қаралиши лозим; фарқ шундаки, иккинчи бирикмада тушум келишиги кўрсаткичи 'яширилган'.

Келишик қўшимчаси яширилган ҳолатни бош келишик билан тенглаштириш мумкин эмас, чунки бош келишикнинг аффиксал морфем кўрсаткичи йўқ, бу келишик ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланади; тушум (қараткич...) келишиги эса аффикс билан ифодаланади, маълум шарт-шароитда бу аффиксни яшириш мумкин холос. Лексемашакл таркибини тасвирлашда яширилган аффиксни ўрта кавсларга олиб ёзиб кўрсатиш мумкин:

<i>китобни</i>		<i>ўқи-</i>		китобнинг		муқоваси-
<i>китоб[ни]</i>				китоб[нинг]		

Келишик аффиксини бундай яшириш имконияти ўзбек тилининг ўзига хос миллий хусусияти сифатида махсус таъкидлашга лойиқ.

От лексема (аникроғи – от лексемашакл) кесим вазифасида келса, юқорида тилга олинган морфем парадигмалар кўрсаткичларидан ташқари, тушлаш парадигмасининг морфемаси ҳам қўшилади: *Биз ўқитувчимиз* каби. Тушлаш парадигмасидаги ноль кўрсаткичли морфемалар ҳақида қуйроқда, феъл туркуми лексемаларига боғлиқ холда гапирилади.

4. Бу ерда от лексеманинг сифатловчи вазифасида келганидаги грамматик

шакли ҳақида гапириш даркор. Маълумки, ўзбек тилида сифат лексемалари сифатловчи вазифасида келиши муносабати билан бирор грамматик бўлмади, шунга кўра сифатланмишига битишув йўли билан боғланиши юритилади (Асли *битишув* термини ҳодисанинг моҳиятини англатмайди: Бу ерда сифат билан от лексемалар битим "тузмайди", баъзи сифат лексемашакл от лексемага "тиркалади"). Ўзбек тилида сифатловчи ўзгармайдиган лексемалар туркуми деган фикр туғилиб қолган. Асли сифатловчи вазифасида келган сифат лексема ҳам шакл ясовчи олиши мумкин (яхши китоб- — яхшироқ китоб- каби), лекин синтактик вазифаси таъминлайдиган грамматик кўрсаткични олмайди. Демак, битишув деган шакл ўзгартирувчи морфема қатнашмасдан воқе бўладиган синтактик алоқаси усули тушунилади.

Юкоридаги фикр сифатловчи вазифасида келадиган баъзи лексемашаклларга бирдек тааллуқли эмас. Сифатловчи вазифасида келган лексемашаклда, равиш лексемашаклда, сифат тур олмошларда шундай. Лекин сифатловчи вазифасида келадиган феъл лексемашаклда манзара бошқача. Феъл лексема сифатловчи вазифасида келиши учун сифатдош ясовчисига алоқаси олади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, сифатдош ясовчиси асли шакл ясовчи бўла туриб синтактик вазифани таъминлашга хизмат қилади.

Демак, сифатловчи билан сифатланмиш алоқасида синтактик вазифани туфайли ҳеч қандай қўшимча қўшилмайди деган фикр феъл лексеманинг сифатловчи вазифасида келишига нисбатан тўғри бўлмайди: Феъл лексема бундай қоидага сиғмайди.

Сифатловчи вазифасида от лексема келганида ҳам ўзига хос хусусият намоён бўлади. Бунда от лексема гўё сифатловчи вазифасида келадиган сифат лексема формуласига туширилади: От лексемага ўз туркумига хос сонлаш ва турлаш парадигмаларининг кўрсаткичлари қўшилмайди.

Масалан, *Олтин ўтда билинади* жумласидаги эга бўлак вазифасида келадиган *олтин-* лексемаси бирлик ва бош келиши кўрсаткичларини олади: *олтин-* + *OI* + *OII*. *Олтин соат-* бирикмасида сифатловчи бўлиб *олтин-* лексемаси келадиган. Ташқи кўринишда бу икки вазифадаги лексемашакллар гўё бир хил, аслида эса фарқ жуда катта: Ўзбек тилида сифатловчи вазифасида келадиган лексемашакл таркибида сонловчи ва турловчи қатнашмайди, шунга кўра бундай вазифада келган от лексема бу маъноларни ифодаламайди.

Демак, от лексема, масалан, эга вазифасида келиши лозим бўлса, сонловчинини ва бош келиши кўрсаткичинини олади; агар сифатловчи вазифасида келиши лозим бўлса, сонловчинини ва турловчинини олмайди. Шундай экан, сифатловчи вазифасида келган от лексемани бирлик ва бош келиши шаклида бўлади дейиш мумкин эмас. Худди сифатловчи вазифасида келган сифат лексемада бўлганидек бундай вазифада келган от лексемада ҳам сонловчи ва турловчи қатнашмайди, шунга кўра бу ерда ноль кўрсаткичли морфемалар ҳақида гапириш ноўрин.

5. Феъл грамматик категорияларга энг бой туркумлиги маълум. Феълликка хос морфем парадигмалардан феъл лексемага энг олдин нисбат парадигмасининг кўрсаткичи қўшилади. Нисбат категорияси фақат ўтимли

миллашган) феълларга мансуб, шунга кўра аниқ нисбат ўтимли (миллашган) феълларга хос деб тушунамиз. Бу ўта мураккаб грамматик категориянинг моҳияти ҳақида барча томонидан тан олинган нисбат – мажхул нисбатга суяниб фикр юритамиз.

Маълумки, мажхул нисбат ўзбек тилида *-(u)л* морфемаси билан ҳосил қилинади [Маълум фонетик шароитда бу морфема *-(u)н* шаклини олади]: *кўр-ил* (+ *ди*) каби. Мажхул нисбатга зид қўйиладиган ҳолат аниқ нисбат қўйилади; Ана шу зидланишда товуш ифодаси йўқ ҳолат ноль кўрсаткичли морфемага тенг:

$$\begin{array}{l} \text{кўр-} \left| \begin{array}{l} + \emptyset- \\ + \text{ил-} \end{array} \right. \end{array}$$

Феъл лексемашакл таркибида биринчи ўринни (позицияни) эгаллагани дучун бу ердаги ноль кўрсаткичли морфемани *ØI* деб белгилаш мумкин эди, лекин от лексемашакл таркибидаги *ØI* билан дуч келиб қолишини ҳисобга олиб феъл лексемашаклларда от лексемашакллардаги рақамлашни давом эттириш маъқул топилди, шунга кўра аниқ нисбат кўрсаткичи *ØIII* деб рақамланди.

Феъл лексемашакл таркибида нисбат парадигмаси кўрсаткичидан кейин бўлишли-бўлишсизлик парадигмасининг кўрсаткичи ўрин олади (Биз бу грамматик категорияни *мавжудлик категорияси* деб номлашга тарафдормиз). Бу парадигма бинар зидланишдаги бўлишли шакл ва бўлишсиз шаклдан иборат; бўлишсизлик шакли товуш ифодасига эга морфема (аффикс) билан ифодаланadi, бўлишлилик шаклининг товуш ифодасига эга кўрсаткичи йўқ. Ана шу шакл ноль кўрсаткичли морфемага тенг. Бу шаклни аниқ нисбат кўрсаткичидан кейин *ØIV* деб белгиладик:

$$\begin{array}{l} \text{кўр-} \left| \begin{array}{l} + \text{ØIII} + \text{ØIV} (+ \text{ди}) \\ + \text{ил-} + \text{ма} (+ \text{ди}) \end{array} \right. \end{array}$$

Мавжудлик парадигмаси шакли қўшилганидан кейин феъл лексемашаклнинг грамматик шаклланиши бир неча йўналишда давом этади. Шу ерда феълликнинг тўрт вазилавий (функционал) шакли ясалишини айтиб ўтиш керак: тусловчили шакли (*Тусланган феъл* деб юритилиши ўринли эмас), сифатдош шакли, равишдош шакли, отдош шакли. Ноль кўрсаткичли морфема шулардан фақат тусловчили шаклда мавжуд.

Феълликнинг тусловчили шакли анча мураккаб тизимни ташкил этади. Шулар орасида тузилиши жиҳатидан энг соддаси – буйрук-истак майли шакли. Бу шакл нисбат (ўтимли ва ўтимлилашган феъл лексемаларда) ва мавжудлик парадигмаси кўрсаткичидан кейин тусловчини (шахс-сон парадигмаси кўрсаткичини) қўшиб ҳосил қилинади. Тусловчиларнинг бу субпарадигмасида фақат II шахснинг бирлигига буйрукни ифодаладиган тусловчи ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланadi, буни *ØV* деб белгиладик:

$$\text{кўр-} + \text{ØIII} + \text{ØIV} + \text{ØV}$$

Бу субпарадигмада II шахс бирлиги кўрсаткичи деб қараладиган *-гин* аффикси асли шахс-сон маъносини эмас, балки модал маънони (буйруқни юмшатиш маъносини) ифодалайди; демак, бу аффиксдан олдин шахс-сон маъносини ифодаловчи *ØV* морфемаси қатнашади:

кўр- + ØIII + ØIV + ØV + гин.

II шахснинг бирлиги кўрсаткичи деб қараладиган *-(и)нг* аффикси шахс маъносини модал маъно (сизлаш маъноси) билан биргаликда ифодалайди, буни шу шахснинг кўплик кўрсаткичлари деб қараладиган *-(и)нглар, -ларинг* кўшимчалари билан зидланишдан билиб оламиз:

кўр- + ØIII + ØIV + инг + Ø
инг + из
инг + лар

Лекин бу тусловчиларда, худди нисбатловчиларда бўлганидек шахс билан сон маънолари биргаликда бир грамматик категорияни ташкил қилади, шу яхлитликнинг бир аъзоси (шахс) кўшимча билан, иккинчи аъзоси (сон) ноль кўрсаткичли ифодаланари, шуни инобатга олиб *-(и)нг* кўшимчаси доирасида ноль кўрсаткичли морфемани хозирги ўзбек тилида таъкидлашга эҳтиёж йўқ деб биламиз: *кўр- + ØIII + ØIV + инг.*

Тусловчиларнинг бу субпарадигмасида I шахс маъноси *-(а)й* билан ифодаланари; бу ерда бирлик маъноси шу кўшимчага *-ин* қисмини, кўплик маъноси эса *-лик* қисмини кўшиб ифодаланари, *-ин* қисмини кўшмаслик ҳоллари кўп учрайди. Кейинги ҳолатда бирлик маъносини ифодалайдиган кўшимча яширилган бўлади, шунга кўра бу ўринда ноль кўрсаткичли морфема ҳақида гапириб бўлмайди: *кўр- + ØIII + ØIV + ин[ин].*

Шу субпарадигмадаги III шахс аффикси *-син* асли фақат шахс маъносини ифодалайди, сон маъносига нисбатан бетараф. Бу шахс доирасида *-синлар* кўрсаткичининг пайдо бўлиши модал маънони (сизлаш, ҳурмат билдириш маъносини) ифодалаш билан боғлиқ, лекин *-(и)шсин* кўрсаткичи таркибидаги *-(и)ш* қисми модал маъно ифодалашга хизмат қилишдан ташқари кўплик маъносини ифодалашга ҳам хизмат қилади, Модал ва кўплик маъноларини ифодалаш жихатидан бу кўрсаткичлар *-син* кўрсаткичига зидланади, демак, *-син* кўрсаткичидан кейин ноль кўрсаткичли морфемани кўшиш аслида зарур; лекин шахс маъносининг морфема билан ифодаланиши бу ерда ҳам ноль кўрсаткичли морфемани таъкидламасликка имкон яратади.

Феъл кесимга мансуб яна бир субпарадигма — *-ди* замон ясовчисидан кейин кўшиладиган тусловчилар тизими. Бу ерда аффикси бор I, II шахсларга зид қўйилган ҳолда III шахс ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланари; сон маъносини ифодалаш жихатидан III шахс бетараф бўлади. Бу ердаги ноль кўрсаткичли морфемани *ØVI* деб белгиладик:

кўр- + ØIII + ØIV + ди + ØVI
са + ØVI

Тусловчиларнинг учинчи субпарадигмаси феъл ва бошқа туркум лексемашакллари таркибида қатнашади; бу ерда ҳам III шахс маъноси ноль кўрсаткичли морфема билан ифодаланари, бу морфемани *ØVII* деб

тиладик:

$k\ddot{u}r- + \emptyset III + \emptyset IV + \text{ган} + \emptyset VII$

Бу ерда от лексемашакл таркиби феъл лексемашакл таркибидан фарқлади, албатта: $u\ddot{q}ituv\ddot{c}i + \emptyset I + \emptyset II + \emptyset III + \emptyset IV + \emptyset VII$

Яна бир ноль кўрсаткичли морфема шарт майлининг *-ган бўл-* ўтган замон шаклига зидланадиган ҳозирги замон шаклида намоён бўлади, буни $\emptyset VIII$ деб тилгаддик:

$k\ddot{u}r- + \emptyset III + \emptyset IV + \frac{\emptyset VIII + \text{са} + \emptyset V}{\text{ган бўл}}$

Ноль кўрсаткичли морфемаларни жамласак, қуйидагича тартибланади:

$\emptyset I$ – от, от тур, отлашган лексемашакллар таркибида қатнашадиган сонлаш парадигмасининг бирлик шакли кўрсаткичи,

$\emptyset II$ – худди шундай лексемашакллар таркибида қатнашадиган бош келишикнинг кўрсаткичи ,

$\emptyset III$ – мажхул нисбатга зидлаб белгиланадиган аниқ нисбат кўрсаткичи,

$\emptyset IV$ – бўлишсизлик шаклига зидлаб белгиланадиган бўлишлилик шакли кўрсаткичи,

$\emptyset V$ – тусловчиларнинг буйрук-истак майли субпарадигмасида II шахс бирлигининг кўрсаткичи,

$\emptyset VI$ – тусловчиларнинг *-ди* замон ясовчисидан, *-са* майл ясовчисидан кейин қўшиладиган субпарадигмасида III шахс кўрсаткичи,

$\emptyset VII$ – тусловчиларнинг ҳам феъл, ҳам бошқа туркум лексемашакллари таркибида қатнашадиган субпарадигмасидаги III шахс кўрсаткичи,

$\emptyset VIII$ – шарт майлининг *-ган бўл-* ўтган замон шаклига зидланадиган ҳозирги замон шаклининг кўрсаткичи.

Кўринадики, ўзбек тилининг морфем парадигмаларида ноль кўрсаткичли морфемалар анчагина. Лексемашакл таркибини белгилашда, таҳлил қилишда бу ҳодисани албатта ҳисобга олиш лозим, филологик олий таълим тизимида, айниқса тил қурилишини ўрганишга, тасвирлашга бағишланадиган илмий ишларда ноль кўрсаткичли морфемаларни ҳисобга олиш шарт. Шунда тил қурилишига система сифатида ёндашилади, тил ҳодисаларининг моҳияти чуқурроқ тушунилади.

IV. Тилда (лисонда) парадигма ҳосил қиладиган морфемалардан ташқари парадигма ҳосил этмайдиган морфемалар ҳам мавжуд. Бундай морфемаларни *нопарадигматик морфемалар* деб номладик. Тил ва адабиёт институтининг бўлим бошлиғи Азим Ҳожиёвга топширган "От" номли қўлёзмадаги "От лексемаларга қўшиладиган якка форма ясовчилар" қисми 1975- йил академграмматикасига киритилмади. Ҳодисага янги талқин берилган ушбу қўлёзмадаги "якка форма ясовчилар" терминини Азим Ҳожиёв "нокатегориал формалар" терминига алмаштиргани ўринли бўлмади.¹ Бу тур морфемалар дарсликда туркумлар бўйича тасвирлангани сабабли бу ерда такрорланмади.²

Йўл-йўлакай феълликнинг сифатдош, равишдош шакллари

¹ Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. "Ўқитувчи", -Т.: 1979, 25- ва кейинги саҳифалар.

² Rahmatullayev Shavkat. Юқорида таъкидланган дарслик, 150 – 154. 139 – 204.

ясовчиларининг нокатегориал формалар (нопарадигматик морфемалар каторига қўшилгани нотўғри эканини айтиб ўтишни лозим топдик. Бундай шакл ясовчилар (айрим истиснодан ташқари) парадигматик морфемалар дейиш талабларига тўлиқ жавоб беради: Мазмун жиҳатида умумий ва фарқлиқ семалар мавжуд, тузма тил бирлигининг маъноли қисмлари аранжировкасида айтиб бир позицияни алмашиниб эгаллайди.

V. Морфемаларга хос деб қаралган парадигматика (парадигматик муносабатлар) тушунчаси кейинчалик бошқа тил ходисаларига ҳам татбиқ қилинган.

Парадигматик муносабат луғавий синонимларда (лексосинонимларда, фразосинонимларда, лексема билан фразема орасидаги синонимияда) мавжуд. Бундай синонимлар айтиб бир луғавий маънони англатади (умумий семаларга эга бўлади) ва айрим белги-хусусиятлари билан ўзаро фаркланади (хусусий семаларга эга бўлади), айтиб бир луғавий маънони англатиш учун танлаб ишлатилади: *юз-*, *бет-*, *афт-* лексосинонимлари, *огз(и)га талқон сол-*, *муш тишла-* фразосинонимлари, *абжир-* лексемаси билан *юлдузни бенарвон уради* фраземаси каби.

Лексемалар орасидаги, фраземалар орасидаги бошқа тур семантик муносабатларни (антонимик муносабатни, даражали семантик муносабатни, поғонали семантик муносабатни ва бошқаларни) парадигматик муносабат дейиш ўринли эмас; булар асли Ф. де Соссюр таъкидлаган ассоциатив муносабатларнинг кўринишларига тенг, чунки булар парадигма олдига қўйиладиган талабларга жавоб бермайди.

Ҳамид Неъматов эълон қилдирган ўқув қўлланмаларидаги фикрлар орасида танқидий ёндашувга мухтожлари жуда кўп. Шу ўринда лексемаларнинг мазмун жиҳатида боғлаб айтилган бир фикрни таҳлил қилиш зарур. Ҳамид Неъматов *яхши-* лексемасининг мазмун тизимида берган таҳлилида семема таркибидаги вазифа семаларининг ўзгариши натижасида янги семема турларининг ҳосил бўлишига *яхши-* лексемасининг алоҳида "хўп бўлади, дуруст, маъқул" маъносида гап ёки модал сўз вазифасида келишини "Яхши, ҳозир етиб бораман", "Сиз бунга зудлик билан жавоб ёзинг" – "Яхши" жумлалари билан намоиш қилади. Шундан кейин морфем парадигмага доир кўйидаги фикрни айтади: Модал сўз вазифасида келганида "(яхши) сўзининг ўзида ҳеч қандай ноль кўрсаткичсиз майл, замон, шахс-сон маънолари қоришиқ ҳолда, сўзнинг луғавий маъноси сифатида мужассамлашган. У майл (замон, тасдиқ) инкор, шахс-сон парадигмасини ташкил эта олмайди", – деб ёзади.²

Асли мисол тарзида келтирилган ҳар икки парчада *яхши-* сифат лексемаси эмас, балки шу сифат лексемаси асосида юзага келган модал бирлик катнашаётир, шунга кўра бу ерда сифат билан модал бирлик орасида омонимия юзага келганини тан олиш керак. Модал бирликка нисбатан "майл, замон, тасдиқ-инкор, шахс-сон парадигмаларини ташкил эта олмайди" деган тесқари изохлашга ўрин йўқ: Модал бирликка бундай грамматик маъноларни

¹ Ҳожиёв А. Юкоридаги манба. 26.

² Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. 101 – 103.

ифодалаш аслида мансуб эмаслигини таъкидлаш лозим. Модал бирликда "ҳеч қандай ноль кўрсаткичсиз майл, замон, шахс-сон маънолари қоришиқ ҳолда сўзнинг луғавий маъноси сифатида мужассамлашган" дейиш мутлақо нотўғри. Бу ерда ушбу маъноларни ифодалайдиган парадигма йўқ дейиш бундай маъноларнинг ўзи ҳам йўқ дейишга тенг. Саналган грамматик маънолар "луғавий маънода қоришиқ ҳолда мужассамлашган" деган асоссиз фикрни айтишга модал бирлик келтирилган мисолларда гап вазифасида келади деб ўйлаш мажбур қилган. Ваҳоланки модал бирлик ҳар қандай ишлатилишида гапга, гап қурилишининг таркибига кирадиган синтактик бўлакка тенг бўлмайти, балки гапшаклга бир бутун ҳолда тааллуқли, ташқаридан боғланадиган бўлак вазифасида келади.

VI. Фонеманинг лексема, морфема, лексемашакл таркибида юзага келадиган аллофонемаларини (шунга боғлиқ ҳолда юзага келадиган аллолексемаларни, алломорфемаларни) парадигматик муносабат (парадигма) ҳосил этади дейиш ўзини окламайти.

Айни бир фонемага бошқа-бошқа товуш ифода жиҳати бўлиб хизмат қилиши тил бирлиги таркибидаги маълум шарт-шароитга ҳамда маълум позицияга боғлиқ ҳолда воқе бўлади¹, лекин бундай аллофонемалар ўзаро парадигма ҳосил этади дейиш учун бири иккинчиси ўрнига эркин танлаб ишлатила олиши лозим; ваҳоланки аллофонемаларда бундай хусусият камдан кам учрайди. Бундан қатъи назар, бу ердаги муносабат икки ва ундан ортиқ тил бирлиги орасидаги муносабат эмас, балки айни бир тил бирлигининг икки намоён бўлиш шакли орасидаги муносабат; шунинг ўзи-ёқ аллофонемаларни ўзаро парадигма ҳосил этади дейиш тўғри эмаслигини кўрсатади. Парадигма учун ягона ҳал этувчи белги деб айни бир позицияни эгаллаш белгисининг тан олинishi оқибатида парадигма (парадигматик муносабат) деб ранг-баранг ҳодисаларни тушуниш юзага келган.

VII. "Тил бирликлари парадигматик, нутқ бирликлари синтагматик боғланишда яшайди"² дейиш – номақбул: 1) "яшайди" эмас, мавжуд бўлади; 2) Шунда асли тил бирликларининг (асли лисоний бирликларнинг) миянинг тил хотираси қисмида мавжуд бўлишини таъкидлаш лозим; 3) Нутқ бирликларига (асли нутқий бирликларга) нисбатан "яшайди" дейишдан кўра намоён бўлиш ҳақида гапириш ўринли; 4) "боғланиш" дейишдан кўра муносабатда бўлиш ҳақида гапириш ўринли (Ф, де Соссюр "отношение" терминини ишлатган); 5) "синтагматик боғланиш" асли тил бирликларига мансуб: Тузма тил бирликларининг маъноли қисмларига хос аранжировкада тил бирликлари ўзаро синтагматик муносабатга киришади; бу ердаги синтагматик муносабатлар тил бирликларига лисоний бирлик сифатида мансуб бўлади; нутқда ана шу лисоний муносабатлар юзага келмайти, балки юзага қалқийди. Бундай синтагматик муносабатлар ушбу ўқув қўлланмасида махсус тасвирланган.

Хуллас, тил бирликлари лисоний бирлик ҳолатида миянинг тил хотираси қисмида асосан ассоциатив муносабат, қисман парадигматик муносабат ҳосил

¹ Булар юқоридаги қўлланмада кенг тасвирланган.

² Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ, 21.

ясовчиларининг нокатегориал формалар (нопарадигматик морфемалар) каторига кўшилгани нотўғри эканини айтиб ўтишни лозим топдик. Бундай шакл ясовчилар (айрим истиснодан ташқари) парадигматик морфемалар дейиш талабларига тўлиқ жавоб беради: Мазмун жихатида умумий ва фарқлиқ семалар мавжуд, тузма тил бирлигининг маъноли қисмлари аранжировкасида айтиб бир позицияни алмашиб эгаллайди.

V. Морфемаларга хос деб қаралган парадигматика (парадигматик муносабатлар) тушунчаси кейинчалик бошқа тил ҳодисаларига ҳам таъбиқ қилинган.

Парадигматик муносабат луғавий синонимларда (лексосинонимларда, фразосинонимларда, лексема билан фразема орасидаги синонимияда) мавжуд. Бундай синонимлар айтиб бир луғавий маънони англатади (умумий семаларга эга бўлади) ва айрим белги-хусусиятлари билан ўзаро фаркланади (хусусий семаларга эга бўлади), айтиб бир луғавий маънони англатиш учун танлаб ишлатилади: *юз-*, *бет-*, *афт-* лексосинонимлари, *огз(и)га талқон сол-*, *мутишла-* фразосинонимлари, *абжир-* лексемаси билан *юлдузни бенарвон ура-* фраземаси каби.

Лексемалар орасидаги, фраземалар орасидаги бошқа тур семантик муносабатларни (антонимик муносабатни, даражали семантик муносабатни, поғонали семантик муносабатни ва бошқаларни) парадигматик муносабат дейиш ўринли эмас; булар асли Ф. де Соссюр таъкидлаган ассоциатив муносабатларнинг кўринишларига тенг, чунки булар парадигма олдига кўйиладиган талабларга жавоб бермайди.

Ҳамид Неъматов эълон қилдирган ўқув қўлланмаларидаги фикрлар орасида танқидий ёндашувга мухтожлари жуда кўп. Шу ўринда лексемаларнинг мазмун жихатига боғлаб айтилган бир фикрни таҳлил қилиш зарур. Ҳамид Неъматов *яхши-* лексемасининг мазмун тизимида берган таҳлилида семема таркибидаги вазифа семаларининг ўзгариши натижасида янги семема турларининг ҳосил бўлишига *яхши-* лексемасининг алоҳида "хўп бўлади, дуруст, маъқул" маъносида гап ёки модал сўз вазифасида келишини "Яхши, хозир етиб бораман", "Сиз бунга зудлик билан жавоб ёзинг" – "Яхши" жумлалари билан намоиш қилади. Шундан кейин морфем парадигмага доир куйидаги фикрни айтади: Модал сўз вазифасида келганида "(яхши) сўзининг ўзида ҳеч қандай ноль кўрсаткичсиз майл, замон, шахс-сон маънолари қоришиқ ҳолда, сўзнинг луғавий маъноси сифатида мужассамлашган. У майл (замон, тасдиқ) инкор, шахс-сон парадигмасини ташкил эта олмайди", – деб ёзади.²

Асли мисол тарзида келтирилган ҳар икки парчада *яхши-* сифат лексемаси эмас, балки шу сифат лексемаси асосида юзага келган модал бирлик катнашаётир, шунга кўра бу ерда сифат билан модал бирлик орасида омонимия юзага келганини тан олиш керак. Модал бирликка нисбатан "майл, замон, тасдиқ-инкор, шахс-сон парадигмаларини ташкил эта олмайди" деган тесқари изохлашга ўрин йўқ: Модал бирликка бундай грамматик маъноларни

¹ Ҳожиёв А. Юкоридаги маъно. 26.

² Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. 101 – 103.

ифодалаш аслида мансуб эмаслигини таъкидлаш лозим. Модал бирликда "ҳеч қандай ноль кўрсаткичсиз майл, замон, шахс-сон маънолари қоришиқ ҳолда ўзининг луғавий маъноси сифатида мужассамлашган" дейиш мутлақо нотўғри. Бу ерда ушбу маъноларни ифодалайдиган парадигма йўқ дейиш бундай маъноларнинг ўзи ҳам йўқ дейишга тенг. Саналган грамматик маънолар "луғавий маънода қоришиқ ҳолда мужассамлашган" деган асосиз фикрни айтишга модал бирлик келтирилган мисолларда гап вазифасида келади деб ўйлаш мажбур қилган. Ваҳоланки модал бирлик ҳар қандай ишлатилишида гапга, гап қурилишининг таркибига кирадиган синтактик бўлакка тенг бўлмайди, балки гапшаклга бир бутун ҳолда тааллуқли, ташқаридан боғланадиган бўлак вазифасида келади.

VI. Фонеманинг лексема, морфема, лексемашакл таркибида юзага келадиган аллофонемаларини (шунга боғлиқ ҳолда юзага келадиган аллолексемаларни, алломорфемаларни) парадигматик муносабат (парадигма) ҳосил этади дейиш ўзини оқламайди.

Айни бир фонемага бошқа-бошқа товуш ифода жиҳати бўлиб хизмат қилиши тил бирлиги таркибидаги маълум шарт-шароитга ҳамда маълум позицияга боғлиқ ҳолда воқе бўлади¹, лекин бундай аллофонемалар ўзаро парадигма ҳосил этади дейиш учун бири иккинчиси ўрнига эркин танлаб ишлатила олиши лозим; ваҳоланки аллофонемаларда бундай хусусият камдан кам учрайди. Бундан қатъи назар, бу ердаги муносабат икки ва ундан ортиқ тил бирлиги орасидаги муносабат эмас, балки айни бир тил бирлигининг икки намоён бўлиш шакли орасидаги муносабат; шунинг ўзи-ёқ аллофонемаларни ўзаро парадигма ҳосил этади дейиш тўғри эмаслигини кўрсатади. Парадигма учун ягона ҳал этувчи белги деб айни бир позицияни эгаллаш белгисининг тан олиниши оқибатида парадигма (парадигматик муносабат) деб ранг-баранг ҳодисаларни тушуниш юзага келган.

VII. "Тил бирликлари парадигматик, нутқ бирликлари синтагматик боғланишда яшайди"² дейиш – номақбул: 1) "яшайди" эмас, мавжуд бўлади; 2) Шунда асли тил бирликларининг (асли лисоний бирликларнинг) миянинг тил хотираси қисмида мавжуд бўлишини таъкидлаш лозим; 3) Нутқ бирликларига (асли нутқий бирликларга) нисбатан "яшайди" дейишдан кўра намоён бўлиш ҳақида гапириш ўринли; 4) "боғланиш" дейишдан кўра муносабатда бўлиш ҳақида гапириш ўринли (Ф, де Соссюр "отношение" терминини ишлатган); 5) "синтагматик боғланиш" асли тил бирликларига мансуб: Тузма тил бирликларининг маъноли қисмларига ҳос аранжировкада тил бирликлари ўзаро синтагматик муносабатга киришади; бу ердаги синтагматик муносабатлар тил бирликларига лисоний бирлик сифатида мансуб бўлади; нутқда ана шу лисоний муносабатлар юзага келмайди, балки юзага қалқийди. Бундай синтагматик муносабатлар ушбу ўқув қўлланмасида махсус тасвирланган.

Хуллас, тил бирликлари лисоний бирлик ҳолатида миянинг тил хотираси қисмида асосан ассоциатив муносабат, қисман парадигматик муносабат ҳосил

¹ Булар юқоридаги қўлланмада кенг тасвирланган.

² Насрматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ, 21.

этган ҳолда мавжуд бўлади. Бундай муносабатлар ҳосил этишни систем муносабат деб эмас, балки ўзаро маълум муносабатда бўлган ҳолда сакланиш деб талқин қилиш тўғрирок.

Луғавий бирликларда боғлашув ва унга тааллуқли ходисалар

Боғлашув (сочетаемость) – луғавий бирликларнинг (лексемаларнинг, фраземаларнинг) асли маъно жиҳатига мансуб хусусият бўлиб, ўзаро синтактик боғланишида юзага қалқийди. Боғлашув ходисаси одатда лексема асосида баён қилинади.

Лисоний бирлик сифатида лексема тушунча англатади. Миянинг тил хотираси қисмида лексемалар якка-якка тамғаланган бўлади. Ана шу лексемаларни ўзаро боғлаш билан тушунчалар бирлашмасини, фикрни билдиришга эришилади. Бир лексеманинг бошқа бир лексема билан ўзаро боғланишини одатда уларнинг луғавий маъноси белгилайди, шунга кўра лексемалар орасидаги боғланиш аввало луғавий маънолар орасидаги боғланиш деб баҳоланади. Лексемаларни ўзаро боғлашда тилнинг синтактик моҳиятга эга морфем бирликлари қатнашади, шуни ҳисобга олиб лексемалар орасидаги синтактик боғланиш ҳақида гапирилади. Аслида яхлит семантик-синтактик боғланиш ҳақида гапириш тўғрирок.

Бир лексеманинг бошқа бир лексема билан боғлана олиш хусусияти чексиз эмас: Ҳар қандай лексема ўзаро боғлашавермайдн. Лексемаларнинг ўзаро боғлаша олишини аввало уларнинг қайси туркумга мансублиги белгилаб кўяди. Лексемаларнинг ўзаро боғлашувига энг кенг қамровли аталганлик ходисаси таъсир кўрсатади. Аталганлик ходисаси деганда лексеманинг *ким-асосли*, *нима-асосли* ёки *ким-* ва *нима-* асосли сўроққа жавоб бўладиган лексемалар билан боғлана олиш хусусияти тушунилади: *ўйла- – ким?* ; *сайра- – нима?*, *кел- – ким* ёки *нима* каби. Лексемаларнинг ўзаро семантик боғлашуви уларнинг луғавий маъноси таркибидаги идеографик семаларга боғлиқ: Икки лексема ўзаро боғлана олиши учун уларнинг луғавий маъноси таркибида интеграл (бир хил) идеографик сема бўлиши ва айни вақтда зид идеографик сема бўлмаслиги лозим.

Юқоридаги умумий хусусиятлардан ташқари лексемаларнинг ўзаро боғлана олишига таъсир кўрсатадиган бошқа тил ходисалари ҳам мавжуд.

“Сўз валентлиги” ҳақида

Бу ерда асли сўзга (сўзшаклига, аниқроғи – лексемашаклга) эмас, балки лексемага хос хусусият кўзда тутилади, шунга кўра *сўз валентлиги* дейиш тўғри эмас.

Икки лексеманинг ўзаро семантик-синтактик боғланиши билан ҳосил бўладиган бирликни *боғланма* термини билан аташ маъқул, чунки бундай синтактик бирлик бир тил бирлигининг бошқа бир тил бирлигига боғланиши билан юзага келади. Шундай тушунчани англатиш учун *қўшилма* терминини ишлатиш ноўрин: Қўшилиш икки бирликнинг тенг алоқага киришувини англатади (Уюшиқ қатор шундай қўшилиш асосида тузилади).

Боғланмада бир лексема бошқа бир лексемани ўзига тобелайди, боғлайди, боғлаш воқе бўлади; иккинчи лексема эса биринчи лексемага тобеланади, боғланади, боғланиш воқе бўлади. Демак, боғлашувда икки томонлама алоқа – ҳоким аъзонинг тобе аъзони ўзига боғлаши ҳам, тобе аъзонинг ҳоким аъзога боғланиши ҳам кўзда тутилади (*Қўшилма* термини бундай тушунчани англата олмайди). Масалан, *қалин китоб*- сифатловчили бирикмасида *китоб*-лексемаси *қалин* лексемашаклини ўзига боғлайди, *қалин* лексемашакли *китоб*-лексемасига боғланади, натижада боғланма тузилади.

Лисоний бирлик сифатида лексемаларга хос боғлашув имконияти ҳақида кенгрок маълумот дарсликда берилган.¹ Бу ерда айрим фикрларга аниқлик киритилади.

1) Лексеманинг бошқа бир лексема билан боғлашув имконияти лексемага мансуб потенциал хусусият сифатида *валентлик* деб номланди. Бу лексема лотинча бўлиб (*valentio* – ‘куч’), “бирор элемент атомининг бошқа элемент атомлари билан бирлаша олиш қобилияти” маъносини англатади.² Химия фанидан ўзлаштирилган бу термин тилшуносликда дастлаб “бирор бирликнинг ўз табиатидан чиқиб келиб атрофида олдиндан айтиш мумкин бўлган очиқ позиция ҳосил этиш хусусияти” маъноси билан ишлатилиб, кейинчалик лексемаларнинг ҳар қандай боғлашувига нисбатан (кенг маънода) қўлланадиган бўлди.

2) Валентлик – лексемага лисоний бирлик сифатида мансуб имконият тарзида мавҳум ҳодиса; лекин шу имкониятнинг лексема билан биргаликда нутқда намоён бўлиши – моддий ҳодиса. Демак, валентликнинг лисоний ҳолатини ва нуткий ҳолатини фарқлаш керак. Валентликнинг бу икки ҳолатини “валентлик – синтактик алоқа” деб фарқлаш ҳам, мантик категориялари асосида сунъий зидлаш ҳам, лексемага мансуб валентликнинг “луғавий ва синтактик қатламлари” деб ажратиш ҳам ўринли эмас.

3) “Луғавий валентлик” деганда лексемалар англатадиган луғавий маъноларнинг аталганлик ҳодисасига кўра, идеографик семаларига кўра ўзаро бирика олиш-бирика олмаслигини тушуниш тўғри бўлмайди. Бу ҳодиса асли *валентлик* дейилмайди, балки *семантик боғлашув* (семантическая сочетаемость) дейилади.

Тобеланувчи лексемашаклнинг тобеловчи лексема(шакл) талаби билан синтактик вазифани таъминлайдиган грамматик шаклда бўлишини алоҳида “синтактик валентлик” деб изоҳлаш ўринли эмас.³

4) “*Хатни ёзди. Хат ёзилди* синтактик қурилмаларида *хатни* ва *хат* сўзларининг грамматик шакли бош сўзнинг грамматик шакли билан белгиланган” дейиш – ўта кенг: Фельнинг аниқ нисбат шакли мажхул нисбат шаклига алмашуви билан воқе бўлишини аниқ айтиш лозим.

5) Ўқув қўлланмасининг 19- саҳифасида келтирилган тўрт жумладан биринчиси (*Терговчи жиноятни очди*) ва тўртинчиси (*Гул очилди*) – табиий, лекин кескин фарқ қилади: Фель кесим биринчи жумлада аниқ нисбат

¹ Rahmatullayev Shavkat. Hozirgi adabiy o'zbek tili (darslik). "Universitet", -T.: 2006, 291 – 302.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -М.: 1981, I жилд, 172.

³ Курбонова М ва бошқалар. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. -Т.: 2004. 16 – 20.

шаклида, тўртинчи жумлада эса ўзлик шаклида (Очилиш харакати ўз-ўзича воқе бўлади), шунга кўра тўртинчи жумлада "ҳам маънавий, ҳам синтактик валентликлар буткул ўзгарган" дейиш, бундай ҳодисада "сўз ясалиши содир бўлади" дейиш тўғри эмас. Учинчи жумла – русчадан амалга оширилган калька, демак, сунъий; ўзбек тили ҳодисаси деб тақдим этилиши шартли. Иккинчи жумла ҳам сунъий: Бундай жумла ўзбек тилида асосан *Жиноят очилди* тарзида тузилади; фақат расмий нутқда *терговчи томонидан* воситали тўлдирувчисига мурожаат қилинади. Бундай жумла русчадан калькалашган тенг.

б) *Оч- очил-* шаклларида лексик маъно ўзгармаган, лекин синтактик шакл ўзгарган дейиш олдинги саҳифада айтилган фикрга зид: "булардан бири ўзгарса, иккинчиси ҳам ўзгаради" дейилган.¹ Демак, *оч- очил-, етакла- етаклат-* каби шакл ясалишлари билан лексеманинг луғавий маъносига мансуб валентлик ўзгаради, шу орқали бундай бирликнинг айна вақтда "семантик-синтактик валентлигида" ўзгариш юз беради. Бу ерда шакл ясовчи морфема лексеманинг валентлик имкониятига ўзгартириш киритади.

"Грамматик шакл валентлиги" ҳақида

Лексеманинг семантик-синтактик валентлигидан ташқари "грамматик шакл валентлиги" ҳақида гапириш пайдо бўлди.²

1. Аввало, лексеманинг валентлик хусусиятига таъсир қиладиган грамматик шакллар (шакл ҳосил қиладиган морфемалар) бошқа тур морфемалардан ажратиб баҳоланиши лозим. Ўқув қўлланмасида таъкидланган "орттирма нисбат морфемаси", "мажҳул ва ўзлик нисбат шакллари" – шулар жумласидан. Тўғри таъкидланганидек булар "ўзи қўшилиб келган сўзнинг (асли лексеманинг – Ш.Р.) синтактик имкониятларини (аниқроғи – валентлик имкониятларини – Ш.Р.) ўзгартиради. Бунда шакл ясовчиларнинг лексемага мансуб синтактик валентликни ўзгартиришига нисбатан "кенгайтиради ёки торайтиради" дейиш ўринли эмас; асли қандайдир хусусиятнинг қўшилиши ёки йўқалиши ҳақида гапириш тўғри, лекин бу етарли эмас. Масалан, мажҳул нисбат ясовчиси бажарувчи эга билан боғланишнинг йўқалишига (мажҳуллашишига) ва айна вақтда воситасиз тўлдирувчининг эга мавқеига ўтишига (алмашинувига) сабаб бўлади. Демак, бундай шакл ясалиши туфайли лексеманинг синтактик валентлик хусусиятида йўқалиш ва алмашиниш воқе бўлади ва б.

Бундан қатъи назар, таҳлил қилинаётган морфемаларнинг асосий, бирламчи вазифаси бошқа: Лексеманинг маъно мундарижасига, масалан, орттирма ясовчиси "бажартирувчи" семасини, мажҳул нисбат ясовчиси "бажарувчини мажҳуллаш" семасини қўшади; ана шундай маъно узвлари қўшилиши орқали лексеманинг валентлик имкониятида ўзгариш юз беради ва бундай ўзгариш билан ўтимлилашиш, ўтимсизлашиш оқибатида лексеманинг валентлиги ўзгаради. Демак, ясовчи ўзича валентлик хусусиятига эга эмас (Лексеманинг валентлик хусусиятига таъсир қиладиган бундай шакл

¹ Юқоридаги манба, 20, 19.

² Юқоридаги манба. 20 - 21.

ясашишлари ўзбек тилшунослигида аллақачонлардан буён тасвирлаб келинади).¹

Ўнта китоб-, *ўнта китобча-* бирикмаси тузилиши, *ўнта китоблар-* бирикмаси тузилмаслиги, *катта китоб-*, *катта китоблар-* бирикмаси тузилиши, *катта китобча-* бирикмаси тузилмаслиги бошқача изоҳланиши лозим.

Ўзбек тилида сифатловчи микдор маъносини англатадиган бирлик билан ифодаланса, сифатланмиш бўлиб келган от лексемага одатда кўплик ясовчиси қўшилмайди: *кўп китоб-*, *ўнта китоб-* каби; *кўп китоблар-* каби *-лар* аффикси қўшиб ишлатиш билан соф кўплик эмас, 'турли хил' маъноси ифодаланиши адабиётларда таъкидланган. Демак, бу ерда ўзбек тилининг ўзига хос синтактик боғлашув хусусияти акс этади (Қиёсланг: Рус тилининг ўзига хос синтактик-семантик боғлашув хусусиятига биноан *много книг*, *десять книг* каби бирикмаларда от лексема кўплик шаклида ишлатилади).

Битта китоб- бирикмасида гўё бирлик сонда мослик воқе бўлади, от лексемани *битта китоблар-* шаклида *-лар* қўшиб ишлатиш мумкин эмас. *Ўнта китоб-*, *кўп китоб-* бирикмаларида гўё бирикма аъзолари орасида сон жиҳатидан мутаносиблик бузилгандек кўринади. Аслида *китоб-* шакли адабиётларда таъкидланганидек 'чегараланмаган кўплик' маъносини ифодалашига кўра бундай бирикмаларда ҳам сонда мутаносиблик сақланган бўлиб чиқади. *Кўп китоблар-* каби ишлатишда *-лар* морфемасининг валентлиги ҳақида гапириб бўлмайди, чунки *-лар* морфемасининг бундай маъно билан ишлатилиши сифатловчи билан сифатланмишнинг боғлашувига алоқадор эмас.

Катта китобча- бирикмасининг тузилмаслигига бу икки лексеманинг маъно мундарижасида зид семаларнинг мавжудлиги сабабчи.

Кўринадики, юқорида таҳлил қилинган икки тур бирикмалар асосида бошқа-бошқа ходиса ётади. "Лексеманинг бириктириш имкониятига *-ча* аффиксининг таъсири" семантик боғлашув ходисаси сифатида алоҳида баҳоланиши керак.

2. Ўқув қўлланмасида тусловчи, нисбатловчи "ўзи қўшилган лексемага бошқа бир лексема билан бирикиш эҳтиёжини, заруратини юзага келтиради, ана шундай эҳтиёж, зарурат бу аффиксларнинг валентлигидир" дейилиб, *Шоирман* мисоли келтирилган.

"Шоирман сўзшакли *-ман* шахс-сон қўшимчаси билан бирикмасдан олдин" ифодаси нотўғри тузилган: 1) *шоирман* эмас, *шоир* лексемашакли дейиш лозимлиги шу жумланинг кейинги қисмидан – "яъни [*шоир*] лексемаси"дан очиқ кўриниб турибди; 2) *Шоирман* лексемашаклига *-ман* қисми бирикмайди, қўшилади; 3) *-ман* қўшиладиган қисм бу ерда лексемага эмас, лексемашаклга тенг: *-ман* тусловчиси бирлик, бош келишик шаклидаги от лексемашаклга қўшилаётир.

Айтилганлардан қатъи назар, *-ман* тусловчиси *мен* олмоши билан бирикиш эҳтиёжини туғдирмайди, аксинча, *мен* олмоши эга вазифасида

¹ Масалан, юқорида тилга олинган дарсликнинг 159 – 171-, 293 – 298- саҳифаларига қаранг.

келиши туфайли кесим вазифасида келаётган от лексемашаклга *-ман* тусловчиси қўшилишини белгилайди. Чунки олдин фикр предмети (эга, бажарувчи) аниқланиб, кейин фикр предметидан англашиладиган шахс-сон маъносига монанд равишда тусловчи танлаб қўшилади (Отни арава тортмайди, аравани от тортади!).

Нисбатловчининг қўшилишида ҳам шу қатъий қоидага амал қилинади: Қаратувчи вазифасида келадиган от лексемадан (от лексемага тенглаштирилган бошқа туркум бирлигидан) англашиладиган шахс-сон маъносига монанд равишда қаралмишга нисбатловчи танлаб қўшилади. Булар – аксиома. Аффиксга валентлик хос деган нотўғри фикрни исботлашга уриниш юқоридаги ғайримантикий фикрларни айтишга мажбур қилган.

Тусловчи, нисбатловчи (шакл ўзгартирувчи) лексеманинг валентлик хусусиятига таъсир ўтказмайди. Шунга кўра тусловчи, нисбатловчини юқорирокда тасвирланган шакл ясовчиларга тенглаштириш мутлақо мумкин эмас.¹

3. Боғлашув (валентлик) луғавий бирлик (лисоний бирлик) сифатида фраземаларга ҳам мансуб бўлиб, ўзига хос йўсинда рўёбга чиқади.²

"Кенгайтирувчилар" ҳақида

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб гап қурилишида қатнашадиган ҳар бир бўлакни "гап бўлаги" сифатида талкин қилиш нотўғри дейилиб, "гапнинг II даражали бўлаклари" тушунчасидан (терминидан) воз кечиш ҳаракати бошланди. Ана шу ҳаракатни ҳисобга олиб "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида мақола эълон қилдим. Унинг хулоса қисмида ҳодисанинг умумий номи учун *синтактик бўлак* терминини тавсия қилиб, *бош бўлақлар* термини ўрнига *гапнинг бўлаклари* терминини, *иккинчи даражали бўлақлар* термини ўрнига *бирикманинг бўлаклари* терминини ишлатдим.³ Бу таклифга ўзбек тилшунослигида нимагадир эътибор берилмади.

Н.Ю.Шведова "Иккинчи даражали бўлак" термини ва тушунчаси ўрнига "распространители" термини ва тушунчасини киритди.⁴ Унда гапнинг предикатив асосига (қурилиш схемасига) мансуб компонентлар *бош бўлақлар* (главные члены)⁵, гапнинг эга ва кесим бўлаклари дейилиши, бундай тузиладиган гаплар эса эга-кесимли гаплар дейилиши айтилди. Гап таркибида қатнашадиган бошқа бўлақлар сўз ёювчилари (присловные распространители) ёки гапни бир бутун ҳолда ёювчилар (детерминанты) деб ажратилди.⁶ Ҳамид Неъматов *распространители* терминини *кенгайтирувчилар* деб калькалаб қабул қилди.⁷

¹ Яна қаранг: Раҳматуллаев Шавкат. Ҳозирги адабий о'zbek тили (darslik). "Universitet", -Т.: 2006, 302 – 351.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. "Университет", -Т.: 1992; Раҳматуллаев Шавкат. Ҳозирги адабий о'zbek тили (darslik). "Universitet", -Т.: 2006, 443 – 446.

³ Раҳматуллаев Ш. Гапга, бирикмага доир баъзи тушунча ва терминлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, № 6, 32 – 35.

⁴ Русская грамматика. II том. Синтаксис. «Наука», -М.: 1980.

⁵ Юқоридаги манба, 139.

⁶ Юқоридаги манба, 133.

⁷ Ҳозирги замон ўзбек тили (Содда гап синтаксиси учун материаллар). –Т.: 2002, 26 – 32.

“Сўз кенгайтирувчилари” ҳақида


Асли сўз ёювчиси, сўз кенгайтирувчиси тушунчаси тўғри эмас: сўз (лексема) ёйилмайди, кенгаймайди, ёйик, кенгайган сўз (лексема) юзага келмайди, ўзича сақланади, фақат лексемага мансуб боғлашув (валентлик) имконияти намоён бўлади, вокеланади; натижада бирикма тузилади.

Йиғиқ ёки ёйиқ бўлиш – бирикмага хос хусусият: икки аъзоли бирикма – йиғиқ бирикма (*китоб ол- каби*), бирикманинг ҳоким аъзосига тўғридан тўғри икки ва ундан ортиқ тобе аъзо боғланса, ёйиқ бирикма дейилади: *китобни кутубхонадан ол- каби*. Бирикмаларни тузилишига кўра содда ва мураккаб бирикма деб номлаш ўринли эмас.¹ Гапшакл таркибида кесим аъзога боғланиб келган бўлак қатнашса, бундай гапшакл ёйиқ гапшакл дейилади: *Китобни кутубхонадан кеча олдим каби* (Бу ҳақда ўз ўрнида гапирилади).

Хуллас, ёювчи бўлак бирикманинг, гапшаклнинг тузилиш схемасига (формуласига) доир тушунча бўлиб, бу тушунчани (терминни) сўзга (лексемага) нисбатан ишлатиш ноўрин; сўзга (лексемага) нисбатан унинг табиати белгилайдиган боғлашув (валентлик) имкониятининг намоён бўлиши, вокеланиши ҳақида гапириш тўғри.

Лексеманинг боғлашув (валентлик) имконияти одатда ушбу лексемага синтактик тобе ҳолатда боғланадиган (бирикадиган) лексемашакл билан реаллашади, руёбга чиқади, ана шундай лексемашакл бирикманинг бўлаги бўлиб келади. Бундай лексемашаклни (шундай вазифада келадиган бирикмашаклни ҳам) яна бир термин билан аташ ортиқча, *бирикманинг бўлаги* деб аташ етарли. Бирикманинг бўлаги ўз навбатида *сифатловчи, қаратувчи, изоҳловчи* каби номлар билан аталаверади.

Сўз кенгайтирувчиси тушунчасининг салбий томони яна шундаки, бирикма таркибидаги икки ва ундан ортиқ тобе аъзоларнинг ўзаро синтактик боғланишининг нотўғри белгиланишига сабаб бўлади. Масалан, *қўй-лексемаси* билан *катта, семиз, қора* лексемашакллари синтактик боғланишини



тарзида стрелка чизиб кўрсатиш тўғри эмас: Бу уч сифатловчи уюшмаган деб туриб уларни *қўй-* лексемасига тўғридан тўғри (муस्ताқил ҳолатда) боғлаш амалга оширилган. Асли бу бирикмани таркиб топтирувчи қисмлар қавслар ёрдамида {катта} X {[семиз] [(қора) X (қўй-)]}- каби кўрсатилиши тўғри. Шунингдек, кейинги мисол таркибини *бола* ← *ўқиётган* ← *мактабда* ← *кундузги* тарзида кўрсатиш нотўғри, {[кундузги] X (мактаб)} + *да* X [ўқи-] ← *ётган* X {*бола*}- тарзида кўрсатиш маъқул.

¹ Курбонова М. ва бошқалар. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, 37.

Ушбу бирикмалар таркибидаги синтактик боғланишларни ост чизиклар ёрдамида куйидагича кўрсатиш ҳам мумкин:

<u>катта</u>	<u>семиз</u>	<u>қора</u>	<u>қуй-</u>
<u>кундузги</u>	<u>мактабда</u>	<u>ўқийтган</u>	<u>бола-</u>

Бирикмани таркиб топтирувчи қисмларни стрелка ёрдамида кўрсатиш билан олдин *бола-* лексемасига *ўқийтган* лексемашакли, кейин *ўқийтган* лексемашаклига *мактабда* лексемашакли, сўнгра *мактабда* лексемашаклига *кундузги* лексемашакли кенгайтирувчи сифатида қўшилади деган нотўғри фикр туғилади. Амалда эса олдин *кундузги* лексемашакли *мактаб-* лексемасига тобеланади, шундай боғланиш натижасида тузилган *кундузги мактаб-* бирикмасига сон ва келишик шакли қўшиб бирикмашакл хосил қилинади ва у *ўқи-* лексемасига тобеланиб *кундузги мактабда ўқи-* бирикмаси тузилади, сўнгра бу бирикмага сифатдош шакли ясовчиси қўшиб, бирикмашакл ҳолатида *бола-* лексемасига тобеланади.¹

Кўринадики, стрелкалардан ўқув қўлланмасидаги тарзда фойдаланиш бирикма аъзолари орасидаги ҳақиқий синтактик алоқани аниқ кўрсата олмайди. Бундан қатъи назар, бирикма бўлагига нисбатан кенгайтирувчи ҳақида гапириш ҳодисани нотўғри тушунтириш бўлади.²

“Гап кенгайтирувчилари” ҳақида

Содда гапшакл лисоний синтактик бирлик ҳолатида маълум “структур схема”га тенг бўлиб,³ бундай структур формула (қурилиш формуласи) аниқ лексемашакл билан тўлдирилган ҳолатида нутқий бирликка айланади, жумла деб юритилади.

Содда гапшаклнинг қурилиш формуласи икки аъзоли ёки бир аъзоли деб таснифланади. Қурилиш формуласи икки аъзоли содда гапшакл одатда икки лексемашаклнинг синтактик боғланиши билан тузилади; биринчи аъзо ўзбек тилида бош келишикдаги лексемашакл билан, иккинчи аъзо эса одатда тусловчили лексемашакл билан ифодаланади, биринчи аъзо *эга*, иккинчи аъзо *кесим* дейилади.

“Русская грамматика”да *эга* билан *кесимни бош бўлақлар* деб номлаш сақланган⁴; асли *гап бўлақлари* дейиш тўғри, чунки *гап ёювчилари* тушунчаси ва термини киритилиши билан *бош бўлақлар* тушунчаси ва термини ҳам ўзгартирилиши зарур эди.

“Русская грамматика”да гап ёювчилари *детерминант* деб номланиб,

¹ Раҳматуллаев Ш. Синтактик таҳлилнинг айрим жиҳатлари // Филология (илмий мақолалар тўплами). IV. Самарканд, 2002, 17 – 19

² Қурбонова М. ва бошқалар. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, 37 – 39.

³ Русская грамматика, 84.

⁴ Юкоридаги манба, 237.

гапшакл қурилишида асли кесимга синтактик тобеланадиган, лекин мазмунан гапшаклга бир бутун ҳолда тааллуқли бўладиган, тўлдирувчи, ҳол (ҳолловчи) деб номланиб келадиган синтактик бўлақлар, шунингдек ундалима тушунилади.¹

Ҳамид Неъматов "Русская грамматика"да ишлатилган *распространители предложения* терминини *гап кенгайтирувчилари* деб калькалаб, бошқача мазмун бириктириб фойдаланади.

Турли бўлақлардан таркиб топган бир неча гапшаклни юзаки таққослаб, уларнинг барчаси таркибида фақат кесим зарурий, мажбурий бўлак сифатида қатнашаётганини асосга олиб ўзбек тилида содда гапшаклнинг лисоний синтактик қолипи кесимдан иборат деб ҳукм чиқарилади ва гап кенгайтирувчиси деб кесим бўлак таркибидаги кесимлик кўрсаткичларига мансуб морфемаларга боғланадиган синтактик бўлак тушунилади.

1. Грамматик шакл ясовчи морфемага ҳам валентлик хос деган ғоядан чиқиб келиб эга бўлак кесим таркибидаги тусловчига хос валентликни "муайянлаштиради" дейилади ва шу асосда эга бўлакни "гап кенгайтирувчисидир" деб ҳукм чиқарилади.² Бундай тушунишга кўра аввал кесим вазифаси учун лексема ва унга қўшиладиган тусловчи танланиб, кейин эга вазифасида келадиган лексемашакл (бажарувчи) аниқланади. Бундай тушунишга кўра гапшакл тузиш эгадан (агар у гапшаклда қатнашса, албатта) бошланмайди, кесимдан бошланиб, олдин унга тусловчи қўшилади, шу тусловчи "гап эгасининг шахси ва сони ҳақида маълумот беради ва уни яна алоҳида гап бўлаги билан доимо қайтадан такрорлаб ўтиришга ҳеч зарурат қолмайди. Демак, ўзбек тилида умумий гап қолипи эгасиздир", – дейилади.³

Аввало, бундай фикрлаш гапшаклнинг барча турларига эмас, балки "эга X кесим" формуласи билан тузиладиган *Мен келаман* каби гапшаклнинг эгаси ишлатилмаган *Келаман* каби кўринишига-гина тааллуқли.

Бу ерда ҳам яна чегараланиш мавжуд: Эга кишилик олмоши билан ифодаланиши лозим бўлганида-гина бундай эга гапшакл таркибида қатнашмаслиги (эллипланиши) мумкин; чунки кишилик олмоши ва унга монанд тусловчи айни бир грамматик маъноларни ифодалайди, натижада плеоназм воқе бўлади. Тилнинг иқтисод қонунига биноан "ортиқчалик" кишилик олмошини ишлатмаслик билан бартараф қилинади, чунки кесим таркибидаги тусловчини одатда ташлаб бўлмайди (Асли кишилик олмошини эмас, тусловчини ташлаш ҳоллари ҳам учрайди: *Сенинг учун мен қуйган, Сенинг қуйганинг ёлгон* каби).

II шахсда на олмош, на тусловчи фикр предметининг шахсини аниқ ифодаламайди; III шахсда нарса ифодаланганида эга вазифасида келиши лозим турдош от (унга тенглаштириладиган бирлик) гапшакл таркибида қатнашиши зарур бўлади, акс ҳолда фикр предмети ноаниқ бўлиб қолади, шунга кўра бундай гапшаклларда эга бўлак гапшакл формуласидан ўрин олиши лозимлиги

¹ Русская грамматика, 149 – 166.

² Курбонова М. ва бошқалар. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, 60 – 62.

³ Неъматов Х. ва бошқалар. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари, 22.

тан олинади.¹

Факт – ўжар нарса. Ҳар қандай "ажойиб" ғоя фикран олға сурилган билан воқелик уни тасдиқламаса, беҳуда, пуч бўлиб чиқади. Ўзбекча оригинал прозани сидирғасига кузатиш кўрсатдики, содда гапшаклга тенг 700 мисолга 500 мисол таркибида эга бўлак қатнашган.² Агар эга бўлак гапшакгли лисоний формуласи таркибида йўқ бўлса, эга гапшаклнинг нутқий намуна бўлишида шу қадар кенг миқёсда қатнашмаган бўлар эди.

Хуллас, содда гапшаклнинг структур турлари қаторида бош ўринда эга кесим аъзоли гапшаклар туради; кесим бўлакли (бир бош бўлакга гапшаклар асли ана шу икки аъзоли гапшаклар асосида юзага келган, Хамид Неъматов олға сураётган морфем валентлик ғояси бир бош бўлакли (кесим бўлакли) гапшакл турларига умуман тааллуқли эмас, демак, жузъий ғоя.

Эга билан кесим орасидаги синтактик алоқа яқинларгача мослашув дей келингани, ҳозир мувофиқлашув (координация) дейилаётгани маълум. Шу нуқтайи назардан ёндашилганида ҳам тусловчи кесим таркибига эга бўлакда англашиладиган шахс-сон маъносига мутаносиб равишда танлаб қўшила дейиш тўғри (Бу ҳақда кейинроқ гапирамиз).

Ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам шакл ҳосил қиладиган морфемага валентлик хусусияти хос деган фикр тўғри эканига ишонтириш зарурияти асли эга вазифасидаги кишилик олмоши (III шахсда – бошқа тил бирликлари) билан мувофиқлашиб қўшиладиган тусловчи эгани белгилайди деган фикрни айтишга мажбур қилган. Бундай фикр асосли эмаслигини кўрсатадиган тил ҳодисалари анчагина. Масалан, уюшиқ қатор ҳар хил шахс маъносини ифодалайдиган бирликлардан тузилса, тусловчи ҳеч сўзсиз шуларга монанд равишда танлаб қўшилади.

Ҳамид Неъматовнинг субъектив фикри объектив воқеликка зид экани ошкор бўла бошлаганидан кейин гапшаклнинг маълум турларида эга бўлакнинг ифодаланиши зарур экани тан олинди, жумладан, мажхул нисбат ясалиши билан юзага келадиган пассив қурилмада (конструкцияда) эга бўлакнинг қатнашуви зарурий экани таъкидланди³ ва бошқалар.

Кўринадики, гапшаклнинг бош лисоний формуласи эга ва кесим бўлаклардан иборат бўлиб, эга бўлакнинг гапшакл таркибида мавжуд бўлмаслигининг ўз изоҳлари бор.

Хуллас, содда гапшаклнинг дунё тилшунослигида асосга олинадиган "эга X кесим" формуласини зўрма-зўраки талқин дейиш, ўзбекча содда гапшаклнинг асосий формуласи эгасиз дейиш – тил қурилишига тескари ёндашиб зўрма-зўраки айтилган фикр.

Ғарбий Европа тилларида, рус тилида ҳам кесим таркибида тусловчи қўпинча қатнашмаслиги сабабли у тилларда эганинг гапшаклда қатнашуви лозимлигини таъкидлаш қисман-гина тўғри. *Пришёл* каби ўтган замон шаклидаги феъл лексемашаклда тусловчи қатнашмайди, ҳаракат-ҳолатнинг шахси эга вазифасидаги лексемашакл билан ифодаланади: *Я пришёл, ты*

¹ Ҳозирги замон ўзбек тили. -Т.: 2002, 39.

² Rahmatullayev Shavkat. Hozirgi adabiy o'zbek tili. "Universitet", -Т.: 2006, 302.

³ Курбонова М. ва бошқалар. Юкорида тилга олинган манба. 79.

пришъл каби. Лекин ҳозирги-келаси замон шаклидаги *приду*, *придешь* каби феъл лексемашакл таркибида тусловчи қатнашади, бажарувчининг шахс-сонини аниқ ифодаланади. Шунга қарамай эга алоҳида лексемашакл билан ифодаланаверади; эганинг ифодаланмаслиги нутқий ҳодиса деб, бундай гап тўлиқсиз гап деб баҳоланади.

Демак, гапшаклнинг предикатив асосини кесим таркибида тусловчи қатнашуви-қатнашмаслигига боғлаб эмас, балки эганинг гапшакл таркибида мавжуд бўла олиши-бўла олмаслигига қараб белгилаш лозим.

2. Ҳамид Неъматовнинг фикрича кесим вазифасида келадиган лексемашакл таркибидаги замон шаклини ясовчи морфемага ҳам валентлик хусусияти хос. Бу фикрни *бугун ўқитувчи*, *келаси ўқитувчи*, *бирга ўқитувчи* каби сунъий, амалиётда учрамайдиган “ҳол-от бирикма”ларини ўзича тузиб исботлашга ҳаракат қилинади; шундай сунъий бирикмалар тузмасдан, ҳолнинг феълга боғланишини мисол сифатида танласак, “ҳолларнинг гап кенгайтирувчи эканлигини очиқ-ойдин кўрсата олмас эдик”, – деб ёзилган.¹ Бу “дил иқрори” ҳам олға сурилайдиган фикрнинг асоссиз эканини очиқ-ойдин тасдиқлайди.

Кесим таркибида замон маъносини ифодалайдиган морфема қатнашади, чунки фикр предметиға нисбат бериладиган ҳаракат-ҳолат, белги одатда маълум замонда воқе бўлади. Кесим таркибидаги бундай морфема ана шундай умумфалсафий замон маъносини нутқ моментига кўра ўтган, ҳозирги, келаси замон сифатида ифодалайди. Замон маъносини ифодалайдиган морфема билан пайт маъносини англатадиган лексеманинг семантик мундарижасида зид сема бўлмаслиги керак. Бундай хусусият валентлик эмас, семантик боғлашув (семантическая сочетаемость) дейилади, шунга кўра бу ерда семантик мутаносиблик талаб қилиниши ҳақида гапириш лозим.

Асли пайт ҳолловчиси – “ҳолловчи *X* ҳолланмиш” формуласи билан тузиладиган бирикмаларнинг бир кўриниши таркибида қатнашадиган бўлак, аниқроғи – бирикманинг тобе бўлаги. Бундай бирикмада ҳолланмиш одатда феъл лексема билан ифодаланади, бирикма яхлитлигича сифатловчи, тўлдирувчи каби синтактик вазифада кела олади.² Бундай бирикмалар таркибидаги ҳолловчинини асли Ҳамид Неъматов ишлатадиган “сўз кенгайтирувчи” термини билан аташ тўғрироқ: *кеча кел-*, *бугун кел-*, *эртага кел-*, *эрта кел-*, *кеч кел-* каби.


Бундай бирикмаларни, масалан, сифатловчи вазифасида келтириш лозим бўлса, у сифатдошнинг маълум замон маъносини ифодалайдиган шаклида ишлатилади: *[(кеча X келган) X (киши-)]-*, *[(бугун X келадиган) X (киши-)]-*, *[(эртага X келадиган) X (киши-)]-* каби. Бундай бирикмалар таркибидаги *кеча келган* каби қисм бирикманинг бўлаги мавқеига эга, гапшаклнинг кесимига боғланмайди. Шунга қарамай семантик боғлашув шартини бу ерда ҳам ўз кучини йўқатмайди: Бирикма *эртага келган* шаклида тузилмайди. Кўринадики, пайт ҳолловчиси асли гапшаклнинг грамматик маркази дейиладиган кесимга эмас,

¹ Ҳозирги замон ўзбек тили. -Т.: 2002. 40 – 42.

² Буни менинг мақоладан кўчирма келтирган ҳолда Ҳамид Неъматов тан олган (Ҳозирги замон ўзбек тили, 2002, 29).

"ҳолловчи X ҳолланмиш" бирикмасининг ҳоким аъзосига боғланади. Аёв бўладики, пайт ҳолловчисини кесим таркибидаги морфемага ҳос валентликнинг воқеланиши, бундай ҳолловчи гап кенгайтирувчиси дейиш ҳодисани тор доирада олиб фикр юритиш оқибатида айтилган фикр бўлиб чиқади. Грамматик замон категорияси кесимдан ташқарида ҳам мавжуд, кенг грамматик категория бўлиб, сифатдош, равишдош шакли ясовчиларига ҳам замон маъносини ифодалаш мансуб.

Кесим таркибида пайт ҳолловчисини билан мутаносиблик ҳосил этадиган замон шакли ясовчи морфема мавжуд, лекин ҳолловчининг бошқа маъно турларида бундай мутаносиблик ҳосил этадиган морфема йўқ, демак, морфем валентлик йўқ. Шу сабабли ҳолловчининг пайт ҳолловчисидан бошқа маъно турлари "сўз валентлигининг воқеланиши ва феълларга тобеланиб келган ҳолида сўз кенгайтирувчилари сифатида баҳоланиши керак", – дейишга мажбур бўлинган.¹ Лекин бошқа манбада "Демак, эга ва ҳол билан гапнинг минимал қолипи (WP_m) ни кенгайтирсак, у куйидагича кўринишни олади", – деб



чизмаси келтирилган,² натижада гап кенгайтирувчиси деб ҳолнинг барча маъно турлари қамраб олинган ва юқорида "сўз кенгайтирувчилари" деб таъкидланган ҳол турлари ҳам "гап кенгайтирувчилари" деб тақдим қилинган.

Хуллас: 1) Замон маъноси фақат кесимлик кўрсаткичларига (предикатив кўрсаткичларга) мансуб дейиш мумкин эмас, чунки сифатдош, равишдош шакли ясовчилари ҳам замон маъносини ифодалайди; 2) Ҳар қандай ҳаракат-ҳолат, белги маълум замонда, маълум маконда, турли сабаб ва мақсад билан воқе бўлади; бундай маънолар ҳолловчи билан ифодаланади; ҳолловчи (шу жумладан пайт ҳолловчиси ҳам) ҳолланмишига тобеланади, натижада ҳолловчили бирикма тузилади; демак, ҳолловчи асли бирикманинг тобе аъзоси бўлиб, ҳоким аъзо бўлиб келадиган лексеманинг синтактик боғлашув (валентлик) имкониятини воқелантиради; ҳолловчидан англашиладиган пайт маъноси билан ҳолланмишда ифодаланадиган пайт маъноси ўзаро мутаносиб бўлиши талаб қилинади; бундай талаб валентлик эмас, семантик боғлашув дейилади; 3) Ҳолловчили бирикма гапшакл қурилишига икки тарзда киритилади: а) кесим вазифасида келадиган шаклда, б) кесимдан бошқа вазифада келадиган шаклда. Иккинчи ҳолатда ҳолловчили бирикма бирикманинг бўлаги бўлиб келади.

Биринчи ҳолатда эса ҳолловчили бирикмага кесимлик кўрсаткичлари, жумладан замон ясовчиси қўшилади. Ана шунда "ҳолловчи X ҳолланмиш"

¹ Ҳозирги замон ўзбек тили, 2002. 41, 42.

² Курбонова М. ва бошқалар. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, -Т.: 2004, 65.

алоқаси гўё "ҳолловчи X кесим" алоқасига алмашади. Масалан, *бугун бошлан-бирикмаси бугун бошланадиган ҳафта* бирикмаси таркибида ўз бирикмалик ҳолатини саклайди: (*бугун бошланадиган* = сифатловчи) X (*ҳафта* = сифатланмиш) каби; *Ҳафта бугун бошланади* жумласида эса ушбу бирикма кесим мавқеида ишлатилиб, асли "ҳолловчи X ҳолланмиш / кесим" ҳолатига ўтади, айти вақтда "ҳолланмиш / кесим" қисмида ўзгариш юз беради: "ҳолланмиш"лик сўнади, натижада ҳолловчида нисбий мустақиллик юзга келиб, кесимга, кесим орқали гапшаклга боғланадиган бўлакка айланади, ана шундай бўлак *детерминант* дейилади, детерминант қатнашадиган гапшакл эса *ёйиқ гапшакл* дейилади; гапшаклни "кенгайтирадиган бўлак" бу ерда ана шундай трансформация билан юзага келади.

Демак, асли бирикманинг ҳолловчи бўлаги гапшакл таркибида гапни ёювчи бўлакка айланишини кесимлик категорияси таркибидаги морфемага боғлаш асосли эмас.

3. Ҳамид Нсѐматов тўлдирувчини бирикманинг бўлаги, сўз кенгайтирувчиси дейди, шунга кўра гапшаклни ёювчи бўлақлар қаторига киритмайди. Унинг таъкидлашича "ҳолловчи кесимлик кўрсаткичларига, тўлдирувчи эса кесим бўлиб келадиган атов бирлигига тортилади".¹ Ҳақиқатда, тўлдирувчи лексема валентлигининг воқеланишига тенг, шу жиҳатдан бирикманинг тобе бўлаги вазифасида келади. Айти вақтда ҳолловчили бирикма гапшакл таркибига кесим вазифасида киритилганида содир бўладиган ўзгаришлар тўлдирувчили бирикма гапшакл таркибига киритилганида ҳам воқе бўлади.

Тўлдирувчили бирикма гапшакл таркибида кесим вазифасида келиши муносабати билан "тўлдирувчи X тўлдирилмиш / кесим" ҳолати юзага келади, натижада тўлдирувчи нисбий мустақиллик қозониб, тўлдирилмишидан узоклашиш хусусияти юзага келади, гапшаклнинг ёювчи бўлаги (детерминант) мавқеига ўтади. Бундай синтактик ўзгариш ҳолловчида ҳам, тўлдирувчида ҳам айти бир хил синтактик қонуният асосида воқе бўлади.

Хуллас, тўлдирувчи – асли бирикманинг бўлаги, лекин тўлдирувчили бирикма гапшакл таркибига кесим мавқеида киритилса, тўлдирувчида ҳоким бўлагига нисбатан мустақиллик юзага келиб, гапшаклни ёювчи бўлак мавқеига эга бўлади.

Демак, гапшаклнинг минимал формуласи – "эга X кесим" ёки "кесим". Гапшаклнинг максимал формуласида битта эга ва битта кесим бўлади, ҳолловчи, тўлдирувчи биттадан ортиқ бўлиши мумкин. Бундай гапшакл формуласи аранжировкасида биттадан ортиқ ҳолловчининг, тўлдирувчининг ўз ўрни бўлади; бунга гапшакл формуласида, масалан "пайт ҳолловчиси X ўрин ҳолловчиси X эга [эга] X воситали тўлдирувчи X воситасиз тўлдирувчи X тарз ҳолловчиси X кесим" тарзида акс эттириш мумкин. Бу формулани харфий рамзлар билан куйидагича ифодалаш мумкин: Хп Х Хў Х Э [Э] Х Тв-ли Х Тв-сиз Х Хт Х К.

Модомики гапшаклнинг минимал формуласи "эга X кесим"га, максимал

¹ Курбонова М. ва бошқалар. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. -Т.: 2004, 84.

формуласи "эга Х ҳолловчи Х кесим"га тенг дейилар экан, WR_m рамзини ишлатиш ортикча; тўғридан тўғри кесим (К) дейиш маъқул.

Умуман, Ҳамид Нейматов бошчилигида эълон қилинган ўқув кўлланмаларида пала-партиш айтилган фикрлар шу қадар кўпки, уларни чуқур илмий таҳлил қилиб салмоқли танқидий монография ёзиш мумкин.

Синтактик алоқанинг турлари масаласи

Икки лексеманинг синтактик алоқани таъминлайдиган восита билан ўзаро боғланиши натижасида боғланма ҳосил бўлади. Бунда тобеловчи аъзо ҳоким бўлади. Тобе-ҳокимлик муносабатида бўлиш синтактик алоқанинг барча турларига хос.

1. Эга ва кесимдан таркиб топадиган синтактик қурилмада эга ҳоким бўлак, кесим эса тобе бўлак дейилади, чунки фикр предметининг белгисини англатадиган кесим бўлакка тусловчи фикр предметини англатадиган эга бўлак билан тобе аълоқага киришуви оқибатида эга бўлакдан англашиладиган шахс-сон маъносига мувофиқ равишда танлаб қўшилади. Эга билан кесим орасидаги синтактик алоқанинг ягона кўрсаткичи – тусловчи.

Эга билан кесим орасидаги синтактик алоқа мослашув деб келинар эди. 1968- йилда чоп этилган мақоламда¹ эга билан кесим орасидаги синтактик алоқа том маънодаги мослашув эмаслигини айтдим-у, лекин бундай алоқанинг моҳиятини тўғри белгилай олмадим.

Рус тили акакемграмматикаларида эга билан кесим орасидаги синтактик алоқа тури 60- йиллар охиридан бошлаб координация деб номланди.² Эга билан кесим орасидаги синтактик алоқани мослашув дейиш тўғри эмаслиги, координация, соответствие дейиш тўғрилиги 1968- йилда қатъий айтилган ва Н.А.Баскаков бу фикрни туркий тилларга нисбаган ҳам ёқлаб гапирган.³

Юқоридаги манбалар билан танишгандан кейин ҳозирги адабий ўзбек тилидаги синтактик алоқа турларини қайтадан танқидий ўрганиб махсус рисола чоп эттирдим,⁴ эга билан кесим алоқасига доир фикрлар дарсликда акс эттирилди.⁵ Ушбу рисолада олдин координациянинг рус тилшунослигидаги талқини танқидий таҳлил қилинган.⁶ Бу ерда энг муҳим мулоҳазалар таъкидланади.

Рус тили бўйича координация (мувофиқлашув) алоқасини белгилашда барча предикатив боғланмалар эмас, балки кесими феъл билан ифодаланадиган предикатив боғланмалар назарда тутилиши лозим. Бундай предикатив боғланмаларни ажратиб олгандан кейин асосий диққат эга бўлакнинг келишик шаклига қаратилиши лозим. Келишик (одатда бош

¹ Абдуллаев Ф., Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилидаги грамматик алоқанинг баъзи турлари // ЎТА. 1968, № 5, 28 – 33.

² Основы построения описательной грамматики современного русского литературного языка. «Наука», -М.: 1966, 136- ва кейинги саҳифалар; Грамматика современного русского литературного языка. «Наука», -М.: 1970, 548- ва кейинги саҳифалар; Русская грамматика. II. «Наука», -М.: 1980, 94-, 242- – 245- ва кейинги саҳифалар.

³ Вопросы составления описательных грамматик языков народов СССР. Уфа. 1968, 45 – 48.

⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида тобе боғланишнинг турлари. -Т.: 1993.

⁵ Rahmatullayev Shavkat. Hozirgi adabiy o'zbek tili. "Universitet", -T.: 2006, 272 – 280.

⁶ Раҳматуллаев Ш. Юқоридаги рисола, 3 – 19.

келишик) эга бўлак таркибида қатнаша туриб кесим бўлакда ифодаланадиган грамматик маъноларга нисбатан бетараф бўлади; шунга кўра келишик – предикатив боғлангани мослашувдан чиқариш учун асосий омиллардан бири, лекин етарли эмас. Координацияни мослашувдан ажратиб олишда шахс-сон маъносининг эга бўлак вазифасида келадиган лексемашаклнинг асоси билан, кесим бўлакда эса грамматик кўрсаткич билан (тусловчи билан), демак, бошқа-бошқа тил бирликлари билан ифодаланиши ҳам ҳисобга олиними лозим. "Русская грамматика"да бундай энг зарур, муҳим жиҳатлар эътиборсиз қолдирилган.

Ўзбек тилшунослигида эга билан кесим алоқаси мослашув эмас, мувофиқлашув экани илк бор асосланаётгани сабабли юқорида тилга олинган рисолада бу масала атрофлича баён қилинган.¹ Бу ерда энг зарур мулоҳазаларгина таъкидланади.

Ўзбек тилида эга бўлак доим бош келишикдаги лексемашакл билан, кесим бўлак эса (айрим истиснодан ташқари) тусловчили лексемашакл билан ифодаланади. Эга билан кесим орасидаги синтактик алоқа мослашув эмас, мувофиқлашув дейилиши учун етарли асос мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, эга билан кесим орасидаги синтактик алоқани мослашув эмас, мувофиқлашув дейиш ушбу ходисага рус тилшунослигида юзага келган янгича ёндашувни кўр-кўрона тақлидан кўчириш билан амалга оширилаётгани йўқ. Бундай янгича ёндашув ўзбек тилшунослигида рус тилшунослиги билан айна бир пайтда, масаланинг рус тилшунослигидаги ечимидан беҳабар, мустақил равишда кўтарилган. Юқорида тилга олинган рисолада предикатив боғланмаларнинг рус тилидаги 20 кўриниши, ўзбек тилидаги 10 кўриниши таҳлил қилингани (Бундай таҳлил рус тилшунослигида амалга оширилмаган) рус ва ўзбек тилларидан ҳар бирига мансуб фаркли ва ўхшаш белги-хусусиятлар алоҳида эътибор билан таҳлил қилинганини тасдиқлайди.

Айрим-айрим амалга оширилган таҳлиллар кўрсатадики, эга билан кесим алоқасини мослашув эмас, мувофиқлашув деб ҳукм чиқариш замирида айна бир тил ходисалари ётади. Худди рус тилида бўлганидек ўзбек тилида ҳам эга билан кесим мослашмайди, балки мувофиқлашади: эга вазифасидаги лексемашакл таркибидаги келишик кесим вазифасидаги лексемашакл таркибидаги бирор грамматик кўрсаткич билан, шунингдек кесим вазифасидаги лексемашакл таркибидаги майл, замон кўрсаткичи эга вазифасидаги лексемашакл таркибидаги бирор грамматик кўрсаткич билан мослашмайди ҳам, мувофиқлашмайди ҳам. Ушбу грамматик кўрсаткичлардан келишик лексемага қўшилиб лексемашаклни юзага келтиради, предикатив боғланмада бундай лексемашакл эга бўлак вазифасида келади. Майл, замон кўрсаткичлари лексемага объектив воқеликка кўра қўшилади, тусловчи қўшилганидан кейин бундай лексемашакл кесим вазифасида келади. Тусловчи эса эга вазифасида келадиган лексемашаклдан (одатда унинг асосидан) англашиладиган шахс маъносига монанд равишда танлаб қўшилади. Эга

¹ Юқоридаги рисола, 19 – 34.

вазифасида келиши лозим бўлган лексемашакл гапшакл таркиби қатнашмаса, тусловчи назарда тутилаётган бажарувчидан англашиладиган шахс маъносига монанд равишда танлаб кўшилади. Демак, шахс маъноси эга (бажарувчи) билан кесимда одатда бошқа-бошқа бирликлар (воситалар) билан ифодаланади; шунга кўра бу ерда мослашув ҳақида гапириб бўлмайди; чунки мослашувда синтактик боғланган икки лексемашаклнинг грамматик кўрсаткичлари айтиб берилган маъноларни ифодалашга бўйича ўзаро мутаносиб равишда кўшилади.

Афсуски, мувофиқлашув ҳодисаси ўзбек тилида мустақил баён қилинган рисола атиги 150 нусха чоп этилиб, кенг жамоатчилик ундан баҳраманда бўлиши у ёқда турсин, кўпчилик ҳатто шундай рисола чоп этилганидан беҳабар қолди.

Ҳамид Неъматов асарларида эга ва кесим ҳақида кўп гапирилган-у, лекин улар орасидаги синтактик алоқа тури ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Бунинг ягона сабаби адабиётлардаги нуқтайи назарларнинг Ҳамид Неъматов нуқтайи назарига тўғри келмаслиги бўлса керак. Ҳамид Неъматов олға сураётган "янги ғоя"га кўра "Гапнинг асосини ҳам тобеланиш ташкил қилади. Кесим гапнинг марказий, уюштирувчи бўлаги бўлиб, у барча гап бўлақларини ўзига бевосита ёки билвосита тобелайди".¹ Эга кесимлик категорияси таркибидаги шахс-сон маъносини муайянлаштирувчи гап кенгайтирувчиси дейишдан² эга тусловчига тобеланади деган фикр тушунилади, шунга кўра эга билан тусловчи орасидаги боғланишга нисбатан синтактик алоқа ҳақида ўз-ўзидан гапириб бўлмайди.

II. Рус тилида координация (мувофиқлашув) алоқаси билан боғланиш фақат эга билан кесим орасида воқе бўлади деб таъкидланган.³ Ўзбек тилида мувофиқлашув алоқаси эга билан кесим муносабатидан ташқари бирикмаларнинг куйидаги турларига ҳам мансуб:

1. Қаратувчи билан қаралмиш мувофиқлашув алоқаси билан боғланади. Бундай синтактик қурилмада биринчи аъзо қаратқич келишигидаги лексемашакл билан ифодаланиб, бирикманинг тобе бўлаги ҳисобланади; иккинчи аъзога қаратувчи вазифасидаги лексемашаклдан англашиладиган шахс-сон маъносига монанд равишда танлаб нисбатловчи (ундан олдин сонловчи) кўшилади; турловчи (келишик кўрсаткичи) бирикмага бошқа бир тил бирлигига боғланганида кўшилади. Демак, бирикма аъзолари лексемашакл билан ва тугал грамматик шакл қўшилмаган лексема билан ифодаланади, булар таркибидаги грамматик кўрсаткичлар (биринчи аъзо таркибидаги келишик ва иккинчи аъзо таркибидаги сонловчи) ўзаро мослашмайди. Мутаносиблик қаратқич келишигидаги лексемашакл асосидан англашадиган шахс-сон маъноси билан қаралмиш аъзога кўшиладиган нисбатловчи орасида воқе бўлади. Ана шундай хусусиятлар қаратувчи билан қаралмиш алоқаси мослашув эмас, балки мувофиқлашув эканини аниқ тасдиқлайди.⁴

Адабиётларда *аниқловчи* термини остига сифатловчини, қаратувчини,

¹ Қурбонова М. ва бошқалар. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси, -Т.: 2004, 23.

² Юкоридаги манба, 74.

³ Русская грамматика, 242.

⁴ Rahmatullayev Shavkat. Hozirgi adabiy o'zbek tili. "Universitet". -Т.: 2006, 251 - 257.

тўхловчини бирлаштириш ҳамон давом этаётир. Тил ҳодисаларини систем ўрганиш даъвоси билан ёзилган асарларда ҳам ўз грамматик табиатига кўра кескин фарқланадиган бу уч синтактик курилма мустақил равишда аталмаётгани ажабланарли. Ўзаро кескин фарқ қиладиган бу уч тур бирикмани *аниқловчи* термини остига бирлаштириб талқин қилинганини 40-йилларга нисбатан қоралаб бўлмас, лекин ўзбек тилшунослигининг ҳозирги тараққиёт босқичида ҳам шундай ғайриилмий номлашни¹ мутлақо оқлаш мумкин эмас. *Сифатловчи аниқловчи, қаратувчи аниқловчи* каби икки қаватли термин ўрнига тўғридан тўғри *сифатловчи, қаратувчи* терминларини ишлатиш билан бу тур бирикмаларни ўзбек тилишунослигида мустақил номлашга эришилади.

Қаралмишнинг *бизнинг уй-* каби нисбатловчисиз ишлатилишини *бизнинг уйимиз-* каби ишлатилиши билан тенг ҳолатга қўйиш тўғри эмас, истисно деб баҳолаш лозим ва б.

2. Қаратувчи-қаралмиш бирикмаси каторига *март ойи-*, *нафрат ҳисси-* каби бирикмаларни қўйиш тўғри эмас. Бундай бирикмаларнинг биринчи аъзоси атоқли ёки турдош от билан ифодаланиб, бирлик, бош келишик шаклида, иккинчи аъзоси турдош от билан ифодаланиб, бирлик шаклини, III шахс бирлик нисбатловчисини олган бўлади, келишик бирикмага бир бутун ҳолда синтактик вазифага қараб қўшилади, бирикма аъзолари мувофиқлашув алоқаси билан боғланади.²

3. Мисолларни синчиклаб кузатиш ўзбек тилида мувофиқлашув алоқаси билан тузиладиган *мен ўзим, биз ўзимиз, биз ҳаммамиз* каби бирикма тури ҳам мавжудлигини кўрсатди. Бундай бирикма юқорида тасвирланган бирикмалардан жиддий фарқ қилади: 1) "ҳоким X тобе" формуласи билан тузилади; 2) Тобе аъзо ҳоким аъзонинг маъносини таъкидлашга, таъкидлаб аниқлашга хизмат қилади; ҳоким аъзо таъкидланмиш, тобе аъзо таъкидловчи, бирикма эса таъкидловчили бирикма дейилади; 3) Ҳар икки аъзо одатда бош келишикдаги лексемашакл билан ифодаланади, демак, келишик жиҳатидан мослашув воқе бўлади; 4) Ҳоким аъзо бўлиб кишилик олмоши, атоқли ёки турдош от, тобе аъзо бўлиб ўз- таъкид бирлиги, жамловчи сон (ўрни билан санок сон), 'жам' маъносини англатадиган *ҳамма-* каби лексема келади; 5) Тобе аъзога ҳоким аъзодан англашиладиган шахс-сон (ўрни билан шахс) маъносига монанд равишда танлаб нисбатловчи қўшилади; демак, бундай бирикма аъзолари мувофиқлашув алоқаси билан боғланади; 6) Ўз- таъкид бирлиги қатнашганида таъкидланмиш бирлик ва кўплик кишилик олмоши билан ифодаланиб, таъкидловчига шунга монанд равишда нисбатловчи танлаб қўшилади: *мен ўзим, сиз ўзингиз* каби; 7) 'жам' маъносини англатадиган лексема қатнашганида таъкидланмиш кўплик кишилик олмоши билан ифодаланиб, таъкидловчига шунга монанд равишда кўплик нисбатловчиси танлаб қўшилади: *биз иккаламиз* каби; в) Юқоридаги тасвирдан аёнки, бундай бирикма одатда бир синтактик вазифа – эга вазифасида келишга хосланган; 9) Бундай бирикмада шахс-сон маъносининг ифодаланишидаги плеоназм

¹ Курбонова М. ва бошқалар. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. -Т.: 2004, 88 – 90.

² Раҳматуллаев Ш. Юқорида тилга олинган рисола. 41, 42; Rahmatullayev Shavkat. Юқорида тилга олинган дарслик, 256 – 259.

(ортиқчалик) таъкидланмишни ишлатмаслик билан бартараф қилинади: *узим* → *ўзим* каби.

III. Тўлдирувчи билан тўлдирилмиш орасидаги синтактик алоқани барча бошқарув дейди. Фикрлашдаги асосий фарқ воситасиз тўлдирувчида тушум келишигининг белгисиз шаклини тан олмай, бундай ишлатилишни бошқарув келишик деб асоссиз ҳукм чиқаришда¹ кўринади.

Жумбоқли деб макон келишигидаги лексемашакли тўлдирувчи ёки ҳолловчи деб белгилаш масаласи айтилади. Бу масалани амалий тарзда лексемашакл асосан қайси сўроққа – *ким-*, *нима-* асосли сўроққа ёки *қаер-* асосли сўроққа, *қачон* сўроғига жавоб бўлишига қараб тўлдирувчи ёки ҳолловчи деб белгилаш мумкин.

Айтилганлардан қатъи назар, тушум келишиги қатори макон келишиклари ҳам – бошқариладиган келишик; шунга кўра макон келишигидаги лексемашакл тўлдирувчи ёки ҳолловчи бўлиб келишидан қатъи назар ўзи тобеланган лексемага бошқарув алоқа усули билан боғланади дейиш тўғри.

IV. Бошқа бўлақларга нисбатан таъкидланмаган синтактик алоқа тури жуда юзаки ва чалқаш бўлса ҳам ҳолга (ҳолловчига) нисбатан таъкидлангани – ижобий ҳолат.² Барча камчиликларни назардан соқит қилган ҳолда фақат бир фикрга муносабат билдириш шарт. Феълнинг равишдош шакли билан ифодаланган ҳолловчи ҳолланмишига бошқарув усули билан боғланади деган фикр асоссиз: Равишдош шакли – феъл лексемашаклининг ҳолловчи вазифасида келиши учун хосланган шакли; равишдош шаклининг кўшилишини ҳолланмиш бўлиб келган феъл лексема бошқармайди. Бир феълни иккинчи феълга боғлаш лозим бўлса, биринчи феълга барча ҳолларда асосан равишдош, баъзан сифатдош ясовчиси кўшилади; Бундай умумтуркий қонуниятни бошқарув деб бўлмайди. Хуллас, равишдош шаклидаги феъл лексемашаклга бошқарув кўрсаткичи бўлиб хизмат қиладиган келишик ёки кўмакчи кўшилмайди, шунга кўра битишув алоқаси билан боғланиш воқе бўлади.

Ўқув қўлланмасида "Ҳолнинг кесимга боғланиш усуллари битишув ва бошқарув" дейилишидан³ ҳолловчи фақат кесимга эмас, балки бошқа бирликка ҳам боғланади деган фикр англашилади, лекин қўлланмада атайлаб "ҳолловчи X ҳолланмиш" бирикмасига мисол келтирилмайди. Асли, масалан, *шошилиб* лексемашакли *гапир-* лексемасига битишув усули билан боғланади ва бундай боғланиш усули *шошилиб гапиргани* учун бирикмашаклида қандай бўлса, *шошилиб гапирди* жумласида ҳам шундайлигича сақланади; *шаҳардан қайтishi* билан бирикмашаклида қандай бўлса, *Шаҳардан қайтди* жумласида ҳам шундайлигича сақланади. Кўринадики, ҳолловчи асли "сўз кенгайтирувчиси"га тенг, фақат бирикманинг ҳолланмиш аъзоси жумла таркибида кесим мавқеини эгалласа, ҳолловчи нисбий мустақиллик қозониб, бирикманинг бўлагидан гапшаклининг бўлаги ҳолатига ўтиш воқе бўлади.

¹ Масалан, қаранг: Қ у р б о н о в а М. ва бошқалар. Юқорида таъкидланган манба, 85.

² Юқоридаги манба, 83.

³ Юқорида таъкидланган манба, 83.

Умуман, ҳолловчи битишув ёки бошқарув усули билан тобе боғланиши ҳақиқат ва шу ҳақиқатнинг ўзи-ёқ ҳолловчи кесимлик кўрсаткичи таркибидаги морфемага хос валентликнинг воқелианиши деган асосиз фикрни¹ рад этади.

V. Синтактик алоқанинг битишув усули ўзбек тилида асли сифатловчили бирикмага хос. Бунда "сифатловчи махсус кўрсаткичларсиз тобе узв мақомини билаллайди" дейиш етарли эмас, чунки "махсус кўрсаткичларсиз" деганда нима нарса назарда тутилгани ноаниқ. Асли "махсус кўрсаткич" эмас, балки "синтактик вазифада келишни таъминлайдиган шакл ўзгартирувчи морфема" дейиш лозим. Лекин бундай таъкид ҳам етарли эмас. Сифат лексема тўғридан тўғри сифатловчи бўлиб кела олмайди, бундай лексемага уни лексемашаклга тенг ҳолатга ўтказадиган нимадир қўшилиши керак. Масалан, феъл лексема сифатловчи вазифасида келиши лозим бўлса, сифатдош ясовчиси қўшилади. Сифатловчи бўлиб сифат лексема келса, унга синтактик вазифада келиши сабабли бирор морфема қўшилмайди. Сифат лексема лексемашаклга тенг ҳолатга ўтиши учун 'сифатловчи' синтактик семаси қўшилади (Сифат лексема ҳолловчи вазифасида келиши учун унга 'ҳолловчи' синтактик семаси қўшилади) деган фикрга келдик. "Сифатловчи вазифасида табиатан тобе узвликка хосланган сўзлар келганлиги боис у сифатланмишига битишув йўли билан боғланади" изохи ўта мавҳум ва ҳодисанинг моҳиятини тўғри англамайди (Бу кўчирмадаги хато-камчиликларни таҳлил қилишдан тийилдик).

Хуллас, синтактик алоқанинг битишув усулида бирикманинг тобе бўлагига синтактик вазифани таъминлайдиган шакл ўзгартирувчи морфема қўшилмайди. Сифатловчи вазифасида феъл лексема келганида феълнинг сифатловчи вазифаси учун хосланган сифатдош шакли ясовчиси қўшилади, бошқа туркум лексемаси сифатловчи вазифасида келганида 'сифатловчи' синтактик семаси қўшилиб, бундай лексема лексемашаклга тенг ҳолатга ўтади.

VI. Изоҳловчили бирикма аъзолари орасидаги синтактик алоқа усули ҳам битишув дейилади, лекин сифатловчили бирикмадаги синтактик алоқадан фарқли.

Изоҳловчили бирикмада ҳар икки аъзо асосан от лексема билан, баъзангина изоҳловчи сифат лексема билан ифодаланади. Кейинги ҳолатда сифатловчили бирикма билан ўхшашлик бор, лекин сифат лексема билан ифодаланадиган изоҳловчи изоҳланмишидан кейин келади: *Олим жанжал-каби*.

Изоҳловчи от лексема билан ифодаланганида ҳам асосан изоҳланмишидан кейин келади: *Сарвар ака- каби. Академик Сирожиддинов каби* бирикма тузиш ўзбек тилида кейин пайдо бўлган.

Изоҳловчили бирикманинг биринчи аъзоси бирлик, бош келиши шаклида, иккинчи аъзоси эса лексемага тенг бўлади; бирикмага бир бутун ҳолда синтактик вазифасига кўра келиши қўшилади (Келишидан олдин сонловчи қатнашади): $[(\text{Сарвар} + \text{OI} + \text{OII}) \text{X} (\text{ака-})] + \text{OI} + \text{OII}$ каби.

Изоҳловчили бирикманинг ҳам, изофа бирикмасининг ҳам биринчи

¹ Rahmatullayev Shavkat. Юқорида тилга олинган дарслик, 268, 269.

аъзоси бирлик, бош келишик шаклида, демак, бир хил грамматик шаклда бўлади. Лекин изофа бирикмасида иккинчи аъзога синтактик алоқа туфайли III шахс нисбатловчиси қўшилади; изоҳловчили бирикмада эса бундай нисбатловчи қўшилмайди: *Тошкент шаҳри* – *Алишер Навоий*- каби.

Изоҳловчили бирикмада бирлик, бош келишикдаги от лексемашаклга белги маъносини англатадиган лексема тобеланади. Бундай синтактик алоқани том маънодаги битишув дейишга биринчи аъзонинг бош келишик шаклида бўлиши гўё монелик қилади. От лексемашакл бирор келишик шаклида бўлиши шарт, шунга кўра бу ерда энг кенг камровли бош келишик шаклининг танланиши табиий.

Академик Сирожиддинов- каби бирикмаларда бош келишикдаги биринчи аъзо иккинчи аъзога тобеланади, *Сарвар ака*- каби бирикмаларда эса бош келишикдаги биринчи аъзога иккинчи аъзо тобеланади. Ҳар икки ҳолатда бош келишик икки лексеманинг ўзаро боғланиши учун зарур шакл сифатида қатнашади, лекин тобе-ҳокимлик ҳолатини кўрсатиш жиҳатидан бетараф бўлади.

Изоҳловчили бирикманинг кўринишлари ва ифода материали дарсликда тасвирланган.¹

VII. Ўзбек тилида *кеча кечқурун*; *эрталаб соат тўққизда* каби бирикмалар ҳам мавжуд. Бундай бирикмалар жумла таркибида ҳолловчи бўлиб келади.

1. *Кеча кечқурун* каби бирикмаларнинг ҳар икки аъзоси пайт равиши билан ифодаланади, ҳар икки аъзо лексемашаклга тенг ҳолатда бўлади, бирикма яхлитлигича ҳолловчи вазифасида келади: *кеча кечқурун келганини* каби ишлатишда бирикманинг бўлаги, *Кеча кечқурун келди* каби ишлатишда гапшаклни ёювчи бўлак мавқеида бўлади. Бундай бирикмада иккинчи аъзо биринчи аъзодан англашиладиган пайт маъносини конкретлаштиради, шунга кўра мазмунан биринчи аъзо ҳоким, иккинчи аъзо тобе ҳисобланади. Бирикманинг иккинчи аъзоси биринчи аъзосининг луғавий маъносини конкретлаштириб таъкидлайди, шундай маъно муносабатини ҳисобга олиб бундай бирикмани таъкидловчили бирикма деб номладик.

Бирикманинг ҳар икки аъзоси равиш билан – шакл ўзгариши йўқ туркум лексемаси билан ифодаланганида битишув алоқа усули билан боғланиш воқе бўлади, лекин *кеча кел*- каби ҳолловчи-ҳолланмиш бирикмасидаги боғланишдан ҳам, *Сарвар ака*- каби изоҳловчи-изоҳланмиш бирикмасидаги боғланишдан ҳам кескин фарқ қилади. *Кеча кечқурун* бирикмаси жумла таркибига киритилганида ўз яхлитлигини саклайди ва бирор шакл ўзгариши воқе бўлмайди.

2. *Эрталаб [соат] тўққизда* каби бирикмашаклда иккинчи аъзо “(соат X санок сон)” конструкцияси (қурилмаси) билан ифодаланади, бирикмага одатда ўрин келишиги шакли қўшилади. Шун билан бирга *эрталаб [соат] тўққиз*- бирикмаси бошқа грамматик шаклларда ҳам ишлатилади: *эрталаб [соат] тўққизгача*, *эрталаб [соат] тўққиздан кечикмай* каби. Бундай турли

¹ Rahmatullayev Shavkat. Юкорида тилга олинган дарслик, 260-262.

шаклларда ишлатила олиши *эрталаб [соат] тўққизда* каби бирикмани таъкидловчили бирикма дейишдан кўра сифатловчили бирикма дейиш тўғрироқ бўлишини кўрсатади: *эрталабги [соат] тўққизда* → *эрталаб [соат] тўққизда* каби. Икки хил тушунишдан қатъи назар, бундай бирикма аъзолари орасидаги синтактик алоқа битишув экани шубҳасиз.

VIII. *Ховос тепасида, тоғда; ҳар қандай одамни, ҳатто Давлатбековни ҳам* каби қурилмаларда ҳар икки аъзо айна бир синтактик вазифа кўрсаткичи билан шаклланган, шу жиҳатдан бу аъзолар орасида мослашув алоқаси воқе бўлаётгандек кўринади, аслида эса шаклий мутаносиблик юзага келади. Мазмунан иккинчи аъзо биринчи аъзодан англашиладиган маънони конкретлаштириб таъкидлайди, шунга кўра биринчи аъзо ҳоким, иккинчи аъзо тобе дейилади. Бундай таъкидловчили бирикма шакл ўзгартирувчи морфема кўшиладиган асоснинг маъносига боғлиқ ҳолда тўлдирувчи (*мени, акангни; менга, акангга* каби) ёки ҳолловчи (*Тошкентга, Беруний маҳалласига* каби) вазифасида келади.

Юқоридаги тасвирлардан аён бўладики, синтактик алоқанинг анъанавий ажратиладиган турлари (айрим истиснодан ташқари) флектив тил сифатида рус тилида ҳам, англүтинатив тил сифатида ўзбек тилида ҳам мавжуд, лекин улар турлича мавкега, кўринишларга, ифодаланишларга эга. Масалан, рус тилида координация (мувофиқлашув) фақат эга билан кесим орасидаги синтактик алоқада воқе бўлса, ўзбек тилида бундан ташқари қаратувчи билан қаралмиш алоқасида ва бошқа тур бирикмаларда ҳам воқе бўлади.

Ўзбек тилидаги (умуман туркий тиллардаги) синтактик алоқанинг турлари синчиклаб ўрганиши керак.

Синтактик трансформация ҳақида

Трансформация лотинча бўлиб (*transformatio*), 'бошқа шаклга ўтказиш, айлантириш' маъносини¹, тилшунослик термини сифатида 'бирламчи (ядро) қурилиши асосида иккиламчи қурилишни юзага келтириш методларидан бири' маъносини² англатади.

Тилшуносликка трансформация назариясини Н.Хомский киритган дейилади.³ Ўзбек тилшунослигида синтактик трансформация масаласи (*трансформация* терминини ишлатмай) 1952- йилда ёқлаган кандидатлик диссертациямда таъкидланиб, гапшаклга тенг синтактик қурилманинг бирикмага тенг қурилмага ва аксинча трансформацияланиши *кўз(и)ни мошдек очиб қўймоқ* – *кўз(и) мошдек очилди*, *кўнгл(и) совиди* – *кўнгл(и)ни совитмоқ* каби мисоллар билан тасдиқланган.⁴ 1961-, 1963- йилларда иккига бўлиниб чоп этилган мақоламда синтактик трансформация ходисаси *преобразование* номи билан кенг баён қилинган.⁵ 2006- йилда нашр қилинган дарсликда ҳам

¹ Словарь иностранных слов. -М.: 1949, 652.

² Ахманова О.О. Словарь лингвистических терминов. -М.: 1966, 480.

³ Хомский Н. Синтаксические структуры // Сб. «Новое в лингвистике». -М.: 1962; Кодухов В. И. Общее языкознание. «Высшая школа», -М.: 1974, 239.

⁴ Рахматуллаев Ш. У. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. АКД. -М.: 1952. 7.

⁵ Рахматуллаев Ш. Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в

трансформациянинг гапшаклга тенг эркин боғланмалардаги ва фраземалардаги асосий кўринишлари тасвирланди.¹

Аён бўладики, синтактик трансформация ходисасини аввал йирик сегмент лисоний бирлик – фраземаларда аниқлаб, тасвирлаб, кейинчалик эркин боғланмаларда ўргандим. Шогирдим филология фанлари доктори Саттор Махматкуловнинг монографиясида предикатив синтагмаларнинг трансформацияси чуқур таҳлил қилинган.²

Синтактик бўлак асосан лексемашакл билан, бирикмашакл билан ифодаланади. Синтактик бўлак вазифасида маълум ўзгартиришлар билан гапшакл ҳам ишлатилади. Гапшаклни бирор синтактик бўлак вазифасида келиш учун ҳозирлаб амалга ошириладиган ўзгартиришларга трансформация дейилади.

Трансформациялашда гапшакл таркибига мансуб бирор қисм ташланади, бундай ташланадиган қисм *трансформант* дейилади. Трансформациялаш жараёнида қўшиладиган қисмга *трансформатор* дейилади. Гапшаклнинг юқоридоғича ўзгартиришлар билан юзага келган кўриниши *трансформа* дейилади.

Синтактик трансформация деганда гапшаклга тенг синтактик бирликнинг бирикмага тенг синтактик бирликка ва аксинча айлантрилиши тушунилади. Эркин боғланмаларда асосан гапшакл бирикмага трансформация қилинади, фраземаларда эса бирикмани гапшаклга трансформациялаш ҳам мавжуд. Куйида эркин боғланмага тенг гапшакллар трансформацияси тасвирланади.³

Гапшакл таркибида амалга ошириладиган ҳар қандай ўзгариш трансформация дейилмайди. Эга бўлакнинг турли шахс-сон маъносини билдирадиган бирликлар билан ифодаланиши ва шунга мувофиқ ҳолда танлаб қўшиладиган тусловчининг алмашинуви, кесим бўлак таркибидаги мавжудлик, майл, замон кўрсаткичларининг объектив воқеликка кўра танлаб қўшилиши каби ўзгаришлар трансформация деб эмас, балки гапшакл парадигмасига хос ўзгаришлар деб баҳоланади.

Гапшаклнинг синтактик трансформацияланиши мураккаб ҳодиса бўлиб, куйида унинг айрим кўринишлари намуна сифатида тасвирланди.

Гапшакл асосан икки усул билан трансформация қилинади:

I. Ташқи трансформация усули.

II. Ташқи-ички трансформация усули.

I. Ташқи трансформациялашда гапшакл таркибидаги эга бўлак ўзгаришсиз сақланади, кесим бўлакда қайси туркум бирлиги билан ифодаланишига боғлиқ ҳолда икки тури фарқланади:

1. Кесими исм лексема билан ифодаланган гапшаклнинг

современном узбекском языке // Труды СамГУ, Вопросы фразеологии. Новая серия, вып. 106, - Саманканд, 1961, 86 – 98; Раҳматуллаев Ш. У. О преобразовании грамматического строения у именных фразеологических единиц // Научные труды ТашГУ. Вып. 211. Языкознание. -Т.: 1963, 225 – 230.

¹ Rahmatullayev Shaukat. Юқорида тилга олинган дарслик, 421 – 425.

² Махматкулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагмалар трансформацияси, "Университет", -Т.: 1998.

³ Фраземаларда воқе бўладиган синтактик трансформация юқорида тилга олинган манбаларда старли тасвирланган.

трансформацияланиши.

2. Кесими феъл лексема билан ифодаланган гапшаклнинг трансформацияланиши.

1. Биринчи тур гапшакларда кесим сифат, кесимлик, от лексемаси билан ифодаланиб, куйидагича трансформация воқе бўлади:

1) Сифат билан ифодаланган кесим таркибидаги тусловчи ва ундан олдин катнашадиган замон кўрсаткичи (трансформантлар) ташланади. Натижада гапшакл тугал грамматик шаклланган (предикатив бирликка тенг) ҳолатдан асосга тенг ҳолатга ўтади. Асосга тенг бундай ҳолат сифатловчи вазифасида келиши учун 'сифатловчи' синтактик семаси қўшилади;

[(Соч + лар + и + ØII) X (ўсиқ + ØVIII + ØVII)].

{[(Соч + лар + и + ØII) X (ўсиқ + — + —)] + 'сифатловчи' синтактик семаси} X {йигит-}- каби.

2) Кесими кесимлик лексемаси билан ифодаланган гапшаклни сифатловчи вазифасида ишлатиш учун ҳам юқоридагича ўзгартиришлар амалга оширилади: *Уларнинг ҳар бири — .. бир неча минг дарахтдан иборат каттагина ўрам каби.*

3) Кесими от лексема билан ифодаланган гапшаклни сифатловчи вазифасида ишлатиш учун кесим таркибидаги сонловчи ва турловчи (субстантив шакл ҳосил қилувчилар) ва тусловчи (предикатив шакл ҳосил қилувчи) ташланади, ҳосил бўлган асосга 'сифатловчи' синтактик семаси қўшилади: [Йулчи] .. *девори отпоқ ганч .. иморат рўпарасида тўхтаб қолди* (Ойбек) каби ва б.

2. Кесими феъл лексема билан ифодаланган гапшаклни бирор синтактик бўлак вазифасида ишлатиш учун тусловчи ташланади ва куйидагича ўзгартиришлар амалга оширилади:

1) Замон ясовчиси сифатдош ясовчисига алмашгирилади, натижада гапшакл предикатив шаклдан атрибутив шаклга ўтиб, сифатловчи вазифасида келади: *Тутқични мен буролмадим. → Мен буролмаган тутқични .. каби ва б.*

2) Замон ясовчиси равишдош ясовчисига алмаштирилади, гапшаклнинг бундай трансформаси ҳолловчи вазифасида ишлатилади: *Орадан икки кун ўтди. → Орадан икки кун ўтгач .. каби ва б.*

3) Замон ясовчиси -и отдош шакли ясовчисига алмаштирилади, гапшаклнинг бундай трансформаси куйидаги жумлада билан кўмакчисини қўшиб ҳолловчи вазифасида ишлатилган: *Хўл, муздай қўли юзимга тегди. → Хўл, муздай қўли юзимга тегиши билан .. каби ва б.*

II. Гапшаклнинг ташқи-ички трансформацияланишида кесим бўлак таркибида юқоридагича ўзгартиришлар амалга оширилади, айти вақтда эга бўлакнинг грамматик шакли ҳам ўзгартирилади. Ҳар икки бўлагиди амалга ошириладиган ўзгартиришлар натижасида гапшакл қаратувчили бирикмага ёки сифатловчили бирикмага трансформация қилинади.

1. Гапшакл қаратувчили бирикмага трансформация қилинганида эга бўлакнинг бош келишиги қаратқич келишигига, кесим бўлак таркибидаги тусловчи унга маъно жиҳатидан муқобил нисбатловчига алмаштирилади, натижада қаратувчили бирикма юзага келади. Бундай трансформация

нисбатловчи доимий таркибий қисм сифатида қатнашади.

Қаратувчили бирикмага тенг трансформа маълум грамматик кўрсаткичлар кўшиб турли синтактик бўлак вазифасида ишлатилади:

1) Кесими исм лексема билан ифодаланган гапшаклларда нисбатловчидан олдин *-лик* субстантив шакл ясовчиси, сўнгра синтактик вазифа кўрсаткичи кўшилади: *Кийимлари дагал.* → *Кийимларининг дагаллиги Хўлқарнинг юзидаги нафисликни яна-да бўрттириб кўрсатар эди* (Пиримқул Қодиров) каби ва б.

2) Кесими феъл лексема билан ифодаланган гапшаклларда кесим таркибидаги замон ясовчиси феълликнинг сифатдош, отдош шакли ясовчисига, тусловчи нисбатловчига алмаштирилади, сўнгра синтактик вазифа кўрсаткичи кўшилади: *У босиқ гапирайтир.* → *.. унинг босиқ гапирайтиганидан* ... каби ва б.

2. Гапшакл сифатловчили бирикмага трансформация қилинганда эга бўлаги сифатланмиш вазиятига, кесим бўлаги унга тааллуқли бўлақлар билан бирга сифатловчи вазифасига ўтказилади, шунга боғлиқ ҳолда келишик кўрсаткичи, тусловчи ташланади, замон ясовчиси маъно жиҳатидан унга муқобил сифатдош ясовчисига алмаштирилади, ҳосил бўлган трансформа турли синтактик вазифаларда ишлатилади. Мисоллар:

а) кесими сифат лексема билан ифодаланган гапшаклнинг трансформасига: *Олимжоннинг кўзлари қўрқувдан дум-думалоқ бўлиб кетди.* → *Олимжоннинг қўрқувдан дум-думалоқ бўлиб кетган кўзлари ..* (Ўткир Ҳошимов) каби;

б) кесими феъл лексема билан ифодаланган гапшаклнинг трансформасига: *Йўлчининг кўзлари ачишди.* → *Йўлчи ачишган кўзларини ишқалаб ..* каби ва б.

Синтактик бўлакнинг ифода материали ва синтактик таҳлил

Синтактик бўлак учун ифода материали бўлиб аввало лексемашакл хизмат қилади. Ўзбек тилида эга бўлак вазифасида бош келишиқдаги лексемашакл, кесим вазифасида тусловчили лексемашакл келади ва ҳ. : *Кеча университетга бордим. Опам – ўқитувчи.* каби.

Синтактик бўлак лексемашаклдан ташқари бирикмашакл билан ҳам ифодаланади: *К е ч а э р т а л а б университетга бордим. К а т т а о п а м – м а к т а б ў қ и т у в ч и с и.* каби.

Синтактик бўлак вазифасида кўп аъзоли йиғиқ ва ёйиқ бирикмалар ҳам, гапшаклнинг синтактик трансформаси ҳам ишлатилади:

Машинадаги юк устига тўшалган брезентда симоби чакмон кийган, қалин қошлари бир-бирига туташиб кетган, яғриндор, қорамағиз йигит ёнбошлаб ётибди (Пиримқул Қодиров).

Бу жумла таркибидаги 17 лексемашаклнинг ҳар бири маълум бир синтактик бўлак вазифасида келган. Лекин синтактик таҳлилда бу лексемашаклларни бўлақларга тўғридан тўғри яқка-яқка ажратиш нотўғри, лексемашаклларнинг ўзаро синтактик боғланишини ҳисобга олган ҳолда ажратиш лозим.

Юқоридаги жумла таркибида биринчи синтактик бўлак сифатида *машинадаги юк устига тўшалган брезентда* қисми ажралади. Беш аъзоли бу

бирикмашакл ўрин ҳолловчиси вазифасида келган. Бундай боғлам (узел) яхлитлигича битта бўлак сифатида ажрагилиши "Ҳозирги замон ўзбек тили" китобида¹ француз тилшуноси Л.Теньер асарига ҳавола бериб таъкидланган². Синтактик бўлакнинг бир неча лексемашакл билан ифодаланиши ўзбек тилшунослигида қарийб йигирма йил илгари кенг асослаб баён килинганидан айрим тилшуносларимиз беҳабар экан.³

Юқоридаги бирикмада аввал [(*машинадаги*) X (*юк*-)] бирикмаси тузилиб, кейин бу бирикма *устига* лексемашаклига тобеланган: [(*машинадаги*) X (*юк*)] X [*устига*]; сўнгра бу бирикмашакл *тўшалган* лексемашаклига тобеланган: {[(*машинадаги*) X (*юк*)] X [*устига*]} X {*тўшалган*}; охири бу бирикма *брезентда* лексемашаклига тобеланган: <{[(*машинадаги*) X (*юк*)] X [*устига*]} X {*тўшалган*}> X <*брезентда*>.

Матн таркибида бундай мураккаб тузилган бирикмалар жуда кўп учрайди ва улар таркибидаги қисмларнинг синтактик боғланишини кўрсатиш учун қавс шакллари етишмай қолади. Юқоридаги бирикма қисмлари орасидаги синтактик боғланишларни содда усул – ост чизиклар ёрдамида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

<u>Машинадаги</u>	<u>юк</u>	<u>устига</u>	<u>тўшалган</u>	<u>брезентда</u>
<u>Машинадаги</u>	<u>юк</u>	<u>устига</u>	<u>тўшалган</u>	<u>брезентда</u>

Беш аъзоли бу бирикма ҳар гал икки қисмнинг боғланиши билан тузилгани сабабли йиғиқ бирикма дейилади.

Бундай бирикма аъзолари орасидаги кўп бошқичли синтактик боғланишлар ҳисобга олинмай, кўпинча ҳар гал икки лексемашакл орасидаги синтактик алоқани кўрсатиш усули билан таҳлил қилинади. Масалан, *кеча Париждан келган акамнинг менга берган чиройли китоби* бирикмашаклини бевосита таркиб топтирувчи қисмлар асли {[(*кеча*) X (*Париждан*) X (*келган*)] [*акамнинг*]} X {[(*менга*) X (*берган*)] X [(*чиройли*) X (*китоби*)]} тарзида синтактик боғланган. Бу бирикма таркибидаги синтактик боғланишларни ост чизиклар ёрдамида қуйидагича кўрсатиш мумкин:

кеча Париждан келган акамнинг менга берган чиройли китоби

Ост чизиклардан кўриниб турибдики, бу бирикмадаги *кеча Париждан келган* қисми ёйиқ бирикмага тенг, чунки *кеча* пайт ҳолловчиси ва *Париждан ўрин* ҳолловчиси *келган* қисмига бевосита боғланган; шунга кўра бу қисмни *Париждан кеча келган* тарзида ҳам тартиблаш мумкин. Бу бирикмадаги бошқа қисмлар йиғиқ бирикма билан ифодаланган:

¹ Курбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (Содда гап синтаксиси учун материаллар). -Т.: 2002, 30.

² Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. «Прогресс», -М.:1988.

³ Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. "Фан". -Т.. 1970, 15 – 24.

[(менга) X (берган)]
 [(чиройли) X (китоби)]
 [(менга) X (берган)] X [(чиройли) X (китоби)]
 {[(кеча) X (Париждан) X (келган)] X [акамнинг]} X {[(менга) X (берган)] X [(чиройли) X (китоби)]}.

Ҳамид Неъматов эса бу парчани бирма-бир акамнинг китоби, келган акам, Париждан келган, кеча келган, чиройли китоб, берган китоб, кеча берган бирикмаларига ажратади (Икки аъзоли бирикмаларни ажратишга берилиб кетиб, бу парчада йўқ кеча берган бирикмаси ҳам келтирилган).¹

Л.Теньернинг боғлам (узел) ҳақидаги фикри оғизда гапирилмай, унга амал килинганида эди, ушбу матн бундай бирикмаларга парчалаб саналмаган, лексемашакллар, бирикмашакллар орасидаги ҳақиқий боғланишлар тўғри кўрсатилган бўлар эди. Натижада фикрлашда эклектизмга йўл қўйилган. Кўп аъзоли бирикмаларни тузишда ҳам, бўлақларга ажратишда ҳам бундай бирикмалар аъзолари орасидаги ҳақиқий синтактик боғланишлар асосга олиниши лозим. Кўп аъзоли бирикмаларни тузиш – Ҳамид Неъматов хоҳлаганидан кўра ўта мураккаб жараён. Бу мураккаб жараённи Неъматовчасига изоҳлаш воқеликни бузиб кўрсатишдан ўзга нарса эмас. Тасвирни соддалаштириш тил ҳодисасини аниқ ва тўғри тушунтириш сакланган ҳолда амалга оширилиши шарт.

1999- йили чоп этилган қўлланмада *катта акам* ва *чиройли китоб* сифатловчили бирикмалари келтирилиб, уларнинг боғланиши икки хил кўрсатилган:

1. (акамнинг китоби)

↑ ↑
катта *чиройли*

2. (*катта акам*)нинг (*чиройли китоб*)и .

"Биринчи усулда кўрсатиш, бизнингча, ноқулай бўлса-да, тўғри ва аниқдир", – деб ҳукм чиқарилган.² Аслида эса иккинчи усулда кўрсатиш қулай, тўғри ва аниқ, чунки шундай кўрсатишда сифатловчили бирикма яхлитлигича иккинчи сифатловчили бирикма билан қаратувчили бирикма ҳосил қилаётгани амалда тан олинган бўлади. Биринчи усулда эса аввал қаратувчили бирикма тузилиб, кейин унинг таркибига сифатловчи киритилади деган тескари фикр олға сурилган бўлади.


"Рус грамматикаси"га киритилган "сўз ёювчиси" терминини Ҳамид Неъматов, масалан, олдин сифатланимиш танланади, кейин унга сифатловчи ташқаридан киритилади (қўшилади) деб тушунган, ваҳоланки "сўз ёювчиси" термини лексемага мансуб боғлашувнинг (валентликнинг) воқеланишини акс эттирадиган "бирикманинг бўлаги" тушунчасини англатади.

Ҳамид Неъматов нуқтайи назарига кўра асли *акамнинг китоби* бирикмасида ҳам аввал *китоби* қисми танланиб, кейин унга *акамнинг* қисми

¹ Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари, "Университет", -Т.: 1999, 30.

² Юкоридаги манба, 29.

кўшилган бўлиб чиқади. "Сўз кенгайтирувчиси" термини "кейин кўшиладиган (кейин киритиладиган) қисм" маъносини эмас, "сўзга мансуб валентликни воқелантирадиган қисм" маъносини англатади; олдин "сўзнинг валентлиги" воқеланиб бирикма тузилади, кейин бу бирикма "сўз валентлиги" воқеланган бошқа бирикмага боғланади. Ҳамид Неъматов келтирган (*катта акам*)нинг (*чиройли китоби*) бирикмасида худди шундай боғланиш аниқ ва тўғри кўрсатилган. Агар Ҳамид Неъматов ўз фикрида изчил турса, ноқулай бўлса ҳам, биринчи "тузма"сини қуйидагича шаклантириши лозим эди:



Аmmo бундай "тузма" билан лексемашакллар орасидаги хақиқий синтактик боғланишни тўғри акс эттириб бўлмайди.

Гапни "атов бирлиги + кесимлик кўрсаткичи" (WP_m) рамзи билан тушунтириш ўринли эмас, чунки "атов бирлиги" деган тил бирлиги йўқ, "атов бирлиги" демай "тил бирлиги" дейиш лозим. "Тил бирлиги" деганда синтактик вазифада келадиган лексема, бирикма каби тил бирликлари тушунилиши равшан бўлади. Тил бирлигига (лексемага, бирикмага) кесимлик кўрсаткичи кўшилса, тусловчили лексемашакл, тусловчили бирикмашакл юзага келади ва бундай бирлик синтактик вазифа жихатидан асли кесим бўлакка тенг бўлиб, якка ўзи гапшакл вазифасида ҳам кела олади. Ҳамид Неъматов "ихчам гап" деб номлаган *келдим* каби лексемашаклнинг якка ўзи гапшакл бўлиб келиши нутқда деярли учрамайди. Шунини ҳисобга олиб ҳам (WP_m) рамзини гапнинг асосий кўриниши дейиш нотўғри, "кесимнинг ўзи билан ифодаланган гап" мавжуд эканлиги ҳақида гапириш лозим.

(WP_m) рамзини "гапнинг минимал қолипи", рамзини "гапнинг максимал қолипи" дейиш, стрелкаларни бундай чизиш тўғри эмас. Аввало, WP_m E H эга кесимлик кўрсаткичига яхлитлигича эмас, балки фақат тусловчи қисмига алоқадор. Иккинчидан, ҳолнинг ҳам фақат пайт холи, шунда ҳам фақат *кеча*, *бугун*, *эртага* равиши билан ифодаланган ҳол билан замон ясовчиси орасида маъно мутаносиблиги мавжуд холос; демак, ҳолнинг барча маъно турлари кесимлик кўрсаткичига эмас, балки кесим вазифасида келаётган лексемага боғланади. Валентлик морфемага ҳам хос хусусият дейиш – ғайриилмий, зўрма-зўраки фикр. Шунга кўра юқоридаги учлик рамзида стрелка эгадан P_m га эмас, балки P_m нинг тусловчи қисмига, ҳолдан эса "атов бирлиги"га тортилиши тўғри.

Умуман, "систем-структур синтаксис" номи билан чоп этилган қўлланмаларда пала-партиш, илмий асосланмай айtilган фикр-мулоҳазалар кўп. Жумладан, тўрт автор номи билан чоп этилган ўқув қўлланмасининг 65-, 66- саҳифаларида Пиримқул Қодиров асаридан олинган жумла ва шу жумла учун тузилган жадвал, аввало, таркиб жихатидан тенг эмас, иккинчидан, синтактик бўлақларнинг ўзаро боғланишини бундай стрелкалар ёрдамида аниқ

ва тўғри кўрсатишга мутлако эришилмаган ва б.

Энди Пиримкул Қодиров асаридан мен келтирган жумланинг тахлилига қайтайлик. Бу жумладаги биринчи синтактик бўлак қандай таркиб топганини қавслар ва ост чизиклар ёрдамида кўрсатдик ва бу бўлак яхлитлигича ҳолловчи вазифасида келганини айтдик. Бу ерда ўрин ҳолловчисининг кўрсаткичи бўлиб келган *—да* аффикси ушбу бирикмага яхлитлигича яхлитловчи морфема сифатида қўшилган.

Шу жумлада иккинчи синтактик бўлак сифатида *симоби чакмон кийган, қалин қошлари бир-бирига туташиб кетган, ягриндор, қорамагиз йигит* бирикмаси ажралади. Бу сифатловчили бирикмага яхлитлигича бош келишик шакли қўшилиб эга вазифасида келган. *Йигит* сифатланмишига тўрт қисмдан иборат уюшиқ сифатловчи яхлитлигича тобеланган.

Уюшиқ қаторнинг биринчи қисми *симоби чакмон кийган* бирикмашакли билан ифодаланиб, ўз ичида *симоби чакмон* сифатловчили от бирикмани воситасиз тўлдирувчи вазифасида *кийган* лексемашаклига тобелаб $\{[(\text{симоби}) X (\text{чакмон})] X [\text{кий}]\}$ тарзида тузилган.

Уюшиқ қаторнинг иккинчи қисми *қалин қошлари бир-бирига туташиб кетган* гапшакл трансформаси билан ифодаланган бўлиб, бу ердаги трансформа гапшакл кесими таркибидаги тусловчини ташлаш ва замон ясовчисини сифатдош ясовчисига алмаштириш билан ҳосил қилинган. Гапшакл трансформаси таркибидаги лексемашакллар куйидагича боғланган: $\{[(\text{қалин}) X (\text{қошлари})] X [(\text{бир-бирига}) X (\text{туташиб кет})]\}$ ган.

Уюшиқ қаторнинг учинчи, тўртинчи аъзолари *ягриндор, қорамагиз* сифат лексемашакллари билан ифодаланган.

Юқоридаги тўрт қисм $\langle || + || + || + || \rangle$ тарзида $\langle \text{йигит} \rangle$ лексемашаклига бир бутун ҳолда сифатловчи бўлиб боғланган, ҳосила биргаликда эга вазифасида келган.

Жумланинг эга бўлагидан кейин *ёнбошлаб* лексемашакли билан ифодаланган ҳолловчи жойлашиб, эга ва ушбу ҳолловчи *ётибди* кесим бўлаги билан боғланган:

$\langle \dots \rangle X \langle \text{ёнбошлаб} \rangle X \langle \text{ётибди} \rangle$.

Демак, ушбу гапшакл уч бўлакдан — эга, ҳолловчи, кесим бўлақларидан тузилган; эга билан кесим мувофиқлашув алоқаси билан, ҳолловчи кесимга битишув алоқаси билан боғланган.

Эга билан кесим гапшаклнинг асосини ташкил қилади, шунга кўра гапшакл бўлақлари дейилади; эга бўлак қатнашмаса, гапшакл асоси кесимга тенг бўлади. Эга билан кесимдан ёки фақат кесимнинг ўзидан иборат гапшакл йиғиқ гапшакл дейилади.

Ҳолловчи, тўлдирувчи асли лексемага мансуб боғлашувнинг (валентликнинг) воқеланишига, демак, бирикманинг бўлагига тенг. Ҳолловчи, тўлдирувчи боғланган лексемашакл кесим вазифасида келса, бундай ҳолловчи, тўлдирувчи гапшаклнинг ёвчи бўлаги мавқеида қатнашади; бундай гапшакл ёйиқ гапшакл дейилади.

Синтактик бирликлар (лексемашакл, бирикмашакл, гапшакл) лисондан нутққа бориш, яъни тузиш (синтез) усули билан ҳосил қилинади. Лекин

амалиётда тайёр (тузилган) матнни қисмларга ажратиш (анализ) усули билан шуғулланиш устун. Бундай ажратиш (анализ) усули асли вокеликка терс, лекин ходисани соддароқ тасвирлаш ва осонроқ англаш мумкин бўлгани сабабли кўпинча шу усулга мурожаат қилинади.

АДАБИЁТ

- Абдуазизов А. А. Системативий фонологиянинг баъзи масалалари // ЎзМУ хабарлари, 2001, № 3.
- Абдуазизов А. А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. "Ўқитувчи", -Т.: 1992.
- Абдуллаев Ф., Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилидаги грамматик алоқанинг баъзи турлари ҳақида // ЎТА, 1968, № 5.
- Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. -М.: 1966.
- Баскаков Н. А., Содиков А. С., Абдуазизов А. А. Умумий тилшунослик. "Ўқитувчи", -Т.: 1979.
- Вопросы составления описательных грамматик языков народов СССР. Уфа, 1968.
- Грамматика русского языка. -М.: 1952, 1953.
- Грамматика современного русского языка. "Наука", -М.: 1970.
- Кодухов В. И. Введение в языкознание. -М.: 1979.
- Кодухов В. И. Единицы языка // Русский язык. Энциклопедия, -М.: 1979.
- Кодухов В. И. Общее языкознание. "Высшая школа", -М.: 1974.
- Махматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагмалар трансформацияси. "Университет", -Т.: 1998.
- Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. "Ўқитувчи", -Т.: 1993.
- Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. "Ўқитувчи", -Т.: 1995.
- Неъматов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. 1- қисм. "Университет", -Т.: 1999.
- Нурманов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. "Ўқитувчи", -Т.: 1990.
- Раҳматуллаев Ш. Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке. // Труды СамГУ. Вопросы фразеологии. Новая серия, вып. 106. Самарканд, 1961.
- Раҳматуллаев Ш. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. Автореф. канд. дисс. -М.: 1952.
- Раҳматуллаев Ш. У. О преобразовании грамматического строения у именных фразеологических единиц // Научные труды. ТашГУ, вып. 211. Языкознание. -Т.: 1963.

- Раҳматуллаев Ш. Гапга, бирикмага доир баъзи тушунча ва терминлар // ЎТА, 1968. № 6.
- Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. "Фан", -Т.: 1970.
- Раҳматуллаев Ш. Семема – мустақил тил бирлиги//ЎТА,1984,№5.
- Раҳматуллаев Ш. Синтактик таҳлилнинг айрим жиҳатлари // Филология (илмий мақолалар тўплами). IV. Саманқанд, 2002.
- Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. "Университет", -Т.: 2002.
- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилидаги бир синтактик қурилма ҳақида // ЎТА, 1992, № 2.
- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида тобе боғланишнинг турлари. "Университет", -Т.: 1993.
- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. "Университет", -Т.: 1992.
- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилшунослигининг таракқиёти ҳақида // ТошДУ хабарлари, 1998, № 1.
- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги таракқиёт босқичида пайдо бўлган айрим мунозарали масалалар ҳақида // ЎЗМУ хабарлари, 2003, № 2.
- Реформатский А. А. Введение в языковедение. "Просвещение", -М.: 1967.
- Русская грамматика. II. Синтаксис. "Наука", -М.: 1980.
- Слюсарева Н. А. О заметках Ф. де Соссюра по общему языкознанию // Ф. де Соссюр. Заметки по общей лингвистике. "Прогресс", -М.: 1990.
- Смирницкий А. И. Лексикология английского языка. -М.: 1956.
- Солнцев В. М. Единицы языка // Лингвистический энциклопедический словарь. -М.: 1990.
- Фердаус Содик. Сўз таркиби // Совет мактаби, 1954, № 3.
- Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики // Труды по языкознанию. "Прогресс", -М.: 1977.
- Фердинанд де Соссюр. Заметки по общей лингвистики. "Прогресс", -М.: 1990.
- Хомский И. Синтаксические структуры // Новое в лингвистике, -М.: 1962.
- Ўзбек тили грамматикаси. II. Синтаксис. "Фан", -Т.: 1976.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I, II том. -М.: 1981.
- Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (соғда гап синтаксиси учун материаллар). -Т.: 2002.
- Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси (ўқув қўлланмаси). -Т.: 2004.
- Ҳожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. "Ўқитувчи", -Т.: 1979.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
БИРИНЧИ ҚИСМ. Тил қурилишининг асосий бирликлари	5
Тил : лисон ва нутқ	5
Тил бирликларининг адабиётлардаги талқини	10
Асосий тил бирликларининг умумий таснифи	22
Тил бирликларининг тавсифи	24
Тилнинг бир жихатли бирликлари : товуш, фонема	24
Тилнинг икки жихатли бирликлари	27
А. Сегмент тил бирликлари	27
1. Лексема ҳақида	27
2. Морфема ҳақида	30
3. Фразема ҳақида	34
Б. Носегмент тил бирликлари	36
1. Лексемашакл ҳақида	37
2. Бирикма ҳақида	39
3. Гапшакл ҳақида	56
Тил қурилишининг босқичлари ва тилшуносликнинг уларни урғанадиган соҳалари	69
ИККИНЧИ ҚИСМ. Тил қурилишининг асосий бирликлари орасидаги муносабатлар	73
Иерархик, таркиб топтирувчилик муносабатлар	73
Тил бирликлари қисмларида аранжировка	77
Тил бирликларида воқе бўладиган синтагматик муносабатлар	87
Грамматик шакл ҳосил қиладиган кўрсаткичларнинг флектив ва агглютинатив тип тиллардаги айрим хусусиятлари	111
Тил бирликлари орасидаги ассоциатив ва парадигматик муносабатлар	121
Луғавий бирликларда боғлашув (валентлик) ва унга тааллуқли ҳодисалар	130
Синтактик алоқанинг турлари масаласи	142
Синтактик трансформация ҳақида	149
Синтактик булакнинг ифода материали ва синтактик таҳлил	152
АДАБИЁТ	157

Босишга рухсат этилди 15.11.2007. Ҳажми 10 босма табак.
Бичими 60×84 1/16. Адади 100 нусха. Буюртма 05.
М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.